

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МАМАРАЖАБ ХЎЖАМОВ, МОЙЛИ ЛАФАСОВ,
РАЪНО МУЛЛАДЖАНОВА

ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ТУРИЗМ

Ўқув қўлланма

ТЎЛДИРИЛГАН, ҚАЙТА НАШР

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2014

УДК: 94(575.1)
ББК 26.89+65.433

Қўлланма Республикамизда тарихий ўлкашунослик ва туризмнинг ташкил этилиш тарихи, мазмуни ва методлари, унинг асосий манбалари, ўлкамиз тарихига оид археология, топонимика, этнография, жузгофия, музей ишлари, архившунослик, ёзувнинг пайдо бўлиши, Ўзбекистон вилоятларининг тарихий-маданий ёдгорликлари, ўлка тарихи ва туризмини ўрганишда архивларнинг роли, ўлкашунослик тўғарақлари, шунингдек, туризм ва унинг турлари, йўналишлари, юртимизнинг туристик масканлари ҳамда ўлка тарихи ва ривожланишидаги аҳамияти ёритиб берилган.

Олий ўқув юртлари бакалавр босқичи талабалари ҳамда ўлкашунослик билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари номзоди, доцент Э.Қосимов

Тақризчилар:

ЎзРФА академиги А.Асқаров,
тарих фанлари номзоди, доцент Ў.Мансуров

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 26 февралдаги 51-сонли буйруғига асосан нашрга рухсат берилган. Ўқув адабиётининг нашр рухсатномасини рўйхатга олиш рақами 276.

Бакалаврият таълими йўналиши:

5111600 - Миллий гоёя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

ISBN 978-9943-398-53-5

© М.Хўжамов, 2014.
© «MUMTOZ SO‘Z», 2014.

“Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим”.

Ислом Каримов

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақилликнинг қарор топиши билан ўзбек халқининг азалий орзси рўёбга чиқди.

Мустақилликнинг халқимизга берган улуғ неъматларидан бири – кўхна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзликни англашга, азалдан шу она заминда истиқомат қилиб келган аждодларимиз орзу этганидай, хур ва озод яшашга, юртимизнинг буюк истикболи йўлида завқ билан ҳаёт кечириш ва меҳнат қилиш шайроитини юзага келтирди. Эндиликда бу ўлка нафақат ўзбек халқига, унда яшаётган турли миллат вакиллари учун ҳам муқаддас ошён, табаррук диёрдир.

Қадимшунос олимларимиз эътироф этганларидай, ўтмиши инсоният илк аждодларининг вакиллари яшаган узоқ тарихга тенгдош бўлган бу қадимий ва жозибали Ватанни, унда яшаб, этномаданий ривожланиш, юксалиб бориш баробарида дуиё тамаддуни-(цивилизацияси)нинг бойишига самарали таъсир кўрсатган буюк алломалар, қахрамонларни вояга етказган халқимизнинг ўтмишини рўй-рост ўрганишга, ҳозирги ҳаёти билан яқиндан танишишга кенг имкониятлар пайдо бўлди. Зеро, Ватанимизнинг бой тарихини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва куч-қудратига дахлдор асосли далиллар билан танишиб бориш орқалигина кишиларда уларни қадрлашга иштиёқ, ардоқлашга доир мақсад камол топади. Шу жиҳатдан олганда ”Ватан – остонадан, ватанпарварлик – ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади” деган нақл замирида асосли ҳақиқат ва ҳикмат бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу борада: “Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳудудида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида мавжуд. Ана шундай бой маънавий меросимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларимиз онгига теран сингдириш матбуотимизнинг долзарб вазифасидир”¹ деб қайд этган эдилар.

Ҳақиқатан, бу ўлкада ота-боболаримиз, аждодларимизнинг ақл-заковати, маҳоратли қўлларни билан, айниқса, IX-XII, XIV-XIX асрлар давомида киши ақлини лол қолдирадиган даражада нафис ва нозик қилиб ишланган нақшлар қадимий ва навкирон Самарқанд,

¹ Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. Б. 21.

Бухоро, Хива каби шаҳарларнинг маҳобатли деворларида ёрқин кўринишда ўз аксини топган. Давр руҳига монанд услубларда барпо этилган муҳташам бинолар ва улардаги шарқона услубга хос ўймакорлик нақшлари ўз тараққиётининг юксалиш босқичига кўтарилганидаи гувоҳлик беради. Шу билан бир қаторда ислимий услубда ишланган нақшлар, яъни гул ва новдаларнинг мураккаб услубдаги нақшинкор кўрнишлари ҳамда ҳозирга қадар яхши сақланиб келаётган тиллада қориб ишланган бошқа безаклар ажодларимиз юксак санъатининг тимсоли сифатида бугун ҳам барчанинг эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Қадимги ва ўрта асрлар меъморчилик обидаларини сақлаш, ўрганиш ва муҳофаза қилиш ишларига доимий равишда эътибор билан қараш ҳозирги замон ёш авлодини, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, халқлар ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қўлланмада ўзбек халқининг тарихий тараққиёти, моддий ва маънавий ёдгорликларини тарихий ўлкашуносликнинг асосий манбалари бўлган археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатлари орқали ўрганилиши берилган. Шунингдек, ўлкада туризм (сайёҳлик)нинг шаклланиши, ривож ва истиқболларига доир бўлган масалаларнинг ёритилганлиги муҳимдир.

Табийки, ҳар бир оила, элат, халқ ёки миллат вакиллари ўзларининг тарихий тараққиёт даврини, шунингдек, ўз ажодларининг номини, босиб ўтган йўллари, қайси уруғ, қайси авлоднинг давомчилари эканликларини билишлари лозим. Этнографик мазмунмоҳият касб этадиган бу каби миллий анъаналар, албатта, ҳар бир халқ ва миллатнинг ўз-ўзини англашида, асрлар давомида кашф этиб қолдирилган моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек сақлаб, уларни янги маъно ва мазмун билан бойита боришида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада ҳатто, муқаддас ҳадиси шарифда ҳам ҳар бир мусулмон ўзининг етти авлодини билиши зарур эканлиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Гап тарихий хотира, унинг аҳамияти тўғрисида борар экан, биринчи галда, ўзликни англаш ҳар бир инсоннинг ўз она юрти тарихини асосий манбалар замирида атрофлича ўрганиши тақозо этилади. Мана шу муаммоларни илмий-назарий, методик, педаго-

гик ва дидактик жиҳатдан ўрганишда олий ўқув юртларида "Тарихий ўлкашунослик ва туризм" фани ўқитилиб келмоқда.

Таълим-тарбия назарияси ва амалиётида шу нарса сир эмаски, умумтаълим мактабларида, ЎМКХТ (Ўрта махсус касб-хунар таълими) тизимида ёки бакалаврият босқичи, магистратура таълимида бирор курс ёки фандан сабоқ беришни жорий этишдан олдин унинг зарурати англаб олинади. Бўлажак иедагог мутахассисларни тайёрлашда "Тарихий ўлкашунослик ва туризм"ни, айниқса, жаҳон миқёсида "иктисодий инқироз" кечаётган бир найтда Ўзбекистон шароитида бу фаннинг ўқитилиши унинг илмий-назарий ва методологик асосини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни тақозо қилади. Бу масалани атрофлича тасаввур қилиш учун фан тарихига эътибор қаратиш ҳам муҳимдир. Авваламбор тарихий ўлкашунослик ва туризм тўғрисида фикр юритар эканмиз, умуман, тарих фани, шахс ва жамият, миллий истиқлол ғояси, адабиёт, жуғрофия, биология ва сўнги йилларда умумтаълим мактаблари ва ЎМКХТ тизимида кенг жорий этилаётган махсус курслар – оила психологияси, диншунослик, эстетика асослари ва бошқаларни ўқитиш самарадорлигини ошириш учун таълимнинг кундалик ижтимоий ҳаёт билан алоқадорлигини амалга ошириб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов таъкидлаганларидек: "Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини сақлаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва хунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради"¹.

Дарҳақиқат, ана шундай бой ва қадимий тарихга эга бўлган ўлкамиз, аждодларимиз маданий меросининг ўзи бир катта хазинаки, уни мукамал ўзлаштириш, авлодларга янада бойитиб етказиш бизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади. Бу нафақат давр талаби, шу билан бирга муқаддас диёримизда яшовчи ҳар бир кишининг бурчи ҳамдир.

Тарихий ўлкашунослик ва туризм ишларини тўғри ташкил этиш ўлка тарихини ўрганиш жараёнида, айниқса, миллий истиқлол ғояси, иктисодий жуғрофия, "шахс ва жамият", экология фанларини интеграцион ҳолда ўрганишни янада такомиллаштиришда илмий-методик ва дидактик жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

¹ Ислоҳ Қаримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 30.

Ўлка бўйлаб саёҳат ва экскурсиялар ўқувчиларга ўлка тарихини ҳар томонлама мукамалроқ ўрганиш имкониятларини беради. Айни вақтда, бундай амалий фаолиятлар жараёнида ўқувчилар орасида эркин, табиий мулоқот муҳити юзага келади. Бу эса ўз навбатида, педагогга ўз ўқувчисининг ахлоқий сифатлари ва маънавий дунёсини янада яқинроқ ўрганишга ҳам имкон беради.

Ўлкашунослик ва туризм ишлари билан атрофлича шуғулланиш ўқувчиларнинг мустақил ишга ўзига хос индивидуаллик билан ёндашувларига ва ўз қобилиятларини ривожлантириб боришларига ҳам ёрдам беради. Шунингдек, саёҳатлар давомида ишчилар, хунармандлар ва бошқа турли касб эгаларини диққат билан кузатишлари натижасида уларда маълум соҳага қизиқиш пайдо бўлиб, келажакда онгли равишда бирор касбни танлашга иштиёқнинг уйғониши табиийдир. Яна шу нарса муҳимки, ўқитувчи экскурсия жараёнида ўқувчиларни психологик жиҳатдан ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳам тайёрлаб боришга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Мактаб ўлкашунослигининг табиатни муҳофаза этишдаги роли ва ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", – дея қайд этилгани ҳам ўқитувчи учун бу масала табиатни муҳофаза қилиш борасида олиб борадиган педагогик фаолиятининг асосини ташкил этишини кўрсатади.

Ўлкашунослик ва туризм ишининг илмий-методик жиҳатдан тўғри йўлга қўйилишидаги муҳим бир жиҳат шуки, у ҳам бўлса, фан орқали ёшларда эстетик дидни атрофлича шакллантирилишида намоён бўлади. Тарихий ёдгорликлар ва замонавий иншоотларни кузатиш, синчиклаб ўрганиш баробарида табиат бўйлаб сайр-саёҳатлар ўқувчиларда уларга бўлган катта қизиқишларни уйғотиши билан бирга табиат сирларига мукамалроқ кира бориб, унинг тақдорланмас ҳаётий гўзалликларини ҳис этишларига олиб келади.

Ўлка билан танишув орқали ўқувчиларда ўзи туғилиб ўсган жой – Ватан ҳақида, унинг узоқ-яқин тарихи, халқнинг буйёдорлик салоҳияти, ижодқорлиги тўғрисида яққолроқ тасаввур пайдо бўлади ва буларнинг барчаси бир умрга уларнинг ёдида сақланиб қолади. Бу эса ўз навбатида, ёшларимизни ўзлигини англашида, миллий истиклол ғояси асосида тарбияланишида ҳамда мил-

лий тафаккурининг шаклланишида муҳим назарий ва амалий аҳамияти бор. Шунинг ҳам алоҳида қайд этмоқ лозимки, тарихий ўлкашунослик ва туризм фани юзасидан тегишли дастур орқали бажариладиган барча ишлар ўқувчида ҳамда ўқитувчида тадқиқот йўсинидаги илмий-педагогик фаолият-қўникмаларни шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир этади.

Ўлкашуносликнинг барча турлари, айниқса мактаб ўлкашунослиги биринчи галда, ўқувчиларда илм олишга иштиёқни, уларни ўраб олган дунёга катта қизиқиш билан қарашни, илмий-амалий тадқиқотларга майлликни ҳамда ўзлари яшаб, униб-улғайиб бораётган худудларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарихий тараққиётига дахлдорлик ҳиссини ва уларга катта қизиқиш билан ёндашувларини шакллантириши лозим.

Табиийки, бунда ўқитувчининг нафақат ўз фанини яхши билиши, балки тарихий ўлкашунослик ва туризм бўйича илмий-методик ва дидактик билимларини ёш авлодга энг самарали методлар воситасида етказиб бериш тажрибасини эгаллаши талаб этилади.

Ўтмиш билан бугунги кун ўртасида ворисийлик анъанаси мавжуд. Ўтмишни ўрганмасдан туриб, бугунги кун ва келажакнинг моҳиятини чуқур англаб бўлмайди. Демак, улар бир-бири билан кўзга кўринмас ришталар билан боғланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тарихий ўлкашунослик ва туризм фанига минтақамиз халқлари томонидан яратилган маданий ёдгорликларни, маънавий-маърифий меросни авайлаб-асрашга, уларни янада бойитиб, ривожлантиришга хизмат қилувчи фан сифатида ҳам қарашимиз зарур. Маълумки, фаннинг турли йўналишлари халқларнинг кўп қиррали қадриятларини муайян категория ва қонуниятлар асосида ўрганади. Улар эса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун хизмат қиладиган “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фани учун ҳам зарурдир.

Ушбу ўқув қўлланманинг хронологик доираси қадимдан то бугунги кунимизгача камраб олинган бўлиб, унда кам ўрганилган маънавий ва маърифий қадриятларимизнинг юксалиш қонуниятлари тарихий, фалсафий, этнопсихологик, топонимик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўрганилади, ўлкашунослик материалларининг музей ва архивларда сақлаш йўллари, услублари ва тарбиявий аҳамияти таҳлил қилинади.

Тарихдан маълумки, муайян халқлар ва давлатларнинг ривожланиб бориши мобайнида ёки босиб ўтган олис ёки яқин тарихий

тараққийёт йўлларида шундай даврлар бўлганки, улар ўша даврда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг бир қанча ёхуд кўплаб жабҳаларида нисбатан ўта юқори чўққиларга кўтарилган, эришилган моддий ва маънавий ютуқлар эса кишиларни хайратга солади, тўлқинлантириб, муъжиза сингари эътиборни ўзига жалб этади. Бизнинг ҳозирги давримизга қадар кўп миқдорда сақланиб қолган халқ моддий-маънавий меросини ўрганиш, ёш авлодни яқиндан таништириб бориш эса уларни ижодкорликка, илмий изланишларга иштиёқини ошириб, ёдгорликларимизни ҳамда маънавиятимизни асраб-авайлашга чорлайди.

Бу фан ўзида тарихий, жуғрофий, антропология, археология, этнография, топонимик маълумот ва материалларни, шунингдек, илк ёзувларнинг пайдо бўлиш тарихи, туризм, унинг шаклланиши, йўналиш ва турлари ҳақида қисқа маълумотларни мужассамлаштирган.

Мамлакатимизда сайр-саёҳатни ривожлантириш учун эса улкан имкониятлар мавжуд. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Тошкент, Кува, Ахсикент каби шаҳарларимиз бутун дунёга машҳур. Ўлкамиз табиати эса иқлим-шароити қишин-ёзи саёҳатчиларни қабул қилиш имконини беради.

Демак, фан олдида турган масъулият жуда катта, чунки ёш авлодни инсонпарвар, маънавий жиҳатдан етук, баркамол инсон бўлиб шаклланишида “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанини ўрганишга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

I боб. ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, АСОСИЙ МАНБАЛАРИ. ЁЗУВЛАР ТАРИХИ

**1-мавзу: “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанининг
предмети, ривожланиш босқичлари**

РЕЖА:

1. “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанига кириш, унинг предмети ҳамда турлари.
2. Ўлкашуносликнинг ривожланиши.
3. Маҳаллий тадқиқотчилик.

Калит сўзлар: *ўлкашунослик турлари, ўлкашуносликнинг ривожланиши, маҳаллий тадқиқотчилик, давлат ўлкашунослиги, жамоат ўлкашунослиги, мактаб ўлкашунослиги, академик-лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўлкашунослиги, ўлка тарихи.*

Тарихий ўлкашунослик ва туризм фанининг предмети

Ўлка ва халқ ўтмишини, унинг энг қадимги даврлардан ҳозирга қадар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ривожланиб боришининг энг муҳим жиҳатлари, яъни: ўлкада илк исоният манзилгоҳлари, турмуш тарзи, уруғ, қабила, элат ва миллатнинг этномаданий ривожланиши, қишлоқ, шаҳар, давлатларнинг шаклланиши ва тараққиёти, тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадимжойлар, уларнинг номлари билан боғлиқ ўлка топонимикасини, туризмнинг ривожланиш тарихи ва бугунги аҳволини, республикамиз мустақилликка эришуvidан кейин амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этишдан иборат.

Тарихий ўлкашунослик ва туризм фанининг максали

Ўлка ва халқ тарихини чуқур ўрганиш, ўқувчиларда маданий меросдан фахрланиш туйғусини уйғотиш, кадриятларимизга содиқлик, уни чет эллик сайёҳларга фахр билан айта олиш руҳини сингдириш ва шулар орқали Ватанга ва халққа бўлган муҳаббатни янада оширишга қаратилган. Шунингдек, халқимиз тарихи, унинг ривожланиб бориши жараёнларини, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга доир тафсилотларни ўқувчи-ёшларга

тушунтириш орқали уларда мозийга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат, бугунги мустақиллик берган озодликни қадрлаш билан боғлиқ тушунча ва туйғуларни шакллантиришдан иборат.

Тапхий ўлкашунослик ва туризм фанининг вазифаси

Ватанамиз тарихини, унинг энг қадимги даврлардан то ҳозиргача бўлган даврини, жойлардаги маънавий ва моддий ёдгорликларни *археологик маътериаллар, этнографик, топонимик маълумотлар, архившунослик ҳужжатлари, музей экспонатлари ва туризмга доир тушунчалар* орқали тадқиқ ва тарғиб этишдан иборат. Шу билан биргаликда ўқувчи-талабаларда Ватанга муҳаббат, ўзи туғилиб ўсган юртга ҳурмат ва иззат, бошқа халқлар қадриятларига нисбатан эҳтиромни шакллантиришга қаратилган.

Тарихга назар ташласак, ўз ўлкасини севиб, унинг тупроғини ардоқлаган аждодларимиз – халқимиз кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳадиси шарифда ҳам “Ватанни севмоқ иймондандир”, – дейилган жумлаларга дуч келамиз. Зотан, она-юрт фарзандлари учун Ватанни севиш, унинг тарихини ўрганиш, дилга жо этиш муқаддас бурчдир.

Дилда Ватан туйғуси билан яшаб, халққа меҳру-муҳаббат, садоқат ишқида фаолият олиб борган, курашган қанчадан-қанча зотлар илму-фан, ижодда, касб-хунар, мартабада, ғанимларга қарши жангу-жадалларда юксак зафарларни кучганлар, улуғлик даражасига эришганлар. Масалан, уларга Широқ, Тўмарис, Спитамен кабиларни, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Жалолоддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Увайсий, Нодира, Муқимий, Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек, Яҳё Ғуломов, Зулфия, Озод Шарафиддинов ва бошқа шу сингари кўплаб номларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Уларнинг номлари ўчмас, мангуликка дахлдор бўлиб, миннатдор халқ томонидан доимо ёд этиб борилади.

Ватан мавзуси, унинг мадҳи кўплаб ижодкорларнинг асарларида етакчи мавқени эгаллаб келган. Масалан, атоқли халқ адиби қаламига мансуб шеърларнинг бири қуйидаги мисралардан бошлаingan:

*Ватанни сев, тупроғини ўт,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.*

*Ўзбекистондаги ҳатто қуруқ чўп
Жондан яқин юрагимизга(Ойбек).*

Ватан ва халққа бўлган эътибор, муҳаббатнинг ортиб бориши юртимиз фуқароларини, айниқса, ёшларимизнинг энг муҳим фазилатига айланиши зарур. Бу эса ўз навбатида кишилардан ўлкани, халқимиз ўтмиши ва бугунги ҳаётини яқиндан ўрганиб боришларини тақозо этади. Ватанни ўрганиш – остонадан, яъни уй-атроф, маҳалла ёхуд қишлоқ, туман, шаҳар, воҳа ва ўз навбатида, яхлит ўлка – Ўзбекистонимизни ўрганиш билан боғлиқ бўлса, айни вақтда, халқни ўрганиш ҳам кишининг туғилган гўшаси – уйдаги оила аъзолари, қавм-қариндош – шажарасини, шунингдек, халқимизнинг тарихи ва ҳозирги ҳаёти билан танишиб боришлари билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Ватан ва халқимиз, унинг узоқ-яқин ўтмиши, бугунги ҳаётига доир тадқиқотлар, изланишларни амалга ошириш, уларни яқиндан ўрганишга киришиш эса кўпроқ ўлкашуносликнинг қуйидаги турлари орқали амалга оширилади.

Ўлкашуносликнинг турлари.

Ўлкашунослик ўзининг ташкилий шаклига кўра қуйидаги 4 та турларга бўлинади:

- 1) давлат ўлкашунослиги;
- 2) жамоат ўлкашунослиги;
- 3) мактаб ўлкашунослиги;
- 4) академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўлкашунослиги.

Ўлкашуносликнинг ҳар тўрт тури ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдирди.

*Давлат ўлкашунослиги*да республикада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, унинг тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш кўмитаси, музейлар, Республика Фанлар академияси қошидаги Тарих ва Археология институтлари ўлкашунослик илмий тадқиқоти билан шуғулланади.

Жамоат ўлкашунослиги қишлоқ, туман, шаҳар ва вилоят ҳудудидаги тарихий обидаларни сақлаш ва асраш ишларини уюштириш, ташкил этиш билан бирга, жойларда истиқомат қилиб турган халқларнинг келиб чиқиши (этногенезиси), урф-одатларини ўрганади ҳамда машҳур шахслар, меҳнат қаҳрамонлари хотирасини абадийлаштириш учун ҳайкаллар, мангу олов, хурмат тахталари ташкил қилишда маҳаллий ҳокимиятга ёрдам беради. Жамоат ўлкашунос-

лиги жамоаси сафида танга-пулларни ўрганувчи ҳаваскор мутахассислар – *нумизматлар*, муҳрларни ўрганувчилар – *сфрагистлар*, тамға (герб)ларни ўрганувчилар – *геральдистлар*, тош, металл, соиол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган олимлар – *эпиграфистлар*, эски асбоб-ускуналар ва курул-аслаҳа ҳамда шу кабиларни тўйловчилар ҳам уюшади.

Мактаб ўлкашунослиги эса мактабларда тарих, шахс ва жамият, география фани ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлигида ташкил қилинади. Мактаб ўлкашунослигининг аъзолари V-IX синфларнинг эиг фаол, аълочи ўқувчиларидан тузилиб, улар ўлкага оид материалларни тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда тўплайдилар. Тўплаган археологик, этнографик, топонимик маълумот ва материаллар ва архив ҳужжатлари мактаб ўлкашунослик ва тарих музейларида намойиш қилиб борилади.

Мактаб ўлкашунослигида таълим-тарбия турмуш, ишлаб чиқариш, янги жамият қуриш тажрибаси билан узвий боғлиқ ҳолда ўргатилади. Ўқитиш жараёнида ўлка материалларидан ўринли фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини ўрганиб, чуқур билим олишига, мустақил ижод қилишига ёрдам беради ҳамда касбларга бўлган қизиқишларини орттириб, келгуси ҳаёт йўлини танлаб олишларига ёрдам беради.

Ўқувчиларни ўзи туғилиб ўсган ўлка тарихи билан яқиндан таништириб бориш уларда нафақат тарихий тасаввурларни, айни вақтда, жуғрофик, экологик, табиатшуносликка оид тушунчаларни шакллантиришда муҳим педагогик ва методик аҳамиятга эга.

Мактаб ўлкашунослиги *икки қисмдан иборат бўлиб*, ўқув жараёнида (ўқув дастури асосида) ва дастурдан ташқари (мактабнинг тарбиявий ишлар режасига кўра) амалга оширилади. Ўқув жараёнида (синфда) олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари ҳам *икки мақсадга қаратилган*. Биринчиси, ўз ўлкасининг ўтмишини археологик, этнографик, топонимик материаллар, кўлёзма асарлар ва архив ҳужжатлари асосида ўрганиш ва ўлкашунослик материалларини бир тизимга солиш бўлса, иккинчиси, тўплаган ўлкашунослик материалларидан тарих ҳамда шахс ва жамият дарсларида фойдаланиш. Синфда олиб бориладиган ўлкашунослик ишларида барча ўқувчиларнинг иштирок этиши табиийдир. Мактабдан ташқари олиб бориладиган ўлкашунослик ишлари, яъни саёҳатлар, археологик илмий сафарларда эса Ўзбекистон Фанлар академияси

Тарих ҳамда Археология институтининг тавсияси билангина шу ишга лаёқатли ўқувчилар иштирок этадилар.

Мамлакат, халқимиз таълими тарихига назар ташлар эканмиз, ўлкашунослик маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик ишларини жадаллаштиришда ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ўрганишга қаратилган ижтимоий ҳаракат даражасида олиб борилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Таниқли ўлкашунос олим А.С.Барковнинг фикрича, ўлкашунослик хусусида гап борганда, унга мактабларда ўқитиладиган алоҳида фан сифатида қараб келинган. А.С.Барков: “ўлкашунослик – бу илмий фанлар мажмуаси бўлиб, мазмуни ва тадқиқот қилишнинг хусусий методлари ва турли йўналишларга эга бўлган, лекин давлат қурилиши маифаати йўлида ўлкани ҳар томонлама (комплекс) ўрганилишини тақозо этадиган фан”¹ – дея таъкидлаган эди.

Мактаб ўлкашунослигида асосий ишлар ўқитувчи раҳбарлиги остида аниқ режа ва мақсадлар сари фаолият олиб борадиган ўқувчилар гуруҳига боғлиқ бўлади. Шунингдек, ўлкани ўрганишда маҳаллий аҳоли, сайёҳлар ҳам шуғулланишлари мумкин. Туман, вилоят маданият уйлари, турли клублар ҳам бу соҳада фаолият кўрсатадилар. Мактаб ўлкашунослигининг моҳияти шундан иборатки, унда ўқувчилар ўз ўлкаларининг маълум ҳудудини бевосита ўқитувчилари раҳбарлигида ҳар томонлама ўрганадилар. Мактаб ўлкашунослиги жамоат ўлкашунослигидан шуниси билан фарқланадики, у фақатгина ўқитувчилар ташаббусида амалга оширилиб, мактаб олдига қўйган ўқув-тарбиявий ишларни давр талаблари даражасида уйғунликда олиб боришга хизмат қилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўлкашунослик ишларига раҳбарлик қилишдан олдин ҳар бир фан дастурининг талаби, синфдаги ўқувчиларнинг қизиқишлари, у ерда олиб бориладиган ўлкашунослик ишларининг йўллари ва методларини олдиндан ҳар томонлама ўрганиб, аниқ режалаб олган бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам мактаб ўлкашунослигининг самарадорлиги, унн ташкил этиб бошқараётган ўқитувчининг таълимни қандай эгаллаганлиги ва уни бошқариш маҳоратига боғлиқ бўлади. Ўқитувчи ўқувчининг ўзи ўрганаётган ўлкасини яхши, атрофлича билиб олишини, уни ҳар доим тизимли равишда оддийдан – мураккабга қараб ўрганиб боришини талаб

¹ Барков А.С. Вопросы методики и истории краеведения. Москва: Изд-во АПН РСФСР, 1962. С. 67.

этади. Айни вақтда, мактаб ўлкашунослиги ўқитувчининг педагогик маҳоратининг сайқал топишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўқувчилар билан ўлкашунослик ишларини юқори таълим-тарбиявий даражада олиб бориш, яъни ўқувчиларга зарурий билимларни аниқ рақамлар, далилий манбалар, кўргазмали қурооллар воситалари асосида етказиб бериш уларнинг билим-савияси, тасаввур ва тушунчаларини ошувига хизмат қилади. Тарихий ўлкашунослик ва туризм фани ўқитувчи учун ўқувчиларнинг таълим-тарбиялари хусусида илмий-педагогик тадқиқот олиб боришнинг энг мувофиқ йўли ва объекти ҳисобланади.

Таълим тарихи тажрибаси шундан далолат берадики, Ўзбекистон халқлари тарихини маҳаллий (туман, вилоят, республика) ўлкашунослик материалларисиз ва уларнинг асосий манбалари: археологик, этнографик материаллар, топонимик маълумотлар, архив ҳужжатлари ва музей ашёларисиз, шунингдек, бу борадаги даврий матбуот ахборотлари ва бошқа тарихий манбаларсиз ижобий натижаларга эришувини таъмин этиб бўлмайди. Бунинг учун биринчи галда олий таълим муассасалари тарих факультетларида талабалар ва маҳаллий мактаб тарих ўқитувчилари учун тизимли равишда семинарлар ўтказилиши, туман, шаҳар, вилоят тарих ва ўлкашунослик музейларига саёхатлар уюштирилиши, тарихий ўлкашунослик музейларида маърузалар ташкил этилиши лозим. Бундай тадбирларга талабалар билан бирга туман умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари тарих фани ўқитувчиларини жалб этилиши айни муддаодир. Ана шундай ишлар бажарилгандагина таълимнинг реал ҳаёт, турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга, бошқача қилиб айтганда таълим-тарбияни узвий равишда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан уйғунликда амалга ошириш имконияти яратилади.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўлкашунослигига ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчилари, яъни I-III курсларнинг фаол, иқтидорли талабалари жалб этилади. Уларга “Тарих”, “Миллий ғоя”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари” фанлари ўқитувчилари раҳбарлик қиладилар. Бунда талабалар айни вақтда нафақат ўқиб-ўрганадилар, балки дастлабки илмий изланишларни ҳам олиб борадилар.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўлкашунослиги ўқувчиларни юқорида қайд этилган фанлардан олган билимларини

кенгайтиради ва ойдинлаштиради. Буларнинг барчаси эса турли фанлар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўлкашунослиги тарихий обидаларни сақлаш ва ҳимоя қилиш, қадимий манзилгоҳларни топишда ҳам катта рол ўйнайди ва ўқувчиларни мустақил ишлаш, ижод қилишга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов алоҳида қайд этиб ўтганларидек: “Ватанимизнинг бой тарихи, бетакрор маданияти, сермазмун ҳаётини дунёга тараннум этиш”¹ ўлкашунослар ва туризм билан шуғулланувчиларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Дарҳақиқат, “бугунги мураккаб, глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади”².

Ўрта асрлар ва янги даврда ўлкамизнинг ўрганилиши. Темурийлар даври. Ватанимиз ўтмишини тарихий манбалар асосида таҳлил этар экаимиз, бу борада давлат арбобларининг ҳам кўпгина фикр-мулоҳазалари ёдга келади. Темурийлар тарихига мурожаат қилсак, Темур 1370 йил рамазон ойининг 10 кунда Балхда йиғилган қурултойда Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилиниши билан, у олдин Кешга, кейин давлат пойтахти деб эълон қилинган Самарқандга келди.

Темур нима учун ўз давлатининг пойтахти этиб Кеш, Тошкент, Бухоро ёки бошқа шаҳарни эмас, айнан Самарқандни сайлади, деган савол пайдо бўлиши табиийдир. Дарҳақиқат, Соҳибқиронда бундай қарорга келиш учун муҳим сабаблар бор эди. Чунки Самарқанд қулай жуғрофий жиҳатларга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг ўртасида жойлашган. У серсув ва уч тарафлама тоғлар билан ўралган. Дарахтзор водий, адир қўшилиб, хушманзарали, хуштабиатли, оромбахш иқлими барқарордир. Самарқанд жуда катта қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо, рангли ва иодир металл конларига эга бўлиб, ўша даврда ҳам улардан давлат ишида маълум даражада фойдаланиш мумкин эди. Ана шундай омиллар Темур

¹ Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига / 17-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. Б. 238.

² Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. Б. 2.

томонидан Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб олинишига асос бўлган¹.

Муаррих Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг ёзишича, “Самарқандда Амир Темур Кўрагон курдирган боғларким, Эрам гулистони рашк қилар даражада етгита эди”. “Боғи шамол”, “Боғи баланд”, “Боғи биҳишт”, “Боғи чинор”, “Боғи дилқушо”, “Боғи зоғон” ва ниҳоят, “Боғи жаҳоннома” шулар жумласидан эди. Айрим тарихчиларнинг фикрича, Темур давридаги Самарқанд атрофида энг йирик боғлар сони 14 та бўлган. Булар “Боғи нав”, “Гулбоғ”, “Боғи бўлду”, “Нақши жаҳон”, “Боғи Давлатобод”, “Боғча”, “Боғи майдон” ва бошқалардир².

Соҳибқироннинг Франция кироли Карл VIга йўллаган мактубида (1402 йил 1 август) бундай дейилган: “Савдогарларингизни биз тарафларга юбориб турсангиз, бу ерларда аларга иззат-хурмат кўргузилгай. Бизнинг савдогарларимиз ҳам ул сафарларга боргайларким, алар ҳам ўша мамлакатда иззат қилингайлар. Бирор зот аларга зўрлик қилиб, ранжитмасин”. Шу билан бирга Темур ҳам мамлакатда хорижлик савдогарларининг қулай шароитда яшашлари ва фаолият юргизишларига шароит яратиб қўйган эди. Самарқанд бозорларида мол кўп, – деб ёзган эди ўз хотираларида Кастилия элчиси Руи Гонсалес, – улар моллари Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа мамлакатлардан келтиради. Шаҳарда савдо-сотик қилишга қулайлик бўлмагани учун Амир Темур шаҳардан катта кўча ўтказишни ва унинг икки тарафига эса дўконлар қуришни буюрди. Кўчани жуда кенг қилиб қурадилар, унинг икки тарафида эса дўконлар ва олдида оқ мрамрлар қопланган олий ўриндиқлар бино қилдилар”.

Ўлка тарихини ўрганишда шу каби эсдалик ва хотираларни, тарихий ёзишмаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги тадқиқотларда эса Буюк ипак йўлининг ҳам ролини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки у Ўрта Осиёни Европа ва Шарқ билан яқиндан боғлади, шунингдек, ўлкамизни ўрганишда ва бу ерда сайёҳликнинг ривож топишида муҳим аҳамият касб этди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Михаил Васильевич Ломоносов. Россияда Тарихий ўлкашунослик кўпроқ рус тарихчи олимлари томонидан яратилган тамойиллар, илмий-методик ва педагогик

¹ Муминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тулган ўрни ва роли. – Тошкент: Фан, 1993. Б. 27-29.

² “Ўзбекистон овози” газетаси. – 1994. – 29 март.

тажрибалар асосида олиб борилиб, таълимнинг бу соҳасига асос солинган эди. Масалан, машхур рус тарихчи Ўлкашунос олими Н.П.Милоновнинг ёзишича, 1761 йилда М.В.Ломоносовнинг маҳаллий аҳоли ва ёшлар иштирокида Ўлка тарихини тадқиқ этиш йўлида олиб борган фаолияти ва 30 та саволдан иборат тузган анкета-сўровномаси кейинчалик Россияда тарихий Ўлкашунослик дастури бўлиб хизмат қилганлигини алоҳида кўрсатиб беради. Шунингдек, 1788 йилга келганда ҳукумат томонидан қадимги губерналарнинг тарихи ва халқи, у ерда яшаган одамлар ҳаётини акс эттирувчи тарихий ёдгорлик ашёлари сақланиб қолган кўрғонлар, ўша даврдаги деҳқончилик ва чорвачилик ишларининг ҳолатлари, балиқчилик, хунармандчилик, янгидан вужудга келган фабрикалар, заводлар ва савдо ишлари қандай йўлга қўйилганлиги, ишлаб чиқилган маҳсулотлар қаерларда сотишга ажатирилганлиги, шаҳарларнинг герблари қандай кўринишда бўлганликларини аниқлаш тўғрисида қисқача аниқ ахборот йиғиш лозимлиги талаб этилган эди¹.

Демак, Рус олими М.В. Ломоносов ўз ўлкасини мукамал ўрганиш мақсадида 1761 йили 30 саволдан иборат савол-жавоб варақасини аҳоли ўртасида тарқатиши билан у Россияда ўлкашунослик фанига асос солган бўлса, ўлкани ўрганиш масаласи Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Россиядан анчагина олдинроқ бошланган эди.

X-XV асрларданок Ўрта Осиё ҳудудларини, шунингдек, ўлка-мизнинг табиати, жойлашуви, шаҳарлари, жой номлари, аҳолиси ва уларнинг урф-одатлари тўғрисида изланишлари туфайли асарлар ёзиб, қимматли маълумотларини қолдирган сайёҳ, тадқиқотчи ва давлат арбобларининг номларини қайд этиш ўринлидир. Масалан, улардан Истахрий (849–934йй.), Ибн Ҳавқал (X аср), Муҳаммад Наршахий (899–959 йй.), Ал-Муқаддасий (947–1000 йй.), Абу Райҳон Беруний (973–1048 йй.), Махмуд Қошғарий (XI аср), Ёқут Ҳамавий (XII аср охири – XIII аср бошлари), Рашидиддин Фазлуллох (1247–1318 йй.), Марко Поло (XIII аср), Ибн Батута (XIV аср), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530 йй.) каби машхур сиймоларнинг ишлари диққатга сазовордир. Айниқса, уларининг ичида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бу борадаги фаолиятига қисқача тўхталиб ўтамиз.

¹ Историческое краеведение / Пособия для студентов педвузов. Москва: Просвещение, 1969. С. 6-7.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур XV асрдаёқ ўлка тарихи ҳақидаги муҳим маълумотларни ўзининг “Бобурнома” номли мемуар асарида ёзиб қолдирган. У “Бобурнома”да ўлкамиз тарихи, табиати, иқлими, аҳолининг машғулоти, урф-одатлари, айрим тарихий шахслар ҳақида мукамал маълумотларни келтирган бўлиб, бу билан Тарихий ўлкашуносликнинг ривожланишига маълум даражада ўз хиссасини қўша олган эди. Масалан, у Самарқанд ҳақида шундай дейди: “Ер юзида Самарқанддек латиф шаҳар камроқдир. Бешинчи иқлимдандир. Узунлиги 99 рамзи нужумий даража (градус), 56 дақиқа, эни 40 даража (градус) ва дақиқадир. Шаҳри – Самарқанд, вилоятини Мовароуннаҳр дейдилар. Ҳеч душман қаҳр ва ғазаб билан эгаллаёлмагани учун “балдаи маҳфуза” – “ҳимоядаги шаҳар” дерлар. Самарқанд ҳазрати амир ул-муъминин Усмон замонидан мусулмон бўлгандир. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ерга боргандир. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташқарисида. Ҳозир Мозори Шоҳ (Шоҳи Зинда) номи билан машҳур. Самарқандни Искандар бино қилган. Мўғул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек (Амир Темур) пойтахт қилган эди. Темурбекдан илгари Темурбекдай улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмас. Қалъасининг девори устидан қадамлаб ўлчаб чиқишни буюрдим. Ўн минг олти юз қадам чиқди”¹.

Рус олимлари Ўрта Осиёнинг чоризм томонидан босиб олиншидан анча илгари бу ўлкани ўрганиш бўйича бир қанча ишлар қилган эди. Бироқ XIX асрнинг биринчи ярмидан ўлкани ўрганиш ишлари, яъни маҳаллий тарихчилик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги биқиқликка мос бўлиб, асосан ҳукмдорлар манфаатлари учун хизмат қилар эди. Тарих фанидан катта ер эгалари манфаатлари, хонлар ва улар сулоласининг тахтга эгаллиги ва “одиллиги”ни мафкуравий жиҳатдан асослаш учун фойдаланиб келинди. Сарой тарихчилари ўзларининг асосий эътиборларини сиёсий воқеликларни – хонларнинг фаолияти ва ўз рақиблари устидан қозонган ғалабаларини кўкларга кўтариб мақташ, саройдаги анъаналарни тасвирлашга қаратдилар. Чунки замон ўзи шуни тақозо этар эди.

Фан ўқитувчиси эса ўқувчиларга ўз даврида кечган шундай тарихий жараёнлар моҳиятини изоҳлаб бериши, айни вақтда, уларга тарихий манбалар устида тадқиқий изланишлар олиб боришни тавсия этиши ўрилли ҳисобланади.

¹ Бобур Заҳириддин Муҳаммад, Бобурнома, Т.: Ўқитувчи, 2008 й.

Туркистонда ўрта асрлар даври тарихчилигининг мавзуи жаҳон тарихчилиги мавзусидан бир қадар ажралиб қолганлиги билан эътиборда туради. Лекин маҳаллий тарихчилар Муҳаммад Наршахий, Табарий, Рашидиддин, Низомиддин Шомий, Абулғози Баҳодирхон ва бошқаларнинг асарлари ўзининг мазмундорлиги, далилий материалга бойлиги билан бу даврда ёзилган тарихий асарлардан сезиларли даражада ажралиб турди. Шарқшунос А.А.Ромаскевич Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асари хусусида сўз юритар экан, ҳақли равишда бу асар ўзининг мазмуни ва ҳажми жиҳатидан муҳимлигини кўрсатиб, биз бу асардан кейин Эрон тарихчилигида воқеаларни бу хилда баён қилиш учун бўлган интилишни кўрмаймиз, – деб ёзган эди. Бу ўрта Осиё тарихчилигида ўзига хос йўналишдир. Шу тарика XIX асрнинг биринчи ярмида тарих фани ҳам, бошқа фанлар сингари ҳукмрон синфнинг манфаати учун хизмат қилди. Ўқувчилар эса кўйилаётган масалани ўқитувчи раҳбарлигида қиёсий-таққослаш услубини қўллаган ҳолда ўргансалар, етарли тушунча ва тасаввурга эга бўладилар ҳамда олдинга кўйилган мақсадга эришадилар.

XIX асрнинг 30-йилларида Бухоро амирлиги сарой тарихчиси Муҳаммад Ёқуб ёзган “Гулшан ул-мулук” номли асар ўша давр тарихий манбаларидан бири ҳисобланади. Бу асар форс тилида ёзилган бўлиб, унда XIX асрнинг 30-йилларигача бўлган Бухоро амирлигидаги сиёсий воқеалар баёни берилган. Асарда сарой воқеликлари, ҳукмрон доиралар тарихи, ўзаро урушлар, унда эришилган галабалар, хонликнинг кейинги сулолаларнинг генеологияси (насабномаси) ифодаланиб, жамият ривожланишида асосий куч бўлган халқ оммасининг аҳволи, унинг тилак-орзулари, халқ ҳаракатлари батафсил баён этилган. Яна ўша давр форс тилида ёзилган иккинчи манба – Бухоро сарой тарихчиси Муҳаммад Мир Олимнинг “Тарихи Амир Насруллоҳ” номли асаридир. Бу асар Бухоро амири Насруллонинг (1826-1860) топшириғи билан ёзилган. Асар XVIII асрнинг иккинчи ярмида Бухоро амирлигида юз берган сиёсий воқеаларни тасвирлаш билан бошланиб, амир Насруллонинг ҳокимиятга келиши, унинг дастлабки йиллардаги давлатни бошқаришда тутган сиёсати билан тугалланади. Асарда 1821-1825 йилларда Бухоро амирлигида бўлиб ўтган дашти қипчоқлар қўзғолони ва унинг бостирилиши ҳақида сўзланади. Аммо асарда қўзғолоннинг асосий сабаби ва моҳияти очиб берилмаган. Бу табиий ҳол эди. Шу

йўналишда ёзилган тарихий манбалардан яна бири мулла Ибодулла ва мулла Муҳаммад Шарифлар томонидан форс тилида яратилган “Тарихи амир Ҳайдар” номли асардир. Асарда аштархонийлар билан манғитлар сулоласи тарихи, амир Ҳайдарнинг ўлими (1826)гача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий воқеаларга тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга асарда 1820 йилда Россиядан Бухорога юборилган А.Ф.Негри бошлик элчилик ташрифи тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Муҳаммад Шарифнинг худди ўша даврни акс эттирувчи “Тож ут-таворих” (“Тарихлар тожи”) номли асарида манғитлар насабномаси, туркий ва мўғул қабилалари, Чингизхон, унинг авлод-аждодалари, шайбонийлар, аштархонийлар сулоласининг тарихи берилди. Умуман, асар аштархонийлар, айниқса, манғитлар сулоласи вақтида Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий воқеликлари ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

XIX асрнинг 40-йилларида ёзилган йирик тарихий манбалардан бири Муҳаммад Ҳақимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” номли асаридир. Асарда XVIII асрнинг 70 йилларидан то Қўқон хони Умархоннинг вафоти (1822), ундан сўнг тахтга ўтирган Мадалихонгача бўлган даврдаги Қўқон хонлиги сиёсий воқеалари тасвирланган.

Ҳақимхон тўра хон билан бирга юриб, XIX асрнинг биринчи чорагидаги воқеаларга аралашади. У саройдаги фикс-фужур, вилоятлардаги сиёсий тортишувлар, хонликнинг ташқи ва ички сиёсатини, Бухоро амирлигидаги сиёсий ҳодисаларни ўз кўзи билан кўриб, уларни ўз асарида акс эттирган. Аштархонийлардан сўнг тахтга ўтирган Дашти Қипчоқ ўзбекларининг минг сулоласи ҳақида, Умархоннинг Ўрта Осиёликларнинг Россияга берган баҳосини аниқлашда бу асар муҳим ўрин тутди, чунки муаллиф Россияда бўлиб (1810-1822), у ердаги сиёсий воқеаларни аниқ ва изчиллик билан ифодалаган. Муаллиф ўз асарида 1821-1825-йилларда Бухорода бўлиб ўтган Дашти қипчоқлар кўзғолонида қатнашгаиларни “хоинлар” деб қоралайди. Бу эса муаллиф тутган ўзига хос йўлни яққол кўрсатиб турибди.

Дарс жараёнида шу тарих тарихий манбалар устида фикр юритилса, ўша даврдаги сулолалар шажарасини тузиш, учрайдиган иллатлар ҳақида эссе ёки ривоятларни тўплаш каби топшириқлар бериб борилса, ўқувчилар билими янада мустаҳкамланади.

Қўқон хонлиги тарихига оид манбалардан яна бири Мулла Аваз Муҳаммад Атторнинг форс-тожик тилида ёзилган “Тарихи жаҳонномаи” асари бўлиб, у ўз кўзи билан кўрганларининг баъни ҳамда тарихий манбалар асосида ёзилган икки китоб ва жуғрофик кўшимчадан иборат. Асарнинг биринчи қисмида исониинг пайдо бўлишидан бошлаб, то XVI асргача бўлган ҳукмдорлар тарихи берилган. Асарнинг иккинчи қисмида Қўқон хонлари Олимхон (1798-1810) ва Умархон (1810-1822) ҳукмронликлари давридаги сиёсий ҳаётга доир тафсилотлар атрофлича келтирилган. Асарда Бухоро амирининг хитой-қипчоқ ва қорақалпоқ халқларига нисбати тутган сиёсати, Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлиги ўртасидаги муносабатлар, рус аскарлари томонидан Самарканд ва Каттакўрғон ерларининг босиб олиниши, йўл ва иморатлар қурилиши, айрим воқеалар саналари берилган. Шу билан бирга асарда 1842 йили Қўқонда Хўжа Қаландар бошчилигида кўтарилган кўзғолон билан боғлиқ муҳим воқеалар ҳақида ҳам сўз боради. Асарда келтирилган тафсилотлар ўлка тарихини ўрганиш учуи муҳимдир. Бироқ бу хилдаги асарлар ўша давр ҳукмрон синф мафжураси руҳида ёзилган бўлиб, унга танқидий кўз билан қараш талаб қилинади.

Қўқон хонлиги тарихчилигида Мулла Ниёз Муҳаммаднинг “Тарихи Шоҳрухий” деган асари ҳам диққатга сазовордир. Бу асар Қўқон хонлигининг XVIII-XIX асрнинг 70-йилларигача бўлган тарихига оид муҳим маълумотлари билан шу давр тадқиқотчилигида жуда қимматлидир.

Тошкентдаги Қорёғди маҳалласидан Муҳаммад Солиҳ Қоракўжа ўғлининг 1880-1885 йиллар орасида ёзган “Тарихи жадидаи Тошканд” (“Тошкентнинг янги тарихи”) номли 1200 бетдан иборат асари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Ўрта Осиёда ўтган уч хонликда ёзилган тарихий асарлардан бир мунча фарқ қилади. Асар форс тилида ёзилган. У асосан ҳукмдорлар ўртасидаги учрашувлар тарихидан иборат бўлиб, иккинчи қисми Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихига бағишланган. Бунда муаллифнинг тарихга янгича қараш мақсадида иш бошлагани ва тадқиқотчи А.Кундан маслаҳатлар олгани сезилади. Шуниингдек, асарда Қўқон сиёсий ҳаётида устун рол ўйнаган гуруҳлар ва шахслар, Тошкентда бўлиб ўтган халқ кўзғолонлари, кўзғолонларнинг йўналиши ва сабаблари ҳақида муфассал маълумотлар берилган. Бу асар янги давр тарихчилигида муҳим аҳамият касб этади. Асарнинг асл қўлёзма нусхаси Ўзбекис-

тон Республикаси ФА Шарқшунослик институти кутуб-хонасида нодир асарлар қаторида сақланмоқда.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигида ёзилган тарихий мабаладан энг муҳими Мунис ва Огаҳийларнинг асарлари ҳисобланади.

Мунис (1778-1829)нинг отаси Авазбий мироб Хива хони Элтузарга қадар ҳам, унинг ҳукмронлиги вақти (1804-1806)да ҳам сарой хизматида бўлган. Элтузар хонлиги вақтида Мунис сарой хизматига киради ва хоннинг топшириғи билан ўзиини “Фирдавс ул-икбол” номли машхур тарихий асарини ёзишга киришган. Элтузархон Шермуҳаммад Мунисга бу асарни Фирдавсийнинг “Шохнома” асаридан устун қилиб яратишни уқтиради.

Муниснинг бу асари ўзбек тилида ёзилган. У Хива хонлигининг XVI-XVII асрлардаги тарихини ёритишда Абулғози Баҳодирхон асарларидан фойдаланган. Хива хонлигининг XVIII асардаги тарихига оид воқеаларни эса ўз кўзи билан кўрган кишилар ва айниқса, отасининг берган маълумотлари асосида ёзади.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги энг муҳим воқеаларни, 1812 йилгача бўлган тарихий воқеаларни тасвирлаш пайтида унга хон томонидан бошқа вазифа, яъни Мирхонднинг машхур “Равзату-с-сафо” асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиш топширилади. Муниис “Фирдавс ул-икбол”нинг биринчи қисмини тамомлаб, иккинчисини ёзаётган вақтида тўсатдан вафот этади ва асар муаллиф томонидан тугалланмай қолади.

Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1864) Хива хони Оллоқулихон (1825-1842)нинг топшириғи билан “Фирдавс ул-икбол” асарини давом эттирди ва якунлади. У 1826-1842 йиллардаги воқеалар ёритилган “Риёз уд-давла”, 1842-1845 йиллардаги тарихий воқеалар ёритилган “Зубдат ут-таворих”, 1846-1855 йиллардаги воқеалар ёритилган “Жомий ул-воқеоти султоний”, 1856-1865 йиллардаги воқеалар ёритилган “Гулшани давлат” номли асарларини ёзади. Огаҳий яна “Шоҳиди иқбол” номли бешинчи асарини ҳам ёзади ва уни Хива хони Муҳаммад Раҳимхон даври (1865-1910)га бағишлайди. Аммо бу асар тамомланмай 1872 йилги воқеалар билан тугайди. Мунис ва Огаҳийлар сарой тарихчилари бўлсалар-да, уларнинг асарлари ўзиининг даллиларига бойлиги, хронологик изчиллиги, ўзида акс эттирилган сиёсий воқеаларнинг тўлиқ баёни жиҳатидан ўша даврдаги Бухоро ва Қўқон сарой тарихчиларидан бирмунча

юкори туради. Хива тарихчилиги ва хусусан, Мунис, Огаҳий асарларидаги бу хусусиятни ўз вақтида В.В.Бартольд “История культурной жизни Туркестана” асарида таъкидлаб: ”Мунис ва Огаҳийнинг китоблари адабий ва тарихий асар сифатида камчиликларига қарамай баён қилинишининг тўлиқлиги ва далилий маълумотларининг сони жиҳатидан бизгача етиб келган Бухоро ва Қўқон хонликлари тарихи бўйича битилган асарларни орқада қолдиради”, – деб ёзган эди.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий тарихчилар томонидан яратилган тарихий асарлар мамлакатнинг хўжалиги, иқтисодий муносабатлар, синфий кураш, халқ ҳаракатлари ва сиёсий воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий илдизларини очиб бера олмаган бўлса ҳам, ўқувчилар ўлкани ўрганишда, солномалар тузиш, этнографик материаллар ва топономик маълумотлар топишда танқидий нуқтаи назардан фойдаланишлари мумкин. Бу асарлар шунинг учун ҳам 1917 йилга қадар бўлган ўлка тарихини ўрганишда жуда қўл келади. Чунки уларнинг муаллифлари ўша даврда яшаган, рўй берган воқеа ва ҳодисаларни ўз кўзлари билан кўрган, шунингдек, уларни олдинги давр воқеалари билан қиёслаган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарихий ўлкашунослик ва туризм фани ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Ўлкашуносликнинг қандай турларини биласиз?
3. Ўлка тарихи ҳақида маълумотлар қолдирган қайси маҳаллий татқиқотчилар ва уларнинг асарлари ҳақида биласиз?

Таяич сўзлар изоҳи:

Сфрагистика – муҳрлари ўрганувчи фан

Геральдика – тамға (герб)ларни ўрганувчи фан

Эпиграфистлар – тош, металл, союл ва ёғоч каби буюмларнинг сиртидаги ёзувларни ўрганувчи тадқиқотчилар.

2-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмнинг асосий манбалари. Археолог ва ўлкашунослар фаолияти

РЕЖА:

1. Археология ва тарихий ўлкашунослик.
2. Археологик ёдгорликларнинг ўлкашунослик ва туризмда тутган ўрни.
3. Ўзбекистонда археолог ва ўлкашуносларнинг фаолияти.

Калит сўзлар: *Ўлкашунослик ва туризмнинг асосий манбалари, археологиянинг ўлкашунослик ва туризмдаги ўрни, қадимшунослик, моддий ёдгорликлар, археологик топилма, моддий жисмлар, ашё, илмий-маданий муассасаларнинг шаклланиши, илмий жамиятлар, археологик тадқиқотлар, археолог олимлар, ўзбек археологлари,*

Ўлкашунослик ва туризмнинг 5та асосий манбаси бўлиб, улар: *археология, этнография, топонимика, архившунослик ва музей экспонатларидир.* Улар ўзаро алоқадор бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Юқорида қайд этилган 5 та асосий манбаларсиз ўлка тарихини мукаммал ўрганиб бўлмайди.

“Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанининг асосий манбаларидан бири *археология*дир. “Археология” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, “архайос” – қадимги, “логос” – фан, яъни қадимги даври ўрганувчи фан деган маънони билдиради ёки уни қадимшунослик фани, деб таъкидлаш ҳам ўринлидир.

Дунё халқларининг бир неча юз минг йиллардан бери давом этиб келаётган тарихи бор. Лекин шу узоқ тарихий тараққиётнинг энг кейинги 5-6 мингинчи йилларидан бошлабгина ёзма асарлар пайдо бўлиб, ундан аввал халқларда ёзув ва унинг орқали битилган тарих бўлмаган. Бироқ ёзув пайдо бўлгандан кейин ҳам кўпгина воқеалар батафсил ёзилмай қолган. Подшоҳларнинг буйруқлари, руҳонийларнинг диний таълимотлари, ҳазиналарнинг ҳисоб-китоблари ҳамда турли урушлар ҳақидаги ёзма асарлар эса ўз замонасининг ишлаб чиқариш усуллари ва воситаларини, халқнинг маиший ҳаётини етарлича акс эттира олмаган.

Қадимги қишлоқ ва шаҳарларнинг қолдиқлари казиб кўрилганида, у ерлардан ўтмиш халқларнинг уй-жой қолдиқлари, уй-

рўзгор, зеб-зийнат буюмлари, эътиқот ёдгорликлари топилди. Бу каби ашёвий далиллар эса ёзма тарихдаги маълумотларга қараганда, ўша давр турмушини аниқроқ ёритиб беришга ёрдам беради. Ёзма тарих пайдо бўлгунгача кечган бир неча юз минг йиллик давр тарихи ҳамда ёзма тарих пайдо бўлгандан кейинги давр ҳаётини тўлалигича ўрганиш зарурияти ўша давр одамларини ёхуд халқларидан қолган буюмларни текшириб кўришни тақозо этади. Бундай ёдгорлик буюмларини текширувчи фан эса *археология*дир. Археология воситасида ибтидоий одамлар яшаган маконлар, қадимги даврдан қолган шаҳар, кишлоқ ва мозорлар қазиб кўрилиб, тарихи аниқланади.

Археологлар қазишма усули билан иш кўрадилар. Ёзувлар пайдо бўлмасдан бурунги давр тарихини археология қазишмаларида топилган буюмлар тўлдиради, археология қазишмаларининг натижалари эса матбуотда кенг ёритиб борилади.

Маълумотларга кўра ўлкамизга доир тадқиқотчилик Ўрта Осиёда жуда ҳам қадимдан бошланган. Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, араб истилочилари Ўрта Осиёдаги маҳаллий олимларни йўқотибгина қолмай, маҳаллий тил ва маҳаллий ёзувдаги асарларни ҳам йўқ қилиб, ёндириб юборганлар. Шу сабабли энг қадимги замонларда ёзилган асарлар сақланмаган. Минг йил давомида ёзилиб келган тарихий асарлар эса жуда кўп. Масалан, Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, Бальямийнинг “Тарихи Табарий” асарлари ёзилганига минг йилдан ошди.

Лекин Ўрта Осиёда археология, юқорида айтилганидек, жуда ёш фан. Россияда бу фан XVIII асрнинг ўрталарида пайдо бўлиб, XIX асрда анча ривожланган. Ўша вақтда олимлар Россия ерларида кўплаб топилган Ўрта Осиё қадимги танга-пуллари тўплаб, уларни текшириб, Россия билан Ўрта Осиё халқларининг қадимдан иқтисодий алоқада бўлиб келганлигини исбот этдилар. XIX асрнинг II ярмида Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин бу ерга келган ҳар бир мутахассис ва саводхон киши қалъалар ва шаҳарлар харобаларини, сунъий тепаликларни, қадимдан қолган биноларнинг харобаларини кўриб, уларнинг тарихини суриштира бошладилар. Натижада 1870-йилларда Тошкентда чиқа бошлаган газета ва журналларда бу тарихий ёдгорликлар ҳақида турли маълумотлар эълон қилина бошланди. Бундай харобаларни текшириш жараёнида, ҳатто “ҳазина” излаб, баъзи тепаларни бузиб юборишгача бордилар.

Бир гуруҳ тараққийпарвар зиёлилар – археология ҳаваскорлари ҳозирги Ўзбекистон тарихи Давлат музейини ташкил этиб, турли жойларда топилган археологияга оид ёдгорликларни бу ерга тўплашга киришдилар. Шарқшунослар И.И.Веселовский, В.В.Григорьев, В.В.Бартольд, В.Л.Вяткии шуниингдек, ўзбек ҳаваскор археологларидан Ақромполвон Асқаров ва бошқалар бу ёдгорликларни тарихшунослик нуқтаи назардан ўрганиш ишида ташаббускор бўлдилар.

Ҳозир Тошкентдаги тарих, санъат ва табиат музейларида тўпланган бой археологияга оид ашёлар тўпламининг каттагина қисми ўша ҳаваскорлар томонидан XIX асрда йиғилган. Бундан ташқари, улар бир қанча муҳим ёдгорликларда қазишма ишлари ҳам олиб бордилар. Бу борада, айниқса, археолог-шарқшунос В.Л.Вяткиннинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Шарқшунослар Улуғбек расадхонасининг изларини топиш учун кўп уриндилар, ниҳоят, Самарқандда истиқомат қилувчи В.Л.Вяткии қадимги васиқаларни ўрганиш асосида расадхонани ўрнини аниқлади. 1908-1909 йилларда бу жойда археологик қазиш олиб боради ва расадхонаининг секс-танги, бинонинг бузилган ғишт ва нақшлари, расадхонаниннг 8 дан 1 қисми топилди. Бу иш тарих фани учун катта кашфиёт бўлди. Шу билан бирга, археология ҳаваскорлари қадимги Самарқанддаги Афросиёб тепалигида бир неча қазишма ишлари ўтказдилар.

XX асрнинг 20-йилларигача Ўрта Осиёда Археология мустақил фан даражасига кўтарилмади. Археологлар археологик ёдгорликларни маълум тарихий босқичдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти натижаси, деб баҳолай олмадилар, ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлганини пайқай олмадилар, маданиятни ишлаб чиқариш тараққиёти ва ижтимоий муносабатлар маҳсули деб тушуна олмадилар, балки уни биронта дин, бирорта “алоҳида иқтидорли шахслар” билан боғладилар. Сўнгра археологик йўл билан топилган буюмларга фақат ёзма тарихни тасдиқловчи материаллар сифатидагина қараб, археологиянинг имкониятларини чеклаб қўйдилар. Шунинг учун ҳам улар тарихнинг узок ўтмиш даврларини ўрганишга жиддий кириша олмадилар.

Тарихчиликнинг катта ютуқларидан бири археологик тадқиқотларга катта эътибор бериши билан ҳам белгиланади. Жамият тарихи ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожини ва шу асосда улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг турли даврларда ўзгариб боришидан иборат эканлиги фанда

этироф этилгач, тарихни ижтимоий-иктисодий тузумларга ажратиб даврлаштириш масаласи кун тартибига кўйилди. Собик иттифоқ даври тарихчилигида эса бутун инсоният тарихи нотўғри даврлаштирилган эди. Бу ҳол эса тарихни бузиб талқин қилишга олиб келди.

Академик А.Асқаров¹ Ўзбекистон тарихини қуйидаги тарзда хронологик жиҳатдан даврий тизимлаштирди:

1. Ўзбекистонда “Ибтидоий тўда даври”. Бу даврнинг хронологик чегараси одамзоднинг Фергантроп – Неандертал аждодлари яшаган даври (мил.ав. 1 миллион – 12 минг йилликлар) билан белгиланади. Бу даврда мулкчиликнинг ҳеч бир шакли бўлмаган. Одамзод илк ибтидоий ҳолатидан том маънодаги одам ҳолатига ўтиш, фикрловчи одам бўлиб шаклланиш жараёнини бошидан кечирган. Тошдан меҳнат қуроллари яшаш ва улар ёрдамида ижтимоий меҳнат қилиш билан бошқа жонзотлардан тубдан фарқ қилган. Бу давр одамларида ҳали жамоа бўлиб яшаш кўникмалари шаклланмаган эди.

2. Ўзбекистонда “Ибтидоий уруғчилик жамоаси ва мулк эгаллигининг шаклланиш даври”. Унинг хронологик чегараси – уруғ жамоаларининг таркиб топишидан (бундан 40 минг йил аввал) милодий III-IV асрларгача. Бу даврда жамият иктисодий ҳаётининг ижтимоий таркиби дастлаб матриархат уруғ жамоалари аънаналари ва сўнг патриархат уруғ жамоаларининг эркин деҳқон жамоа аъзолари – кашоварзлар, озодкор ва гувакорлардан ташкил топган. Мулкка эгалик қилиш дастлаб (матриархат даврида) ижтимоий характерда сўнг (патриархат даврида) эркин ишлаб чиқариш жамоаси аъзоларига тегишли хусусий мулк шаклланади. Жамият мафкуравий асосини дастлаб табиат ҳодисаларига сиғиниш: тотемистик, анимистик, сеҳргарлик (матриархатда), оташпарастилик диний қарашлар (патриархатда) сўнг эса зардуштийлик ва буддавийлик, монийлик, насронийлик ва шаманизм ташкил этади.

3. Ўзбекистонда “Илк ўрта асрлар даври”. Унинг хронологик чегараси – милодий III-IV асрлардан то IX аср бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда феодал мулкчиликнинг бадавлат деҳқонзодалар тимсолида шаклланиши ва ривожланиши, эркин деҳқон жамоа аъзолари – кашоварзларни қадиварларга айланиши жараёнининг жадал кечиши кузатилади. Мулкчиликда хусусий

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: 2007. Б. 20-23.

мулк, жамоа мулки, вағнзе мулки (зардуштийлик ва иботахоналарга тегишли мулки) таркиб топади. Давлатчиликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланган маҳаллий ҳокимиятчилик бу давр давлат тизимининг асосига айланади. Бу даврнинг мафкуравий асосида дастлаб (IV-VII асрлар) асосан зардуштийлик, қисман насронийлик, монийлик ва буддавийлик ётади. Араб истилоларидан сўнг (VIII асрдан бошлаб) жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва мафкуравий дунёсини ислом этикоди эгаллайди.

4. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг “Ўрта асрлар даври”. Унинг хронологик доираси – сомонийлар давлатининг ташкил топишидан – X асрдан то XIX аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда феодал муносабатларининг узил-кесил шаклланиши ва ривожланиши ва ниҳоят ўзаро ички ва ташқи феодал жангу жадаллар туфайли жамият иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тургунлик, инқирозлар кузатилади. Жамиятнинг ижтимоий таркибини, асосан, коранда – ижарачилар ва катта мулк эгалари ташкил этади, мулкка эгалик қилишнинг хусусий ва вақф мулк тартиби мустаҳкамланади.

5. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихининг бешинчи даври “Мустамлакачилик ва миллий уйғониш даври”, деб аташ мумкин. Унинг хронологик чегараси Чор Россияси босқинидан (1864-65) то 1917 йил октябрь тўнтаришига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда Россия капиталининг Ўрта Осиёга кириб келиши муносабати билан ўлкада капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклланиб боради, ишлаб чиқаришдаги янги муносабатлар туфайли клерикал феодал тартиблари ва анъанавий халқ хунармандчилигининг заминига зил кетиб, жамият ижтимоий таркибида ёлланма меҳнат ресурслари ва ватан тақдири тўғрисида қайғурувчи миллий зиёлилар табақаси пайдо бўлади. Жадиличлик тимсолида ўрта асрлар даври феодал биқиклигидан чиқишга интилиш, Ғарб дунёси билан алоқа қилиш, улар таъсирида халқни маърифатга тортиш жонланади.

6. Ўзбекистон тарихининг олтинчи даври шўро даври бўлиб, бу даврда жамият ҳаётининг барча жабҳалари коммунистик мафкура ғоялари асосида қурилди, жамият ижтимоий таркиби ишчи ва деҳқон синфи ҳамда уларнинг авангард отряди – зиёлилар табақасидан иборат бўлди. Мулкчиликнинг давлат монополистик капитализми ҳукмдорлик қилган. Конституцияда дин эркинлиги қайд этилса-да,

амалий ҳаётда атеистик дунёқараш жамиятнинг маънавий ва мафкуравий асосини ташкил этади.

7. Ўзбекистон тарихининг бу даври “Миллий истиқлол, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш даври” деб аташни тақозо этади. Бу давр Ўзбек халқи ва давлатчилигининг янги саҳифаси, миллий бойликлар ва ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари бўйича эришилган ютуқларнинг халқ манфаатига йўналтирилган даври, миллий қадриятларнинг қайтадан тикланиш даври, дунё харитасида “Ўзбекистон Республикаси” деб аталувчи суверен давлатни жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилиги томонидан тан олинган даври сифатида тарихга киради. Ўзбекистон фуқаролари учун дунёнинг эркинлик, нафақат қонунда, балки амалий ҳаётда ҳам ўз аксини топади. Юқорида қайд этилганидек, тарихий даврлаштириш ўлка тарихини чуқур ва мукамал ўрганиш учун замин яратди.

Ҳозирги фаннинг аниқлашига кўра, кишилиқ жамияти тарихи тахминан бир миллион йилга яқинлаша боради. Шу узоқ даврнинг охири минг йилларидагина хусусий мулкчилик, яъни кулчилик муносабатлари вужудга келган бўлиб, унга қадар, биринчидан, тарихни ишлаб чиқариш усулларига қараб даврлаштириш йўқ эди. Ўзбекистонда, умуман, Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа даври бўлганлигига шубҳа билан қаралган эди. Иккинчидан, Ўрта Осиёга аҳоли Эрон ва Шимолий Ҳиндистон томонидан кўчириб келтирилган, деб тахмин қилинар эди. Шу билан бирга энг қадимги замондан тортиб сўйиги Бухоро амирлари замонигача Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида ўзгариш бўлмаган, дея уқтирилди.

Тарихни даврлаштириш масаласининг кун тартибига қўйилиши тарихчилар ва археологларни ишга солиб юборди. Биринчи беш йиллик охиридаёқ солиқ иттифоқ тарихини, шу жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласи юзасидан ёзма манбаларни ўрганишга киришиш билан бирга археология ёдгорликларини қазиб топишга ҳам жиддий эътибор берилди бошланган эди. Бу ишнинг бошида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари А.Якубовский, Г.В.Григорьев, С.П.Толстов, М.Е.Массон, В.А.Шишкин, Я.Ф.Ғуломов ва бошқалар турдилар. Биринчи иш Ўзбекистоннинг алоҳида туманларида археологияга оид тадқиқотлар ўтказишдан бошланди.

Масалан, 1925-1930 йилларда Самарқандда В.Л.Вяткин, 1926-1928 йилларда Термизда Б.П.Денике, 1929-1930 йилларда А.А.Потапов

Фарғона водийсида ҳамда 1932-1933 йилларда Наманган вилоятининг Учқўрғон райони Норин дарёси бўйида электротанция қуриш таёргарлиги муносабати билан Санкт-Петербург археологларидан Б.А.Латинин Фарғона водийсининг шимоли-шарқий районларида; 1934 йили Санкт-Петербург археологи Г.В.Григорьев Янгийўл районида; ўша йили профессор А.Якубовский бошлиқ Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари Бухоро вилоятининг шарқий қисмида, археолог М.Е.Массон бошлиқ археологлар Оҳангарон водийсида жиддий археологик қидирув ишларини ўтказдилар.

1936-1937 йилларда бу иш кенгайиб, қадимги Термиз шаҳрини қазиш юзасидан илмий ишлар кучайтирилиши билан бирга проф. С.П.Толстов бошчилигида Хоразмда, В.А.Шишкин бошчилигида Бухоро вилоятининг ғарбий қисмида янгидан тадқиқотлар бошланди. Бу илмий сафарлар катта миқёсда уюштирилиб, буларнинг ҳаммасида Москва, Санкт-Петербург ва Ўзбекистон археологлари ҳамкорлик қилдилар. Бу илмий сафарлар 1939-1940 йилларда Ўзбекистонда суғориш соҳасида халқ қурилишлари бошланиши муносабати билан археологик кузатишларни ўтказди, бу борада Фарғона водийсида катта натижаларга эришилди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё чор аскарлари тарафидан босиб олингач, бу ерга рус олимлари келиб, кўплаб тадқиқот ишларини олиб бордилар. Шундай мураккаб ва оғир шароитда ҳам ўлкашунослар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишга ҳаракат қилганлар. Ўрта Осиёга келган олимлар ўлкадаги илғор маҳаллий зиёлиларнинг намояндалари билан яқин алоқада бўлардилар.

Мустамлака маъмурияти Ўрта Осиё халқ оммасининг миллий онгини ўстиришга ёрдамлашишни асло маъқул иш деб билмасди, аксинча, маҳаллий халқ оммаси ўртасида тарихий билимларни бироз даражада кенг тарғиб этиш, улар диққатини қадимги замон ёдгорликларини ўрганишга тортиш чоризмининг мустамлакачилик сиёсатиға фақат зарар етказиши мумкин, деб қўрқарди.

Қолбуки, Ўрта Осиёнинг янги-янги ҳудудларида Россия ҳукмронлигининг ўрнатилиши, уларининг Умумроссия иқтисодий тараққиёти йўлиға қўшиб юборилганлиги муносабати билан турмушнинг ўзи янги-янги илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини тақозо қиларди. Ўрта Осиёнинг дурустроқ ўрганлмаганлиги мустамлака маъмуриятининг ишларини қийинлаштирди. Илмий тадқиқотлардан баъзи бирлари ўзларининг кўп йиллик тарихига, ўз урф-одат-

лари, хусусиятлари, турмуш тарзига эга бўлган миллион-миллион Ўрта Осиё халқлари оммасини эксплуатация қилиш тизимини тўғридан-тўғри уюштиришга ёрдам бериши лозим эди.

Табийий бойликлари, маданий мероси ғоят бой бўлган ва кам текширилган бу ўлка рус зиёлиларининг тараққийпарвар қисмини жуда қизиқтирарди. Машхур рус зоологи, зоогеографи ва сайёҳи, дарвинизмнинг эътиқодли тарафдорларидаи бўлган И.А.Северцов (1827-1886) Туркистоннинг кўп жойларини физик-географик жиҳатдан ўрганди, Помир тизма тоғларининг орографиясини тадқиқ қилди.

Табиатшунос ва сайёҳ А.П.Федченко (1844-1873) Туркистон табиатини ўрганишда катта роль ўйнади. У Фарғона водийси билан Олойни биринчи марта текшириб чиқди. Олой орқасидаги тизма тоғлар ва унинг энг баланд чўққисини очди, Зарафшон водийси билан Қизилкумни ҳам текшириб чиққан. Зарафшон дарёсининг бошланиш қисмидаги улкан абадий музлик кейинроқ унинг хотирасига Федченко номи билан атала бошланди. А.П.Федченко 1873 йили Европанинг Альп тоғларидаги *Монблан* чўққисига чиқишда ҳалок бўлган.

Геолог ва географ И.В.Мушкетов (1850-1902) шимолий Тянь-Шань тизма тоғининг тузилишини кўрсатиб беради. У Туркистондаги кўпгина фойдали қазилма конларини таърифлаб, Туркистон минералларининг дастлабки рўйхатини тузиб чиқди. 1877-1879 йилларда И.В.Мушкетов геологик текшириш мақсадида Олой, Помир, Бухоро, Ҳисор, Амударё бўйлаб ва Қизилкумга саёҳат қилди. 1880 йилда эса Зарафшон музлигига илмий сафар уюштирди. И.В.Мушкетов 1881 йилда (Г.Д.Романовский билан ҳамкорликда) Туркистоннинг биринчи геологик харитасини тузди. Ўрта Осиё геология тузилишининг биринчи концепциясини таклиф қилди, уни ўрганиш босқичларини кўрсатиб берди. И.В.Мушкетов ўз тадқиқотларини ва Туркистонни ўрганган бошқа олимларнинг илмий ишларини ўзининг машхур “Туркистоннинг геология ва орография таърифи” монографиясида умумлаштирган. Бу монографияга ёзилган катта муқаддимага тарихшунослик нуқтаи назаридан ёндашган.

Ўрта Осиё тупроғини ўрганишда ҳам рус тадқиқотчиларининг хизмати катта. Машхур рус олими, ҳозирги замон илмий тупроқшунослигига асос солган В.В.Доқучаев (1846-1903) ўзининг кўпгина асарларида бу соҳада дастлабки (1898) маълумотларни берган.

Туркистон ҳарбий топография бўлими тузилганига қадар (1867) Ўлка топографик жихатдан ўрганилмаган эди. Топографлар Ўрта Осиёнинг бош харитасини тузишди. Туркистон босиб олингандан кейин Ўлкани харитага тушириш ва иқлимини ўрганиш учун илмий база яратиш масаласи туғилди.

Булар ҳақида фикр юритилар экан, ўқитувчи дарс жараёнида талабаларга ўзлари яшаётган ҳудуд – вилоятларнинг харитасини чизишни вазифа қилиб берса, уларда яшайдиган манзил – ўлкага бўлган қизиқиш ва меҳрнинг ортиши табиийдир.

1867 йилда *Тошкент метеорология* (ўлка иқлимини ўрганиш) *маркази* тузилди, бир оз вақтдан кейин шундай марказлардан бир қанчаси бошқа ерларда ҳам вужудга келди. Тошкентда фалакиёт-шунослик расадхонаси 1874 йилда Россиядаги энг қадимги Пулково расадхонаси ходимларининг ёрдамида очилди. Шарт-шароитнинг кийинлигига қарамай, бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. Расадхона ходимлари ҳозирги Ўрта Осиё республикалари ҳудудида қарийиб 870 фалакиёт маизилларини аниқладилар. Улар ўз ташабуслари билан илмий-текшириш ишларини олиб бордилар. Кейинчалик эса маблағ йўқлиги сабабли расадхонада тадқиқот ишлари давом эттирилмасдан қолади.

Ўлкани ўрганишда статистика қўмиталари ҳам муҳим рол ўйнади. 1868 йил январда *Туркистон статистика қўмитаси* тузилди. Унинг ташабуси билан 1872 йилдан “Туркистон ўлкаси статистикаси учун материаллар” номли тўплам чиқарила бошланди (1872-1876 йиллар ичида ҳаммаси бўлиб 5 та тўплам чиқарилди). 1887 йил биринчи январдан бошлаб Сирдарё (Тошкентда), Самарқанд (Самарқандда), Фарғона (Янги Марғилонда) вилоятларида статистика қўмиталари тузилди. Қўмиталар вилоятларга хос маълумотлар тўплами нашр қилиб, уларда “табиий ва ишлаб чиқариш ишлари”, халқ хўжалиги, сўғориш тизимлари, йўллар, аҳоли ва унинг машғулотли, ўлпон ва солиқлар, маъмурий тузилиш, соғлиқни сақлаш ва маориф, жамоат ободончилиги, об-ҳаво кузатишлари ва ҳоказолар ҳақидаги батафсил маълумотлар берилди. 1886-1913 йилларга оид “Сирдарё вилояти обзорлари” (Тошкент, 1887-1916 йиллар), 1884-1913 йилларга оид “Фарғона вилояти обзорлари” (Янги Марғилон – Скобелёв, 1889-1916 йиллар) нашр қилинган эди. Қўмиталар булардан ташқари яна ўз ишлари ҳақида ҳисоботлар ва бошқа китобларни ҳам нашр эттирдилар.

Ўрта Осиё халқларининг турмушига бағишланган, илмий ва ўлкашуносликка доир турли хабарлар ва мақолалар “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газети” (Тошкент, 1870-1917 йиллар) ва бошқа маҳаллий матбуотда мунтазам босилиб турди. 1870 йилда Тошкентда очилган Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) ўлканн ўрганиш билан шуғулланувчи барча тадқиқотчилар, айниқса, маҳаллий ходимлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Кутубхона ташаббускор библиофиллар (китоб муҳаррирлари) ва библиографларнинг кўрсатган фаолияти асосида ўлкани ўранишга доир қимматли асар ва материаллар билан бойиб борди. Кутубхона очилиши вақтида фақат 1700 жилд китоб бор эди, 1917 йилга келиб ундаги китоблар сони 80 минг жилдга етди. Ҳозирда эса китобларнинг умумий сони 10 миллион жилддан ортиқдир. Кутубхона фондида сақланаётган адабиёт ва маиба мажмуаларидан Ўрта Осиёга, айниқса, Туркистон ўлкасига тааллуқли “Туркистон асарлар ва мақолалар тўплами” жуда ҳам қимматли асар бўлиб, шу кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу тўпламни тузишда кўзга кўринган рус библиографи В.И.Межов Петербургда 1868 йилдан бошлаб 20 йил давомида иш олиб борган эди.

1888 йилдан “Туркистон тўплами”га кирган катта-кичик жилдларнинг сони 416 га етганида (булар 1868-1888 йилларда тўпланган материаллар эди) ўлкада чор маъмуриятининг буйруғи билан “маблағ йўқлиги сабабли” бу ишлар тўхтатилган эди. В.И.Межов “Туркистон тўплами”га уч китобдан иборат систематик ва алфавит кўрсатгич тузган. А.Кун ва бошқа шарқшунослар машхур “Туркистон альбому” (Туркистон ўлкасининг этнография, археология, касбхуна ва тарихига доир суратли альбом)ни тузиб тамомладилар. Альбом 1262 дона рангли ва рангсиз фотосуратлар ёпиштирилган 447 картондан иборат бўлиб, бадий жиҳатдан ғоят ноёб асар эди.

Ўзбекистоннинг ва умуман, бутун Туркистоннинг ёдгорликлари кўпдан буён олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келарди. XIX-XX аср бўсағаларида осори атиқалар устида археологик кузатишлар, қидирув ишлари олиб борилди. Бу соҳадаги тадқиқотлар кўпроқ П.И.Лерх, Н.И.Веселовский, В.А.Жуковский, В.В.Бартольд, М.С.Андреев, В.Л.Вяткин, А.Л.Кун, А.А.Семёнов ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқдир.

Собиқ Туркистоннинг қадимий ёдгорликларини ҳисобга олиш ва текширишга Марказдаги илмий муассасалар; Имиератор археология комиссияси, айниқса: рус археология жамиятининг Шарк бўлими, шунингдек, 1903 йил апрелда ташкил қилинган Ўрта ва Шарқий Осиёни тарихий, архелогик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш кўмитаси ҳам алоҳида эътиборни қаратди.

Археология йиғмалари 1871, 1874, 1889 йиллардан Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада очилган музейларда сақланади. Ўрта Осиё тарихига оид энг муҳим манбаларидан бири Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” (X аср) асари Н.С.Ликошин томонидан рус тилига таржима қилиниб, 1897 йилда нашр этилиши (В.В.Бартольд таҳрири остида) муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қадимги меъморчилик ёдгорликларидан, асосан, Самарқанд ёдгорликлари ўрганилди. 1895 йилда Н.И.Веселовский раҳбарлиги остида ва меъмор А.В.Шчусев ва бошқа мутахассислар иштирокида император археология комиссияси Гўри Амирни меъморчилик, декорация нуқтаи назаридан ўрганиш учун илмий сафар уюштирди. Бу илмий ишларнинг натижалари 1905 йилда ажойиб альбом ҳолида нашр этилди.

Ўрта Осиё чор Россияси тарафидан босиб олингандан кейин Ўзбекистоннинг тарихи ва археологияси билан бирга бутун ўлкани этнографик жиҳатдан ўрганиш ишлари ҳам бир мунча кенгайтирилди. Бу ишларда шарқшунос мутахассислар билан бирга, хаваскор ўлкашунослар ва мансабдорлар, кўпроқ ҳарбийлар орасидан чиққанлар қатнашди. Улар Туркистон ўлкаси идора органларидаги хизматларнинг берган имкониятидан фойдаланиб, халқ турмушини ўргандилар, турли жойларга бориб маҳаллий аҳоли билан алоқа боғладилар. В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, В.Радлов, А.Н.Самойлович сингари машҳур шарқшуносларнинг айрим асарлари этнографик нуқтаи назардан катта аҳамиятга эга.

XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё гиламларига Россия ва Европа мамлакатлари жуда қизиқиб қолишди. Бу борада 1908-1909 йилларда А.А.Боголюбов томонидан тузилган альбом чиқди. Бу альбомда жуда кўп хил гилам нусхалари кўрсатилган эди. А.А.Боголюбов унда биринчи марта уларни илмий асосда таснифлашга урииб кўрганди. Унинг албомидан сўнг А.Фалкерзам, С.М.Дудин ва бошлақаларининг Ўрта Осиё гиламларини муфассал таърифлаган китоблари чоп этилди.

Ўлкани ўрганишга бўлган эҳтиёж ва талаблар олимлар олдига янгидан-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилиш учун катта маблаг керак эди. Ўлкада эса илмий-текшириш муассасалари деярли бутунлай йўқ эди. Бу ҳолат ўлкадаги олимларни, умуман рус зиёлилари иомояндларини Москва ва Петербургдаги йирик олимларнинг қўллаб-қувватлаши билан илмий жамиятларни туза бошлашга ундади. Илмий жамиятларнинг пайдо бўлиши бу ерда маҳаллий туркистоншунос ходимлар пайдо бўлганлигидан ва уларнинг ишларини ўзаро мувофиқлаш зарурлигидан далолат беради.

Қисқа муддат ичида ташкил этилган Туркистон илмий жамиятлари ўлка тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Булардан баъзи бирлари фақат маҳаллий аҳамиятга эга бўлган жамиятлар бўлса, бошқалари Умумроссия илмий жамиятларининг бўлимлари, шунингдек, рус техника жамиятининг ҳамда тиббиёт, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамиятининг Туркистон бўлимлари эди.

1870 йилда “Ўрта Осиё олимлари жамияти” пайдо бўлди. Бу жамият ўз олдига Ўрта Осиё тарихи, жуғрофия, этнография, статистика, иқтисодиётга оид маълумотларни тўплаш, ишлаш ва тарқатишни мақсад қилиб қўйган эди. Унинг биринчи очиқ мажлиси 1871 йил 28 январда бўлди. Шу билан бир вақтда А.П.Федченконинг фаол иштироки билан тиббиёт, археология ва этнография ҳаваскорлари жамиятини Туркистон бўлими очилди. Бўлим аъзолари орасида Н.А.Северцов, И.В.Мушкетов, В.Ф.Ошанин каби олимлари бор эди. Бўлим 1879 йилда “Табииёт, археология, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг хотиралари” деган ўзининг биринчи асарини босиб чиқарди. Бу тўпلامга кирган мақолалар орасида Н.А.Северцовнинг “Помир умуртқали фаунасидан маълумотлар” мақоласи, Н.Б.Тейхнинг ўлка илмий таърифига бағишлаingan ишлари ва бошқалар диққатга сазовордир.

Бўлимда бу жамиятнинг Москвада 1872 йилда ташкил қилинган иккинчи политехника кўргазмасида Туркистон бўлимининг иштирок этишига таёргарлик кўриш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Ўрта Осиё олимлари жамиятида бўлгани сингари, бу бўлим мажлисларида ҳам қимматли илмий ахборотлар ва маърузалар тингланди. Жамиятнинг 1878 йилда В.Ф.Ошанин раҳбарлиги ос-

тида ташкил қилинган илмий сафари натижасида Буюк Пётр тизма тоғлари очилди. Маблаг йўқлиги туфайли бўлим жуда катта қийинчиликларни бошдан кечирди ва тахминан 1893 йилда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Ўлкада ишлаб турган ҳаваскор археологлар 1895 йилда Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагига бирлашди. Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари томонидан Фарғона тоғ тизмаларидаги Соймалитош деган жойда тошга ўйиб солинган жуда кўп суратларнинг, машҳур Биянайман оссурийларининг топилиши фаи солномаларига муҳим илмий кашфиётлар бўлиб кирди.

Маҳаллий илмий ходимлардан бир гуруҳи В.Ф.Ошанин ва бошқаларнинг ташабуси билан 1897 йил бошида рус география жамиятининг Туркистон бўлими ташкил қилинган эди. Бу жамият бўлими орқали Орол денгизи ва Балхаш кўли, Туркистон музликлари ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш сингари жуда муҳим ишлар олиб борилди. Фойдали қазилмалар қидириб топилиб, текширилди. Ўрта Осиёда зилзила сабаблари ва оқибатларини аниқлаш ишлари олиб борилди ва ҳоказо.

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкада ҳаммаси бўлиб 15 га яқин илмий жамият иш олиб борди. Улар геология, география, зоология, ботаика, иктисодиёт, тарих, шарқшунослик, археология, этнография, антропология, илмий тиббиёт ва шу каби билим тармоқлари ва ёрдамчи илмий фанлар соҳасида тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мустамлака Туркистон шаронтида илмий жамиятларнинг фаолияти маҳаллий аҳоли ўртасига ёйилмади. Илмий тиббиёт жамиятлари бундан бир қадар мустаснодир. Ўлкада Фарғона тиббиёт жамияти (1892-1910 йиллар), Туркистон шифокорлар жамияти (1899-1909 йиллар), Туркистон тиббиёт жамияти (1900-1908 йиллар) фаолият кўрсатди. Бу жамиятлар Туркистон ўлкасида тиббиёт, табиатшунослар ва шифокорлар ишларини ташкил этиш ва яхшилаш масаласини, кишиларнинг соғлиғи ва ҳаётига зарарли бўлган ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш олиб бориш масаларини ўртага қўйиб, уларни муҳокама қилди.

XX аср бошларида ҳам Туркистондаги илмий жамиятлар ўз фаолиятини давом эттирди. В.Ошанин ўлка ҳайвонот дунёсини, Н.А.Зарудний Туркистон паррандаларини, Б.А.Федченко ва О.А.Федченколар ўлканинг ўсимлик дунёсини тадқиқ қилдилар. Бу ишлар

натижасида илмий жамиятлар бўлими томонидан эълон қилинган асарларда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 80 хил янги уруғ, тур ва кичик турларини таърифловчи маълумотлар эълон қилинди.

Б.А.Федченконинг 1915 йилда эълон қилинган “Туркистон ўсимликлари” деган асарида Ўрта Осиёда маълум бўлган 5030 дан кўпроқ ўсимлик хиллари кўрсатиб ўтилган.

Туркистондаги зилзилаларни Б.Я.Короленко, Г.Б.Леонов ва бошқа тадқиқотчиар ўрганган.

Шарқшунослик жамияти Тошкент бўлимининг фаолияти (1901-1913) ҳам диққатга сазовордир. Бу бўлим ташаббуси билан ўлкада туб жой аҳолининг рус тилини ўрганши учун бепул кечки курслар ташкил қилинган. Бу курсларда хунароманд-косиблар ва шаҳар аҳолисининг куйи табақисидан бўлган бошқа кишилар ўқиган. 1906 йилда жамият бўлими С.М.Словьёвнинг “Бошланғич ўқиш учун рус солномаси”ни нашр қилди, уни ўзбек тилига Н.С.Ликошин таржима қилган. Бу асар 2700 нусхада бўлиб, рус-тузем мактабларига бепул тарқатилган. Бунда албатта, умумий таълим мақсадигина эмас, шу билан бирга сиёсий мақсадлар ҳам кўзда тутилган эди.

1907 йилда библиограф И.В.Дмитровский раҳбарлиги остида “Туркистон тўпламини тузиш ишлари” янгидан бошланди. 1917 йилга қадар тўплам жилдларининг сони 394 га етказилди. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бу тўплам жуда ҳам қимматли ва нодир ёдгорликлар мажмуи ҳисобланади. Унда Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган Шарқ мамлакатларининг тарихи, археологияси, этнографияси, адабиёти, иқтисодиёти, маданияти тарихи ва бошқа масалаларига оид кенг маълумотлар бор.

Ўрта Осиё тарихи ва археологияси ХХ аср бошидан чуқурроқ текширила бошланди. Бунда биринчи раҳбарлик ўрнида, шубҳасиз, ғоят билимдон олим, машҳур шарқшунос, академик В.В.Бартольд (1869-1930 йй.) турди. У шарқ тилини яхши билганидан ҳамшиша унинг илмий фаолияти марказида турган Ўрта Осиё тарихинигина эмас, шу билан бирга, бутун мусулмонлар шарқи тарихига оид жуда кўп биринчи манбаларни пухта ўрганиш имкониятига эга бўлди. Унинг “Туркистон мўғуллар хуружи даврида” (1898-1900 йиллар) асари пухта татқиқ қилинган, асл нусхали маълумотларга бойлиги жиҳатидан, Ўрта Осиёнинг ўтмишини ўрганишда фанга қўшилган ғоят катта ҳиссадир. В.В.Бартольднинг яна “Улуғбек ва унинг замони”, “Туркистоннинг суғориш тарихига доир” номли

асарлари ва бошқа кўпгина китоблари, мақолалари, илмий фикр-мулоҳазалари ғоят қимматли бўлиб, ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Полковник А.Г.Серебрянников тўплаган Ўрта Осиё истилоси тарихига оид 70 та катта-катта жилддан иборат маълумотлар Ўрта Осиёнинг 1839-1876 йилгача ўтган давр тарихини ўрганишда маълум даражада қизиқарли манбадир. Булар Петербург, Москва, Оренбург ва Тифлис каби архив маълумотлари асосида танлаб олинган. Булардан фақат 14 жилдигина иашр қилинган холос.

Маҳаллий археологлардан В.Л.Вяткиннинг (1869-1932) ишлари диққатга сазовордир. Бу олим 1908 йилда Самарқанддаги Улуғбек расадхонасининг қолдиқларини очди, Самарқанд ёдгорликларини ўрганиш ва сақлаш билан шуғулланди, қадимги Афросиёб кўрғони ва унинг атрофларини татқиқ этди. В.В.Бартольд ўзининг 1894 йилда босилиб чиққан “Туркистонда археологик татқиқотлар масаласига доир” китобида ўлкани жиддий равишда ўрганиш ҳали олдимизда турибди, бу ишда бош ролни маҳаллий илмий кучлар ўйнамоғи лозим, деган эди. Унинг таклифи билан 1895 йили октябрь ойида Туркистон археология ҳаваскорларининг тўғараги ва унинг низоми тасдиқланди. Тўғаракка Туркистон генерал-губернатори барон Б.А.Вревский раис этиб сайланганди. Тўғаракнинг 108 аъзоси бўлиб, булар ичида В.В.Бартольд, Д.В.Ошанин ва бошқалар бор эди.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Кўқон хонлиги, Наманган ва Тошкентда яшаган ўзбек халқининг тарихи, тилини ва урф одатларини ўрганишда Владимир Петрович Наливкиннинг (1852-1918) ҳам қўшган ҳиссаси каттадир. Унинг илмий фаолияти Ўрта Осиё халқлари тарихи, тили ва этнографиясини ўрганишдан бошланди. У рафиқаси М.В.Наливкина билан ҳамкорликда “Фарғона маҳаллий аҳолиси аёлларининг турмуш тарзи ҳақида очерк” деган китоб ёзди. В.П.Наливкин рус олимлари ичида биринчи бўлиб маҳаллий тилларни ўрганиб, маҳаллий тарихчилар кўлёзма асарларини ўрганган ва шулар асосида “Кўқон хонлигининг қисқача тарихи” ва “Русча-сартча ва сартча-русча луғат” китобларини ва қирқдан ортиқ илмий асарлар, мақолалар ёзган. Маҳаллий халқ тилини жуда мукаммал билганлиги сабабли уни ерли аҳоли “Жаҳонгир Тўра” деб атаганлар, у ҳам бир неча асарини “Жаҳонгир Тўра” номи билан чоп эттирган.

XX асрнинг 20-йилларига қадар тадқиқотчи олимлар ва ҳаваскор ўлкашуносларнинг саъйи ҳаракатлари билан ўлкамизни ўрга-

нишга доир анчагина материаллар тўпланди. Қадриятларимиз эса ўз ўлкамиз тарихини ўрганишдан бошланиши ҳеч кимга сир эмас. Бироқ собиқ иттифоқ даврида кечган 70 йилдан ортиқ давр мобайнида ёш авлодга ўтмиш тарихимизни ўргатишда катта хатолик ва чалкашликларга йўл қўйиб келинди.

1917 йилгача яшаган бир қатор шарқшунос олимлар ва маҳаллий тарихчиларнинг ўлкани ўрганишга бағишланган кўпгина асарлари унутилди. Ўлка тарихи билан бевосита шуғулланганлари эса миллатчилик тамғасига дучор бўлдилар. Зеро, тадқиқотчи олимларининг изланишлари туфайлигина ўтмиш тарихимиз ойдинлашиб боради.

Термиз яқинидаги Айритомда тошга ўйилган бўртма расмлар, Хоразмнинг қадимги пойтахти – Тупроққалъадан чиққан ҳайкал, деворга ишланган расмлар ҳамда Сурхондарёдаги Холчаён, Далварзинтепадан топилган гил ва ганчдан ясалган ҳайкаллар халқимизнинг қадимда ўзига хос бетакрор усуллар билан юксакликка кўтарилган тасвирий санъат маданиятини юзага келтирганлигини кўрсатади. Аммо булар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг мазмуни тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан мустабид тузум даврида ёшларга етарлича ўргатилмади. Масалан, ўлкамизда минерал бойликларини қидирган, кўрғошин ва феруза конларини топган хўжандлик Мулла Саигин, Чимкентда ўлкадаги биринчи рус-тузем мактабини очишда фаоллик кўрсатган, Қўқои шаҳар мактабида ишлаган ҳамда “Туркистон вилоятининг газети”да масъул муҳаррирлик қилган, Туркистон муаллимлар семинариясида ўзбек ва форс тилларида дарс берган, 1876 йилда Петербургда ориенталистлар III халқаро съездида маъруза қилган, ўлкадаги туб жой аҳоли орасида дунёвий билимларнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган Сатторхон Абдуғаффоров, ўзбек археологияси ривожига катта ҳисса қўшган, нумизматик коллекциялар тўплаган, ҳозиргача бой коллекцияси Россия Давлат эрмитажиди сақланаётган бўлса-да, номлари тилга олинмаган самарқандлик Мирзо Бухорий, Мирзо Абдуллоларнинг номлари унутилди. Ваҳоланки, шу истеъдодлардан бири – ажойиб санъаткор-ҳаттот Мирзо Барот Мулла Қосимов Самарқанд ва унинг атрофларидаги кўпдан-кўп қадимги замон ёдгорликларининг расмини чизган, Улуғбек мадрасасининг ғоят аниқ чизмасини тайёрлаган эди.

Тарихий ўлкашунослик фаннинг содиқ ташкилотчиларидан бири Акромполвон Асқаров жуда ажойиб ёдгорликлар – Ўрта Осиёда қадимда зарб этилган 15 мингдан кўп танга-чақалардан иборат бўлган коллекция тўплаган. Бухорода қадимги гиламлар, қўлёзмалар, нодир сопол идишларни тўплаган Муҳаммад Вафо жуда машҳур бўлган. Ҳаваскор ўлкашунослардан Олимхўжа Юнусов, Мирза Ҳаким ва бошқалар Рус жугрофия жамияти Туркистон бўлимининг жонқуяр ходимлари эдилар.

Республикамиз ҳудудидан топилган қадимги ва ўрта асрга оид танга-пуллар номаълум бўлган кўпгина қадимги шаҳарлар “ёши” ни аниқлаб олишда катта ёрдам беради. Масалан, Бухоро, Термиз, Кат, Кува ва бошқа жойларда зарб этилган олтин, кумуши ва мис танга-пуллар шу ҳудудда ташкил топган Хоразм, Канҳа, Фарғона, Чоч, Дахия, Кушон, Сўғд, сомонийлар, қорахонийлар, теурийлар ва бошқа подшолик-давлатларнинг иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини, айниқса, улардаги пул ҳамда ташқи ва ички савдо муносабатларини ўрганишда жуда қимматли ашёвий далил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Тарихий ўлкашунослик ва туризм фани олдида қуйидаги энг маъсулиятли вазифалар турибди: кўҳна Самарканд, Бухоро, Хива, Қўқон, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги саёҳат мазмуини тушунтирувчиларга тўғри илмий йўналиш бериш; вилоят, воҳа ва водийлардаги ўлкашунослик музейларига маълумотнома ва йўл кўрсаткичлар таёрлаш; жойлардаги ҳамда Республика Марказий архивидаги ҳужжатларни кенгроқ ўрганиш; Шарқшунослик илмгоҳи ва қўлёзмалар илмгоҳида сақланиб турган жуда кўплаб нодир қўлёзма асарлари ҳақида маълумотлар тўплаб, уларни ўқувчи ёшлар ва аҳоли кенг қатламларига етказишдан иборат.

Ўзбекистонда археология фанинг ривожланишида йирик рус олимлари А.Ю.Якубовский, С.П.Толстов, М.Е.Массон, А.П.Окладников, В.А.Шишкин, биринчи ўзбек археологи, академик Яхё Гуломов, академиклар Аҳмадали Асқаров, Ўтқур Исломов, Ю.Ф.Буряков, Э.В.Ртвеладзеларнинг хизматлари бениҳоя каттадир.

Атоқли олим, академик Яхё Гуломов 1908 йилда Тошкентда дунёга келган эди. 1917-1923 йилларда бошланғич мактабни битириб, Тошкентдаги эркаклар билим юртида ўқиди. 1927 йилда Самарқанддаги Ўзбек давлат педагогика академияси ижтимоий ва

иктисодий бўлимида таълим олди. У бу даргоҳда тарих фани бўйича биринчи ўзбек профессори Бўлат Солиев ва бошқа таникли олимлардан таълим олиш билан бир пайтда ўз устида қаттиқ ишлаб, билим ва тажрибасини узлуксиз ошириб борди. Айни чоғда, Яхё Ғуломов археология фанига қизиқиб, Самарқандда олиб борилаётган археология қазув ишларида қатнашиб турган. Маҳаллий нодир қўлёмаларни тўплаш ва ўрганиш билан шуғулланди. Яхё Ғуломов ўлкадаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намоёндаларидан бири бўлган Абдурауф Фитратдан ҳам таълим олган. У 1929-1931 йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ Колмиссарлари Совети қошидаги илмий-тадқиқот институтининг аспирантурасида ўқиди. 1931-1932 йилларда Тошкент педагогика билим юртида дарс берди. 1933-1940 йилларда Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш Республика комитетида илмий ходим, илмий котиб лавозимларида хизмат қилган.

Яхё Ғуломов Хоразм ва Зарафшон археология экспедицияларида қатнашиб, қадимги давр тарихини синчиклаб ўрганди. 1936-1937 йилларда Хоразмдаги археологик экспедицияларда олиб борган ишлари қатта аҳамиятга эга бўлди. Унинг археология соҳасидаги ютуқларидан бири шундан иборатки, у ўрта аср қўлёманбалари асосида фанга номаълум бўлган айрим қадимий шаҳарларнинг қаердалигини ва номини аниқлаб берди. Бу эса олимнинг жой номлари – топонимлар соҳасида ҳам изланишлар олиб борганлигини кўрсатади. У ўша вақтлардаги археологлар орасида қўлёманбаларини яхши билар эди. Забардаст олимнинг илмий фаолияти вақт ўтиши билан ривожланиб бораверди. 1940-1943 йилларда у собиқ СССР Фанлар академияси Ўзбекистон филиалининг Тарих, тил ва адабиёт институти қошидаги археология бўлимига раҳбарлик қилди. 1943 йилда эса “Хива ва унинг обидалари” мавзуйда тарих фанлари номзоди илмий ишини ҳимоя қилди. Шундай қилиб, Яхё Ғуломов сиймосида ўзбеклардан биринчи мартаба археолог олим етишиб чиққан эди”¹.

Олим Аҳсикент, Қува, Афросиёб, Хива ва бошқа қадимий шаҳарларнинг тарихини ўрганиш ҳамда уларнинг тарихини оммалаштиришга улкан ҳисса қўшди. Ўлкамизда сунъий суғоришнинг юзага келиши, ривожланиш жараёни ва аҳамиятини ўрганишга алоҳида

¹ Академик Яхё Ғуломов замондошлари ва шогирдлари хотирасида. Тошкент–Самарқанд, 2008. Б. 45-49.

аҳамият берди. Бу ниҳоятда мураккаб масалани ҳал этишни Хоразм воҳасидан бошлади. Бу бежиз бўмаган эди, албатта. Зеро бундан 2500 йил муқаддам Ўзбекистон ҳудудларида илк давлатчилик белгилари Хоразмда ташкил топган эди. Олим бу ерда бир неча йил мобайнида археологик қазувларда фаол қатнашиб, ўз олдига қўйган вазифани тўла адо этди. Бу борада унинг ўзбек ва рус тилларида ишар этилган "Хоразмнинг суғориш тарихи" (1957-1959) номли йирик асари катта аҳамиятга эга. Асарда Хоразм воҳасида энг қадимий даврлардан то ўтган асримизнинг 50 йилларигача бўлган вақт ичида сунъий суғоришнинг пайдо бўлиши, ривож, инқирозга учраши, унинг сабаблари батафсил ёритилган. Асар кейинги йилларда сунъий суғориш тарихи бўйича чоп этилган ва чои этилаётган ишларнинг назарий асослари сифатида ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

1950 йилда Яҳё Ғуломов мазкур тадқиқот бўйича Москвада докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Яҳё Ғуломов тарих ва археология институтларининг асосчиларидан биридир. У ўта миллатпарвар ва ватанпарвар одам эди. Ўз олдига миллий археология фанини ривожлантириш, ўзбек халқининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини жаҳон узра таратишни мақсад қилиб қўйган эди. У бу олий мақсадга эришиш учун куч-қувватини аямай сарфлади. Яҳё Ғуломов Ўзбекистонда археология бўйича миллий кадрлар тайёрлаб, Ўзбекистон археология мактабини яратди.

Яҳё Ғуломов 1943-1977 йилларда, яъни умрининг охирига қадар Ўзбекистон Фанлар академиясининг дастлаб Тарих ва археология, 1970 йилдан Тарих институтининг "Қадимги ва Ўрта асрлар тарихи" бўлимига бошчилик қилди. 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилдан академиги этиб сайланди. 1956-1959 йилларда Тарих ва археология институти директори лавозимида ишлади.

Давлат ва жамоат арбоби, етук археолог олим, академик Аҳмадали Аскарлов 1935 йил Наманган вилояти, Норин тумани, Учтепа қишлоғида туғилган. 1957 йил Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг Тарих факультетини тугатган. Дастлаб ўрта мактабда ўқитувчи, кейин 1958-1961 йилларда Ленинград (ҳозирги Петербург)да аспирантурада ўқиди. Таниқли профессор, археолог М.П.Грязнов раҳбарлигида илмий тадқиқот ишларини олиб боради. 1963 йил "Қуйи Зарафшонда Бронза даври

маданияти” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган. А.Асқаров 1961 йилда “Замонбобо маданияти”га оид чуқур тадқиқотлар олиб борди, устози Яхё Ғуломов бошлаган ишни синчковлик билан давом эттирди. Бу илмий ишларнинг натижалари унинг ўнлаб мақолалари ва 1966 йилда академик Ў.Исломов ва устози Я.Ғуломов билан чоп этилган “Зарафшон қўйи ҳавзаларида ибтидоий маданият” номли монографиясида ўз аксини топган. 1977 йили Москвада Иттифоқ академиясининг Археология институтида “Жанубий Ўзбекистон Бронза даврида” номли докторлик диссертациясини химоя қилган. Расмий оппонентлари академик Б.Б.Пиотровский, тарих фанлари докторлари Г.Е.Марков, Е.Н.Черныхлар диссертацияга ижобий баҳо берганлар”¹. Ушбу тадқиқот иши ўлкамиз тарихини ўрганишда муҳим манбаларга бойлиги билан эътиборлидир. Тадқиқот ишининг мазмуни “Бронза даврида Жанубий Ўзбекистондаги қадимги деҳқончилик маданияти-ти”² китобида тўла акс этирилган. А.Асқаров жанубий Ўзбекистонда қадимги деҳқончилик маданияти тарихи бўйича олиб бори-ган изчил тадқиқотлари туфайли фан оламида ўз ўрнини топди. Бу изланишлар туфайли Ўзбекистонда суғорма деҳқончилик маданияти тарихи роса минг йилга қадимийлашди, пахтачилик, ипакчилик, боғдорчиликнинг тарихий илдизлари бронза даврига бориб тақалди, яъни 3,5 минг йил – мил.ав. II минг йилликнинг биринчи яримигача бориб етди; Жанубий Ўзбекистон худудлари қадимги Шарқ тамаддунининг бешинчи ўчоғи бўлганлиги илмий исботланди.

Олим ўзининг сермазмун илмий фаолияти давомида 400 дан ортиқ илмий мақола, 116 та монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратди. А.Асқаров Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқандда очилган Археология институтини ташкил этишда, унинг илмий жамоасини уюштиришда жонбозлик қилган ва ушбу археология институти нуфузини жаҳонга олиб чиққан фидойи, жонкуяр олим ва фан ташкилотчиси, Я.Ғуломов илмий мактабининг давомчисидир. Бир неча йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг “Ватан тарихи” кафедрасида кафедра мудири лавозимида ишладилар. Ҳозирги кунда А.Асқаров нафақада бўлсада ёш археолог ва тадқиқотчиларга устозлик қилмоқдалар.

¹ Каюмов А. Академик Ахмадали Асқаров. Т.: Фан, 2003. – Б. 37.

² Асқаров А. Бронза даврида Жанубий Ўзбекистондаги қадимги деҳқончилик маданияти. Тошкент: Фан, 1977. – Б. 232.

Тарих фанлари доктори, археолог олим, академик Ўткир Исломов 1932 йил Тошкент шаҳрида педагоглар оиласида дунёга келган. Олимнинг отаси Исломо Исмоилов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, онаси Ҳабиба Исмоилова бутун ҳаётини ёшларга билим беришга бағишлаган жонкуяр ўқитувчилардан бири бўлган. Ўткир Исломов 1947-1951 йилларда Тошкент педагогика билим юртини, 1952-1956 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини имтиёзли тамомлади. У меҳнат фаолиятини 1956 йилда пойтахт вилояти, Қорасув туманидаги 14-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлайди. Бўлажак олимнинг тирришқоқлиги ва билимдонлиги Яхё Ғуломовнинг эътиборига тез тушади. Ўткир Исломов 1963 йили “Қуйи Зарафшоннинг неолит маданияти” мавзусида номзодлик диссертациясини, 1978 йилда эса “Ўрта Осиё мезолити” номли докторлик диссертациясини Новосибирск Археология институтида химоя қилди. Олим 1963-1964 йилларда Тошкентдаги Тарих ва археология институтининг кичик илмий ходим, 1964-1970 йилларда катта илмий ходим, 1970-2000 йилларда бўлим мудири лавозимларида ишлади. Ҳозирги кунгача Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими мудири лавозимида хизмат қилиб келган. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, Самарқандда очилган Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтида раҳбарлик лавозимларидан бирида иш олиб борди. У ўз сафдошлари билан биргаликда Самарқанд Археология институтини шакллантиришда, “Самарқанд Археология мактабини” ташкил этишда фаол қатнашди. У Қизилқум чўлларида ва Сурхон, Тошкент, Фарғона тоғларида, Россиянинг машҳур палеолит макони – Костеноководан тортиб то Узоқ Сибирь кенгликларигача бўлган ҳудудларда кўнлаб археологик изланишлар ўтказган. Олим 2000-йилдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг академигидир.

Мавзунинг мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўлкашунослик қандай манбаларга асосланади?
2. Ўлкашуносликда археология фанининг аҳамияти қандай?
3. В.Л.Вяткиннинг археология соҳасидаги тадқиқотлари ҳақида нима биласиз?
4. Ўзбекистонда археологиянинг ривожланишига доир қандай маълумотларга эгасиз?

5. Ўзбек археологларидан кимларни биласиз?
6. Академик Я.Ф.Ғуломов илмий мактаби ҳақида нималарни биласиз?

Таянч сўзлар изоҳи:

Моддий ёдгорликлар – инсон томонидан яратилиб, бизгача сақланган бигиз, болта, тақинчоқ каби ашёвий нарса, буюмлар.

Маданий қатлам – ўтмишнинг маълум бир даврларига хос одамларнинг ҳаёт тарзи кечган жой.

3-мавзу: Мамлакатимизда ўлка тарихининг ўрганилиши

РЕЖА:

1. Ўлкамиз қадимги даврининг ўрганилиши.
2. Ерга эгалик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши даври.
3. Ўлкамиз янги даврда.

Калит сўзлар: *ибтидоий жамоа даври, мустъе маданияти, сўнги палеолит, энеолит, бронза даврларида ўлкамиз, калтаминорликлар чайласи, Тозабог'ён маданияти, Замонбобо ёдгорлиги, зардуштийлик дини ёдгорликлари, Тупроққалъа, Болаликтепа, Варахша, Фаёзтепа, Панжикент ёдгорликлари, ўлкамиз янги даврда, Ислом маданияти пойтахти, диний конфессиялар.*

Ибтидоий жамоа даври илк одам зотининг пайдо бўлишидан то жамиятининг синфларга ажралишигача бўлган узоқ даврни ўз ичига олади.

Дастлаб одамлар уруғ-аймоқ ва оила деган нарсани билмасдан ибтидоий (тўда) ҳолда яшаганлар. Бу давр одамлари тошдан қурол ясаб, уни ишлатиб ва қуроолларни такомиллаштира борган сари, ўзлари ҳам ривожланиб борган. Бу қурооллар қўлда қўпол қилиб, кертиб ишланган бир-икки хилдан ошмаган тош қурооллар бўлган. Ишлаб чиқариш техникаси жиҳатидан бу давр илк палеолит (қадимги тош, мил.ав. 1 млн. – 100 минг йилликлар) даври деб аталиб, меҳнат қурооллари тараққиёт босқичи жиҳатидан *олдувай, шелл, ашел* даврлари деб ҳам аталади; бу давр палеолит даврининг куйи

ва ўрта босқичини ташкил қилади. Бу даврларда яшаган зинжантроп (Африка одами), питекаитроп (маймунсимон одам), синантроп (хитой одами), гейделберг (германия одами) типдаги одамлар тuzилиши жиҳатидан ҳозирги қиёфадаги одамларга бироз ўхшаб кетар эди. Улар тўда-тўда бўлиб яшаб, майда ҳайвонлар, ҳашорот, турли мева ва ўсимлик илдизлариини еб кун кечирганлар. Улар сўзлашишни билмаганлар.

Илк палеолит даврига доир ёдгорликлар Жанубий Туркманистонда, Тошкент вилоятининг Оҳаигарон туманидаги Кўлбулоқда, Фарғона водийсининг Сўх туманидаги Селенғур маконидан топилган. Селенғур маконидаги одамлар бундан тахминан 1 млн. йил олдин яшай бошлаганлар. Қорақум чўлида ҳам ашел даврининг баъзи қуроллари топилган. Демак, буидан тахминан 400-500 минг йиллар илгари Ўрта Осиёда, шунингдек, Ўзбекистонда ашел қуролларини ишлатган ибтидоий, тўда ҳолатидаги одамлар яшаган. Бу даврда тош қуролларнинг тури ва ишланиши техникаси анча яхшиланганлиги сабабли одамлар ёғочнинг учини сих қилиб ишлаш ҳамда суяқдан асбоб ясашни ўргаидилар. Қўл меҳнатининг нисбатан юқорироқ шакллаиан бу даври ўрта палеолит (мил.ав.100-40 минг йилликлар)да *мустье маданияти* даври деб аталади. Бу *ашел* давридан кейин келади. Бу даврда неандертал одами яшаган. Булар ибтидоий тўда ҳолидан уруғ-аймоқ муносабатларига ўтишга яқинлашиб, бир оз сўзлашишни ҳам ўргана бошлаганлар. Бу давр кишилари жамоа бўлиб, катта-катта ҳайвонларни овлаш, бир жойда узок яшаши орқасидан кейинчалик тўда ҳолатдан уруғчилик тартибига кўча бошлаганлар.

1938 йили Сурхондарёдаги Бойсун тоғида жойлашган Тешиктош ғори текширилганда бу жой мустье даврида яшаган одамларнинг макони бўлиб чиқди. 1946 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги “Омонқўтон ғори”да ўша давр одамларининг макони ва тош қуроллари топилди. 1954 йилда Фарғона водийсининг Қайроққум чўлида ҳам бир неча ерда мустье даври меҳнат қуроллари топилган.

Кейинги йилларда бир қанча янги-янги ёдгорликлар топиб текширилиши туфайли Ўзбекистон иалеолитининг мустье даври синчиклаб ўрганилди. Мустье маконлари Тошкент вилоятининг Чирчиқ водийсидаги Хўжакент ва Обираҳмат ғорларида, Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқда, Бухоро вилоятидаги Учтутда, Фарғона водийсининг Қалъача ва Сўх атрофларида топиб текширилди.

Мустъе даврининг охирларига келиб ов қилинадиган қуролларнинг кўпайиши, узоқ атрофдаги аҳоли билан алоқа боғланиши натижасида маълум бир жойда муқим ҳолда яшаган бир гуруҳ кишилар ўртасида қон-қариндошлик муносабатлари бошланади.

Тадқиқотчиларнинг ҳисоблаб чиқишига қараганда, бу даврнинг тугаши 40 минг йилча аввал юз берган, энди *қуйи ва ўрта палеолит* тамом бўлиб, *юқори палеолит даври* бошланади.

Юқори палеолит (мил.ав. 40-12 минг йиллик)да уруғчилик ша-роитида ов ва балиқчилик маҳсулотлари кўпайиб борган ва дев, пари, жин ва худолар ҳақидаги турли афсоналар тўкила бошланган. Ўзбекистонда юқори палеолит даврининг деярли барча босқичлари маданиятидан дарак берувчи маконлар Тошкент яқинидаги Шойим-кўприкда, Бойсун тоғларида, Мачай ғорида, Амир Темур ғоридан топилган. Бундан ташқари Самарқанд вилоятида 5-6 та макон, шунингдек, Самарқанд шаҳри сой бўйида, Сурхондарё вилоятида эса 15 га яқин юқори палеолит маконлари, Тошкент атрофида 3-4 та макон топилган. Булар ичида Шойимкўприк ва Мачай ғори ёдгорликлари одамларнинг ўтмиш ҳаёти ҳақида муқим маълумотларни беради. Юқори палеолитда яшаган одамларнинг асбоб-анжом ва маконлари кўп топилган бўлсада, яхши ўрганилгани Самарқанд маконидир. 1939 йилда очилган бу ёдгорликда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Самарқанд Давлат университетининг Д.Н.Лев бошлиқ археологларининг илмий сафари натижасида 1958 йилда қазилмалар олиб борилди. Самарқанд макони учта маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан бир неча ўчоқ қолдиқлари ва тош қуроллари: пичоксимон пластинкалар, кескичлар, ёй, тигли қирғичлар, ботиқ тигли тош қуроллар ҳамда ҳайвонлар: ёввойи от, кийик, туя, қўй, қорамол суяклари топилди. Булардан ташқари, Самарқанд маконида юқори палеолит одамининг иккита пастки жағи ҳам топилди. Бу Тешик-тошдан топилган неандерталь бола қолдиғидан кейинги иккинчи нодир топилма бўлиб, гарчи у сўнги палеолитга мансуб бўлсада генетик жиҳатдан Тешиктош одами билан боғлиқдир. Улар кўпроқ овчилик, термачилик билан кун кечирганлар.

Юқори палеолит даврига оид тош қуроллар Бухоро вилоятидаги Учтут қишлоғи атрофида, Тошкент яқинида Бўзсув 1, Бўзсув 2 маконларида, Оҳангарон водийсидаги Кўлбулоқ маконида ва бошқа жойлардан топилди.

Палеолит тамом бўлиб, *мезолит даври* (мил.ав. 12-7 минг йиллик) бошланади. Мезолит – ўрта тош даври бўлиб, қадимги тош даври (палеолит) билан янги тош даври (неолит)нинг орасида ўтган давр бўлгани учун шундай аталади. Бу даврда кишилар ўқ-ёйни кашф қилади, овчилик бир муносабат осонлашади, биринчи марта ит уй ҳайвони сифатида хонакилаштирилади. Табиатда музликлар эриб, иқлим илиқлашади. Мезолит даврига доир Мачай (Сурхондарё), Обишир (Фарғона водийси), Кўшилиш, Бўзсув (Тошкент) каби маконлар тадқиқ этилган.

Ўрта тош асри, яъни мезолит даври яхши ўрганилган бўлиб, бу даврда яшаган аждодларимиз ибтидоий санъат мўжизаларини ярата бошлаганлар. Буларга эса асосан горларга ва қоя тошларга қизил бўёқ ёрдамида ёки ўймакорлик усулида тасвирланган ов манзараларини кузатиш орқали иқроқ бўламиз. Бундай ёдгорликлар Сурхондарё вилоятидаги Зараутсой дарасида, Жиззах вилоятининг Такатош мавзесида, Навоий вилоятидаги Сармишсой ва Қораунгурсойларда, Тошкент вилоятининг Паркент, Чотқол тоғ тизмаларида, Хўжакент яқинида ҳамда Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани ҳудудидаги Имомота ғори жойлашган тоғ тизмаларида топиб ўрганилган. Улар орасида Зараутсой, Такатош ва Имомота ёдгорликларидаги суратлар, айниқса, диққатга сазовордир. Зараутсой дарасидаги суратларда ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси қизил бўёқлар ёрдамида ёрқин гавдалантирилган.

Бошқа бир манзарада овчилар гуруҳи ёввойи буқаларни ва тоғ эчкиларини ўраб олаётгани, ўқ-ёй отаётгани тасвирланган. Бу ердаги манзаралардан бирида ўндан ортиқ овчилар ёввойи буқа ва архарлар подасига камонлардан ўқ узаётгани ифодаланган. Ўртадаги кўринарли жойда аёлнинг расми катта қилиб солинган. Расмларда итлар ҳам бор. Бу, шубҳасиз, одам қўлига ўргатилган дастлабки ҳайвоннинг тасвиридир.

Мезолит даврида яратилган тасвирий санъат асарлари орасида Хўжаобод тумани ҳудудидаги Имомота ғори ичидан топиб ўрганилган асарлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Шулардан бири, қоя тошга ўйиб ишланган жигарранг кўринишдаги тасвир бўлиб, унда шохлари бир неча бор қайрилиб кетган бир-биридан улкан архарлар ва уларнинг ўртасида янада кўзга ташланарли қилиб ишланган дулдул от тасвиридир. Бу эса мезолит даврига оид топилган дастлабки нодир суратлардан саналади. Ҳудудимизда мезолит даврида

чизилган қоя тошлардаги суратлар – қадимги тасвирий санъатнинг бу каби ёдгорликлари мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг ибтидоий жамоа тарихини чинакамига ўрганишда ғоят қимматли тарихий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Ана шундай маконлар тўғрисида маълумотларни тўплашни ўқувчиларга вазифа қилиб бериш, ҳикоялар ёзиш, ривоятларни тўплаш учун тоишириқларни бериш уларнинг онгида ватанпарварлик туйғусини ўсишида муҳим омил бўлади.

Неолит (мил.ав. 6-4 минг йиллик) даврига ўтиш, асосан, тошни силлиқлаш ва тешиш усулларини расм-одат қилишдан бошланади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг юзага келиши бу даврнинг энг муҳим кашфиёти ҳисобланади. Ўрта Осиёдаги деҳқончилик манзилгоҳларига Жойтун (Ашхобод яқинида), Калтаминор, Ҳисор маданияти номлари билан боғлиқ маконлар киради.

Неолит даври одамларининг катта ютуқлари қаторига сопол идишларни яшаш ва тўқимачиликни ўрганишлари ҳам киради. Уларнинг кўпчилиги бу даврда дарё, кўл ва денгиз бўйида, аксарияти кум устида чайла қуриб яшаганлар. Булар асосан ўтроқ аҳоли бўлиб, кўпроқ овчилик ва балиқчилик билан кун кечирганлар. Шунинг учун сопол идишларнинг таги текис эмас, юмалоқ ёки тухум учига ўхшаш бўлган. Ўзбекистонда Бойсун тоғларидаги Мачай, Амир Темур ғорларида, Узбой атрофида ва Қорақалпоғистондаги Ёнбош қалъа атрофларида неолит даври маданиятининг қолдиқлари топилган. Бу маконлар ичида энг диққатга сазовори Амударёнинг қуйи оқими Оқчадарё ўзани бўйидаги Калтаминорликлар чайласидир.

Профессор С.П.Толстов бошлиқ Хоразм археологияси илмий сафари 1937 йилда қидириш ишлари олиб бориб, Жанубий Қорақалпоғистондаги Қизилқум ичида қолиб кетган қадимги обод ерларда ғоятда кўп ва аҳамиятли ёдгорликларни топиб текширди. Бу ёдгорликлар орасида энг қадимгиси Калтаминорликлар чайласи бўлиб, унда сўнгги даврларнинг ёдгорликлари ҳам яқши сақланган.

Қизилқум саҳросидаги кум тепаликлар орасида Ёнбош қалъа номли қир устида эрамиздан 3-4 минг йиллар илгари солинган қалъа бор. Ўша қалъанинг жануб томон этагида шамолда бузилиб нураётган тақирлар тагида кул, сопол синиқлари: майда тош қуроқлар ва бошқа нарсалар кўриниб қолган. 1940 йили ўша жой қазилганда, у ер кум тепасини текислаб, ходалар ва камийшдан жуда катта чайла қурилгани аниқланди.

Профессор С.П.Толстовнинг тахминига кўра, деб ёзади марҳум академик Я.Ғ.Ғуломов, бу чайлада 100-120 одам она уруғи оиласи таркибида яшаган. Чайлада кумли ер ўйиб ишланган 20 дан ортиқ ўчоқ бўлган. Ҳар бир ўчоқ атрофида балиқ суяклари, кийик, ёввойи чўчка, қирғовул, сув қушларининг, ўрдак, ғоз тухумларининг пўчоқлари, ёввойи жийда данаклари, чақмоқтошдан ясалган майда пичоқсимон асбоблар, тошни силлиқлаб ишланган бурғусимон асбоб, сопол идиш синиқлари ва шунга ўхшаш нарсалар кўп бўлган. Бу жойда ҳали металл, уй ҳайвонлари, қўлда экиладиган экин қолдиқлари йўқ эди.

Металлнинг йўқлиги, уй ҳайвонлари ва деҳқончилик аломатларининг мавжуд эмаслиги – булар ҳали она уруғи босқичида яшаганлигидан дарак беради.

Ўлкамизда *неолит* (мил. ав. IV-III минг йиллик) даврига келиб бошларига келиб одамлар турмушида, ижтимоий-сиёсий ҳаётида айрим ўзгаришлар рўй бера бошлади. Одамлар тош билан биргаликда мисдан ҳам фойдаланишни ўргандилар.

Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий худудлари ва Оролбўйидаги одамлар чорвачилик, балиқчилик ва овчилик билан кун кечирганлар. Бухоро воҳасидаги Ловлакон, Бешбулоқ, Паижиқент яқинидаги Саразм, Туркменистоннинг Қорақум чўли ва Копеттоғ этакларидаги Анов 1-2, Намозғоҳ 1-3 маконлари неолит даврига оид бўлиб, мутахассислар томонидан тадқиқ этилган.

Бронза даври даври мил. ав. III-II минг йилликларни ўз ичига олади. Бу давргача одамлар табиатдаги бор нарсаларни тутиб ва териб еб, тирикчилик қилиб келганлар. Улар чорва боқишни, экин экишни ҳам билмаганлар. Овчилик ва балиқчиликнинг ривожланиб бориши натижасида кишилар аввал мисни ва кейинроқ мисга қалайни қўшишдан ҳосил бўлган *жез (бронза)*ни ишлата бошлаганлар. Бу даврга оид маконларга Сурхондарё вилоятидаги *Сополитена*, *Жарқўтон*, Бухоро вилоятидаги *Замонбобони*, Хоразм худудларидаги *Тозабогёп маданияти* каби ёдгорликларни мисол қилса бўлади.

Мустаҳкам ўрнашмаган деҳқон ва чорвадорлар маданияти биринчи марта Хоразмда ўша Қалтаминор чайласи яқинларида аниқлангани учун *Тозабогёп маданияти* деб аталган. Қарийб шу хил маданият Моҳондарё ҳавзасида топиб ўрганилди. Моҳондарё Зарафшон дарёсининг қуриб қолган бир ирмоғи бўлиб, Қорақум

манзилгоҳининг шимолидаги чўлда унинг излари ҳали йўқолиб кетмаган ва унинг бўйларида ўша ибтидоий давр қишлоқлари ва мазорларининг излари мавжуд. Бу жойлар профессор Я.Ф.Ғуломов томонидан 1950 йилдан буён текширила бошланган.

Бухоронинг Қорақўл тумани марказидан қарийиб 15 километр шимолий-ғарбда Замонбобо қўли бўйида ўша давр аҳолисининг катта қабристони топилиб текширилди. Мазорларда ўликларнинг оёқ-қўлини букиб, ғужанак қилиб, чап томонга ёнбошлатиб қўмганлар. Шу тахлитдаги 41 та мазор очилиб, ўрганилган. Улардан баъзиларида эр-хотин бирга дафн этилган. У замонда она уруғи даври битиб, ота уруғи ҳукмрон бўлган ва эркакнинг хўжаликдаги ва оиладаги мавқеи ортган, хотин унга хусусий мулк қатори тобе бўлиб қолган давр эди. Шунинг учун эр ўлса, хотинини ҳам ўлдириб бирга қўмиш одат бўлган. Бундай ҳолат, асосан, қабила бошлиқлари қўмилган мазорларда учрайди. Мазорларда идишлар, ўқлар, зеб-зийнат буюмлари, ҳатто жез ойналар ўликнинг олдига қўйилган. Лаҳат қилиб қўмиш ўша вақтда амалда бўлган. Шунга яқин бир жойда топилган иккинчи бир қабристонда ўликларни юқоридагидай ғужанак қилиб қўмганлар. Топилган суяқлар ёнида жез исирғалар, қимматбаҳо тошлардан маржонлар, жез билак узуклар топилган.

Наманган вилояти Чуст шаҳарчаси ёнидаги “Бувана мазор” деган жойда ҳам шундай қишлоқ топилган. У ердаги аҳоли атрофдаги булоқ сувларидан фойдаланиб, деҳқончилик қилиб, ўтроқ ҳолда қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшаганлар. Чустликларининг сопол идишлари Туркменистон ўтроқ деҳқонлариники сингари бўёкли, хилма-хил бўлган. Жездан қуйма буюмлар кўп ишлатилган. Хом ғиштлардан ертўла уйлар қуриб яшаганлар. Бу қишлоқ аҳолиси бундан қарийиб 3 минг йил муқаддам, темир даврига кўчишда ҳам ўша жойда кун кечирганлар. Худди шундай қишлоқ Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Далварзинтепада ҳам топилган. Буларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил тарзда бўлиб, бу ҳолат жез даврида Фарғона сойлари сувидан фойдаланиб деҳқончилик қилувчи ўтроқ деҳқонлар қишлоғи кўп бўлган, деган хулосага имкон беради.

Чуст, Далварзин ва Кучуктепада олиб борилган археологик қазилмалардан шу нарса маълум бўладики, Чуст маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган мустаҳкам қишлоқларда пахса ёки хом ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Масалан, қадимги Чуст қишлоғи харобасида узунлиги 286

метр, эни 2-3 метр ва баландлиги 1,5 метрча келадиган ташқи девор қолдиқлари очилди. Шундай девор қолдиқлари Далварзинда ҳам 200 метр масофада топилиб, унинг эни 4,6 метр, баландлиги 2,5 метр келади. Далварзинтепада атрофи девор билан ўралган арк харобаси топилиб, деворининг узунлиги 130 метрга ва баландлиги 2,5 метрга тенг. Далварзинтепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 метр масофада, эни 4 метрли тош йўл очилди. Булардан ташқари, бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар ҳам топилган.

Бундан 3000 йилча илгари одамлар *темирни* оловда эритиш йўлини топиб, уни ишлата бошлаганлар. Бу даврда ишлаб чиқариш шу даражага етадики, бир кишининг меҳнатидан келадиган даромат унинг бир ўзини боқишгагина эмас, балки бир неча кишини боқишга кифоя қила бошлайди.

Ўрта Осиёда патриархал қулчилик муносабатларининг айрим кўринишлари Парфия, Греция, Бақтрия ҳамда Кушон каби давлатлар ҳукмронлиги замонида пайдо бўлди. Бу даврда қалъалар бино қилиш, суғориш каналлари қазилар, ҳунармандчиликда, шаҳар ҳаёти, йўл ишлари, ички ва ташқи савдо ҳамда санъатда жиддий кўтарилиш юз берганлиги, синфий муносабатларнинг кескинлашганлиги кўринади. Бундай ҳолат фақат Хоразмда топилган археологик ашёлардагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда ўтказилган ва ўтказилаётган текширишлардан ҳам яққол кўриниб туради.

Жуда қадимданок диний эътиқод одамлар ҳаётида муҳим роль ўйнаган. *Зардуштийлик (зороастризм)* – оташпарастлик динининг ривожини Эронда эмас, Ўрта Осиёда бўлганлиги археологлар томонидан исботланди. Буни эса қазилмадан топилган далилий маълумотлар тасдиқлади. Милодимиздан бпр неча аср бурунги ёдгорликларни текшириш бу соҳадаги муаммоларни ойдинлаштирди. Чунки, академик Я.Ф.Ғуломов 1936 йили Хоразмнинг Манғит туманидаги Кубба тоғи остида зардуштийларнинг қабристонини топди. Унда катта хом гиштлардан қурилган 60 метрли тор бино харобаси ичидан одамлар суякларини топилди. Суякларни аллақерлардан тўплаб, бинонинг ичига ташлай берганлар. Кейинчалик алоҳида кишиларни суякларини сополдан ясалган махсус қутилар – *остадон*ларга солиб, ўша бино – *наусда* сақлайдиган бўлганлар.

Археологлар зардуштийларнинг муқаддас китоби саналган “Авесто”да ҳам қадимги юнон ёзувларида айtilган маросимга дуч келганлар. “Авесто”да айтилишича, қадимги зардуштийлар ўликни

- ерга кўмишни, сувга ташлашни, ўтда куйдиришни каттиқ гуноҳ деб хисоблаганлар. Шунинг учун ўликни узоқдаги яланг қоялар устига элтиб ташлаганлар. Уни йиртқич ҳайвонлар ва қушлар еб кетганидан кейин унинг суяклари узоқ вақт қуёш таъсирида қолиб тозалангач, йиғиб олинган ва “*наус*” да сақланган. Суякларни оссуарийларда сақлаш одати кейинги замонларгача, яъни Ўрта Осиёда ислом дини кенг тарқалгунгача давом этган. Бу хилдаги суяклар солинган сопол кутилар ҳозир ҳам Ўрта Осиёнинг кўплаб жойларидан топилмоқда.

II асрда Кушон давлати будда динини Ҳиндистондаи Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга тарқатиб, уни давлат дини даражасига кўтарган. Ўзбекистон, айниқса, унинг жанубий туманларида ва Шарқий Туркистонда топилган кўплаб буддизм ёдгорликлари ўша даврга қарашлидир.

III асрда Эронда моний дини вужудга келди, лекин у узоқ сақланмади, унинг тарафдорлари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга қочиб ўтиб, кўпроқ савдо йўли устидаги шаҳарларда бу динни тарқатдилар.

Баъзи археолог олимлар Ўрта Осиёда топилган кўплаб сураткашлик ва ҳайкалтарошлик ёдгорликларидаги тасвирларнинг мураккаблигига қараб, уларни моний дини билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Бу даврда, биринчидан, қабилаларнинг ўтроқликка кўчиб, суғориладиган ерларда жойлашуви кучайган бўлса, иккинчидан, қулдор аристократия жамоалари ўз ичидан бузилиб, бутун-бутун қишлоқлар қулдор аристократ – “деҳқон”ларга тобе бўлиб қолади. Бу ер эгалининг куртаклари эди.

Экии майдонларининг кўпайиб бориши, ҳусусан, суғориладиган ерларнинг кенгайиши, қишлоқларнинг кўпайиши, ер ҳосилдорлигини орттирувчи сунъий ўғитларнинг яратилиши, сувни баянд ерларга кўтарадиган чархпалакларнинг ва сув тегирмонининг кашф қилиниши, пахта экиннининг тарқалаши, мева навларининг яхшиланиши йўлидаги мувафакиятларнинг ҳаммаси замонанинг ишлаб чиқарувчи кучларини ўстириб юборди, бу эса ерга эгалик муносабатларини шаклланишига олиб келган янги ижтимоий воқеа бўлди.

III асрдан бошлаб кўчманчиларнинг Мовароуннаҳрга, Ўрта Осиё икки дарё оралиғига кириб келиши кучаяди. Натижада шаҳарларда тинч ҳаёт таназзулга учрайди ва улар харобаликка юз тутиб, иқтисодий ҳаёт, асосан, алоҳида воҳаларга, қишлоқларга кўчади. Ер аристократияси – “деҳқон”лар қишлоқларга, ариқлар бошига келиб, кўшқлар бино қилади. VI асрга келиб, улар турк ғу-

ломларидан қуролли йигитлар – чокарлар сақлаб, атрофдаги қишлоқ аҳолисини ўз фойдасига ишлатиб, кун кечиради. Шу тахлитда милодий I асрнинг 25 йилидан то IV асрнинг 50 йилларига қадар ҳукм сурган кучли Кушон давлати тугаб, ҳар қайси шаҳар атрофидаги воҳада алоҳида-алоҳида мустақил ҳукмдорлар пайдо бўлади ва уларнинг бошида "деҳқон"ларнинг вакили туради.

Ҳозирги Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона водийсидаги ва бошқа кўплаб шаҳарлар атрофидаги суғориладиган ерларда баланд-баланд "оқ тепа"лар бор. Археологик қазилмалар, буларнинг ҳаммаси ер эгалари хом ғиштдан солдирган кўшкларининг харобасидан иборат бўлиб, "деҳқонлар" яшаб ўтган жойларнинг қолдиқлари эканлигини кўрсатади. Академик Я.Ғ.Ғуломовнинг кузатишларига кўра, бундай кўшкларнинг қол-диқлари ҳозиргача сақланиб қолганлигини кўрсатади. Ерга эгалик муносабатларининг шакллаиши даврида урушлар, халқ кўзғо-лонларини бостириш учун кескин чоралар кўриш натижасида анча вайронагарчилик, қирғинбаротлар бўлиб, бутун-бутун худудлар вақтинчалик бўшаб қолган. Шунга қарамай, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожиди маълум силжишлар бўлди. Бу силжишларни маданият соҳасида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Хоразмда Тупроққалъа кўшкани қазишда у ердан "Подшолар зали" деб аталган зал топилган. Залнинг атроф деворларига тахмон сингари равоқлар ишланиб, уларнинг ҳар бирига турли қиёфадаги кишиларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Ҳайкаллар ниҳоятда юқори дид билан ишланган. Профессор С.П.Толстов "Бу залда Хоразмда Африғ хонадонига мансуб подшоларнинг ҳайкаллари ота-боболар руҳига сиғиниши тариқасида акс эттирилган", – деб айтади. Бу жойда ҳайкаллардан ташқари, турли бўёқли девор суратлари ҳам бўлиб, ундаги манзараларда денгиз тўлкини, балиқлар, йирткич ҳайвонлар, созанда қизлар сурати ва бошқа нарсалар тасвирланган. Бу саройдан Хоразм шоҳларининг ёзма ҳисоб-китоб архиви ҳам топилган бўлиб, булар қадимги Хоразм ёзуви билан тахтага ва чармга битилган.

1938 йили VI-VIII асрларга оид Хоразм пулларидидаги ёзувлар ёрдамида уларнинг кўпгина асарлари аниқланган. Умуман, Тупроққалъадан топилган архив ёзуви фанга жуда кўп янгилликларни берган.

1934 йили Самарқанд яқинидаги Муғтепадан Панжикент ҳокими Диваштичнинг VIII асрга оид архиви топилди. Архивдаги сўғдийча ва арабча хатлар асосида сўғд ёзувининг хусусиятлари

аниқланди, бу эса тарих фанига анча равшанлик киритди. Бунга Хоразм архивининг қўшилиши эса Ўрта Осиёдаги ўша замон ҳаёти ва маданиятига доир кўп масалаларни аниқлаш имкониятни берди.

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида "Болаликтена" деган жойни қазиб жараёнида унинг бир зали деворлари одам суратлари билан безатилган ибодатхона эканлиги маълум бўлди. Унда зеб-зийнатли кийимлар кийиб, қўлларида қимматли қадаҳлар тутган ва тавозе билан аллақандай бир ишорат кўрсатиб турган эркак ва аёл суратлари, шубҳасиз, моний мазҳаби ибодатхонасида ўтказилаётган маросимдан дарак беради. Бу бино аср охирига тегишли деб топилди. Қадимги Панжикент харобаси марҳум профессор А.Ю. Якубовский бошчилигида қазилганида у ерда ҳам VII-VIII асрларга доир шундай бино топилган. Деворларга бўёқли суратлар солиниб, уларда дафн маросими базми ва бошқа диний маросимлар тасвирланган.

Тупроққалъа, Болаликтепа, Варахша, Фаёзтепа, Панжикентлардан топилган расмларнинг санъати ва тасвирларининг бойлиги ерга эгалик муносабатлари даври маданиятининг ўз замонасида анча ривож топилганини ва мулкдорлик даврида анъанавий равишда тараққий қилиб келган тасвирий санъатнинг бу даврга келиб авж олганини тасдиқлайди. VIII асрда араблар истилосидан кейин бундай санъатга ҳам катта аҳамият берилган. Бу даврда савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик, хусусан, идишларни сирлаш ва нозик шиша буюмларини ишлаш техникаси ривож топди.

Шаҳарларнинг қадимги, ерга эгаликнинг илк даврларидаги ва сўнгги асрлардаги тарихий топографияси, меъморчилик ёдгорликлари ва бошқа ўрта аср иншоотлари ҳозирги кунда анча яхши ўрганилган. Эски Урганч, Марв, Бухоро, Хива, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларнинг тарихига бағишланган махсус асарлар майдонга келди. Булардан ташқари, Самарқандда Гўри Амир макбарасидаги мозорларнинг очилиши, Улугбек расадхонасининг қайта тикланиши (1941, 1948, 1967), Шаҳрисабзда Амир Темур томонидан солдирилган бир даҳманинг 1933 йилда очилиши ва бошқа тадқиқотлар кўпчилигининг эътиборини ўзига жалб этди. Гарчи Улугбек расадхона (обсерватория)си 1908 йили топилиб, унинг ер остидаги секстант қисми қазиб очилан бўлса-да, бу ёдгорликнинг ер устидаги шакли қандай бўлганлиги номаълум эди. Расадхона 1948 йилда В.А.Шишкин бошчилигида қазилиб, унинг қандай бўлганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, республикамизда олиб борилган археологияга оид тадқиқотлар туфайли халқимизнинг узоқ ўтмиши, ишлаб чиқариш ва сугориш, давлатчилик, фан ва маданият соҳасида асрлар давомида орттирган тажрибалари очиб берилди.

Сўнгги йилларда Яхё Ғуломов раҳбарлигида ўрганилган манзилгоҳ – Обираҳмат ғоридир. Обираҳмат ғори Тошкентдан 100 км. шимоли шарқда, Чотқол ва Палтов дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган. 1962-1970 йилларда уни Р.Ҳ.Сулаймонов 10 м. чуқурликда қазиб, 21 та маданий қатламга ажратган (Сулаймонов, 1972). Демак, манзилгоҳ ибтидоий одамлар учун узлуксиз тарзда турар жой бўлиб хизмат қилган.

Ҳозирда Обираҳмат ғори ёдгорлигида 1998 йилдан Россия – Ўзбекистон, 2007 йилдан Ўзбекистон – Россия ва Бельгия қўшма комплекс экспедициялари ҳамкорликда тадқиқотларни давом эттирмоқда. Бу ерда “2003 йилда ўтказилган тадқиқот ишлари натижасида 16-маданий қатламдан археологик материаллар билан бирга одам суяклари топилиди. Булар 6 та тиш суяклари, 1 та кулоқ суяги ва майдаланиб кетган бош суяк қолдиқларидир. Бу суяклар 8-9 яшар болага тегишли бўлиб, тиш ва бош суяк қолидиқлари *homo supins*, кулоқ суяги неандерталь одамники бўлиб чиқди. Суяк қолидиқлари устида, асосан, Австриянинг Инсбрук тиббиёт марказида, Новосибирскдаги Ядро физикаси, Германиянинг Макса Планк номли институтида тадқиқот ишлари ўтказилди. Натижада, шундай хулосага келиндики, хома сапинс (*homo supins*) одами, яъни ҳозирги замон одамига ўхшаган инқилобий йўл билан пайдо бўлмасдан, эволюцион йўл билан неандертал одамидан келиб чиққан, деган хулосага келинди. Чунки шу вақтгача фанда *homo supins* бирдан пайдо бўлди ва мил.ав. 20000 йилликка келиб, неандертал одамлари қолмади, *homo supins* одами ривожланиб кетди, деган фикр мавжуд эди. Ўзбекистон археологиясида бундай кашфиётларни, албатта, Яхё Ғуломов бошлаган ишларнинг натижаси, деб билмоқ керак. Ҳозирда ушбу қўшма экспедиция Кўлбулоқ манзилгоҳида иш олиб бормоқда. Илк палеолит даври ёдгорликлари Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси воҳасида ҳам қайд этилган. Булар Қизиллолмасой ва Кўлбулоқ ёдгорликларидир”¹.

¹ Исмолов Ў., Мирсоатова С. Ўзбекистон ибтидоий археологиясини ўрганишда академик Яхё Ғуломовнинг роли. Тошкент, 2009. Б. 19.

Кенг кўламда республикамизда олиб борилаётган археологик тадқиқотлар туфайли Ўзбекистон археологиясининг деярли ҳамма даврларига: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва темир давлари ҳамда антик дунё ва ўрта асрларга оид жуда кўп хилма-хил ажойиб моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди. Шу соҳада амалга оширилган текширишлар натижасида тўпланган бой ва қимматли моддий манба Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихини ёритиш имконини берибгина қолмай, балки ўрта асрлар тарихи, шунингдек, шаҳарлар ёшини аниқлашга ҳам катта ёрдам берди.

Ўлкамизининг янги даври

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач, давлат ҳаётининг барча соҳаларида – ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданият жабҳаларида бошланган ислохотлар, изланишлар туфайли қисқа муддатларда юксак натижаларга эришилди, йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ҳозир юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқдалар. Республикамизда изчил амалга оширилаётган миллатлараро тотувлик сиёсати асосида турли миллат ва элатга мансуб фуқаролар учун ўз ота-боболари тилини, маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улкан бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари мустақиллик даврига хос фазилатга айланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободончилигига катта эътибор қаратила бошланди.

Ватанимиз пойтахти Тошкент айниқса, бунга яққол мисол бўла олади.

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган пойтахтимиз ўз саховати, меҳмондўстлиги, турли миллат ва элат вакилларига ҳурмат-эътибори билан ном чиқарган. Кўхна тарихнинг гувоҳлик беришича, бу ҳудудда бирон-бир миллатлараро ихтилофлар рўй бермаган, шаҳар фуқаролари ўртасида ҳамиша тотувлик барқарор бўлган.

XX асрда эса жаҳон сиёсати оламида “Тошкент руҳи” деган атама юзага келди. Бу руҳ қўлда қурол билан узоқ йиллар давомида бир-бирларига қарши муросасиз жанг олиб борган давлатлар раҳбарларининг бевосита Тошкент шаҳрида ярашиб, тинчлик сулҳига имзо чекишларида, турли китъалар ва мамлакатлар вакиллари иштирокида тинчликни мустақамлашга қаратилган нуфузли учра-

шувлар, халқаро санъат, туризм, адабиёт, кино фестиваллари ўтказилиб турилишида ўз ифодасини топди. Мустақиллик даврига келиб бу анъана нафақат тадрижий равишда давом эттириляпти, балки у янгича тус олиб, ўзининг истикболли кўринишини намоён этмоқда. Тошкент – ер шарининг турли минтақалари, яъни: Осиё, Африка, Лотин Америкасидан келадиган сайёҳлар, кино санъаткорлари, ёзувчилар мунтазам учрашиб турадиган сайёҳлик (туристик) шахрига айланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида шахримизнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ортди. Бугунги кунда пойтахтимиз Тошкентда БМТнинг, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари, 40 дан ортиқ давлат элчихоналари фаолият кўрсатмоқда. Юртимиз турли худудларида МДХ, Марказий Осиё республикалари, туркий тилларда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлариини, турли халқаро анжуманларни ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу ерга келган меҳмонлар, улар сайёҳ бўладими ёки давлат раҳбарими, ватаимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон каби энг сўлим гўшалариини, тарихий обидаларини зиёрат қилмай кетмайдилар.

Пойтахтимиз дўстлик ва тинчлик шахри сифатида халқаро ва минтақавий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган музокараларнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлаб келмоқда. Айниқса, узок йиллар давомида кирғинбарот урушлар олиб борилаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш масаласини ҳал этишда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган “6+2” гуруҳининг олий даражадаги учрашуви жуда катта халқаро аҳамиятга эга. Бунини шу учрашувда қабул қилинган “Тошкент декларацияси”га БМТ Бош Ассамблеяси томонидан инсоният тақдири ва келажакига дахлдор бўлган муҳим ҳужжат мақомини берилганлиги ҳам бунини тасдиқлайди. Шу муносабат билан БМТ Тошкентга “*Тинчлик элчиси*” шарафли унвонини берди.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина йирик шаҳарлари юртимиз шаҳарлари билан биродарлашганлар. Биринчи марта 1973 йилда АҚШнинг Сизтл шахри Тошкент билан ана шундай дўстлик алоқасини ўрнатган эди. Шаҳримиз бугунги кунда Германиянинг Берлин, Белгиянинг Кортрейк, Хитойнинг Шанхай шаҳарлари билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатган. Сизтллик америкаликлар Тошкент

бўйлаб сайр қилиб, Ўзбекистон пойтахтини кезсалар, белгияликлар у ерда жойлашган Кортрейк шаҳридаги буюк бобомиз – жаҳон тиббиёт илмининг асосчиларидан бири бўлган Абу Али ибн Синонинг қад ростлаб турган ҳайкалини томоша қилиб, хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Германия пойтахти Берлинда Ўзбекистон маданияти қуилари ўтказилди. Берлин билан биз нафақат маданият ва спорт соҳаларида, балки туризм, кино, иқтисодиёт йўналишларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Биродарлашган шаҳарлар билан мунтазам давом этадиган бундай ҳамкорлик алоқалари долзарб бўлиб, у нафақат томонлардаги шаҳарлар ва уларнинг аҳолиси ўртасида, балки, мазкур давлатлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни манфаатли ва истиқболли ривожлантирилишида муҳим аҳамият касб этади.

2007 йил Тошкентга халқаро Ислом Конференцияси ташкилоти АЙСЕКСКО қарори билан *Ислом маданияти пойтахти* деган мақом берилди. Азим шаҳримизнинг бундай юксак даражага сазовор бўлиши бежиз эмас албатта, чунки азалдан бу ерда ислом қадриятлари улуғлаб келинган, ҳозирда ҳам юқорида қайд этилганидек, бой маданий анъаналар бардавом бўлиб, ўз ривожини топаётган марказ ҳисобланади.

Юртимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Гёте институтининг, Конрад Аденауэр жамғармасининг бўлимлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Диний бағрикенглик юртдошларимизнинг муҳим фазилатларидан биридир. Пойтахтимизда ота-боболаримиз эътиқоди – Ислом дини билан биргаликда бошқа қўигина диний конфессиялар ҳам ўз фаолиятларини эркин давом эттирмоқда. Хусусан, шаҳарда 5 та рус Проваслав черкови, протестантлар, насронийлар, католиклар, яҳудийлар, лютеранлар, умуман, 17 та конфессия – диний муассасалар ишлаб турибди. Бундай диний бағрикенгликка Тошкентда бўлган Россия епископи Алексей II ҳам жуда юқори баҳо берган эди.

Ислом динининг муқаддас байрамлари – Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари Тошкентдаги проваслав диний ташкилоти раҳбарлари муфтимишни байрам билан қутласалар, Рождество ва Пасха кунлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутасаддилари проваслав динига эътиқод қиладиган ҳамшаҳарларимизни муборак айём билан табриклайдилар. 2000 йилда юртимизда жаҳоннинг турли диний конфессияларига мансуб диний идоралар раҳбарларининг

юқори нуфузли анжумани ўтказилганлиги ҳам тасодифан эмас. Буларнинг барчаси юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасидаги тинч-тотувликнинг барқарорлигида, буюк келажак сари ҳаракат қилаётган халқимиз билан орзу-мақсадларнинг муштарак бўлишида муҳим омилдир.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданок Тошкентда Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлиги худди шу олийжаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда бу марказ атрофига 110 та миллий маданият марказлари уюшди. Уларнинг вакиллари пойтахтда ўтказилган байрам ва тантаналарда ўз маданиятларини намойиш этиш имкониятига эгалар. Буларнинг барчаси юртимизда кечаётган тинчлик, миллатлараро тотувликда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда яшовчи турли миллат ва элат вакиллари давлатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароларидир. Улар мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга депутат қилиб сайлангаилар, ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар. Миллати турлича, аммо Ўзбекистонни ўз она Ватани, деб билувчи Тошкентда яшаётган фуқаролар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Биз юртдошларимиз – Г.Пугаченкова, Ў.Исломов, А.Асқаров, Ю.Буряков, М.Филанович, Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев каби таниқли қадимшунос олимларимизнинг ўлка ўтмишига доир тадқиқотларини қадрлаймиз, Ўзбекистон байроғини халқаро мусобақаларда юксакликка кўтарган Рустам Қосимжонов, Лилия Черязова, Оксана Чусовитина, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Абдулла Тангриев ва бошқаларнинг эришган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўлкаимизнинг энг қадимги даври археологлар томонидан қандай ўрганилади?
2. Ўлкаимизда она уруғи (матриархат) даври қай тарзда давом этган?
3. Қалтаминораликлар чайласи ҳақида нима биласиз?
4. Ўлкаимизда ота уруғи (патриархат) даври қачон шаклланган?
5. Металлнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши нималарга олиб келди?

6. Ўлкамизда кечган ўрта асрлар даври ҳаётининг хусусиятлари ҳақида сўзланг.

7. Ўлкамизда ерга эгалик муносабатлари қачондан ва қандай шаклланиб борди?

8. Янги даврдаги илмий тадқиқотлар ҳақида нима биласиз?

9. Ўлкамизнинг янги даври ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?

Таянч сўзлар изоҳи:

Археология – лотинча *архайос* – қадимги, *логос* – фан, қадимги даврни ўрганувчи фан ёки “қадимшунослик” фани, дегани.

Селунғур – илк тош даврига оид Фарғона водийсидан топилган энг қадимги одамлар манзилгоҳи.

Тешиктош – Ўрта тош даврига оид Сурхондарёнинг Бойсун тоғларидан топилган манзилгоҳ.

Зардушт – шу номдаги дин асосчисининг номи.

Наус – остадонлар сақланадиган жой, хона.

Остадон – вафот этган одам суяклари сақланадиган идиш.

Дехқон – илк ўрта асрларда катта ер эгаси (XI-XII асрлардан эса қишлоқнинг оддий жамоа аъзоси).

Дегрезлик – қуювчилик касби.

4-мавзу: Ёзувлар тарихи

РЕЖА:

1. Қадимги ёзув турлари.
2. Пиктографик ёзув усуллари. Улар ҳақида тушунча.
3. Миххат ёзувлар. Тадқиқотчилар томонидан миххат ёзувининг йиғилиши ва илк маротаба ўқилиши.
4. Оромий ёзуви.
5. Қадимги Сўғд ёзуви.
6. Қадимги Хоразм ёзувлари.

Калит сўзлар: *Пиктографик ёзув, Қадимги шарқ ёзувлари, Сополлитена ёзуви, Жарқўтон, Фоз ёдгорлиги ёзувлари, Оромий, Бақтрия ёзувлари, Сўғд ёзуви, қадимги Хоразм ёзуви.*

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бевосита ташаббуси билан халқимизнинг янги тарихини яратишга киришилди ва бу бо-рада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнги йилларда Ўзбекистон археологлари томонидан қатор илмий каш-фиётлар қилинди. Шулардан бири, Ўзбекистон ҳудудида энг қа-димги ёзув нусхаларининг топилганлигидир. Ушбу янгилик Ўзбе-кистон ҳудудини инсоният тамаддунининг илк ўчоқларидан бири эканлигини кўрсатувчи ўта муҳим маданий-ашёвий далилдир. Ёзув-нинг пайдо бўлиши инсон тафаккурининг ноёб мўъжизаси бўлиб, улар даставвал қоя тошларда, сопол ҳамда металл парчаларида ва ниҳоят, қоғозларда ифодаланган ҳолатда бизгача етиб келган.

Энг дастлабки ёзув усули фанда *пиктографик белгилар* деб аталади. Уни шумерликлар мил. ав. IV минг йилликда ихтиро қил-ган. Шумер пиктографик ёзуви даставвал сурат тарихида вужудга келган. Инсонлар табиатда мавжуд бўлган ва учрайдиган нарса-ларнинг сурати ёрдамида ўз фикрлари ифодалашган. Бунда ҳай-вонот ва ўсимликлар дунёси, табиат жисмлари, сайёрамиз йўлдош-лари тасвирларида энг кўп фойдаланганлар.

Пиктографик белгилар Қадимги Шарқнинг кўплаб ҳу-дудларида, жумладан, Қадимги Ҳиндистон, Эрон, Хитой ва Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида топилди. Сурхондарё воҳасининг бронза ва илк темир даври ёдгорликлари – Жаркўтон, Ғоздан сўн-ги йилларда сополларга битилган белгилар топилдики, бу ашёвий манбаларни илк тамаддун ўчоқларидан топилган пиктографик бел-гилар ёзувларга таққослаш натижасида уларнинг ўхшашлиги қайд этилди.

Жаркўтон сополларига битилган белгилар ўткир тиғли асбоб билан тирнаб ёзилган. У оддийлиги, зоолатрик тавсифи билан Шумер, Қадимги Эрон пиктографик ёзувларини такрорлайди. Ўзи-нинг шакли ва ёзилиш услубига кўра Жаркўтон ёзувлари Шаҳдод, Тўғалоқ, Гонур пиктография мактабига жуда яқинлиги кузатилади. Бу эс жаркўтонликларнинг бронза даврида Жанубий Туркманистон ва Эрон аҳолиси билан жуда яқин маданий ва иқтисодий алоқада бўлганлигини тасдиқлайди.


Жаркўтонда пиктографик ёзувларнинг, Қоратепа ҳамда Фаёзте-пада қадимги бақтрия, брахма ва кхароштхи ёзувларининг топи-лиши, шубҳасиз Ўрта Осиёни ёзув пайдо бўлган минтақалар қато-

рига қўшишга тўла имкон беради. Шу тариқа Ўрта Осиё Месопотамия, Эрон, Ҳиндистон, Миср ва Хитойдан кейин турадиган тамаддуи ўчоғи сифатида жаҳон тарихига кирди.

Инсоният тарихида шумерликлар милоддан аввалга IV минг йилликда – бугунги кундан олти минг йиллар аввал пиктографик ёзув усулини ихтиро қилганлар.

Пиктографик ёзув усули. Иंगлиз археологи Ж.Копер, Х.Ниссен ҳамда Л.Вулле сўнгги йилларда қадимги Шумернинг бир қатор ёдгорликларида тадқиқот олиб бориб, шумерликлар тарихини янада ойдинлаштирдилар. Улар Дияли “ном”и маркази Куту шаҳри (ҳозирги Тель-Асмар ёдгорлиги), Сиппар “ном”и маркази Киш шаҳри (Тель-Ухаймир ёдгорлиги), Кеш “ном”и маркази Абу Салабиҳ ёдгорлиги, Ниффер, Фира ёдгорликлари, Эреду, Убайд каби кўплаб ёдгорликлардан пиктографик ёзувлар топдилар.

Шумерликлар ўзлари айтмоқчи бўлган сўзларини расм билан ифода этган. “Куш” сўзини кушнинг расмини чизиш билан ифода этган бўлса, “туғмоқ” сўзини куш ва тухум расми билан, “кўрмоқ” сўзини кўзнинг расми билан, “йиғламоқ” сўзини кўз ва сув тасвири ёрдамида ифодалаганлар. Месопотамияда бу ёзув узоқ вақт қўлланиб келинган. Пиктография ёзув усули Уруқ давлати даврида пайдо бўлган бўлса, вақт ўтиши билан такомиллашиб борган. Бу такомиллашув тилнинг ривожланиши, ижтимоий ҳаётнинг ўсиши билан ҳамоханг равишда ўсиб борган.



Зартепа ёдгорлиги намунаси. Милодий IV-V асрга оид.

Тель-Асмар ёдгорлигида расмлар билан бирга боғловчи ва маълум товушларни ифодаловчи махсус белгилар пайдо бўлганлигини

кўрамиз. Абу-Хабба ёдгорлиги пиктографик ёзувларида бўгин белгиларининг шаклланганлигини кўриш мумкин. Бу ерда расмларнинг орасида бўгин ифодалари қўлланилган.

Ларса, Ур, Эреду ёдгорликларида пиктографик ёзувларнинг янада такомиллашганлиги кузатилади. Бу ёдгорликларда расмлар тўлиқ чизилмай, энг эътиборли томонлари ифодаланган. Масалан, ҳайвонларнинг фақат бош қисми ифодаланиши кузатишган. Улар ҳам чизма ҳолида тасвирланган холос.

Қадимги Аккад ёдгорликларида пиктографик тасвирлар шу даражада чизма йўли билан ифодаланганки, улар миҳ ёки пона кўришини эгаллаган ва шу тариқа миҳхат ёзувларига асос солинган.

Қадимги Хитой пиктографик ёзуви. Бугунги кунга қадар Инь тамаддуни ёзувларига бағишланган 1200 дан зиёд илмий монографиялар нашр юзини кўрди. Улардан атиги 1 миңгта белги – ёзув ўқилган холос. Бу ёзувлар Инь тамаддунининг турли даврларига оид бўлиб, такомиллашиб борган. Археологлар сирли ёзувининг ҳозирги Хенаи ўлкаси ва унга қўшни ҳудудларда борлигини аниқлашди. Яншао ва Луишань ёдгорликларидан сополларга битилган белги – тимсол (символ)лар топилди. Шу манбалар асосида Дун Цзо-бин милоддан аввалги III миңг йилликда Хитойда илк ёзув пайдо бўлганлиги назариясини илгари сурди. Айниқса, Го-Мо-Жо тадқиқотларидан сўнғ қадимги хитой ёзувининг пайдо бўлиш тарихи ўз ечимини тоиди. Унинг изланишларига кўра, Қадимги Хитой ёзувига буидан 5-6 миңг йиллар олдин асос солинган бўлиб, энг қадимгиси Яншао маданиятига оид Баньпо ёдгорлигидан топилган сополларга битилган белгилардир.

Символ	Тарғ	Символ	Тарғ
☉	Кўн	☽	Тарғ
☼	Билан	☾	Кўн
☿	Кўн	☿	Кўн
♁	Кўн	♁	Кўн
♂	Кўн	♂	Кўн
♆	Кўн	♆	Кўн
♄	Кўн	♄	Кўн
♃	Кўн	♃	Кўн
♂	Кўн	♂	Кўн
♁	Кўн	♁	Кўн
☽	Кўн	☽	Кўн
☼	Кўн	☼	Кўн
☉	Кўн	☉	Кўн

Қадимги Шарқда пиктографик ёзув кўриниши. Миҳхатлар

Сополлитепанинг пиктографик ёзувлари. Сополлитепа сополларига битилган белгиларни академик Аҳмадали Асқаров жамлаб чоп қилган. 1969-1973 йилларда Сополлитепадаи 29 та белги чизилган идишлар топилган. Уларни А.Асқаров шаклларига қараб 8 та гуруҳга ажратган¹. Биринчи гуруҳ белгилари ярим ой шаклида бўлиб, шу сийгари 4 та белги топилган. Иккинчи гуруҳ белгилари тортилган камон шаклида бўлиб, шу белги марказига тўғри чизик тортилган. Учинчи гуруҳ белгилари ёнма-ён икки чизикдан иборат бўлиб, уларнинг топилган сони – 6 та. Тўртинчи гуруҳ бел-гилари хоч шаклидадир, уларнинг топилган сони – 4 та. Бешинчи гуруҳ белгилари битта идишда ифодаланган бўлиб, иккита айланани бирлаштирувчи тўғри чизикдан иборат. Ушбу белгини “арава” кўриниш деб талқин қилиш мумкин. Олтинчи гуруҳ белгилари шакли жиҳатидан биринчи гуруҳ, яъни ярим ой кўринишидаги белгиларга ўхшайди. Уларнинг сони – 6 та. Еттинчи гуруҳ белгилари “А” ҳарфини эслатади. Учта худди шундай белги топилган. Саккизинчи гуруҳ белгилар илон шаклини эслатади. Сополларда тасвирланган белгилар қандай фикрларни ифодалаганлиги ҳозирча маълум эмас.

Жарқўтон пиктографик ёзувлари. Қадимги Шарқ илк шаҳарларининг иктисодий асоси асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган. Шундай экан, омоч ёрдамида ер ҳайдашни ифодалаш пиктографик белги-ёзувда ифодаланиши кутилган кўринишлардан бири ҳисобланади. Худди шундай ифода Жарқўтон пиктографик белгиларида ҳам кузатилади. Бу белгиларнинг ҳақиқатдан ҳам омоч эканлиги Миср пиктографиясида ифодаланган омоч тасвиридан билса ҳам бўлади². Жарқўтон қабрларида бронзадан ясалган “нарвон” нусхасининг учраши жуда кўп маротаба кузатилган³. Сополли маданияти пиктографик белги-ёзувларининг Жанубий Туркманистон, Марказий Эрон, Хараппа маданиятларида тақалган пиктографик ёзувлар билан ўхшашлиги ўша халқлар билан яқин маданий алоқалар бўлганлигидан далолат беради.

Ҳоз ёдгорлиги пиктографик ёзуви. Шеробод воҳасидаги Улаибулоқсой ўзанининг бошланғич оқимларида Добилсойнинг ўнг соҳилида Добилқўрғон ёдгорлиги жойлашган. Бу ёдгорликка

¹ Асқаров А.А. Сапаллитепа. Т.: 1973.

² Асқаров А.А. Сапаллитепа. Т.: 1973. 25-бет

³ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т.: 1983, С. 13-37.

илк темир даврида асос солинганлиги ҳақида 1974 йилда академик Э.В.Ртвладзе¹ томонидан қайд этилган. Шу ёдгорликдан илк темир даврига оид сополлар мажмуалари ва тошдан ясалган ўғир (кели) топилган. Бу топилма Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида янги маълумотларни беради. Идишнинг ташқи тарафида 13 та пиктографик белгилари ёзувлар мажмуаси жойлашган. Ўғир (кели) форс тилида “ҳована” деб аталган. “Ҳована” термини зардуштийликдаги дин пешволари – “ҳован”лар билан боғлашади. Айтиш мумкинки, ўғир сиртидаги тасвирларда зардуштийлик маросимларига оид воқеликлар ифодаланган бўлиши мумкин.

Миххат ёзувлари. Миххатлар Олд Осиёнинг энг қадимги ёзув усули бўлиб, улар вертикал, горизонтал ва эгри чизик кўринишида ифодаланган. Уни ҳам дастлаб *шумерликлар* кашф этган. Ундан сўнг *бобилликлар* миххат ёзувни ўзлаштирган ва ривожлантирганлар. Аккад, Хетт давлатида, Урартуда, сурияликлар ва оссурияликлар ҳам мих кўринишли ёзувдан фойдаланишган. Шундан сўнг эронликлар, табиийки, Ўрта Осиёликлар ҳам бу ёзув туридан фойдаланганлар. Мил.ав. икки минг йиллик ўрталарида миххат халқаро дипломатик ёзувга айланган². Қадимги Шарқнинг шаҳар-давлат ҳукмдорлари бир-бирлари билан бўлган алоқа хатларини, илк давлатларнинг кодекслари ва ҳатто савдогарлар товарларнинг нархнаволарини ҳам михсимон ёзувларда ёзишганлар³.

Энг қадимги миххатлар Шумер, Аккад, Ур каби Месопотамиянинг шаҳар харобалари ва саройларини ўрганиш мобайнида кўп-кўп топилган. Улар, асосан, сопол парчалари, лой шакллари, қоя тошларга, териларга битилган. Қадимги замон тарихчилари Геродот, Страбон миххатларни “Оссурия ҳарфлари”, Афеиет эса “Халдей ҳарфлари” деб атаганлар. Милоддан аввалги VIII асрда Оссурияда ҳарfli ёзув кашф этилгандан сўнг михсимон ёзувлар унутилиб кетган. Миххатларнинг ўрганилиш тарихи, ўқилиши ёки “қайта тирилиши” тарихи ҳам анча қизик.

XVII асрда Италиялик сайёҳлар бутун жаҳон бўйлаб туристик сайёҳат қилганлар. Шундай сайёҳ ва савдогарлардан бири Пьетро Делла Валле Эроига келади. У умрининг 12 йилини Шарққа –Тур-

¹ Ртвладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана. Древняя Бактрия. Л.: 1974. С. 34.

² Чориев З.У., Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва таракқиёти. Тошкент, 2007. – Б. 8.

³ Дьяконов И.М. Люди города Ура. Москва, 1990. С. 28.

кия, Миср, Фаластин, Ироқ, Сурия ва Эронга саёхат қилишга бағишлайди. Аҳамоний шаҳоншоҳ Доро курдирган сарой деворларига битилган чизиксимон битиклар унинг эътиборини тортади. Ёзув бўлақларини “туристик совға” сифатида Европага олиб кетади. XVIII асрда Шумер, Оссурия, Персеполь, Суза шаҳарлари харобаларидан Европага қўлаб миҳхат ёзувлари туристлар орқали ташиб олиб кетилган. Сайёҳлар уларни уйларининг энг кўринарли жойларида сақлаганлар Биринчи марта даниялик олим Карстен Нибур миҳхат ёзувларини тўплаш, улардан нусхалар олиш ва ўқиш ишлари билан шуғулланган. Персеполь миҳхатларини тўлиқ ўқишга муяссар бўлган олим Георг Гротефендир. У 27 ёшида, 1802 йилда Персеполь саройида битилган миҳхатларнинг сирини очди.

Инглиз сайёҳи Г.Роулинсон эса форс миҳхат ёзувларини, айниқса, Беҳистун қоя битикларини муваффақият билан ўқийди. Беҳистун битиклари бўғинли ёзув эканлигини исботлайди. Унинг энг буюк хизматларидан бири, дунё бўйлаб саёхатларда бўлиб, оссурия миҳхатларини ўқиганлиги ва “оссурияшунослик” фанига асос солганлигидадир.

Оромий ёзуви. Қадимги Шарқда оромий ёзувининг пайдо бўлиши смит қабилалари уюшмасига кирган оромийлар билан боғлиқдир. Милоддан аввалги VII-VI асрларда ўрганиш учун қулай 22 та ҳарфдан иборат оромий ёзуви Олд Осиёда ҳукмрон бўлган аккад, шуммер ва Урарту миҳхатларининг қўлланилишини кескин камайтирган. Оромий ёзувидан, амалдорлар ўзларининг маъмурий ва давлат ишларини расмийлаштириш учун фойдаланганлар. Ўрта Осиёда оромий хатининг энг қадимги намунаси милоддан аввалги V-IV асрга оиддир.

Қадимги Бактрия ёзуви. Бактрия – Ўрта Осиёнинг қадимий тарихий-маданий ўлкаларидан бири бўлган. Бактрия ёзувининг ривожланшида оромий ёзувининг ўрни муҳим бўлиб, милоддан аввалги II асрда оромий-бактрия ёзуви юзага келган. Кўҳна Термиз (Тармита) атрофидаги Фаёзтепа ўрнидаги буддавийлик ибодатхонаси археолог Л.И.Альбаум томонидан (1969-1976 йилларда) тадқиқ этилганида милодий I асрга оид оромий – бактрия ёзуви топилган.

2004-2006 йилларда археолог Т.Аннаев раҳбарлигида Фаёзтепа ибодатхонасини қайта ўрганиш жараёнида сопол сиртига битилган даврий жиҳатдан милоддан аввалги I-милодий I аср оралиғига оид иккита хат бўлагининг топилиши оромий-бактрия ёзуви шаклла-

ниб, ривожлана бориши жараёнларини бир қадар ойдинлаштиради. Бақтрия Ўзбекистон тарихида қадимги тил ва ёзувнинг тараққиётида алоҳида ўрин тутган.

“Бақтрия ёзуви ва тили”нинг тарих, тилшунослик ва шарқшунослик фанларига киритилиши машҳур олмон олими В.Хеннинг номи билан боғлиқ. Мутахассислар бақтрия хатини икки, яъни маҳобатли ёки лапидар, ҳамда курсив кўринишда мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар. Ўзбекистон ҳудудидаги энг дастлабки бақтрия ёзувлари 1962 йилда археолог Б.Я.Ставинский раҳбарлигида Кўҳна Термизнинг Қоратепа ғорсимон буддавийлик ибодатхоналари мажмуини ўрганиш давомида аниқланган. Бу ёзувлар III-IV асрларга оид бўлиб, сопол сиртидаги бақтрия ёзувлари эса II асрга оиддир.

*Энг қадимги бақтрия ёзувлари
қайд этилган ёдгорликлар*

Мирзақултепа	М.авв. I – милодий I асрлар
Фаёзтепа	Милодий I аср
Кампиртепа	Милодий II асрнинг I ярми
Қоратепа	Милодий II – IV асрлар
Айритом	Милодий II – III асрлар
Зартепа	Милодий III – IV асрлар
Далварзинтепа	Кушон даври
Хотинработ	Кушон даври
Ҳайитободтепа	Милодий IV – V асрлар

V-VIII асрлар давомида бақтрия ёзуви Бақтриянинг ўрнида юзага келган Тоҳаристонда кенг тарқалган ва ўлканинг расмий хати ҳисобланган.

Қадимги сўғд ёзуви. Зарафшон воҳаси ва Қашқадарё хавзасини ўз тасарруфига олган Сўғд ўлкаси мил.ав. VI асрда аҳамонийлар Эрон ёзма манбаларида Сўғда ёки Суғуда шаклида тилга олинган. V асрдан Буюк Ипак йўли (Бухоро, Еттисув, Моңғолия ва Хитой) ва унинг тармоқлари (Фарғона йўналиши) бўйлаб сўғдийлар қишлоқларга ва савдо шаҳобчаларига асос сола бошлаганлар. Буюк Ипак йўли ва унинг шаҳобчалари бўйлаб сўғд тили ва ёзуви ҳам кенг тарқала бошлаган. Еттисув, Хўтан ва Мўғулистон ҳудудларида сўғд ёзувларининг топилиши бунинг исботидир.

Сўғдийлар уч турдаги: сўғд, манихей ва сурия ёзувларидан фойдаланганлар. Улар VII-VIII аср бошларида ўзларининг алифбо-

ларини 23 та ҳарфдан иборат деб, ҳисоблаганлар. Уларнинг 22 таси келиб чиқиши ва алифбо қаторига жойлашиши жиҳатидаи оромий алифбосининг асл нусхасига бориб тақалади.

1932-1933 йилларда А.А.Фрейман раҳбарлигида Муғ қалъасини ўрганиш давомида 74 та тери, қоғоз ва таёқларга ёзилган сўғд ҳужжатлари топилган.

Қадимги Хоразм ёзуви. Хоразмда ёзув оромий алифбоси асосида шаклланган. Қадимги Хоразм давлати пойтахти – Тупроққалъа текширилганда III асрга оид Хоразм подшолари архиви топилган. Туироққалъа саройидаги подшо архивида 1947-1949 йилларда С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик-этиографик экспедицияси аъзолари 8 та терига ва 19 та тўлиқ бўлмаган тахтачаларга битилган хатлар ва мингдан ортиқ лойда сақланиб қолган ҳарф ва сўз бўлақларини топишга муваффақ бўлганлар.

Тўққалъа ёдгорлигидан эса 1959-1962 йилларда А.В.Гудкова томонидан сиртига хоразм ёзувлари туширилган орастадонлар қазиб очилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Миххат ёзувлари ҳақида нималар биласиз?
2. Сайёҳлар миҳхат ёзувларини нима мақсадларда тўплаганлар?
3. Хитой пиктографик ёзувлари ҳақида нималар биласиз?
4. Жарқўтон пиктографик ёзувларини аниқлашда тадқиқот ишлари олиб борган ўзбек олимлари фаолияти ҳақида сўзланг.
5. Ғоз ёдгорлиги пиктографик ёзувлари ҳақида нималар биласиз?

Таянч сўзлар изоҳи:

Миххат – Олд Осиёнинг энг қадимги ёзув услуби.

Оромий ёзуви – Парфия, бактрия, сўғд, хоразмлик амалдорлар асосан давлат ва маъмурий ишларда фойдаланган ёзув тури.

II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1-мавзу: Туризмнинг шаклланиш омиллари ва манбалари

РЕЖА:

1. Туризмнинг вужудга келиши ва ривожланиши.
2. Туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш.
3. Туризмнинг шакллари.
4. Туризмнинг турлари.
5. Асосий туристик йўналишлар.
6. Шўро даврида туризмнинг аҳволи.
7. Мустақиллик ва туризм.

Калит сўзлар: Сайр-саёҳат, туризм шакллари ва турлари, туризм йўналишлари, диққатга сазовор жойлар, тоғлар, водийлар, машҳур сайёҳлар, уловларда юриш, туристик зона, хусусий туризм.

Туризм – саёҳат, ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга бўлган назарий ва амалий фан сифатида ўқитилади. Унинг ижтимоий тузумлар (формациялар) билан боглик бўлган ўз тарихи ҳамда ривожланиш жараёнлари бор.

Туризм умумий маънода сайр-саёҳатлар, саргузаштларни ифода этади. Айни вақтда у ижтимоий-турмуш ва меҳнат жараёнларида ҳам таркиб топади.

Туризмнинг вужудга келиши ва ривожланиши. *Туризм* (французча *tour* – сайр, саёҳат), сайёҳлик – саёҳат (сафар) қилиш; фаол дам олиш турларидан бири. Туризм деганда жисмоний шахснинг истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан 1 йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши) тушунилади.

Туризм (саёҳат) пиёда ва уловларда юриш, тарихий ва бошқа диққатга сазовор жойларда сайр-томоша қилиш, кузатиш хушманзарали оромгоҳларда дам олиш, соф ҳаво, қуёш нурлари ва зилол сувларда чиникиш демакдир. Табиийки, кечадиган бундай ижтимоий-маданий ва тарбиявий жараёнларда атроф-муҳитни ўрганнш, маълум мақсадлар йўлида қўйилган вазифаларни бажариш, турли тоифадаги кишилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Шу сабабдан ҳам кадимги аждодларимиз ов қилиш ҳамда турли хил

машгулотларни бажариб бориши баробарида, энг муҳими, жисмоний сифатларни (чаққонлик, тезлик, эпчиллик, чидамлилики ва ҳ.к.) ҳам такомиллаштириб борганлар. Бу ҳақда халқ оғзаки ижодида таъриф этилган турли хил ривоятлар, афсоналар ва ҳикоялардаги далиллар, мушоҳадалар ҳам гувоҳлик беради. Улардан баъзи намуналарни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин.

Чатқол, Нурота, Сариосиё ва Туркистон тизма тоғлари орасида ясси ва силлиқ тошларга ўйиб чизилган суратлар (шакллар) орасида ов жараёни, турли хил ёввойи ҳайвонларни найза билан санчиш, ёй ўқи билан отиш, одамларни югуриши, ҳайвонлар билан олишуви, найза, камон ва бошқа қуролларни ишлатиш йўллари айнан ёрқин ифодаланган.

Сурхон воҳасидаги Далварзинтепа, Самарқанддаги Афросиёб ва бошқа ҳудудларда олиб борилган археологик қазашмаларнинг топилма ашёларида саёҳат қилиш, шаҳарларда савдо уюштириш, манзарали жойларда ҳордиқ чиқариш, туя, от, хачирларга юк ортиб, уларни пиёда етаклаб бориш, гоҳо уларни миниб юриш каби амалий ҳаракатлар тасвирланган. Бундай тасвирий далиллар Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Санъат музейи, Афросиёб музейи ва вилоятлардаги бошқа тарих музейларида эҳтиёт билан сақланиб ва намойиш қилиб келинмоқда.

Энг қадимги аجدодларимизнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, саёҳатлар ҳақида “Авесто”, “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тўмарис афсонаси”, “Широқ афсонаси” ва жуда кўп бошқа халқ оғзаки ижоди намуналарида қизиқарли воқеалар баён этилган.

Юқорида зикр этилган манбаларни ўрганиш асосида қадимги аجدодларнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги саёҳатлар ҳақида баъзи бир мулоҳазалар юритиш мумкин. Сирдарё, Зарафшон, Амударё ва бошқа кичик дарёларнинг бошланиши, ўрта қисми ва уларнинг сўнгги ирмоқлари атрофида ўтмиш аجدодларимиз ҳаёт кечирганлар. Улар чорва билан шуғулланиб, йилнинг фаслларига қараб доимо яйловларда кўчиб юришган. Бунда оила аъзоларининг ҳам бевосита биргаликда юришига тўғри келган. Бу эса кишиларнинг, асосан, соҳиллар, яйловлар, тоғли жойларда пиёда, уловларда (от, хачир, ҳўкиз, эшак ва ҳ.к.) юришини тақозо этган. Катта-ю кичикларни бундай шароитларда жисмоний жиҳатдан чиникишига тўғри келган. Тоғма-тоғ, яйловма-ййлов кўчиб юриш, кишки пайтларда ўзларининг ўтроқли манзилларида яшаши давомида бўри, тулки,

кийик, архар (ёввойи кўй), каклик, тустовук, бедана овлаш билан шуғулланиб эпчиллик, чакқонликка эга бўлишган. Табiiйки бундай овларда асосан ўрта ёшдагилар, йигитлар, ўсмирлар ва ҳатто ёш болалар ҳам иштирок этишган.

Тарихий маълумотларга қараганда баланд тепалаклар устига, гоҳо текис яйловларда ҳам тошларни йиғиб мўла (белги) ясашган. Мўлаи яшадан асосий мақсад, ов жойларини белгилаб қўйишдир. Шунингдек, ким биринчи бўлиб тоққа чикса – қадам тегмагаи жойларга илк бор етиб боришса, эсдалик учун мўла ясашган. Ҳатто мўлаларга уни ясовчи ёки улуғ кишиларнинг номини беришган. Эҳтимол, Хонтангри (Хитой), Казбек, Эльбрус (Кавказ) каби чўкқилар ҳам шу тариқа аталган. Юртимизда Нурога, Туркистон, Олмалик каби тоғлар ҳам қадимда эҳтимол шу одатлар бўйича номланган.

Буюк бобокалонимиз, шеърят мулки султони ҳазрат Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам саёҳатларга алоқадор масалалар ўз ифодасини топганлигининг гувоҳи бўламиз. Достонда “Денгиз сафари, бўрон ва айрилик” (XXVIII боб) қисмида Фарҳоднинг сувда сузиши, ҳалокатга учраган кемадаги кишиларни қутқариш каби жасоратлари билан бир қаторда Яман ўлкасидан Арманлар юртига (Шопур орқали) келиб қолиши, тоғларда сайр қилиши, Шириннинг висолини кўриш мақсадида ҳарсанг тошларни ўйиб ариқ қазиши ва бошқа жуда кўп саргузаштлар ўз аксини топган. Фарҳоднинг Чин (Хитой) мамлакатидан Арманлар юртига саёҳат қилиб келиши қадимги аجدодларимизнинг сайёҳлик фаолиятларидан дарак беради.

Афсонавий сайр-саёҳатлар “Гўрўгли” туркумидаги ўнлаб достонларда мадҳ этилган, яъни Авазхон, Ҳасанхон, Равшаиҳон, Рустам ва бошқа ўилаб ижобий қаҳрамонлар тимсолида “учқур отлар”да тоғдан-тоққа учиб ўтиш, дарё ва чакалакзорлар устидан сакраб ўтиш каби жараёнлар талкин қилинган. Бунда юксак даражадаги чавандозлик маҳорати орқали йигитларнинг ҳар қандай тўсиқларга бардош бериши ва уларни енгиб чиқиши ифодаланади. Халқ оғзаки ижодида келтирилган бундай рамзий тимсоллар орқали аждодларимизнинг Ватанни ҳимоя қилиш, эл-юрт хизматида бўлиш, машаққатли меҳнатлар эвазига ўз севганига етишуви, отанани қадрлаб, уларни эъзозлаганликларини тушуниш қийин эмас.

Ижтимоий-тарбиявий жиҳатдан муҳим бўлган бундай анъанавий сайр-саёҳатлар жараёни нафақат ҳозирги кунларимизгача сак-

ланиб қолган, балки, улар янги давр талаб-эҳтиёжлари асосида тобора ривожланиб бормоқда, кадрият сифатида ҳаётда ўз ўрнини топиб, кўп қиррали янги шакллари ва мазмуни билан бойитиб борилаётир.

“Алпомиш” дostonи халқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетганлигини инкор қилиб бўлмайди. Унда эл-юрт ори учун ва севган ёри йўлида бўлган тинимсиз курашлар, югуриш, баъзида пиёда юриш, тоғлардан ошиш, дарёлардан кечиш ўтиш, кўл ёқаларида дам олиб, хордик чиқариш, отда пойга қилиш, паҳлавон-алилар билан кураш тушиш каби кенг қамровли амалий фаолиятлар саёҳат мазмунига мос келади.

Дostonда ифода этилишича, Асқар тоғи, Ойна кўли, Чилвир чўли ва бошқа номларнинг келтирилиши, Ойна кўли ёқасида Барчиной ўз канизаклари билан баҳмал ўтовда яшаб, атрофларда сайр қилиши бежиз эмас, албатта. Чунки бундан бир неча минг йиллар илгари Бойсун-Қўнғирот элатлари шу маизилгоҳларда яшаб, табиат қўйнида унинг сахий неъматларидан баҳраманд бўлишган. Бойчбор каби отлар зотини кўпайтиришган. Тоғ ёнбағирларида қўй боқиб, текисликларда арпа-бугдой экиб, деҳқончилик қилишган. Буларнинг барчаси инсонларнинг соғлом яшаши, оилада фарзандларни баркамол қилиб тарбиялашига омил сифатида хизмат қилган.

Диққатга сазовор томоилардан яна бири шундаки, жаҳонга машҳур бўлган юртдошларимиз Абу Наср Форобий, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Маҳмуд Паҳлавон, Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Бобур ва бошқа буюк алломаларнинг асарлари, илмий меросларида қадимги аждодларимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётида саёҳатларнинг тутган ўрни ҳақида кўп бора тўхтаб ўтилган. Навоий, Бобур ва бошқаларнинг асарларига битилган суратларда овчилик, тоғ ва дарё, кўл соҳилларида, боғда ҳордик чиқариш манзаралари тасвирланган. Саёҳатларнинг кишилар саломатлигини яхшилаш, умрни узайтириш, жисмоний ва ижодий меҳнат қобилиятини оширишдаги ўрни тараннум этилган. Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Девону луғотит турк” китобини ёзиш учун Туркистон ўлкасини пиёда ва уловларда кезиб чиққан. Унинг сайёҳлик фаолиятига доир илмий-қидирув ишлари нафақат ўз даврида балки, кейинги минг йиллик давомида Турон ўлкасида кадрланиб келди. Унинг бу асари асосида кўплаб илмий тадқиқотлар бажарилган. Айниқса талаба-ёшлар М.Қошғарийнинг ҳаёти ҳақида, унинг асарларини яхши ўргансалар фойдадан холи бўлмайди.

Энг қадимги одамлар яшаш учун ов ва меҳнат қуроқларини яратишга ҳаракат қилишган. Шу тарзда ёввойи ҳайвонларни овлашганлар, уларни қўлга ўргатиб меҳнат билан шуғулланишган. Ов манзиллари ва дам олишга қулай бўлган жойларда маълум бир белгилар(тур)ни қўйишган. Зарур пайтларда ана шу жойларга келиб ҳордиқ чиқаришган, турли ўйинлар ташкил қилиб мусобақалаштишган.

Ишлаб чиқариш – меҳнат жараёнининг такомиллашуви, ов ва жаиғ қуроқларини яратишнинг янги усуллари одамларнинг узок жойларга бориб ов ва меҳнат қилишига, шу асосда энг қулай ва яхши жойларни танлаб, дам олиши, ҳатто ўтроқлашиб қолишига олиб келган. Шу тариқа дарёлар, қўллар, денгизларда ов қилиш, сайр ўтказиш учун кемалар ясаб, улардан мақсадли фойдаланганлар. Бу соҳада Христофор Колумбининг Америка қитъасига бориб қолиши (кашфиёти), турли саёҳатчиларнинг Ҳиндистон, Африка, Австралия ва бошқа қитъалар, мамлакатларга борганлиги тарихдан маълум.

Қадимги Ўзбекистон заминининг сўлим табиати, қўхна шаҳарларидаги осори-атиқалар, дунё тамаддуни (цивилизацияси)га катта ҳисса қўшган алломаларни вояга етказган масканлар жаҳон аҳлини, сайёҳларини ўзига чорлаб келган. Александр Мақдуний (мил.ав. IV аср) билан келган юнон маърифатпарварлари ўлканинг табиати ва ҳаётига оид қизиқарли эсдаликлар ёзишган. Хитойлик сайёҳ Чжан Цянь (мил.ав. II аср) Фарғона водийсидан Қизилқум чўлларигача бўлган ҳудудларни кезиб чиққан. Шунингдек, Хитойлик Сюань Цзан (VII аср), италиялик Марко Поло (XIII аср), арабистонлик Ёқут Ҳамавий (XIII аср), марокашлик Абу Абдуллох ибн Батута (XIV аср), испаниялик Руи Гонсалес де Клавихо (XV аср бошлари), германиялик Иоганн фон Шилтбергер (XIV-XV асрлар), Буюк Британиялик Энтони Женкинсон (XVI аср), венгриялик Армений Вамбери (XIX аср) каби дунё кезган сайёҳлар қўхна юртимизда бўлишган ва кўрган-кечирганлари тўғрисида хотиралар ёзиб қолдирганлар.

Шунингдек, Турон заминининг машхур кишилари ҳам дунё кезиб, сафар таассуротлари асосида қимматли асарлар ёзишган. Абу Райҳон Бериунининг ҳинд элига сафаридан кейин яратилган “Ҳиндистон” (1030 йил), Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” (1518/19-1530), Абдурауф Фитратнинг Туркияга саёҳати хотираларини ўз ичига олган “Сайёҳи хииди” (1912) каби асарлари шулар жумласидандир. Моварауннаҳрда илк сайёҳларнинг сафарлари Амир Темур ва темурийлар даврида фаоллашган. Амир Темур

Француз қироли Карл VI ва англиз қироли Генрих IV билан доимий алоқада бўлган. Унинг элчиси 1403 йил Парижга келган. Испаниялик Клавихонинг “Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти” китобида Мавораунаихрдаги ижтимоий ҳаёт ва сайёҳларнинг Темур давлатига интилиши акс этган.

Туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш. Мустақиллик даврига келиб Ўзбекистонда туризмга, шунингдек, соҳа кадрларини тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (1999 йил 2 июль) қарори асосида Тошкент иқтисодиёт университетида Халқаро туризм факультети, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода туризм коллежлари очилди. Вазирлар Маҳкамасининг “Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори (2004 йил 26 март) билан фаолиятини қайта қурган олий ўқув юртида ҳам туризм факультети иш бошлади. Шунингдек, мамлакатдаги бошқа баъзи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳам туризм соҳаси учун кадрлар тайёрланади. Ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни “Ўзбектуризм” миллий компаниясига қарашли Республика илмий-консалтинг ўқув маркази амалга оширади. 2005 йилда марказ томонидан 51 гид, 201 гид-таржимон, 90 туристик оператор тайёрланган. 140 мутахассисга малака ошириш ўқув машғулоти, 190 ходимга семинар-тренинг уюштирилди. Бу борада олиб борилган чора-тадбирлар ва ишларнинг барчаси Ўзбекистонда туризмнинг кенг авж олиши учун ёрдам беради.

Туризмнинг шакллари. Ҳозирги даврда туризм дунёнинг жуда кўп мамлакатларида оммавий тус олган. Одатда, туризм туристик ташкилотлар орқали туристик маршрутлар бўйича уюштирилади. Туризмнинг жуда кўп турлари ва шакллари мавжуд (ички, халқаро, ҳаваскорлик туризми, уюшган туризм, яқин жойга саёҳат, узоққа саёҳат, билим савиясини кенгайтириш мақсадида туризм, тоққа чиқиш, сув туризми, автотуризм, пиёда юриладиган туризм, спорт туризми ва бошқалар).

Ўзбекистонда туризм соҳасига раҳбарликни “Ўзбектуризм” миллий компанияси (1992 йил 27 июлда тузилган) олиб боради. Компаниянинг асосий вазифаси туризм инфраструктурасини ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб қилиб, замонавий туристик

комплексларни барпо этиш, янги туристик йўналишларни ишлаб чиқиш, хизматлар доирасини кенгайтириш ва бошқалардан иборат.

Туризм амалий ҳаракатларни тақозо этувчи ўз белгиларига кўра жисмоний тарбиянинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Айни вақтда, таълим-тарбиявий хусусиятлари бўйича педагогик жараён ҳам бўлиб, жамиятнинг маънавий-маданий тараққётда муҳим ўринга эга. Яъни саёҳатлар давомида билим ва амалий малакаларни ошириш йўли билан ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш имкони юзага келади.

Сайр (экскурсия) қўйилган мақсадлар асосида шуғулланувчиларнинг ёши, жинси, ижтимоий фаолияти ва саломатлигига қараб уюштирилади. Уларнинг энг асосий йўналишлари қуйидаги тарзда намоён бўлади:

1. Мактаб ёшигача болалар тарбия муассасаларида сайрлар.
2. Мактаб ўқувчиларининг сайр-саёҳатлари.
3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқувчиларининг сайр-саёҳатлари.

4. Олий ўқув юртлари талабаларининг сайр-саёҳатлари.

5. Меҳнат жамоалари ходимларининг сайр-саёҳатлари.

6. Аҳоли истиқомат жойларида кишиларнинг сайр-саёҳатлари.

7. Хорижий мамлакатлардан келган меҳмонларининг сайрлари.

Сайрларни ташкил қилишнинг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Тарихий ва маданий обидаларни томоша қилиш ва уларнинг тарихини ўрганиш.

2. Ўзи яшаб турган жойларнинг тарихи, ривожланиши ва халқ ҳаётини ўрганиш (билиш).

3. Атроф-муҳит, табиат манзаралари билан танишиш, аҳоли яшайдиган эътиборга лойиқ жойларни ўрганиш.

4. Шуғулланувчилар (қатнашчилар)нинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш учун пиёда кезиш, ҳордиқ чиқариш, қулай жойларда машқлар, ўйинлар ўтказиш..

5. Диний мақсадларда муқаддас қадамжойлар ва бошқа тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиш, бориб кўриш ва ҳоказо.

6. Илмий изланишлар (мутахассислар) олиб бориш ва ҳоказо.

Эътироф этиш лозимки, мазкур сайрлар билим (тушунча) ва амалий малакалар ҳосил қилиш йўлида таълим-тарбия вазифасини ҳам ўтайди. Шу билан биргаликда қатнашчиларнинг сиҳат-сало-

матлигини яхшилаш, жисмоний баркамоллигини ўстиришга хизмат қилади. Демак туризм шакл ва мазмун жиҳатдан тарбиявий ҳамда соғломлаштирувчи хусусиятларни ўзида мужассамлаштириши билан муҳим аҳамиятга эга.

Сайр (экскурсия) қилишда қатнашчиларнинг белгиланган жойга етиб бориши, уловларга чиқиш ва туришлари, сайр-саёҳат манзилига кириш ва бевосита сайр-саёҳатларда иштирок этиш жараёнида пиёда юриш асосий ўринда туради. Чунки эркин равишда турли фаолиятларни бажариш-юкларни кўтариб юриш, шароитларга қараб тез ёки секин юриш, тўхташ, баъзан югуришга ҳам тўғри келади. Бундай амалий ҳаракатлар саёҳатчиларнинг саломатлигини яхшилашга кўмак беради.

Хулоса қилиб айтганда, туризмнинг уловларда сайр-саёҳат ва пиёда юриш шакллари мазмун ва моҳият жиҳатдан ўз хусусиятларига эга. Уларни мақсадли уюштириш ва олиб боришда мутасадди ходимларнинг масъулиятлари эътиборга лойиқдир.

Туризмнинг турлари. Туризм мазмун жиҳатдан кенг қамровли ижтимоий-тарбиявий хусусиятга эга бўлган жараён ҳисобланади. Инсонларнинг кўпроқ амалий фаолиятларини тақозо этиб, уларнинг табиат манзараларига, тарихий ёдгорликлар билан танишувга, саломатликни мустаҳкамлаш учун дам олишга бўлган эҳтиёжи ва қизиқишларини эътиборга олган ҳолда туризм кўп тармоқли соҳадир. Уларнинг энг асосий турларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Пиёда юриш саёҳати.
2. Тоғларда юриш саёҳати.
3. Қояларни забт этиш саёҳати.
4. Чамалаб топиш (ориентирование) саёҳати.
5. Тезоқар дарёларда эшкак эшиш саёҳати.
6. Уловларда (автомото, велосипед ва ҳоказо) юриш саёҳати.

Таъкидлаш лозимки, мазкур турлар шакл жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилиб, тартиб-қоидалари, хусусиятларига қараб мустақил спорт соҳалари ҳам ҳисобланади.

Пиёда юриш саёҳатида унинг шакллари (бир кунлик, кўп кунлик) қараб масофалар белгиланади ва улрга маълум даражада талаблар қўйилади.

Тоғ туризми (тоғларда юриш саёҳати) пиёда юриш саёҳатининг давомидир. Яъни бунда барча ҳаракатлар такрорланади. Фақат категориялик (қийинчилик даражалари: 1.2.3.4.5.6) жиҳатдан бошқа

туризм турларидан фарқ қилади. Аниқроқ айтганда, баландлиги 1,5-5 км. (деигиз сатхига нисбатан) тоғларга чиқиш, довлонлардан ошиш, тезоқар сувлардан кечиш каби мураккаб ҳаракатлар ба-жарилади.

Қояларни забт этиш туризми (скалалазание) пиёда юриш ва тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Фақат тик қоялар, қояларга тирмашиб чиқиш (арқонлар, ҳимоя воситалари ва ҳоказо) билан тубдан фарқ қилади.

Чамалаб топиш (ориентирование) туризми ҳам пиёда юриш, тоғ туризми билан бевосита боғлиқдир. Яъни маълум масофани пиёда ўтиш, тўсиқлар, довлонлардан ошиш ҳоллари бунда ҳам қўлланилади. Бошқа туризм турларидан фарқли ўлароқ, бунда харита, чизма, компас, куюш, ой, юлдуз ва бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда мақсадга етиб боришдир. Яъни номаълум ва нотаниш жойларни топиш асосий фаолияти ҳисобланади. Туризмнинг бу туридан пиёда юриш, тоғ туризми ва бошқа соҳалар бўйича ўтказилган махсус мусобақалар(слётлар)да кенг фойдаланилади.

Автомобиль, мотоцикл, велосипед каби уловларда юриб саёҳат қилиш ҳам туризмда муҳим ўринни эгаллайди. Тез оқар дарёларда қайиқ, эшкак, сол ва шунга ўхшаш мосламаларда ўтириб саёҳат қилиш ҳам амалда мавжуд. Бунинг учун катта тайёргарликлар, жисмонан махсус маҳоратларга эга бўлиш талаб этилади.

Хулоса шундан иборатки, туризм ўз моҳиятига кўра кўпгина турларга бўлинади. Уларнинг мазмуни шуғулланувчиларнинг жисмоний баркамоллигини ошириш билан бир қаторда уларда ватаннарварлик ва ғурурни, меҳнатсеварлик, ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик каби инсоний фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади.

Асосий туристик йўналншлар

“Ўзбектуризм” миллий компанияси саёҳат қилиш турига қараб қуйидаги туристик йўналишларни ишлаб чиққан:

– *классик туристик йўналиш* (Тошкент – Самарқанд – Бухоро, Хива – Тошкент; Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Шаҳрисабз – Тошкент) энг қадимий ёдгорликлар ва тарихий-маданий обидаларга ташриф билан боғлиқ;

– *археологик туристик йўналиши* (Қорақалпоғистон, Самарқанд, Сурхондарё худудлари бўйлаб) энг қадимий археологик ашёлар топилган ва айни пайтда қазилма-кидирув ишлари олиб борилаётган жойлар билан танишишни мақсад қилиб кўяди;

– *экологик туристик йўналиши* (Чатқол тизмасидаги дам олиш ва даволаниш оромгоҳлари, Зомин ва Бухоро вилоятларидаги кўриқхоналар) алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва инсон саломатлиги учун фойдали жойларга саёҳат билан боғлиқ;

– *экстремал туристик йўналиши* (Чимён, Фаргона водийси тоғ ён бағри, Орол бўйи, Бухоро ва Навоий вилоятлари текисликлари бўйлаб) табиий қийинчиликларни енгиб ўтишни назарда тутати;


– *маънавий туристик йўналиши* (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа вилоятлардаги) тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш билан боғлиқ;

– *ҳаво йўллари туристик йўналиши* (Ўзбекистон шаҳарлари ва Германия, Голландия, Италия, Россия, Хитой, Япония каби хорижий давлатлардаги) кўзланган манзилга самалётда етказиш билан боғлиқ;

Шунингдек, мамлакат бўйлаб маданий сайр – танишув, спорт-сайёҳлик, даволаниш, мақсадли, дам олиш туристик йўналишлари ва бошқалар бор.

Туризмнинг тарихи XIX аср бошларига бориб тақалади. Дастлаб Англиядан Францияга уюшган сайёҳлик ташкил этилган (1815 йил). Туризмнинг асосчиси ҳисобланмиш инглиз руҳонийси Томас Кук 1843 йилда 1-темир йўл сайёҳлигини ташкил қилди. Шундан сўнг у ўзининг хусусий туристик корхонасини тузди ва 1866 йил дастлабки сайёҳлик гуруҳлари АҚШга жўнатилди.

1-жадвал





Тарихий маълумотларга қараганда, XIX асрининг биринчи ярмида рус сайёҳлари Марказий Осиёнинг тарихи, маданияти, табиий бойлиги ва жуғрофий муҳитини ўрганишга илк қадамлар қўйишган. Айниқса, бу жараёнлар XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида кенг авж олган. Бунга тарих, жуғрофия, ботаника, этнография, археология ва бошқа кўп соҳалар бўйича олимлар, ҳарбий мутахассислар сафарбар этилган. Уларнинг ташрифларидан мақсад кўп қиррали жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, моҳиятан истилочилик билан боғлиқ манфаатлар асосий ўринда турган. Шулар қаторида жуғрофий муҳит ва табиий бойликларни ўрганиш, уларни қидириб топиш ҳам муҳим аҳамият касб этган. Бундай мураккаб ва машаққатли тадбирларни ташкил қилиш ҳамда амалга оширишда Б.А.Федченко, П.П.Семенов-Тянь-Шаньский катта жасоратлар кўрсатишган, яъни улар Тянь-Шань, Помир-Олой тизма тоғлари, уларнинг куйи тармоқларини харитага олганлар. Булар ўз навбатида ўша даврда ва кейинги вақтларда тоғлар, дарёлар, конларни ўрганишда, шунингдек, гуруҳ бўлиб саёҳатлар ташкил қилишда анча хизмат вазибаларини ўтаган.

1900 йилда Санкт-Петербургда Рус тоғ жамияти ташкил қилинди. Д.Н.Анучин, В.И.Вернадский, И.В.Мушкетов, П.П.Семёнов-Тянь-Шаньский, Б.А.Федченко ва бошқалар унинг ташкилотчилари

бўлишган. Бу жамият турли йўналишлар (маршрут) чизма (схема)-ларини ишлаб чиқди ва Кавказ, Олмаота ва бошқа жойларда ўз бўлимларини ташкил этди.

Таъкидлаш лозимки, таникли тарихчи Н.К.Гупин, геолог А.П.Парпинский, ёзувчи Д.Н.Мамин-Сибиряк, олимлар К.А.Тимирязов, Д.И.Менделеев, И.П.Павлов, сайёҳлар Н.М.Пржевальский, Н.А.Норден-шелъд ва бошқалар жойлардаги бу жамиятнинг фаол ташкилотчилари ва аъзолари бўлишган.

Шўро даврида туризмнинг аҳволи. Туризмнинг яқин ўтмишда кечган ҳолати билан танишишдан мақсад шуки, собиқ иттифок даврида унинг анъаналари ва тажрибалари Ўзбекистон шароитида ҳам давом эттирилганини кўрсатишдир. Шўро йилларида туризм коммунистик мафкурага мослаштирилган. Туризм дам олиш, саёҳат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш шаклига айланиб йилдан-йилга такомиллашиб борди. Жисмоний тарбия ва спорт, меҳнат ва мудофаанинг муҳим омилларидан бўлиб қолди. Жисмоний маданият ҳаракатининг ривожланиши туризмни ҳам жисмоний тарбиянинг асосий воситасига айлантирди.

1919 йилда Москвада ўқувчилар экскурсиясининг Марказий бюроси ташкил этилиб, у 30-йилларга келиб Марказий болалар экскурсия-туристик станциясига айлантирилди.

Туристик ҳаракатни янада такомиллаштириш ва уни оммалаштириш мақсадида партия ва ҳукумат қарорига асосан 1930 йилда Бутуниттифок кўнгилли пролетар туризми ва экскурсия жамияти (ОПТЭ) тузилди. 1949 йилда туризм Бутуниттифок ягона спорт классификациясига мустақил спорт тури сифатида киритилди. Шундан кейин туризм бўйича спорт мастерлари ва мастерликка номзодлар пайдо бўла бошлади.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, 50-йилларнинг охири – 60-йилларда Бутуниттифок кўнгилли “Спартак” спорт жамияти ва унинг қуйи органларида туризм иши жонлантирилди. Ишлаб чиқариш корхоналари, савдо тизимлари, ўрта махсус ўқув юртларида оммавий туристик походлар, слётлар ўтказиш анъанага айланди. Қуйи жамоаларидаги фаол, тажрибали туристлар Бутуниттифок туристлар слётларида қатнаша бошладилар. 1963 йилнинг августида Иссиққўл ва Олмаота яқинида “Спартак” спорт жамиятининг III Бутуниттифок туристлар слёти ўтказилди. Бу слётда Ўзбекистон

терма командасидаи Тошкент ва Самарқанд туристлари қатнашдилар. Улар орасида ўзбек туристи Р.Абдумаликов ҳам бор эди.

Туризмнинг барча турлари бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, тарихий, маданий ва ҳордиқ чиқариш жойлари билан кишиларни таништиришда “Турист” журнали (у 1966 йилдан бошлаб чиқа бошлаган) фаолият кўрсатган. Бундан ташқари, туризм ҳақида жуда кўплаб адабиётлар, методик қўлланмалар, маълумотномалар ҳам нашр қилинди. 1960-1976 йилларда Ўзбекистоннинг барча вилоятлари бўйича туристик маршрутлар, саёҳат йўллари ва қўлланмалар тайёрланган, пиёда юриш, тоғ туризмга оид адабиётлар яратилди. Чунончи, В.Рацекнинг “Чимён”, “Ўрта Осиё йўллари бўйлаб”, А.Колбинцевнинг “Ўзбекистон йўллари бўйлаб”, “Фарғона водийси бўйлаб саёҳат”, Р.Абдумаликовнинг “Саёҳат саҳифалари” ва бошқалар шулар жумласидандир.

1951-1960 йиллар мобайнида Самарқанд шаҳри ва вилоят туризми бирмунча ривожланган. Ҳатто туризм ва экскурсия бўйича университет ташкил қилинган бўлиб, унда фақат ўлкани ўрганишигина эмас, балки пиёда юриш, тоғ туризми бўйича ҳам машғулотлар ўтказилиб турилган. Бу университетда асосан туризм кадрлари – ўлкани ўрганиш бўйича инструкторлар, жамоатчи туристик-фаоллар тайёрланган. Бунда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетининг (ҳозирги Самарқанд Давлат университети) география факультети, “Искра” (кейинчалик “Спартак”) спорт жамияти қошида ташкил қилинган туризм секцияси катта фаолият кўрсатган. Шаҳардаги 6-, 21-, 30- ва бошқа мактаб ўқувчилари ўзларининг жуғрофия ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ёрдамида кўп кунлик туристик походларда фаол қатнашганлар.

Республикада 1963 йилда 296 та туристик шуъба мавжуд бўлган бўлса, 1984 йилда уларнинг сони 1000 тага етди, туристлар сони эса 23,7 мингдан 50 мингтагача ўсди. Поход қатнашчиларининг сони 80 мингдан 160 мингга кўпайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, собиқ иттифоқ даврида туризм ишларини Марказдан туриб бошқариш, амалга оширишнинг мазмун-моҳияти шўролар манфаати, мафқураси измида эди. Ўзбекистонда туристлар келиб кўрадиган кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар, масжид ва мадрасалар жиддий таъмир талаб, хароба аҳволида эди.

Мустақиллик ва туризм. Ўзбекистонда мустақиллик қарор топгач туризм ишлари кенг йўлга қўйила бошланди. Унинг миллий

тараққийетимизга йўналтирилган ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

Эндиликда туризм халқ манфаати, келажаги учун хизмат қиладиган истиқболли соҳага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги фармони билан туризм соҳасида республика ягона сиёсатини амалга оширувчи давлат органи — “Ўзбектуризм” миллий компанияси тузилди. Унинг таркибига тармоққа алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари киритилди, ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Жаҳон Туризм Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Бали шаҳрида (Индонезия) 1993 йилда бўлиб ўтган X сессиясида “Ўзбектуризм” миллий компанияси унга тўла ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Ўзбекистонда туристик фаолият билан шуғулланувчи 408 та фирма ва корхона бор. 14 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 168 та меҳмонхона фаолият кўрсатади (2006 йил). Республикага 2005 йилда дунёнинг 117 мамлакатидан 241,9 минг хорижлик турист саёҳатга келди. Ўзбекистон фуқароларидан 380,9 минг киши чет элга туристик саёҳатга чиқди. Шунингдек, мамлакат ички туризмидан 334,1 минг киши фойдаланди.

Мамлакатда “Ўзбектуризм” миллий компанияси муассислигида рус ва инглиз тилларида “Туризм Ўзбекистана” (Tourism of Uzbekistan) журнали нашр этилади ва компания ўзининг www.Uzbektourism.uz веб сайтига эга.

Қишки туристик зона. Мамлакатдаги қулай қишки туристик зона Тошкентдан 80 км. шимолий-шарқда, Чатқол тоғ тизмаси ён бағрида жойлашган. XX асрнинг 70-йилларида бу масканда қурилиш ва текислаш ишлари бошланган. Ҳозирги кунда бу зонада бири-бирига яқин “Чимён оромгоҳи” (денгиз сатҳидан 1500 м. баланд), “Чорвоқ оромгоҳи” (денгиз сатҳидан 890 м. баланд) саломатлик марказлари ва тоғ чанғи спорт маркази бўлиб, дам олувчиларнинг декабрь-апрель ойларида қишки спорт турлари билан шуғулланиб, қиш зийнатидан баҳра олган ҳолда саломатлигини тиклашлари учун шароит яратилган. Хизмат кўрсатиш шохобчаларида турли русумдаги чанғи, чана каби учиш воситалари ижарага берилади. Бундай воситаларда учиш учун денгиз сатҳидан 1500-4100 м. баландликда, узунлиги - 300, 500, 800, 1500 ва 3000 м., қиялиги 25-52⁰ бўлган турли типдаги трассалар бунёд этилган. Дам олувчилар

баландликка канат (осма) йўл, бугель кўтаргич, янада баландроққа вертолётлар ёрдамида чиқишлари мумкин. Масканда 700 дан зиёд ўринли меҳмонхона ва коттежлар, 100 кишига мўлжалланган ресторан, тамаддихоналар, дискотека, спорт заллари, сауна ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Хусусий туризм. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (1998 й. 8 август) қарори мамлакатда туризм ишини янада такомиллаштириш, кичик ва ўрта туристик ташкилотлар хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш ҳамда хорижий сармояни туризм соҳасига жалб қилишни жадаллаштиришга қаратилди. Шу қарор асосида Тошкентда “Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси” (ХТГА) тузилди (1998). Мамлакатда фаолият кўрсатаётган “Сайрам туризм”, “Долорес тур”, “Отель Ориент стар”, “Ситора интернейшнл”, “Мовароуннахр” каби турли типдаги туристик ташкилотлар ХТГАнинг таъсисчилари бўлишди. Ўзбекистон ва хориждаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаётган ХТГА нинг ҳозирги кунда 50 дан зиёд аъзоси бор (2006). ХТГА аъзоларига туристик фаолият кўрсатиш лицензиясини узайтириш, сайёҳларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, темир йўл ва ҳаво йўлларида олиб юришда имтиёзлар белгиланган.

Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш, туристик фаолият билан шуғулланувчи субъектлар ва туристларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди (1999). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (2003 йил 11 ноябрь) қарори туризм билан шуғулланишни истаган субъектларга қулайлик яратди. 2006 йилда мамлакатда 326 та хусусий туристик ташкилот фаолият кўрсатди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Туризмнинг жамиятдаги ўрни нималардан иборат ва у қандай хусусиятларга эга?
2. Туризм шаклан қандай турларга эга?
3. Сайр, сайёҳат тушунчалари бир биридан нима билан фарқ қилади?
4. Туризмнинг асосий турлари ҳақида нималарни биласиз?

5. Пиёда юряш, тоғда юриш, қояларга чиқиш, чамалаб топиш каби туризм турларининг бир бирларидан фарқлари нимада?

6. Туризмнинг қандай йўналишлари мавжуд?

Таянч сўзлар изоҳи:

“Девону луғотит турк” – Маҳмуд Қошғарийнинг асари

“Буюк Темурийнинг ҳаёти ва фаолияти” – Рюи Гонсалес де Клавихо асари.

2-мавзу: Ўзбекистонда халқаро туризм

РЕЖА:

1. Ўзбекистонда халқаро туризм учун шароитлар.
2. Буюк ипак йўли.
3. Экологик туризм.
4. Сармишсой ёдгорлиги.
5. Жарақудуқ геопарки.

Калит сўзлар: Сайёҳлик, тарихий масканлар, қулай табиий шароит, исломий обидалар, муқаддас қадамжойлар, зиёратгоҳлар, хорижий сайёҳлар, меҳмонхоналар, туризм кадрларини тайёрлаш, буюк ипак йўли, экотуризм, табиат бўйлаб саёҳат, сармишсой, жарақудуқ, геопарк.

Ўзбекистонда халқаро туризм учун шароитлар. Бозор муносабатларга ўтиш даврида республикада рўй бераётган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар миллий иқтисодиётнинг муҳим ва истиқболли соҳаларидан бири бўлган туризм фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон халқаро туризмни ривожлантиришда ўзининг салоҳиятига ва юқори рақобатбардошликни таъминлашда нисбий устунликларга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов: “Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Республика ҳудудида тўрт мингдан кўйроқ меъморчилик ёдгорликлари бор... Табиат-иқлим шароитлари қишин-ёзин саёҳатчиларни қабул

килиш имкониятини беради¹” – деб таъкидлаб ўтган эдилар. Туризмнинг асосини ноёб табиий шарт-шароитлар, қадимдан Ўрта Осиёда яшаб ўтган халқларнинг уйғониш давридан бошлаб маданий ва этник меросни ташкил қилувчи кўп сонли тарихий-меморчилик ёдгорликлари, курортлар, дам олиш уйлари, сайр-саёҳат объектлари, миллий боғ ва қўриқхоналарнинг замонавий шаҳобчалари ташкил қилади. Шу билан бир қаторда республикада туризмнинг ҳозирги давридаги ривожланиш даражаси унинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятини бермайди.

Ўзбекистон ўзининг туристик имкониятлари бўйича Марказий Осиёда 1-ўринда, дунё бўйича эса 10-15 ўринда туради.

Халқро ва “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси экспертларининг баҳолашича бугунги кунда мамлакатимиз ўз туристик салоҳиятини фақатгина 12-15 фоизидангина фойдаланмоқда, холос.

Юқоридагиларни назарда тутиб, Республикамиз Президенти И.А.Каримов туризм соҳасини ривожлантириш ва унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлайдилар. “Туризм содда қилиб айтганда дунёни тушуниб, дунёни англаш, шу билан бирга дунё саҳнига чиқиш демакдир... Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарларимизнинг 2500-3000 йиллик тарихи бор. Бу жуда катта маънавий бойлик. Уни сайёҳликни ривожлантириш йўли билан моддий бойликка айлаштириш мумкин”². Ривожланган мамлакатларда туризмдан олинadиган валюта тушумлари бутун экспорт ҳажмининг 10-35% ни ташкил қилади. Туризм соҳаси учун жадал ривожланиш хос бўлиб, қатор мамлакатларда йиллик ўсиш суръатлари юқорилиги (24% гача) билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнги йилларида туризмга оид эълон қилинган фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқро туристик бозорга интеграциялашиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасига етказишга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади. Бу қонуний ҳужжатлар Республикада туризм со-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истижюл, иктисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 252.

² Каримов И.А. Бунёдкорлик йулнда. Т. 4. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. Б. 282-283.

ҳаси ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўпгина тадбирлар билан бирга қатор муаммолар ечимларини ҳам кўзда тутлади. Туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ошириши таъминлайдиган шарт-шароитларни яратишда давлатнинг ролини ошириш, туризм ривожланишининг жаҳон амалиётида жамланган илгор тажрибасини, усуллари ва воситаларини миллий иқтисодиёти-мизга жорий қилиш шулар жумласидандир.

Ҳозирги даврда республикамызда миллий туризмнинг барқарор ривожланиш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий, услубий ва амалий ёндашувларини ишлаб чиқиш, туристик маҳсулотлар бозорини шакллантириш, мазкур соҳа фаолиятини тартибга солишнинг иқтисодий усуллари ва уни бошқаришнинг ташкилий тузилмаларини, туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро туризм инсонларнинг ўлкалар билан танишиш, завқланиш, дам олиш, бўш вақтини самарали ўтказиш, соғлиғини тиклаш, дунё спорт мусобақаларида қатнашиш, маънавий дунёсини бойитиш каби ишларга эҳтиёжининг ортиб бориши, бошқа халқларнинг урф-одати ва турмуш тарзини билиш учун интилишида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунга таъкидлашимиз жоизки, ўтмишга назар соладиган бўлсак, инсоният ҳар доим маконда ўзининг ҳаракат доирасини ўзгартириб, янги-янги ерларни кашф қилган, турмуш-тарзини бойитган ва ижтимоий муносабатларнинг янада ривожланиши, такомиллашиши учун интилган. Бу эса шахсни шаклланиши ва камол топишига ижобий таъсир кўрсатиб, буида туризм, айниқса унинг халқаро йўналиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Халқаро туризм жуда кўп қиррали бўлиб, унинг таркибий қисмлари бўлган меҳмонхона, овқатланиш, транспорт, савдо, дам олиш ва сайр қилиш жойлари ва бошқа кўплаб соҳалар, жараёнлар бир-бири билан узвий боғланади ва ҳаракатга келади.

Жаҳон иқтисодиётида халқаро туризмнинг роли ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бориб, у жаҳондаги энг кўп даромад келтирадиган асосий соҳалардан бирига айланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда глобаллашув ва халқаро инеграция жараёнларининг чуқурлашуви туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг сўнгги чорагида жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий

алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш кўламининг кенгайишини тақозо этади. Бу эса туризмни миллий иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантормоқда.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра ҳозирги вақтда жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 11 фоизи, инвестицияларни 10 фоизи, жаҳон истеъмол харажатларининг 11 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади¹. XX аср 90-йилларининг бошларидаи ҳозирги вақтда қадар мазкур соҳага киритилган инвестицияларни ўртача йиллик ўсиш суръати 30 фоизни ташкил этди ва 16 иш ўрнидан бири туризм тармоғи зиммасига тўғри келади. **Жаҳон экспортда туризм нефть ва нефть маҳсулотлари ҳамда автомобиллар экспортдан сўнг учинчи ўринини эгаллайди².**

Туризм тараққиёти учун қилинадиган сарф-харжатлар бошқа соҳаларга қилинадиган сарф-харажатларга қараганда ўзини тезроқ оқлайди. Шу билан бирга туризм иқтисодиётнинг ўзига хос ва муҳим тармоғи ёки даромад манбаигина эмас, балки мамлакатлар орасидаги ташқи сиёсий алоқаларни ҳар томонлама ривож топтириш, дўстона муносабатларни яхшилаш, турли мамлакатлар ва халқлар маданияти, санъати, анъанавий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Бутун жаҳонда тез суръатлар билан ривож топаётган туризм яқин келажакда кўрсатиладиган хизмат соҳалари орасида энг олдинги ўринга чиқиб олиши мумкин. Ҳозирнинг ўзида жаҳон миқёсида шундай мамлакатлар борки, улар асосан туризмни ривожлантириш ҳисобига яшайди, равнақ топади, бойийди. Айрим мамлакатларда туризм ривожланишидан тушадиган даромад мамлакат миллий даромадининг деярли ярмини ташкил этади. Туризмдан тушган даромад эвазига Андорра, Лихтенштейн, Монако, Сан-Марино сиғари митти давлатлар ўзини зарур ноз-неъматлар билан таъминлабгина қолмай, балки бойлик орттирмоқда. Бундай мамлакатларда туризм иқтисодиёт негизи ҳисобланиб, миллий даромаднинг 20 фоизидан 50 фоизигача беради.

¹ Пузакова Е.П. Международный туристический бизнес. Москва: ПРИОР, 2001. С. 3

² Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Москва: Финансы и статистика, 2000. С. 3.

Халқаро туризмни ривожлантириш борасида Австрия, Германия, Швецария, Скандинавия мамлакатлари катта тажрибага эга. Кейинги йилларда бу муҳим соҳада Хитой, Малайзия, Исроил, Туркия каби мамлакатлар ҳам улкан ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон туризм соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш учун қатор имкониятларга эгаки, ўзининг қулай жуғрофий ўрни, жаннатнамо табиий шароити туфайли жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин эгаллайди ҳамда ноёб меъморчилик ёдгорликлари билан қатор мамлакатлар билан беллаша олади. Шириндан-ширин ҳўл мевалари, қовун-гарвузлари, хилма-хил ўзига хос миллий таомлари ва ниҳоят гўзал анъаналари, урф-одатлар, очиқ юз ва меҳмондўст халқи билан бутун дунё аҳлининг эътиборини ўзига тортади.

Ўзбекистонда халқаро туризм ривожини ҳақида Осиё бўйича жаҳон туризми ташкилотининг минтақавий вакили Хариш Варманнинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтиш ўринлидир. “Тошкент ва умуман, Ўзбекистон, – дейди у, – менда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари туризмни ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги кўзга ташланади. Халқнинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи, археологик объектлар, архитектура ёдгорликлари, жозибали табиат ва энг муҳими - илик, дўстона меҳмоннавоз муҳити кишини лол қолдиради. Буларнинг бари – сайёҳларнинг бу ёққа келиши учун яхши асос”¹.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодийетини ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланмоқда. Бу ўринда туризм соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президент И.А.Каримовнинг 1995 йил 2 июнда чиқарган “Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасини иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш” тўғрисидаги фармони малакатимизда туризмни ривожлантиришда дастлабки қадамлардан бири бўлди.


Шунингдек, туркий тилли давлатлар бошлиқларининг 1996 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган IV учрашувида Президентимиз “Буюк ипак йўлини тиклаш, маърифий туризмни ривожлантириш, туркийтилли давлатларнинг маданий меъросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш” дастурини биргаликда

¹ Ахмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Тошкент: Ибн Сино, 2002. Б. 85-86.

ишлаб чиқиш, мақсадли сайёҳат йўналишларини кенгайтириш ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида таклифларни олдинга сурдилар¹. Бундан ташқари 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган “2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури” тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори ҳамда 1999 йил 20 августда чиқарилган “Туризм тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни туризмнинг келажак истиқболини белгилашда катта аҳамият касб этади.

4-жадвал

Сайёҳат қилувчи шахсларнинг таснифи



¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бугагача: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Б. 308-309.

Юқоридаги қарор ва фармонлар асосида қисқа вақт ичида республикаимизнинг кўпгина минтақаларидаги тарихий, диний обидалар, буюк сиймолар қабрлари, даҳмалари, масжиду мадрасаларни қайтадан тиклаш ва таъмирлаш ишлари кенг миқёсда амалга оширилди. Бу бевосита туристик объектларнинг кўпайишига ва яхшиланишига олиб келди.

Маълумки, БМТнинг 1972 йилда қабул қилган конвенциясида халқларнинг нодир маданий ёдгорликларини авайлаб асрашга келишилган. Ҳозирги кунда дунё бўйича 500 дан ортиқ маданий ёдгорликлар алоҳида рўйхатга олинган бўлиб, улар ўзига хос тақрирланмас тарихий-маданий ансамбллар, меъморчилик ёдгорликлари, табиий кўриқхоналар ва бошқа туристик аҳамиятга молик объектларни қамраб олган. Бу борада, яъни, Ўзбекистон ўзининг туристик объектларининг салоҳияти бўйича жаҳонда катта мавқега эга.

Ўзбекистонда сиёсий барқарорликнинг таъминланганлиги ва 1996 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулот ҳамда реал секторда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил ўсиб бориши, инфляция даражасининг муътадиллиги, аҳоли иоминал ва реал даромадлари ҳажмидаги ижобий ўзгаришлар халқаро туризмни ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда туризм ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири кўп асрлик тарихий ривожланишни ўзида акс эттирувчи ўзига хос маданий меросининг мавжудлиги ва республикаимизнинг диний-тарихий обидаларга бой экаилиги билан боғлиқ. Юқорида қайд этилганидек, республикаимиз ҳудудида 4 мингдан ортиқ меъморчилик обидалари ва ёдгорликлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият қисми ЮНЕСКО томонидан ҳимоя қилинади. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси (1428-1429), Шоҳи Зинда меъморчилик мажмуаси (XI-XX асрлар.), Ҳазрат Хизр масжиди (XIX аср ўрталари), Биби-Хоним Жомеъ масжиди (1399-1404), Улуғбек (1417-1420), Шердор (1619-1635/36), Тиллақори (1641-1647) мадрасалари, Рухобод (1380 й.), Гўри Амир (1404) мақбаралари, Хўжа Аҳрор (XV-XX аср) ансамбллари, Тошкентдаги Кўкалдош (XVI аср) мадрасаси, Ҳазрати Имом (XVI-XX аср, 2007 йилда қайта тикланди) мажмуаси, Бухородаги Сомонийлар (IX-X асрлар) мақбараси, Чашмайи Айюб (XII аср – 1380 ёки 1384/85) мақбараси, Абдуллахон (1588-1590) мадрасаси, Гавкушон (XVI аср), Лаби Ҳовуз (XVI-XVII аср) ансамбллари, Ситораи Моҳи Хоса

(XIX асрнинг охири – XX асрнинг боши) мажмуаси, Хивадаги Муҳаммад Аминхон (1852-1855) мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оксарой (1380-1404), Жомеъ, Кўк Гумбаз (1434-1435) масжидлари, Термиздаги Қирққиз (IX-XIV асрлар) қалъаси, Ҳаким ат-Термизий (X-XV асрлар) меъморчилик мажмуаси, Султон Саодат (X-XVII асрлар) ансамбли, Қоратепа (II-IV асрлар), Фаётепа (I-III асрлар) ёдгорликлари, Фарғона водийсидаги Худоёрхон (1870) қалъаси, Саид Аҳмад ҳожи (XIX асрнинг боши) мадрасаси ана шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси республикамизда халқаро туризмни, шунингдек, диний ва танишув туризмни жадал ривожланишининг истикболини кўрсатиб турибди.

Буюк ипак йўли. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини ўзаро боғлаган қадимий қарвон йўли шу ном билан аталади. Бу атама шу қарвон йўлида узоқ йиллар ташилган қимматбаҳо хом ашё – Хитой ипаги билан боғлиқ. Буюк ипак йўли атамаси муомилага немис тадқиқотчи олими томонидан 1877 йили киритилган.

Буюк ипак йўлининг келиб чиқиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бронза даври бошланмасданок, жамиятнинг шаклланиб бориши мобайнида турли минтақа-худоудларни боғловчи махсус йўллар юзага келган. Улар Ўрта Осиё ва Қадимги Шарқ давлатлари ўртасидаги савдо, маданий алоқаларни шаклланиб боришида муҳим ўрин эгаллаган. Айниқса бу жараён мил. ав. I минг йиллик ўрталаридан – милодий XVI асргача фаол ҳаракатда бўлиб, Хитой ва Ўрта Осиёни Кичик Осиё, Эрон, Ҳиндистон каби давлатлар билан яқиндан боғлаб турди. Мазкур йўл орқали олиб борилган савдо, иқтисодий, маданий алоқалар туфайли мамлакатлар ҳаёти анча ривож топди.

Буюк ипак йўлининг ривожланиш тарихини қуйидаги даврларга бўлиб ўраниш мақсадга мувофиқ:

I давр – мил. ав. III минг йилликдан – милодий I асргача. Бу даврда “шоҳ йўли”, “лазурит”, “нефрит” каби йўллар шаклланди.

II давр – I – IV асрларни ўз ичига олган бўлиб, бу йўл кўпроқ Рим, Парфия, Хань ва Кушон каби йирик давлатларни ўзаро боғлаши билан халқаро алоқалар ўзининг янги босқичини бошлаган.

III давр – V-VIII асрларни қамраган бўлиб, Буюк ипак йўлининг бу илк ўрта асрлардаги назорати асосан сосонийлар Эрони, Византия, Турк хоқонлиги зиммасида бўлди.

IV давр – VIII – XII асрларни ўз ичига олган бўлиб, араб халифалиги боқинидан муғул-татарлар истилочилиги бошлангунга қадар давом этган.

V давр – XIII – XVI асрларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврнинг хусусияти Буюк ипак йўлида муғуллар ҳукмронлигининг ўрна-тилиши ва Амр Темур даврида Буюк ипак йўлининг кучайиши ва кейин унинг инқирози билан белгиланади.

Буюк денгиз кашфиётлари ҳамда Ғарб мамлакатларида ипак ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, XVI асрларга келиб бу карвон йўлида катнов тўхтади.

Минтақамизда Буюк ипак йўлини янги тарихий шароитларда тиклаш, узоқ-яқиндаги давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. 1987 йили ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон ўн кунлиги доирасида “Ипак йўли – мулоқот йўли” халқаро дастурини қабул қилди. Бу дастур Шарқ билан Ғарб ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, қадимий карвон йўлида истиқомат қилаётган Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихини кенг тадқиқ этиш ишлари бошланишига асос бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг жуғрофий ўрни туризмни ривожлантиришда Марказий Осиё давлатлари ичида анча қулайдир. Бу борада Республика Президенти И.А.Каримов ўз асрида, “Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истикболлари жиҳатидан қисман қулай жуғрофий-стратегик мавқега эга. Қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон худуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бир-бирини бойитиш жараёни жадал кечган. Бугунги кунда ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё – Тинч океани минтақасига олиб борадиган йўллар шу ерда кесишган”¹ – деб ёзган эдилар.

Ўзбекистон худуди қадимий “Буюк ипак йўли”нинг марказида жойлашгани учун ҳар жиҳатдан жадал ривожланди. Хитой ва Европани боғлаган карвон йўллари ўтган жойларда савдогарларга, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида карвонсаройлар, сардо-

¹ Кармов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. Б. 227-228.

балар, работлар курилган. Йўловчилар Пойкент карвонсаройлари, Бухоро яқинидаги Работи Малик, Мирзачўлдаги Сардоба каби иншоотларда дам олиб ўтишган. X асрда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 10 мингдан зиёд карвонсарой, XVI асрларда эса 400 (баъзи манбаларда 1000)дан зиёд сардоба ва работ бўлганлиги қайд этилган.

1994 йилда Тошкент ва Самарқандда жаҳон туристик ташкилоти (WTO)нинг “Ипак йўли” лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича халқаро йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон мазкур қадимий йўналиш маркази этиб белгилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк ипак йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни тўғрисида”ги фармони қабул қилинди (1995). Шу асосда “Ўзбектуризм” миллий компанияси “Буюк ипак йўли” ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан зиёд туристик йўналишлар ишлаб чиқди. Улар асосий сайёҳлик зоналарини қамраб олади ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ҳамда Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб ўтади. Шуинингдек, археологик-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида чора-тадбирлар белгиланди. WTO билан ҳамкорликда Самарқанд ва Хивада шу мавзуга бағишланган йиғилишлар уюштирилди. Самарқандда WTOнинг “Буюк ипак йўли”ваколатхонаси очилди (2004). Бу эса Ўзбекистоннинг қадимий йўналиш маркази сифатида фаолият кўрсатишида муҳим роль ўйнайди.

“Буюк ипак йўли” йўналишида Жанубий-Шарқий Осиёни Европа билан туташтирувчи “Транс Осиё” транспорт магистралининг қурилиши Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш учун катализатор вазифасини бажаради. Бу магистраль Япония, Хитой, Ҳиндистон, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Покистон, Эрон ва Европа мамлакатларини ўз ичига қамраб олган. Ушбу транспорт линиясининг муҳим қисми Транскавказ коридори (ТРАСЕКА лойиҳаси)ҳисобланиб, у 1996 йилдан бошлаб фаолият кўрсата бошлади.

Экспертлар фикрига кўра, у “Буюк ипак йўли”нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки Ўзбекистон ва Туркманистоннинг асосий маршрутларида ёқилғи қуйиш шаҳобчалари, уйжой, устахоналар, овқатланиш ва телеком-муникацион ускуналарнинг қурилиши янги туристик зоналар шаклланишига, шунингдек,

туристик автотранспортларни юклаш ишла-рининг фаоллашувига олиб келади.

Экологик туризм. Ҳозирги вақтда жаҳондаги кўпгина давлатлар иқтисодидегида туризм етакчи ўринлардан бирига айланган бўлиб, унинг асосий тармоқларидан бири бўлган экотуризм эса нисбатан энг истиқболли соҳа сифатида сайёҳлар диққат-этиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон туризм бозорида экотуризмнинг ҳиссаси 10-20%ни ташкил этмоқда. БМТ томонидан 2002 йилни “Экологик туризм йили”, деб эълон қилиниши ҳам бежиз бўлмай, соҳа истиқболининг дунё миқёсида эътироф этилаётганлигига яққол мисол бўла олади.

Экотуризм ўзи нима? Уни инглиз тилида *ecological tourism* ёки *ecotourism*, яъни табиат бўйлаб сайёҳат, деб талқин этиш мумкин.

Инсон доимо табиатнинг бирон бир муҳитида, яъни ундан ажралмаган ҳолда истиқомат қилади. Шунингдек, унда гўзал табиатга ошуфталик, унинг қўйнида сайр қилишга, табиатнинг ранг-баранг “муъжизалари”ни: наботот олами, ҳайвонот дунёси, шунингдек, узоқ ва яқин ўтмишдан бизгача сақланиб қолган табиий экологик муҳит ҳамда бошқа кўринишдаги табиий-тарихий ёдгорликларни томоша қилишга иштиёқ бор. Буларнинг барчаси соҳа истиқболида муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда экотуризм учун асосий омил бўладиган шундай муҳит ва борлиқнинг кўпчилиги ва уларнинг раиғ-баранглиги туфайли ҳам мазкур туристик соҳани жадал суръатларда ривожлантиришни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

2014 йил январь ойи маълумоти бўйича Ўзбекистон аҳолисининг сони 30492,8 минг кишини ташкил этади.

Минтақада жойлашган Ўзбекистон ҳудуди 448,9 минг кв.км. Энг баланд нуқтаси денгиз сатҳига нисбатан – 4688 метр – Ҳисор тоғининг Қолдирға тизмасидаги Ҳазрати Султон чўққисидир. Энг куйи нуқтаси эса – Марказий Қизилқумдаги Мингбулоқ ботиғи – водийчаси бўлиб – 145 метрдан иборат. Мамлакатимизнинг шимолӣ ва жанубий чекка нуқталари орасидаги масофа – 925 км. Ғарбий қисмидан шарқий қисмигача эса – 1400 км.ни ташкил этади. Мамлакатимиз: шимол ва шимолӣ-ғарбда Қозоғистон, шарқда Қирғизистон, жанубий-шарқда Тожикистон, жанубда Афғонистон, жанубий-ғарбда эса Туркменистон давлатлари билан чегарадош.

Ўбекистоннинг худуди Буюк Брита-ния, Италия, Норвегия, Финландия каби давлатларнинг худудидан катгарок, Швецария худудидан эса 10 маротаба ортиқроқдир. Мам-лакатимиз умумий майдонининг тахмиан 71% қисмини текис-ликлар, қолган қисмини тоғ ва тоғ олди худудлари ташкил этган.

Ўбекистоннинг экзотикага мўл табиати ўзининг кишини лол қолдирадиган даражада ранг-баранглиги, ҳайвонот ва наботот дунё-сининг бойлиги, йил давомида қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, қу-лай табиати билан биргаликда экологик туризм мухлисларини, та-биат шайдоларини ўзига жалб этиб келади. Ҳозирги кунда мам-лакатимизда кумли барханлардан тортиб гулистон воҳаларгача, тў-қайзорлардан тортиб баланд тоғ ўтлоқларини ўзида ифода этувчи ноёб ва ажойиб табиат ландшафтларини қамраб олган 9 та йирик қўриқхона (Нурота, Зомин, Сурхондарё, Зарафшон, Ҳисор, Қизил-қум, Бадай-Тўқай, Китоб, Чотқол), 2 та табиий-миллий боғ (Угом-Чотқол, Зомин) ва 1 та ихтисослаштирилган “Жайрон” экологик маркази Бухоро вилоятида (1976 йилдан) фаолият кўрсатмоқда.

Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг умумий майдон 20520 км² ёки Ўзбекистон худудининг 5,2 фоизини ташкил этади (Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш концепцияси, Эко-логия хабарномаси, 6-сон, 2007 й.). Ўзбекистон қўриқхоналарида - 350 турдаги ҳайвонлар ва 700 хил ўсимликлар муҳофазага олинган.

1993 йил Чотқол қўриқхонаси ЮНЕСКОининг халқаро биос-фера қўмитаси тармоғига киритилган. Ўзбекистонда жами қўриқ-ланадиган худудларнинг умумий майдони 2 млн.га ёки мамлакат худудининг 4.5% ни ташкил этади. Буларнинг барчаси юртимизда соҳага бўлган эътиборнинг юқорилигини, унинг истиқболи асосли омилга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Шу билан биргаликда Ўзбекистондаги ўрмонли худудлар (Каспий-Орол бўйи ўрмончилик худуди, Тўғай ўрмони, Арчазор ўрмони), тоғли худудлар (Чимён, Нурота, Ҳисор тоғлари, Номир-Олой тоғ тизмалари) экотуризмда ўз ўрнига эга. Ҳайвонларнинг Қизил китобга кирган нодир турлари, қушлар, ўсимлик ва ҳашоротлар мавжуд бўлган қўриқхоналардаги ҳайвонот олами билан танишув сайёҳлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Пойтахтимз Тошкентда 1990 йили янгидан барпо этилган 69 га худуддаги Ҳайвонот боғида 415 турдаги 5000 бошдан зиёд ҳай-вонлар сақланмоқда. 1998 йили эса Тошкент Ҳайвонот боғи Буюк Британияда нашр этиладиган “*Жаҳоннинг энг яхши ҳайвонот боғ-*

лари” китоби рўйхатига киритилган. Унга туташ ҳудудда эса Ўзбекистон ФА Ботаника боғи жойлашган бўлиб, унга 1922 йили асос солинган. Боғ коллекциясида 6000 дан зиёд дарахт, ўсимлик, гулларнинг турлари бор.

Табиат бўйлаб сайр-саёҳат қилувчи кишилар учун ёхуд экотуризм ихлосмандлари зиммасида ўзига хос катта масъулият туради. У ҳам бўлса кишиларнинг табиатга ва ундаги мавжудодларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишини, яъни экологик маданиятга амал қилишлари билан боғлиқ талаблар ҳамда шунга доир бурчларини ўз ичига олади. Шу тариқа экологик туризмда қуйидагилар инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- биз яшаб турган муҳитга зарар келтирмаслик;
- экологик жиҳатдан билим-тасаввурга эга бўлиш, яъни, табиат билан мулоқот қилиш кўникмасини эгаллаш;
- жойлардаги ижтимоий-маданий, экологик муҳитни яхши сақланишига эътибор бериш;
- экотуристлик ташриф амалга ошириладиган жой-ҳудуднинг иқтисодий самарадорлигига эришиш.

Экологик туризм ўз хусусиятларига кўра қуйидаги бир канча турларга бўлинади.

1. Илмий туризм – табиатни тадқиқ этишнинг ҳар-хил кўри-нишлари, туризм бўйича дала-жойларни кузатиш ва илмий тадқиқот ишларини олиб бориш.

2. Табиат тарихи турлари – бу атроф-муҳитни билиш, тарихий ёдгорликлар ва маҳаллий маданиятни ўрганиш.

3. Амалий туризм – у (табиат бўйлаб) саёҳатнинг барча турларини, табиатда дам олиш ва унда ҳаракатланишнинг турли воситаларини ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонга келувчи 50 ёшдан ошган сайёҳ (турист)ларнинг 41% манзарали табиат ва кўриқхона ҳудудларига, 26% ёшлар эса республиканинг экологик муаммоли жойларига ташриф қилиш истагини билдирмоқдалар.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан умумэтироф этиладиган масалалардан бири маҳаллий, минтақавий ва жаҳон миқёсида иқтисодийнинг барча соҳаларини, хусусан, хизмат соҳасининг етакчи тармоқларидан бири бўлган туризмни, шунингдек, унинг муҳим таркибий қисми бўлган экотуризмни барқарор ривожланишига эришишдир.

Барқарор ривожланиш эса экологик муоммоларнинг ижтимоий ва иқтисодий муоммолар билан ягона тизимда туриши, уларни кишилиқ жамияти фаолиятининг барча жабҳаларида яқин амалий ҳамкорлик қилиш орқали ҳал этиш мумкин эканлигини кўрсатади. Бунда эса мамлакатимизнинг барча минтақаларида туризмнинг замонавий, истиқболли йўналишларидан бири – экотуризмни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

“Ўзбекистоннинг дам олиш ва саломатликни тиклаш имкониятлари, – деган эдилар Президент Ислом Каримов, – саёҳат маршрутларининг хилма-хил турларини ташкил этишга ва саёҳатчиларни бутун йил давомида қабул қилишга шароит яратади”. Ҳақиқатда ушбу соҳани ривожлантиришнинг мамлакатимизда катта имкониятлари мавжуд. Туристик минтақанинг жозибадорлигини кўрсатувчи асосий омиллар бу Ўзбекистоннинг экзотик табиати, бой ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ранг баранглигидир. Нафақат гўзал табиат қадамжойлари, балки табиий жараён ва ҳодисалар ёки инсонларнинг хўжалиқ фаолияти (антропоген омил) таъсирида бузилган табиат комплекслари (ландшафтлар ёки жойни табиий кўриниши ва ҳолати) ҳам экологик туризмнинг объекти бўла олади. Зеро, экологик туризмнинг асосий вазифаларидан бири айнан бузилган табиат комплексларини қайта тиклашдир.

Орол масаласи замонамизнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Ўзбекистоннинг экотуристлик манзиллари ичида Орол бўйи хавзалари шу жиҳатдан эътиборга лойиқ бўлиб, бу ҳақда тўхталиб ўтамыз. Орол ва Оролбўйи каби инқирозли экологик ҳудудларга қизиқувчи сайёҳларнинг сони ортиб бормоқда, аммо уни экологик нуқтаи назардан тўғри уюштириш лозим.

Орол денгизи ҳавзасини экотуристлик ҳудудга айлантириш қандай амалий аҳамиятга эга эканлиги қуйидагиларда ўз аксини тонади:

– ҳар бир табиий-жуғрофик жой бетакрор экотуристлик имкониятларга, яъни ўзига хос ҳудудий хусусиятларга эга. Иқтисодий самарадорлик нуқтаи назардан қаралганда экотуризмни тарихий туризм билан бирга олиб бориш, жумладан, Хива шаҳрига таширф буюрган хорижлик сайёҳларга табиат ва инсон “маҳсули”га айланган экотуристлик манзилларни кўрсатиш;

– хориж олимлари, тадқиқотчиларини мазкур ҳудудларга жалб этиб, уларнинг бу борада чиқарадиган илмий хулосаларини давлат то-

монидан муҳокама қилиш ва шунга доир тегишли тадбирларни амалга ошириш орқали экологик муоммаларни энгиллаштиришга эришиш.

Орол деигизининг қуриган қисми, Устюрт платосини экотуристтик марказга айлантиришнинг илмий асоси сифатида қуйидагиларга эътибор бериш лозим бўлади:

– бу ерга уюштирилган сайёҳлик моҳиятида табиатни муҳофаза қилиш ётади;

– экологик хавфга айланган ҳудудга нисбатан бўлиши мумкин бўлган салбий таъсирларни энгиллаштириш;

– кенг жамоатчиликнинг экологик онги ва маданиятини кўтариш.

Орол бўйи ҳудудидаги экологик инкирозли ҳолат асосий экотуристтик омил ҳисобланади. Туристтик йўналишлар бир пайтнинг ўзида Оролнинг қуриган ва унинг жиддий таъсирига тушган ҳудудларни ҳам қамраб олиши зарур. Бу манзилларга сайёҳлар нафақат пиёда ёки туя ва отларда, балки, самолёт ва вертолётларда ҳам олиб борилиши мумкин. Бундай экотуристтик ҳудудларга сайёҳатчи ва тадқиқотчиларни жалб қилишнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

1. Халқаро миқёсда экология масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш воситасида тегишли дастур ва таклифлар билан чиқиш.

2. Интернетга юқорида кўрсатилган экотуристтик ҳудудлар тўғрисида маълумотлар бериш ва муҳим ижтимоий-иқтисодий, маданий ландшафтларни акс эттирувчи фотолавҳа ва суратларни чиқариш.

3. Хива шаҳрига ёки бошқа туристик манзилларга сайёҳат уюштирган ёхуд ташрифи қутилаётган туристларга юқорида санаб ўтилган экотуристтик ҳудудлар бўйича йўналишларни ҳам тавсия этиш.

Шунга доир лойиҳалар устида ишлаш ва уни давом эттириш нафақат қуйи Амударё ҳудудларига, балки бутун Ўзбекистонга, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарафдан қулай ва муҳимдир.

Орол денгиз бўйи ҳудудларида экологик туризмни ривожлантиришда унинг стратегик вазибаларини аниқлаб олиш талаб қилинади.

Бу вазибалар қуйидагилардан иборатдир:

– Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экотуризмни минтақавий туризм соҳасида давлат аҳамиятига молик йўналиш деб қабул қилиш;

– мазкур табиий ҳудудларни экологик тоза сақлашга асосланган экотуризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурини ишлаб чиқиш;

Орол денгизи бўйида экотуризмни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини амалда бажариш учун қуйидаги тактик вазифаларни бажаришга тўғри келади:

– минтақада табиат муҳофазасига, экотуризм манфаатларига мос келадиган вилоят доирасидаги ва Республика миқёсидаги ҳукумат қарорларини қабул қилиш;

– минтақадаги Олий ўқв юрти, ўрта махсус билим юртларида экотуризм бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш;

– экотуризм бўйича халқаро ва ички туризм эҳтиёжларига мос келадиган турмаҳсулотлар ишлаб чиқариш;

– экотуризмнинг мукамал ахборот-рекламаларини, экотуризм йўналишларини, экотуризмнинг экскурсия дастурларини тайрлаб туризм бозорига чиқариш.

Орол денгизи бўйи ҳудудларида экологик туризмни ривожлантиришнинг стратегик ва тактик вазифаларини бажаришдаги дастлабки ишлар бу жойлардаги барча экотуризм объектларининг мукамал рўйхатини тузиб чиқиш ва уларнинг мукамал таърифи, тавсифи ва моҳияти ойдинлаштириб кўрсатилмоғи керак. Бу вазифани бошқариш минтақадаги университетлар ва туризм коллежлари зиммаларига юклатилиши мақсадли ва натижали бўлади.

Умуман олганда, Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш учун юқорида қайд этилганидек, катта имкониятлар мавжуд бўлиб, ўзининг истикболли жиҳатларига эга.

Сармишсой ёдгорлиги. Жуғрофий ўрни ва табиати. Сармишсой Навоий вилояти ҳудудидаги Қоратоғни жанубий ёнбағрига жойлашган. Қоратоғ қўшни тизмалар билан бирга Олой-Туркистон тоғларининг энг чекка ғарбий тармоқларини ташкил қилади. Тоғнинг жанубий ён бағрида Зарафшон воҳаси, ғарб ва шимолий ғарб томонида Қизилқум чўли ястланиб ётади. Қоратоғнинг жуғрофий ўрни ва табиатининг қулайлиги ҳар хил ҳайвонларнинг, овчи ва чорвадорларнинг мавсумий кўчишларини йўналтирувчи жойига айлантирган. Унинг ҳар икки ён бағрида дара ва сойлар жуда кўп. Жанубий ён бағридаги энг серсув сойлардан бири Сармиш бўлиб, у қор, ёмғирдан ва булоқлардан сув олади. Сармишсойда Зарафшон воҳасининг қадимий кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси томонидан, бизга мерос қилиб қолдирилган қоя тош расмлари ва бошқа архео-

логик ёдгорликлари бу жойни очик осмон остидаги музейга айлан-тирган. Расмларнинг энг кўп жойи Навоий шаҳридан 30-40 км. шимол-шарқда, Навбахор тумани худудида жойлашган.

Сармишсойнинг археологик ёдгорликлари. Сармишсой воҳасида жуда кўп археологик ёдгорликлар борлиги аниқланган. Буларга тош даври маконлари, устахоналари, шахталари, кўҳна қишлоқ ўринлари, қадимги мазорлар ва суғориш ишоотларининг қолдиқлари киради. Буларнинг ҳаммаси 20 км.² масофада жойлашган бўлиб, кўп қиррали археологик ёдгорликлар йиғиндисини ташкил этади. Ана шу ёдгорликлар орқали бу ерда қадимда ва кейинги даврларда яшаб ўтган аجدодларимизнинг, қабила ва уруғларимизнинг тарихини билиб олиш мумкин.

Воҳани қулай табиий шароити бу ерда одамлар палеолит давридан (300 минг йилдан то 15 минг йилгача) бошлаб яшай бошлаган, деган фикрни инкор этмайди. Воҳани жануб қисмида жойлашган Учтут чакмоқтош макони ва шахтаси бунга асос бўла олади. Бу жой ўрта тош (мустье) давридан то бронза даврига қадар Зарафшон водийси ва унинг атрофида яшаган қабила ва уруғларни чакмоқтош билан таминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Палеолит даврида одамлар Учтут ва унинг атрофидаги ер устида жойлашган сифат-сизроқ чакмоқтошлардан фойдаланишган. Аммо неолит даврига келганда (мил. ав. VI-IV минг йиллик) учтутликлар меҳнат қуроллари яшаш учун хом ашёни, ер остидаги сифатли чакмоқтош жинсидан синдириб олишни ўрганганлар ва ер остига бир неча метр чуқур шахталар қазиб тушганлар. Бунга сабаб юзадаги чакмоқтошга нисбатан, ер остидаги нам тортиб ётган тошлардан қуроллар яшаш анча осон ва унумли бўлган.

Сармишсойга неолит давридан Қизилқумда яшаган Калтаминор маданиятига тааллуқли овчи ва балиқчиларнинг бир гуруҳи келиб жойлаша бошлаган. Бу ерлар ҳавосининг тозаллиги, сувининг мўллиги, ҳайвонот оламининг бойлиги уларга маъқул келган. Дарада ёввойи ҳайвонларни ов қилиш очик жойга нисбатан анча қулай бўлган. Чунки ҳайвонлар ҳар куни бир вақтда сув ичиш учун сойга келган. Овчи эса уларни шу ерларда пойлаб ўтирган ва ов қилган. Сувнинг ва ҳайвонларнинг кўплиги сойни қадимдан улуғ-ланишига асосий сабаб бўлган. Аста секин Сармишсой одамлар учун муқаддас даргоҳга айланиб борган. Энди бу ерга келган одамлар ҳар хил диний урф-одатларни бажара бошлаганлар. Ана шундай урф-одат-

лардан бири тошларга расм чизиш билан боғлиқ бўлган. Бундай урф-одатлар қадим замонлардан то яқин даврларга қадар давом этиб келган.

Сармишсойда 10000 дан ортиқ петроглифлар – тош тасвирлари борлиги аниқланган. Расмларнинг асосий қисми, сойнинг ўрта қисмига жойлашган зич тошли 2-2,5 км. масофадаги қоя тошларга уриб чуқичланган. Тасвирлар кембрий геологик даврида шаклланган қизил ва қора рангли қумтошлар ва сланецли қояларнинг тик сиртига, баъзи бирлари ётиқ сиртларига солинган. Шу жойда қадимий кўчманчи ва ўтроқ аҳолини мазор қўрғонлари, қурбонлик маконлари жойлашган. Демак, хулоса қилиш мумкинки бу жойга одамлар қадимдан ҳар хил диний маросимларни, байрамларни ўтказишга ва ибодат қилишга келганлар.

Сармишсойдаги археологик ёдгорликлар бир текисда ёки меърида ўрганилмаган. Лекин, сойнинг қирғоқларидан ҳар хил даврларга тааллуқли жуда кўп археологик топилмалар йиғиб олинган. Уларнинг орасида VII-VIII асрларга тааллуқли оғзадон парчалари кўплай учрайди. Улар асосан бузилиб кетган мазор қўрғонларининг ёнларидан топилган. Сармишсой археологик ёдгорликларга жуда бой бўлгани учун, уни нодир архив асарлари билан тенглаштириш мумкин.

Сармишсой расмларининг даври. Қоя тош расмларининг ишланган даврини аниқлаш, мутахассисларни фикрига кўра энг мушкул вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки бошқа археологик ёдгорликларни ёши улардан топиладиган тош қуроқлар, сопол идишлар, танга ва шу сингари бошқа ашёвий манбаларига қараб аниқланса, петроглифларда эса бу нарсалар учрамайди. Шунинг учун бу соҳа олимлари ҳар хил услубларга, бирои бир давр ҳақида маълумот берувчи археологик топилмаларга мурожаат қиладилар. Улар суратларнинг турини ва чизилиш услубини таҳлил қилишади, уларни этнографик материаллар билан солиштиради. Шунинг билан бир қаторда расмларни ишланиш техникасини, сақланишини, қуёш нурида қорийишини ва қоя сиртига жойланишини ўрганишни ҳам таъкидлаб ўтадилар. Қоя тош расмларини даврлаштиришда, албатта, унинг атрофидаги бошқа археологик ёдгорликларни ўрганиш, солиштириш катта аҳамият касб этади.

Сармишсой петроглифларини тури, мазмуни, ишланиш техникаси, услуби, катта-кичиклиги бир-биридан фарқ қилади. Шундай экан, уларнинг даври ҳам ҳар хил. Буни бир қанча далиллар исбот

этади. Масалан, тош ва бронза даври расмлари жуда жонли, ҳаракатчан ҳолда кўрсатилган. Бундай тасвирларга ибтидоий буқа турлари ва тоғ такаларини, уларни ов қилиш манзараларини киритиш мумкин. Сак-скиф даври расмлари жуда ихчам, услубда тасвирланган. Бунга тоғ такалари, кийиклар, йирткичлар, отлар, одамлар ва бошқа расмларни киритиш мумкин. Ўрта асрларга тааллуқли тасвирлар асосан уй эчкилари, отлар, туялар, эшаклар, итлар ва араб ёзувларидан иборатдир.

Сармишсой қоя тошларидаги расмларига кўз югуртириб чиқишни ўзидан сезиш мумкинки, улар турли даврларда уриб чуқичланган. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, Сармишсой суратларини уч тарихий даврга: тош (неолит, энеолит) ва бронза даврлари, илк темир даври (сак-скиф) ва сўнги давр расмларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Сармишсойнинг қадимий суратлари орасида асосан одамлар, буқа турлари, бизоилар, кийиклар, қулонлар, жайронлар, шер, арслон, гепард, тоғ эчкилари, ит ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирлари тез-тез учраб туради.

Сармишсой петроглифларини қандай қилиб сақлаш ва улардан қандай унумли фойдаланиш мумкин? Сармишсой дарази юртимиздаги гўзал кўринишли, табиий ва тарихий бойликларга бой тоғ водий-ларидан биридир. Инсон бу водийни қадим замонлардан бошлаб ўзлаштиради ва унда оқилона фойдаланиб келган. Бу ҳақда бу ердан топилган археологик ёдгорликлар гувоҳлик беради. Таъкидлаш лозимки, Сармишсой Ўзбекистон худудидаги энг кўп ва бекиёс қоя тош расмларини сақлаб келаётган водийдир. Бу ноёблик Сармишсойнинг дунё миқёсидаги ёдгорликлар қаторига қўшади ва унинг аҳамиятини оширади. Сармишсойнинг табиий кўриниши ва унинг петроглифларини ҳамда бошқа археологик ёдгорликларини сақлаб қолиш давлатимиз олдида турган ҳамда халқимизнинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Сармишсой табиат яратган, очик осмон остидаги тайёр, табиий ва маданий музейдир. Бу ерда ҳамма ёдгорликлар ўзининг табиий ва тарихий ўрнида бўлиб, асрлар давомида табиат ва инсон синовларига дош бериб келмоқда. Тарихий обидаларга бўлган ҳурмат, улар тўғрисидаги билимларни ошириш ва ахборотларни кўпайтириш маданий меросларимизни ва шу жумладан, Сармишсойни сақлаб қолишимизга ёрдам беради. Шундай қилиб, дунё маданияти

хазиналаридан бири бўлган Сармишсой қоя тош расмларини сақлаб қолишимизга ва уйдан унумли фойдаланишимизга йўл очилган. Сармишсой расмларини аниқлаш мақсадида бу ерда кўп йиллардан буён археологлар илмий изланиш ишларини олиб бормоқдалар.

Жарақудуқ геопарки. Ватанимиз худудида табиий шарт-шароитлар тақозоси туфайли ўзига хос кўриниш ва манзараларни ҳосил қилган жойлар кўплаб учрайди. Уларнинг ичида эътиборли табиий ёдгорликлардан бири Жарақудуқ геопарки (“Тош ўрмон-зори”) ҳисобланади. У Мингбулоқ водийсининг гарбий қисмида (Марказий Қизилқумда) жойлашган бўлиб, майдони – 30 км. кв. ва сўнги Бўр даври ёшига маисуб турли-туман ётқизиклардан таркиб топган каниёнларни ўзида жамлаган. Узок ўтмишда денгиз чўкинди-дилари жамланиб борган бир шароитда пайдо бўлган. Ер сайёраси миқёсида ҳам бу ердаги таксонлар (тошга айланган турлар), шу жумладан, эндемик турлар миқдори ва ранг-баранглиги бўйича тенги ва монаиди учрамайди. Ушбу табиат ёдгорлигининг ёши 90 млн. йилдан ошади. Ҳосил бўлган табиий манзара ўзига хос ажойиб ва ғаройиб тарзда намоён бўлиб, бу ерни келиб кузатган ҳар қандай кишида ёрқин бир таассурот пайдо бўлишига ажабланмаса ҳам бўлади.

Умуман олганда, ўлкамизининг табиати билан чамбарчас боғлиқ бўлган ва ҳозирги давримизга қадар сақланиб келаётган шу сингари табиий ва тарихий ёдгорлик-манзилгоҳлар мамлакатимизда экотуризмни, шунингдек, у орқали халқаро ва ички туризмни кенг ривож топишига кенг имкониятларни беради.

Президентимиз И.А.Каримов бетакрор юртимиз тўғрисида алоҳида таъкидлаганларидек, “**Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим**”.

Дарҳақиқат, табиатнинг ўзи бу диёримизни асраб-авайлаш ва йўқотилган тақдирда эса тиклаб бўлмайдиган генофондни ривожлантириш учун яратган. Шу туфайли ҳам юртимизнинг ҳар бир фуқароси табиатнинг бизга инъом этган барча бойликларини, шунингдек, тарихий ёдгорликларини асраб-авайлашни ўзларининг бурчи деб билиб, уларни яқиндан ўрганиб бориши муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Халқаро туризм тўғрисидаги тушунчаларингизни айтинг.
2. Ўлкамизда халқаро туризмнинг ривожланиши ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
3. Халқаро туризмнинг қандай турлари ва шакллари бор?
4. Мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида халқаро туризм қандай ўринга эга?
5. Ўзбекистонда туризмнинг истиқболи ҳақидаги фикрингизни айтинг.
6. Экотуризм нима?
7. Сармишсой ёдгорлиги ва Жарақудук геоарки ҳақида нималарни биласиз?

III боб. ТАРИХИЙ ЎЛКАШУНОСЛИК ВА ТУРИЗМ ТАРАҚҚИЁТИДА ЭТНОГРАФИЯ, ТОПОНИМИКА, АРХИВЛАР ВА МУЗЕЙШУНОСЛИКНИНГ РОЛИ

1-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмда этнографиянинг аҳамияти

РЕЖА:

1. Этнография ва ўлкашунослик.
2. Ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш борасида туристик йўналишлар ва уларни такомиллаштириш.
3. Мустақиллик даврида миллий кадриятларга эътибор. Наврўз.

Калит сўзлар. *Анъана, қадрият, байрам, маросим, уруғ-аймоқ, халқ, элат, миллат, этник гуруҳ, ўзбек халқи, моддий ёдгорлик, маънавий маданият, буюк сиймолар, зеб-зийнат буюмлари, миллийлик, миллий анъана, туристик саёҳат, туристик йўналиш, туризмда давомли йўналиш.*

Этнография ва ўлкашунослик. *Этнография* атамаси қадимги юнонча (*этнос* – халқ, *графхио* – ёзиш) халқ ҳақидаги фан бўлиб, у халқни ўрганувчи, таърифловчи фан ёки халқшунослик фани деб юритилади. Этнография ер юзида яшовчи барча халқларнинг пайдо

булиши давридан то ҳозиргача босиб ўтган тарихий-маданий таракқиётига таяниб, уларнинг иқтисодий, моддий ва маънавий, ижтимоий ва оилавий ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одати ва ижтимоий оини ҳамда этник хусусиятларини чуқур ўрганувчи фандир. Этнография халқларнинг ўзаро тафовутлари, умумийлиги ва ўхшашлигини, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этади ва ўлка тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Этнографияни баъзи олимлар томонидан *этнология* деб ҳам атамоқда. “Этнос” юқорида таъкидланганидек, халқ, “логос” эса, сўз ёки фан дегани бўлиб, халқ ҳақида фикрловчи, сўзловчи ёхуд халқни таърифловчи фан демакдир. Бу иккала фан ўртасида чегара бўлмай, балки бири иккинчисини тўлдиради.

Демак, этнография – дунё халқларининг маданиятини, маиший ҳаётини, келиб чиқиши (этиогенези)ни, жойлашишини (этник жўғрофияси), маданияти тарихини ҳамда ўзаро алоқа ва муносибатларини ўрганувчи тарихий фан сифатида майдонга келган.

Этнографик билимлар асрлар давомида тўпланиб келган ниҳоятда бой ва ранг-баранг маълумотларни ўзлаштириб, маълум хулоса ва назариялар, дунёқарашлар тизими ва йўналишларни ҳосил қилди.

Дастлаб, этнографик илмий жамиятлар, махсус асарлар, тўпламлар пайдо бўлди. Натижада XIX аср ўрталарига келиб, мустақил фан соҳаси – этнографиянинг туғилиши учун шарт-шароитлар яратилган эди.

Этнография сўзи илгари ҳам баъзан тилга олинган бўлса-да, лекин фанни ифодаламаган эди. Дастлаб бу атамани XVII аср бошларида олмон ёзувчиси Чогани Зуммер ишлатган, кейин эса XVIII аср охири – XIX аср бошларида (1808) махсус журналлар шу ном билан чиқа бошлаган.

“Этнография” сўзи машҳур француз табиатшуноси ва физиги Жаи Жак Ампер томонидан 1830 йилда таклиф қилинган эди. Россияда “этнография” атамаси XIX аср бошларида баъзан учраб турган, кейин эса расмий равишда фан деб тан олинган. 1845 йилда Россия жўғрофия жамияти этнография бўлимини ташкил этилиши бунинг яққол далилидир.

Этнографик билимларнинг пайдо бўлиши, шунга доир зарур маълумотларнинг тўпланиши, далилларнинг англаб олиниши айтарли бир вақтда содир бўлади. Масалан, айрим қўшни қабила, элат ва халқнинг маиший турмуши, маданияти, урф-одатлари, этник ху-

сусиятларини ўрганиш уларни аниқ турмушининг амалий эҳтиёжларини қондириш тақозоси билан вужудга келган. Узоқ-яқин қўшнилар билан савдо-сотик муносабатларини ўрнатиш, шуинингдек, мақсад ёки шароит тақозосига кўра уларга қарши муваффақиятли урушлар олиб бориш учун ҳам, биринчи навбатда, этнографик билимларга эга бўлиш жуда ҳам зарур бўлган. Мана шундай сабаблар этнографик билимларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган.

Этнография фани турли халқларнинг ҳозирги даврдаги ҳаётини ўрганишда социология ва жуғрофияга мурожаат этади. Шунингдек, археология, антропология, фольклор, тилшунослик, руҳшунослик, палеография, нумизматика, топонимика, дин тарихи билан бевосита алоқадордир. Сўнги йилларда соҳага доир фанларнинг янги тармоқлари – *этносоциология, этнопсихология, этнолингвистика, этник антропология, этнодемография* кабилар пайдо бўлди. Бундан ташқари, этнографик тадқиқотларда ёзма манбалар, жуғрофик хужжатлар, моддий ва маиший материаллардан ҳам фойдаланилади.

Ер юзидаги мавжуд уч-тўрт мингдан зиёд миллат, халқ, элат ва қабила этносларнинг келиб чиқиши, этник умумийлиги ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларимиз ўз халқининг ўтмиш тарихи ва маданиятини яхши билишлари шарт. Зеро, шу орқали уларда ўз Ватани ва халқига муҳаббат, жаҳон халқларига нисбатан ҳурмат ҳисси шаклланади.

Жаҳондаги халқлар муайян ҳудудларда жойлашган. Аммо тили ёки маиший-маданий жихатдан яқинлиги билан ажралиб турадиган айрим элатларнинг ўзаро аралashiши жараёни доимо содир бўлиб турган, этник жихатидан чегарадош халқлар орасида эса, бу жараён, айниқса, кучли бўлган.

Кишилар қайси уруғ, қабила, элат, халқ, миллатга мансуб эканлиги билан ҳам бир-бирларидан анча фарқ қиладилар. Кишиларнинг энг қадимий бирлиги уруғ (қавм)дир. Бундай бирлик, асосан, ибтидоий жамоа даврида вужудга келган. Уруғчилик қон-қариндошликка асосланган бўлиб, ҳар бир уруғ одамлари бир-бирлари билан хўжалик ва ижтимоий жихатдан ўзаро боғланган. Барча уруғ аъзолари биргаликда меҳнат қиладилар. Уларнинг ижтимоий ҳаёти, турмуши ва шаклланаётган ўзига хос маданияти ҳам бор.

Кишиларнинг уруғ (қавм)га нисбатан юқори бирлиги – қабиладир. Бу бирлик бир қанча уруғ (қавм)ларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бу бирликнинг асоси ҳам ибтидоий даврга хосдир.

Ҳар бир қабила бора-бора ўз тили ёки шеваси, яшаш жойи билан бир-бирларидан фарқ қиладиган бўлиб қолган. Ҳар қайси қабила муаммоларини махсус кенгаш ҳал этган. Бу кенгаш қабилага бирлашган уруғларнинг бошлиқларидан иборат бўлиб, уларнинг энг кексалари қабила кенгаши бошлиғи этиб сайланган. Энг долзарб масалалар ана шу умумқабила йиғилишларида ҳал этилган.

Кишиларнинг қабиладан кейинги бирлиги элат, халқ бўлиб, у ўлкамизда қадимги, яъни антик даврда ташкил топа бошлаган. Ерга эгалик даврида кучайган. Ҳар бир элатнинг ўз номи, тили, маданияти ва ўзига хос руҳий хусусиятлари шаклланади. Умумий ягона она ер, юрт вужудга келади, муайян иқтисодий алоқа, муносабатлар бирлиги пайдо бўлади. Иқтисодий ва ҳудудий меҳнат тақсимооти вужудга кела бошлайди. Элатлар бирлашиб, миллатлар ташкил топади.

Этнографияда уруғ, қабила, элат (халқ), миллатни ягона ном этнос – номи билан юритиш қабул қилинган. Демак, ҳозир жаҳон аҳолиси ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий келиб чиқишига қараб турли этнослар (уруғ, қабила, элат (халқ), миллат)дан иборат.

Ҳозирги даврда бир неча элат ёки халқнинг яқинлашши ва уюшиши натижасида пайдо бўлган этник бирликлар (америка халқи, африка халқи каби) *макроэтнослар* дейилади. Маҳаллий халқ ёки миллат ичида баъзи хусусиятлари (шеваси, моддий ва маънавий маданияти, диний тасаввурлари) билан ажралиб турган майда этнографик гуруҳлар эса *микроэтнослар* дейилади. Баъзан халқлар диний эътиқоди асосида ўзига хос микроэтнослар ва макроэтнослар бирлиги билан ҳам фарқланадилар. Масалан, бутун Жанубий Осиё халқлари феодал даврида пайдо бўлган ҳиндуизм теъарағида турли тилдаги халқларни бирлаштирган макроэтнослар бўлса, Филлипин халқининг бир қисми ислом динига эътиқод қилувчи маро номли элатлардир. Эрондаги герблар (зароастризм) тарафдорлари ёки Хитойдаги муслмон (дунган)лар микроэтнос сифатида махсус этнографик гуруҳларини ташкил этадилар.

Этнографияда жаҳон халқлари қуйидагича тавсифланади:

1. Этнографик.
2. Антропологик.
3. Лингвистик (тил бўйича).
4. Диний.
5. Хўжалик маданий типлар ёки тарихий-маданий вилоятлар.

Жуғрофий хижатдан таснифлаш коидаси жаҳондаги халқларни ўзининг худудий жойлашиши, айрим этник гуруҳларнинг турар жойига қараб белгиланади. Этнографияда ҳозир куйидагича жуғрофий таснифлаш мавжуд:

1. Австралия ва Океания халқлари.
2. Америка халқлари.
3. Африка халқлари.
4. Осиё халқлари.
5. Европа халқлари.

Баъзи элатлар тарихий – жуғрофий элатларга қараб «Кавказ халқлари» ёки “Марказий Осиё халқлари” деб юритилади ва фарқланади. Лекин жуғрофий таснифлаш фақат худудда давлатлар билан чегараланиб қолган халқларнинг, айрим этник гуруҳларнинг тўла келиб чиқиши, қиёфасини билишга имкон бермайди.

Ирк – одамларнинг келиб чиқиши, гавда тузилиши ва қиёфаси ўхшаш бўлган, тарихан таркиб топган худудий бирлигидир. Француз олими Ф.Берне 1675 йилда “ирк” тушунчасини одамга нисбатан биринчи марта қўллаган. 1735 йили швед табиатшуноси К.Линней одамнинг ташқи жисмоний фарқлари асосида инсон ирқларини таснифлаган.

Қадимги халқлар танасининг териси, сочининг ранги, юз тузилиши, бош суягининг шакли, бурун, лаб тузилиши, кўзларининг ранги, кенглиги ёки қисқалиги, эркакларнинг юзи ва танасида тук бор-йўқлиги, қон гуруҳи ва бошқа жиҳатларига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади. Шу сабабдан ҳам илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосан халқлар учта йирик ирққа бўлинади:

1. Европоид (Евроосиё) ирқи. Бу ирққа мансуб кишилар тана териси оқ ёки қорачадан келган, сочлари тўғри ёки жингалак, тўлқинсимонлиги, эркакларнинг юзи ва баданида тукларнинг кўплиги, бурунлари кичик, тор, лаблари юпқа, ўрта бўйлиги ва бошқа бир қадар ўзига хос ирқий белгилари билан ажралиб туради. Европоид ирқидаги одамлар дунё аҳолисининг кўпчилигини ташкил этиб, улар асосан Шимолий ва Жанубий Европада, Шимолий Ҳиндистонда, Лотин Америкасида яшайдилар.

2. Монголоид (Осиё, Америка) ирқи. Бу ирққа мансуб одамларнинг танаси сариқ ёки оқ кўнғир (буғдой ранг), сочлари тўғри, қаттиқ, юзи ва баданида туки кам, кўзлари қисик, юз суяги (ёноғи) бўртиб чиққан. Улар Шимолий ва Шарқий Осиёда, Шимолий ва

Жанубий Америкада яшайдилар.

3. Негроид (африкан) иркига негрлар, бушменлар, готтентотлар, негроид ва европоид аралашмасидаи пайдо бўлган эпиофтии, суданликлар, мулатлар киради.

Этносларнинг шаклланишида ва уларни фарқлашда тил асосий роль ўйнайди. Тил бирлигига қараб айрим халқ ва элатлар аниқланади, кўпинча, тил асосида ном ҳам берилади. Лингвистик таснифот тарихий-қиёсий ўрганиш орқали аниқланади. Одатда келиб чиқиши бир бўлган халқларнинг тили яқин бўлади.

Жаҳондаги тиллар ўзининг *генесологик* (келиб чиқиши) ва *морфологик* (сўз тузилиши) яқинлиги билан қуйидаги энг йирик оилаларга бўлинади:

1. Ҳинд – Европа оиласи (бунга Европанинг анчагина қисми, Шимолий ва Жанубий Америка, Шимолий Ҳиндистон, Эрон халқлари киради).

2. Олтой оиласи (турк, мўғул, тунгус-манжур гуруҳлари).

3. Хитой – Тибет оиласи (Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё халқлари).

4. Малайя – Полинезия оиласи (Тинч ва Ҳинд океани оролларида яшаётган халқлар).

5. Дравид оиласи (Жанубий Ҳиндистон халқлари).

6. Семит – Хамит (соихом) оиласи (Жанубий – Ғарбий Осиё, Шимолий Африка халқлари).

7. Монкхмер оиласи (Ҳинди – Хитой халқлари).

8. Банту оиласи (Жанубий Африканинг туб халқлари).

9. Урал оиласи (Европанинг баъзи мамлакатлари, Россиянинг Европа қисми, Сибирнинг айрим районларидаги халқлар).

10. Кавказ оиласи (Кавказ ортида яшовчи халқлар).

Ҳар бир катта тил оиласи ўз навбатида айрим тил гуруҳларига ва шаҳобчаларига бўлинади. Масалан, Олтой тил оиласига оид туркий тиллар гуруҳи ўзбек, қозоқ, озарбайжон каби тиллардан иборат.

Ер юзида яшовчи халқлар ўзларининг узоқ давр ичида шаклланиб келган умумий турмуш тарзи, хўжалик-маданий хусусиятларининг тарихий бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги, ягона ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва умумий ёки яқин табиий жуғрофий муҳит асосида айрим туркумларга бўлинади. Бундай фарқланиш этнография фанида хўжалик-маданий *тилла таснифоти* дейилади.

Илк ибтидоий даврда пайдо бўлган, аммо кўп қитъаларнинг ис-

сиқ тропик ва субтропик иқлимли ўлкаларида тарқалган Марказий Африкадаги пигмейлар, Шри Ланкадаги веддалар, Ҳиндистоннинг айрим майда этник гуруҳлари, Жанубий Америка ўрмонзорларида яшовчи баъзи қабилалар овчилик ва йиғим-терим хўжалик-маданий типларни ташкил этади.

Халқларнинг моддий маданияти (уй-жой, алоқа воситалари, уй-рўзгор буюмлари, кийим безаклари) қисман маънавий маданиятининг (дини, урф-одатлари, халқ ижоди намуналари) яқинлиги ва умумийлигига қараб улар тарихий-этнографик вилоятларга ҳам бўлинади. Масалан, Волга, Камабўйи, Ўрта Осиё халқлари ҳар хил тилда гаплашишса-да, ўзаро моддий ва маънавий маданиятининг яқинлиги ёки бирлиги туфайли айрим тарихий-этнографик вилоятлар бирлигидан иборат.

Ўзбекистоннинг Фарғона, Зарафшон водийлари, жанубий вилоятлари (Қашқадарё, Сурхондарё) ҳам алоҳида тарихий этнографик минтақалардир. Халқларнинг узоқ тарихий давр ичида муайян табиий-жуғрофий ва ижтимоий-иқтисодий шароит асосида шаклланиб келган хусусиятлари хўжалик-маданий тиллар таснифотида ўз аксини топган.

Маълумки, "ўзбек" этнонимининг келиб чиқиши Дашти қипчоқда ташкил топган Оқ Ўрда ва Шайбон улусида, яъни Сирдарё, Орол денгиз ва Волга бўйлари оралигидаги кенг ҳудудда кўчиб юрган, XIV асрдан бошлаб ўзбеклар деб юритилган турк-мўғул қабилалари билан боғлиқдир. Бу қабилалар XV аср давомида ниҳоятда зўр ҳарбий-сиёсий кучга эга бўлган давлат ташкил қилиб, XVI асрнинг бошларидан Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида Ўрта Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига бостириб киради ва ўрнаша бошлайди. Айрим тадқиқотчилар ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихини мазкур истило даври билан боғлаб, ўзбек халқининг шаклланиши XV-XVI асрлардан бошланади, деган мутлақо нотўғри фикр юритиб келган эдилар. Йирик олимлар, чунончи, С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Я.Фуломов, А.Асқаров, Б.Аҳмедов, И.Жабборов ва бошқалар ўзбек халқининг бошланғич ядроси Ўрта Осиёда қадимги даврда яшаган қадимги сўғдийлар, хоразмийлар, сак қабилалари ва уруғ-аймоқчиликдан ўтрок дехқончиликка ўтиб сарт номини олган, туркий тилда сўзлашувчи чигил, қарлук, яғмо, тухси, арғу каби қавмлардан иборат эканлигини, ўзбек элатининг шаклланиши асосан XI-XII асрларда тугалланган-

лигини ва XVI аср бошларида пайдо бўлган кўчманчи Шайбоний ўзбеклари ўзбек халқларининг қадимги ядросига аралашиб кетиб, унга фақат ўз номинигина берганлигини асосли далиллар билан исботлаб берганлар.

Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида Россия Фанлар академиясининг ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва Археология институтлари томонидан уюштирилган кўп йиллик самарали ишлар натижасида ўзбекларнинг авлод-аждодлари қадимдан ўтроқ ҳаёт кечиргани, йирик суғориш иншоотларига асосланган деҳқончиликка, ўзига хос мустақил маданиятга эга бўлганлиги исбот қилинди. Бу ҳолат баъзи тадқиқотчиларнинг Ўрта Осиё халқлари гўё тарихий халқ эмас, уларнинг маданияти Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданиятига тобе, бу ўлкада узоқ ўтмишда фақат кўчманчи, ёввойи қабилалар яшаган, деган ҳар хил даъволарни фош қилди ва пучга чиқарди. Ҳолбуки, ирқий “назарияни” тарғиб қилувчи баъзи олимларининг узоқ аждодлари ибтидоий маданиятга эиди эришган бир пайтда қадимги Хоразмда Чирикработ, Бобишмулла, Кўйқирилган қалъа, Тупроққалъа каби ёдгорликлардан қазиб топилган ажойиб меъморчилик, санъат ҳамда ёзув дурдоналари, Болаликтепа ва Панжикент, Афросиёбда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ранг-баранг расмлар, Варахшанинг гўзал ганч ҳайкал ва безаклари, бутун қадимги давр ичида қурилган ҳашаматли шаҳар ва қалъалар, дабдабали суғориш иншоотлари ўзбек ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмишда ўзига хос иқтисодий ва маданий тараққиётга эга бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи, халқ, миллат бўлиб шаклланишини академик Аҳмадали Асқаров ўз тадқиқотларида аниқ маълумотлар билан илмий асослайдилар¹. Ҳар бир халқнинг этногенези ва этник тарихи унинг умум тарихининг ажралмас таркибий қисмидир. Шунингдек, ўзбек этногенези ва этник тарихи ҳам Ўзбекистон халқлари тарихининг таркибий қисмини ташкил этади. Маълумки, этнология фанидаги илмий концепцияга кўра, ҳар бир халқнинг келиб чиқиши тарихи уч босқичда иборат бўлади. Биринчи босқичда қўшни, ҳудудий жиҳатдан яқин, турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатларнинг иқтисодий ва маданий алоқалари асосида этномаданий яқинлашиш, аралашуш ва

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. - Б. 56-75.

этник қоришув, яъни этногенетик жараёилар кечади. Бу ҳодиса ҳар бир халқ тарихида жуда узоқ давом этадиган объектив тарихий жараён бўлиб, унинг якуни айнан олинган халқнинг шаклланишига олиб келади, яъни, этногенетик жараён якунида халқ шаклланади. Халқ тарихининг этногенез қисми, унинг элат, халқ бўлиб шаклланишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Этногенезнинг бошланғич нуқтаси, унинг ибтидоси қабиладан бошланади. Этногенез якунида этносга хос барча этник белгилар, этник аломатлар биринкетин юзага чиқиб, мужассамлашган бўлади. Этник аломатлари эса ҳудудий бирлик, атропологик тип бирлиги, этник ном, ўзликни англаш, тил бирлиги ва сиёсий уюшма бирлиги ташкил этади.

Иккинчи босқич, бу элат – халқ тарихидир. Яъни халқ этногенези яқунлангач, унинг шаклланган халқ тарихи бошланади. Ўзбек халқи мисолида бу этногенетик жараён XI асргача давом этади ва у Ғарбий Қорахонийлар давлати доирасида XI-XII асрларда ўз ичига олади. Шундан сўнг ўзбек халқининг этник тарихи бошланди. Этник тарих ҳам узоқ давом этадиган этномаданий жараёи бўлиб, у XIX асрларгача давом этади. Бу жараён ўзининг маълум нуқтасига етгач, унинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни бошланади.

Учинчи босқич, миллат тарихи босқичи бўлиб, бу нуқтанинг ижтимоий ҳаётда намоёи бўлиши жамиятда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бошланиши билан юз бера бошлайди. Ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланиши жараёни XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларидан бошлаб, то ҳозирги кунгача шаклланиш жараёнида давом этиб келмоқда.

Профессор А.Ю.Якубовский 1941 йил Тошкентда чоп этилган “Ўзбек халқининг юзага келиши ҳақида” номли асарида ўзбек этногенези Турк хоқонлигидан бошланади, деган эди. С.П.Толстов эса, Хоразмда олиб борган кенг қўламли археологик, антропологик ва этнографик материалларнинг ёзма манба-маълумотлари билан қиёсий ўрганиб, “Қанғ давлатининг таркибида ва у эгаллаб турган минтақаларда ўзбек халқининг илк аجدодлари яшаган, буларнинг этник таркиби ва тили бир хилда бўлмаган”, деган ғояни кўтариб чиқди. К.Шониёзов эса, “Қанғ давлати ва қанғлилар” ҳамда “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” номли асарларида мана шу ғояни қатъий ҳимоя қилиб чиқди. У Қанғ давлати ичида мил.ав. II – милодий I асрлар давомида мутлақо янги, туркий тилли халқ – қанғар элати вужудга келади. Бу элат эроний тилли халқлар билан туркий

тилли қабилаларнинг аралашиб, қоришиб бориши натижасида ташкил топди, деган хулосага келади.

Академик А.Аскарров бу санани янада қадимийлаштириб, уни сўнгги бронза даври билан белгилайди. Олимининг фикрича, ўзбекларнинг икки тилда сўзлашувчи этник қатламларнинг (сўгдий ва туркий) қоришуви натижасида вужудга келганлиги ва уларнинг илк бор аралаша бошлаган нуқтаси сўнгги бронза даврида юз берганлигини қайд этади¹.

Этник жараён нима? *Этник жараён* деб этник бирликлар таркибига кирган, этник гуруҳлар ўртасидаги этник, иқтисодий-хўжалик ва маданий алоқаларнинг узлуксиз ривожланиб боришига айтилади.

Ўзбек халқи этногенетик жараёнларининг жадал кечган вақти мил.ав. III – милодий V асрлар давомида Қанғ давлати доирасида юз берди. Бу даврда турли тилли этник гуруҳларнинг бир-бирларига яқинлашиши, қўшилиш жараёнлари жадал кечди. Этник гуруҳларнинг ташқи қиёфаси, тили, моддий ва маънавий маданиятида яқинлашиш, феъл-атворида умумийлик ҳосил бўлди. Мил.ав. II – милодий I-II асрларда Тангритоғ шимоли-шарқий худудларида усунларнинг катта гуруҳи, Хитойнинг шимоли-ғарбий минтақаларида ва Жаиубий Сибирда яшаган *ху, ди, динлин, теле, хунн* ва бошқа туркий тилли кўчманчи этносларнинг катта гуруҳи Қанғ давлати худудига келиб ўрнашдилар. Мана шу даврда юз берган этногенетик жараёнлар, яъни Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда уларнинг сўгдийлар, хоразмийлар, бақтрийлар, Фарғона ва Чочнинг ўтроқ аҳолиси билан қоришуви натижасида туркий тилли қанғар элати шаклланади. Бу этнос ўзбек элатининг шаклланишига асос солган энг қадимги йирик туркий қатламни ташкил этган¹.

Ўлкамизда араблар истилоси арафасига оид бўлган бой ёдгорликлар, ҳар хил ҳайкал ва деворга ишланган расмлар, ўймакор безаклар ажойиб санъат дурдоналари бўлибгина қолмай, ўша даврда яшаган халқнинг хўжалик фаолияти, этник тузилиши, моддий ва маиший турмуши, урф-одатларини ўрганишда муҳим ва биринчи даражали тарихий-этнографик манба бўлиб хизмат қилади.

Араблар истилосидан кейинги асрларга оид этнографик маълумотлар маҳаллий ва араб ёзуви асосида ёзилган сайёҳларнинг асар-

¹ Аскарров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. Б. 60-61.

¹ Аскарров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Б. 74-75, 126.

ларида мавжуд. Ибн Хурдодбех Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ (“Ал-масолик ва ал-мамолик” – “Йўллар ва мамлакатлар”, Лондон: Прил, 1889), IX-XII аср муалифларидан Истахрий (IX асрнинг сўнги чораги - X асрнинг 57 йилларида яшаб ўтган), Ибн Ҳавқал, Масъудий, Ёкут сингари йирик жуграф ва саёҳатчилар, маҳаллий муалифлардан файласуф, мусикашунос Абу Наср Форобий, машҳур қомусчи олим Абу Райҳон Беруний ва буюк табиб Абу Али Ибн Сино, этнограф, тарихчи олим Абу Саъд Абдулкарим иби Муҳаммад тадқиқотларида ҳамда номаълум муаллиф яратган “Худуд ул-олам” сингари асарларда Ўзбекистон худудидаги ўша даврда яшаган аҳоли тўғрисида баъзи этнографик лавҳалар келтирилган. Маълумки, Чингизхон ҳукмронлиги даврида мўғуллар салтанати мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетди. Улар босиб олган ўлкаларни ваҳшийларча талади ва қишлоқларнинг қулини қўққа совурди.

Ўрта Осиёда ўзбек хонликлари пайдо бўлганидан кейин марказлашган рус давлати билан улар орасида мунтазам равишда савдо ва дипломатик муносабатлар ўрнатила бошланади. XVI асрнинг фақатгина иккинчи ярмидаёқ Ўрта Осиёдан Россияга 8 марта элчилар юборилган бўлса, XVII асрда Хива хонлигидан 12 марта, Бухородаи эса 13 марта элчилар жўнатилган. Бунга жавобан рус давлати ҳам ўз элчиларини ўзбек хонликларига юборди ва уларга дипломатик топшириқлардан ташқари, мазкур ўлкалар тўрисида ҳар хил маълумотларни тўплаш вазифалари ҳам топширилади. Рус элчиларининг тўплаган маълумотлари ҳозир ҳам илмий жиҳатдан ўз қимматини йўқотмаган. Бу соҳадаги ташаббусни дастлаб 1558 йилда Хитойга Ўрта Осиё орқали савдо йўлини аниқлаш мақсадида Москвага келган Англия савдо компаниясининг вакили Антоний Женкинсон бошлаб берди. У Москва ҳукумати ёрдамида Астраханъ ва Каспий денгизи орқали Хива ва Бухорога бориб, Ўрта Осиё этнографияси ҳақида анчагина маълумотларни тўлади.

Россия билан Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатлар, айниқса, XVIII асрда Буюк Пётр даврида кучаяди. 1720 йили Бухорога рус элчиси бўлиб келган Флорио Беневени ҳам Хивага бориб, Ўрта Осиёнинг географияси, тарихи ҳамда этнографиясига оид маълумотларни тўплаган.

Хоразм аҳолисининг XVIII аср ўрталаридаги турмуши тўрисида этнографик муҳим маълумотларни 1740-1743 йилларда Дмитрий Гладишев ва Иван Муравин бошчилигидаги тадқиқотчилар-

нинг Орол денгизи ва Хивага илмий сафаридан ҳамда 1753 йилда Самара савдогари Даниил Рукавинининг Хивага қилган саёҳати даврида тўплаган материалларидан олиш мумкин. 1774 йилда Оренбург чўлларида қозоқлар томонидан асир олинган рус унтер офицери Филипп Ефремов асирликдан Қўқон, Марғилон, Қашқар, Ёркент, Тибет, Ҳинд орқали қочиб, кўрғай-билгаиларини ёзиб қолдиради. Шунингдек, бу ҳақда яна 1781 йилда Бухорога элчи бўлиб келган Мендиёр Бекчурин ва 1794-1796 йилларда Бухорога саёҳат қилган Т.Бурнашевнинг ҳикоялари ҳам бор. Шу даврдаги Хива хонлигига оид тарихий ва этнографияга оид маълумотлар хоининг таклифи билан Хоразмга келган кўз шифокори, майор Бланкейнагелнинг ёзиб қолдирган хотираларида ҳам мавжуд.

Ўзбек халқига оид этнографик маълумотларни тўплаш, XIX асрнинг биринчи ярмида Н.Н.Муравьев, А.Ф.Негри олиб борган кузатишлар Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбекларнинг этнографиясини ўрганишдаги дастлабки илмий қадамлар бўлди.

1819–1820 йилларда Хива хонлигига саёҳат қилган капитан Н.Н.Муравьев томонидан ёзилган асарнинг баъзи бобларида бево-сита ўзбекларнинг табиати, диний эътиқодлари, урф-одатлари, маъ-рифати, кийим-кечаги, уй-рўзғори, уруғ-аймоқчилиги каби этногра-фик маълумотлар қайд этилган. Унга кўра ўзбеклар асосан тўрт тоифадан: қиёт-кўнғирот, уйғур-найман, қанғли-нпчок, манғитдан иборат; ҳар битта тоифа мустақил ҳоким-иноқга эга, аммо уларнинг эиг каттаси қиёт-кўнғирот иноқидир. Унинг кўрсатишича, Хива хонлигидаги қадимий ўзбеклар кўчманчи бўлган. Уларнинг кўп-чилиги қора уйларда яшаганлар, аммо бой уруғдошлари ўтроқ сарт сингари катта паҳса девор билан ўралган уйларга эга бўлишган.

1820 йили Бухорога жўнатилган А.Ф.Негри бошчилигидаги дипломатик миссия қатнашчиларидан Е.А. Эверсман, Х.П.Яковлев, Будрии ва полковник Г.Мейендорфларининг китоб ва хотиралари ниҳоятда бой тарихий этнографик маълумотларга эга. Г.Мейен-дорфнинг турли тилларда нашр қилинган “Оренбургдан Бухорога саёҳат” номли китобида Бухоро хонлигининг географик ўрни, иж-тимой-иқтисодий аҳволи, давлат тузилиши, аҳолиси ва унинг машғулоти, қишлоқ хўжалиги суғориш тизими, ҳунармандчилиги, ички ва ташқи савдо, оила ва хотин-қизларнинг турмуши ҳақида қимматбаҳо маълумотлар келтирилган. Бу борада, айниқса, 1833-1841 йилларда Оренбург губернаторининг махсус топшириғига

биноан ишлаган истеъдодли ёзувчи, фольклорчи, этнограф, врач, адабиётшунос, машхур лексикограф В.И.Далнинг олиб борган илмий ишлари диққатга сазовордир.

Чет эл муаллифларидан бири – форс тилини яхши билган инглиз саёҳатчиси Александр Борис 1831-1832 йилларда Бухорада туриб, муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва этнографик материаллар тўплайди. Борис ёзиб қолдирган саёҳатномада ўзбеклар ҳақида ниҳоятда қизиқарли маълумотлар мавжуд. 1840-1850 йиллар ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё халқларининг этнографиясини илмий жиҳатдан ўрганишда талантли ака-ука Николай ва Яков Ханиковларнинг хизматлари катта. Я.Ханиковнинг 1851 йилда нашр қилинган “Орол денгизи ва Хива хонлиги харитасига изоҳнома” асарида этнографияга алоҳида эътибор берилган.

Этнографияга оид муҳим маълумотлар 1843 йилда Хива хонлигига дипломатик миссия аъзолари билан келган полковник Г.И.Данилевский, Ф.Н.Базинер асарларида ҳам келтирилган.

Ўша даврларда атоқли шарқшунос олим В.В.Григорьев Оренбургда истиқомат қилган ва у Россияда биринчи бўлиб Шарқ халқлари тарихи курсини ўқита бошлади. Унинг 200 дан ортиқ илмий ишлари орасида Ўрта Осиё халқларига, жумладан, ўзбекларга тегишлилари ҳам мавжуд. А.Вамбери (вейгр) ўзбек уруғлари ҳақида гапириб, биринчи бўлиб “ўзбек” сўзининг келиб чиқиши тўғрисида мулоҳаза юритади. А.Вамбери 32 ўзбек қабилаларининг рўйхатини беради ва уларнинг кийим-кечаклари, таомлари, ўйин ва мусиқа асбоблари, урф-одатлари ва диний маросимлари тўғрисида хикоя қилади.

Ёзма ва этнографик манбаларга кўра ўзбек элати дастлаб 24 та (XV аср), сўнгра 32 та (XVI-XVII асрлар), провардида 92 та уруғдан ташкил топган. Кексалардан ўзбек уруғларининг сони сўралганда улар “92 бов” ёки “92 бог” деб жавоб беришади.

Аслида ўзбек уруғ-қабилаларининг сони ҳақиқатан жуда кўпчиликни ташкил этади. XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келганда уруғ-қабилаларнинг аксарияти ўз уруғ-қабилаларини унутиб, ўзларини ўзбек деб атай бошлаганлар.

Этнограф Б.Х.Кармишева “Туркистон ва Ўзбекистон жанубий районларининг этник тарихий очерклари”¹ китобида XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ушбу минтақа ўзбекларини уч гу-

¹ Кармишева Б.Х. Туркистон ва Ўзбекистон жанубий районларининг этник тарихий очерклари. М.: 197 бет.

рухга бўлган: Биринчи гуруҳга ўтроқ аҳоли (улар уруғ-қабилаларга бўлинмаган) – уларга чиғатойлар, хўжалар, қаршилиқлар кирган. Иккинчи гуруҳ – аввалги қабилалар Мовароуннахрнинг ўтроқ маҳаллий аҳолиси билан аралашиб кетмасдан, ярим кўчманчи ҳолатини сақлаб қолган ва уруғ-қабилаларга бўлинган кўҳна турк-мўғул қабилалари бу ерларга мўғуллар истилоси даврида келиб қолган турк-мўғул қабилаларидир. Уларга турк, қарлуқ, ҳалача, нўғой, миришкорлар кирган. Учинчи гуруҳга мансуб кейинги қабилалар эса Мовароуннахрга XV асрнинг охирида Шайбонийлар билан бирга Дашти Қипчоқдан келган ва бу ерга XVI асрнинг бошларида батамом ўрнашиб олган ўзбек қабилаларининг авлодлари – уларга қўнғирот, юз (жуз), лақай, семиз, кесатир, қатағон, дўрмон, найман, сарой, минг, қангли, ёбу, кеиагас, қовчин, жалойир ва бошқалар кирган.

XVI-XIX аср ўрталаригача бўлган давр ичида маҳаллий муаллифлар томонидан яратилган тарихий асарларда баъзи муҳим этнографик лавҳалар бор. Истеъдодли тарихчи, шоир ва мусиқашунос Хофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, тарих, тиббиёт ва адабиёт соҳасида танилган давлат арбоби Абулғозийнинг бир неча бор чет тилларга таржима қилинган “Шажарайи турк” ҳамда “Шажарайи тарокима” каби асарлари мавжуд. Машҳур ўзбек тарихчилари Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий ва Муҳаммад Юсуф Баёнийларнинг “Фирдавс ул-икбол”, “Риёз уд-давла”, “Зубда ут-таворих, “Жомиъ ул-воқеоти султоний”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол”, “Шажарайи Хоразмшоҳий”, “Хоразм тарихи” каби асарларида XVII асрнинг II ярмидан то XX аср бошларигача Хоразм ва қўшни юртларда рўй берган тарихий воқеалар маҳорат билан тасвирланади. Ўзининг бой мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маълумотларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб турувчи бу тарихий асарлар ўша даврдаги ўбек халқи этнографиясини ўрганиш учун муҳим манба бўла олади.

Ўзбек халқининг этнографиясини ўрганиш билан шуғулланган Н.П.Остроумов, Н.С.Ликошин сингари татқиқотчилар ўлкадаги мустамлакачи маъмурларнинг вакиллари бўлиб, ўз асарларида чоризмнинг туб манфаатларини, сиёсатини тарғиб этдилар. Шунга қарамай, уларнинг асарларида маҳаллий аҳолининг турмуши, маданий ҳаётига доир бир қанча диққатга сазовор маълумотлар учрайди.

Ўрта Осиё бўйича В.В.Радлов, А.П.Федченко, А.Л.Кун, М.А.Миддендорф каби тадқиқотчилар катта ва самарали меҳнат

қилдилар. В.В.Радлов Ўрта Осиё халқларининг тили, географияси ҳақида маълумотлар тўплаган. Ўрта Зарафшон водийси бўйлаб саёхат қилиб, қизиқ-қизиқ очерклар ёзган.

А.П.Федченко ҳам ўз рафикаси билан ўзбек халқ этнографиясига оид жуда кўп маълумотларни тўплагач “Кўкон хонлигида” деган асарини ёзган.

Илмий жамиятлар ва тўғараклар ичида ўзбек этнографиясини ўрганишда Рус жугрофия жамияти ва унинг Туркистон бўлими, Туркистон археологияси ва этнография хаваскорлари жамияти Туркистон бўлимининг фаолияти алоҳида эътиборга сазовор.

Ўрта Осиёда 1920-1924 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатининг ташкилотчиси ва фаол қатнашчиси И.П. Магидович диққатга сазовор иш қилди. У ўзининг аҳоли ўртасида тўплаган тарихий этнографияга оид маълумотларига асосланиб, ўзбек халқи қабилаларининг рўйхатини тузди. Аҳолини этник ўрганиш комиссияси аъзоси И.И.Зарубин ҳам ўзбек этнографияси ҳақида материаллар тўплаб, баъзи мақолаларни чоп эттирган. Шу йиллари ажойиб географ ва этнограф профессор Н.Г.Маллицкий ўзининг маърузалари ва илмий географик асарларида ўзбекларининг уруғ-аймоғи ва уларнинг этнографиясига оид ўз тавсифларини берди.

Ўзбекистон худудида урушдан олдинги йилларда йирик этнографик ишларни ўтказиш дастлаб Ўрта Осиё Давлат дорилфунунда, Қадимги ёдгорликлар ва санъатни муҳофаза қилиш кўмитасида, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро музейларида марказлашган эди. Кейинчалик 1943 йилда ташкил тоилган Ўзбекистон Фанлар академияси, чунончи, Тарих ва археология институтининг этнография бўлими этнографияга оид тадқиқотларнинг маркази бўлиб қолди.

Ҳамдўстликда истиқомат қилувчи барча халқларнинг, шу жумладан, ўзбекларнинг моддий ва маънавий маданияти, халқ санъати ва фольклорининг хусусиятларини аниқлаш учун уларнинг этнографиясини ўрганиш 1917 йилдан кейинги даврларда жуда кенг авж олди.

Хоразмда чорак асрдан кўп вақтдан бери иш олиб борган С.П.Толстов раҳбарлигидаги этнографларнинг илмий сафари Ўзбекистон халқларининг турмуш ва маданиятини ўрганишда янги саҳифа очди. Бу илмий сафар асосан қадимги Хоразм маданияти ёдгорликларини ўрганиш ва этник тарихини текширди. Урушдан

кейинги даврда илмий сафар таркибида Ўзбекистон этнография гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар олдига воҳадаги ҳозирги ўзбек аҳолисининг моддий ва маънавий маданиятини муфассал ўрганиш вазифаси қўйилди. Илмий сафар аъзолари кўп йиллар давомида олиб борган ўз ишларининг самараларини бир неча жилдда иборат китобларда ёритиб бердилар.

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш соҳасида эришилган ютуқлар маҳаллий татқиқотчиларни умумлаштирилган йирик илмий асар ёзишга ундади. Маҳаллий муаллифлар томонидан тайёрлаиан маълумотлар 1972 йилдан бошлаб, Ўзбекистон этнографиясининг илмий тўпламида ёритила бошланди. 1917 йилдан илгари ва ундан кейин тўпланган кўпгина маълумотлар, ўтказилган илмий сафарлар этнографияга оид ҳар хил буюмларнинг тўпланишига имкон туғдирди. Ҳозирги кунгача тўпланган бу бой ашёлар Республикамининг музейларида, айниқса, Тошкент, Самарқанд, Хива, шунингдек, Москва ва Санкт-Петербург музейларида сақланиб келинмоқда.

Халқ маданияти дейилганда кенг маънода этнос ҳаётидаги барча қадриятлар тушунилса ҳам, унинг туб маънодаги негизини халқ анъаналари ташкил этади. Уларнинг баъзилари ҳақида тўхталамиз.

Анъана – тарихий тараққиёт жараёнида табиий ва ижтимоий эҳтиёжлар асосида вужудга келадиган, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб ўтадиган, кишилар маданий ҳаётига таъсир ўтказадиган ижтимоий ҳодисадир. Анъана ўзига хос ижтимоий қоида сифатида кишилар онгига синган (умум ёки маълум гуруҳ томонидан), қабул қилинган тартиб ва қоидалар мажмуаси ҳисобланади¹. *Маросим* атамаси нисбатан тор тушунча бўлиб, у шу халқ ҳаётининг маълум соҳаларида омма томонидан қабул қилинган, кўпинча рамзий тавсифга эга бўлган ва маълум кишилар мажмуи томонидан махсус уюштириладиган намоёншлардан иборат. Шунингдек, маросим инсон ҳаётининг моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи туфайли юзага келган ва келадиган ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида муссамлаштирган ҳолда вужадга келади ва яшайди². Бошқачасига айтганда маросим - умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳара-

¹ Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Тошкент, 2008. – Б.132.

² Ўша жойда. – Б. 132.

катларга эга бўлган ҳаётий тадбирдир.

Урф-одатлар дейилганда кишиларнинг турмушига сингиб кетган, маълум муддатда такрорланиб турувчи хатти-ҳаракатлар, кўпчилик томонидан қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари кўникмаси тушунилади. Демак, маросим ва урф-одатга берилган қисқача қайдлардан ҳам кўриниб турибдики, урф-одат тушунчаси халқ ҳаётининг барча соҳасини ўз ичига қамраб олса, маросим тушунчаси эса ҳаётнинг муайян соҳаларигагина алоқадор, холос. Урф-одат бир вақтнинг ўзида бир шахс ёки кўпчилик томонидан бажарилиши мажбурий қоида бўлса, маъросим белгиланган шахслар томонидан бажарилиши лозим бўлган хатти-ҳаракатдир. Кичикнинг каттага биринчи салом бериши ёки кўичиликка камчиликнинг салом бериши ёхуд меҳмонларга алоҳида ҳурмат, байрам арафасида яқинлари, кекса қариялар ҳолидан хабар олиш каби кўринишлар ўзбекларга хос миллий урф-одатлардир. Миллий урф-одат бўлса, мотам маросимида ҳасрат билан, сочларини тўзғитиб қайғули ахволда мотам айтимларини айтиб йиғлаш одати бу мотам маросимида иштирок этаётган айрим кишиларнигина вазифасига киради. Урф-одатлар билан маросим орасидаги ўзаро фарқни улар ичидаги рамзий ҳаракатларнинг қўлланилиши даражаси орқали ҳам англаб олиш мумкин. Жумладан, урф-одат ўз ичига рамзий ва рамзий бўлмаган ҳаракатларни тўла қамраб олса, маросим фақат рамзий ҳолатдаги хатти-ҳаракатларнигина қамраб олади. Қолаверса урф-одатлар муайян халқ учун асосан, бир хил ўзгармас қоида, норма бўлса, маросим бир хил халқ доирасида кескин фарқланишларга ҳам эга бўлади. Ҳар қандай маъросим урф-одат ҳисобланади, аммо ҳар қандай урф-одат маросим ҳисобланмайди¹. Маросимлар икки катта гуруҳларга – оилавий-маиший ва мавсумий маросимларга бўлинади². Улар: а) оилада фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимлар; б) никоҳ – тўй маросимлари; в) оила аъзосини сўнгги йўлга кузатиш, яъни дафн этиш ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар.

Мавсумий маъросимларга, яъни кишки, баҳорги, ёзги туркум маросимларни куйидагича тасниф этиш мумкин:

1. *Қишки маросимлар*. Бу маросимларга гап-гаштак, биринчи қор ёққанда ўтказиладиган “қор ёғди” каби маросимлар киради.

¹ Саримсоков Б. Маросим фольклори. Тошкент, 1998. – Б. 13.

² Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Тошкент, 2008. – Б. 134.

2. *Баҳорги маросимлар*. Бунга дастлаб “шохмойлар” - далага кўш чиқариш маросими, ерга дастлабки уруғни қадаш маросими, “Наврўз”, “сумалак сайли”, “султ хотин”, “лой тутиш”, “ҳашар” каби маросимлар киради.

3. *Ёзги маросимлар*. “Чой момо”, “қовун сайли”, “узум сайли” каби маросимлар.

4. *Кузги маросимлар*. “Обло барака”, “шамол чақириш” ва “ҳосил байрами” кабилар киради.

Этнограф Адҳам Аширов диний маросимлари ҳам алоҳида маросимлар рўйхатига киритган. Унга эса, ҳайитлар, мавлуд ўқитиш, бибимушкулкушот, бибисешанба, бибичоршанба маросимлари киради.

Ўзбек халқи азалдан шакллаиб келган улуг қадриятларнинг ворисидир. Унга хос бўлган “меҳмоннавозлик”, “каттага ҳурмат-кичikka иззат”, “меҳр-оқибатлилиқ” каби кўдан-кўп фазилатлар, “аския” каби санъат турлари билан дунё халқларининг эътибори ва олқишига сазовордир. Ўлкамизнинг қулай табиий шароитларга эга эканлиги (тупроғининг унумдорлиги, йил давомида қуёшли кунларнинг кўп бўлиши ва б.) бу диёрда етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотлари, ноз-неъматларнинг калориялигини, мазали бўлиши ва хуш кўриниши таъминлайди. Масалаи, “Самарқанд нони”, “Қува анори”, “Хоразм қовуни” каби кўплаб неъматларимизнинг донғи ҳозир ҳам чет элларда машҳур.

Ўзбекистоннинг шу сингари ўзига хос табиати, бу ерда етиштириладиган нозу-неъматлар, халқимизнинг эса азалий ва бой анъана ҳамда қадриятлари ҳар қандай кишининг эътиборини ўзига жалб эта олади. Буларнинг барчаси ўлкада сайёҳлик – туризм ривожини учун муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганиш борасида туристик йўналишлар ва уларни такомиллаштириш.

Туристларнинг саёҳат ва сафарлардан ёрқин таассурот ва маърифий ахборот олишлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, биз энг аввало қадимда “Буюк ипак йўли” ўтган асосий шаҳарлар ва манзилгоҳларни ўз ичига олувчи туристик йўналишларни кўриб чиқамиз.

Юртимизга хориждан келадиган расмий ва норасмий меҳмонлар, туристлар сир эмаски, ўзбек халқининг урф-одатлари, удумлари, анъаналари, тарихий обидалари, тўй ва аъза маъросимлари; байрамлари: Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз умумхалқ байрами; миллий таомлари: Сумалак, Ҳалим; кўпқари, арқон

тортиш, беш тош каби миллий ўйинларига азалдан қизиқиб келганлар. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Фарғона каби шаҳарлар эса туристик марказлар ҳисобланади.

Европанинг айрим мамлакатларида оммавий тус олган туристларга хизмат кўрсатишнинг қишлоққа хос йўналишларини республикамизда ҳам ривожлантириш мумкин. Мазкур йўналиш туристларни қишлоқларга ёки алоҳида уйларга жойлаштириш, овқатлантиришни ташкил этиш билан боғлиқ. Шу билан бирга, туристларга қишлоқ хўжалик ишларини кузатиш ёки уларда бевосита иштирок этиш имконияти берилади. Туристлар қишлоқ ёки шаҳарчадан база сифатида фойдаланиб, мазкур ҳудуд бўйлаб сафарларга чиқишлари мумкин. Балиқчилар яшайдиган қишлоқлар ва шаҳарчаларда маҳаллий аҳоли ҳам туристларни ўз уйига жойлаштириши ва уларга балиқ овида иштирок этиш имконини бериши мумкин. Туризмнинг мазкур турини ташкил этиш учун техник ёрдам талаб этилиши мумкин. Бу эса туризм ривожланаётган ҳудудларда хизматларни марказлаштирилган тизимини ташкил этишга заруратни юзага келтиради.

Экологик йўналишлар миллий туристик маҳсулотнинг жадал суръатларда ривожланаётган турларидан бири ҳисобланади. Экологик туризм атроф муҳитни сақлаш муаммоларидан ташвишда бўлган, маҳаллий экология ва маданиятнинг ҳолати ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаган одамлар орасида айниқса машҳур. Туризмнинг мазкур турини ривожлантиришда пухта назорат олиб бориш билан бирга фаолиятни экологик талабларга уйғун тарзда боғлаш зарур. Малакали гидларнинг мавжудлиги, шунингдек, сафар жойларида табиатни қўриқлаш чора-тадбирларини қатъий амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Стационар туризм, агар меҳнат таътилига чиққанлар ва нафақахўрлар ўз маблағларини шу ерда сарфлашини ҳисобга олсак, маҳаллий аҳолига катта фойда келтириши мумкин. Бироқ шу билан бирга, туризмнинг мазкур тури муайян муаммоларни тугдириши, хусусан, катта қурилиш муносабати билан маҳаллий инфратузилма зўриқишига, маҳаллий ўзига хосликнинг йўқолишига, қурилишнинг нооқилона (экологик муаммоларни келтириб чиқарадиган) усуллари қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Этник ва ностальгик йўналишлар ҳам миллий туристик маҳсулотни ривожлантириш йўлларида бири ҳисобланади. Мазкур ту-

ристик маҳсулотлар номининг ўзидаёқ сафарга туртки берувчи омиллар мавжуд. Туризмнинг бу турлари кўп жойларда ажойиб салоҳиятга эга. Бундай сафарларга отланган туристлар, қонда тарикасида, анъанавий туристик объектлар ва хизматлардан фойдаланади. Шунга қарамай, айрим ҳолларда махсус гидлар хизматини ташкил қилиш ҳам ўзига хос йўналишлар ишлаб чиқишни талаб этади.

Диний туристик йўналишлар республикамизда миллий туристик маҳсулотни ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Диний зиёратчиларни жойлаштириш ва уларни бошқа объектлар билан таъминлаш одатда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бироқ, туристик фаолият субъектлари сифатида, зиёратчилар ҳам маҳаллий аҳоли учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган туристик йўналишларни ташкил этиш ва ишлаб чиқишда нафақат миллий туристик маҳсулотнинг ривожланишига аҳамият берилади, шунингдек, туристлар эътиборини жалб этиш учун қизиқарли объектларнинг мавжудлиги, табиий-иклимий шарт-шароитлар, республиканинг муайян ҳудудларини туристик йўналишларга мослаштирилганлиги, шунингдек, муайян шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, шу жумладан, ободончилик, муҳандислик таъминоти даражаси, ташқи ва ички транспорт алоқалари каби омиллар ҳам ҳисобга олинishi лозим.

Шу каби йўналишларнинг сценарий режасини тузишда миллий туристик маҳсулотни ривожлантириш, Республика бўйлаб қизиқарли саёҳатларни ташкил этиш, туристлар фаолиятининг барча турлари: маърифий экскурсиялар, дам олиш, бўш вақтни мазмунли ўтказишларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Миллий туристик маҳсулот ва туристик саёҳатларни ривожлантириш сценарий режаларининг ишлаб чиқилиши билан бевоқифа боғлиқ ҳолда, Республикада “Мерос” миллий дастури ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистондаги барча (қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган) маданий мерос ёдгорликларини сақлаш, ўрганиш, тиклаш ва тарғиб қилиш тадбирларини ўз ичига олади.

Ўзбекистонда тоғлар, дарёлар, қўллар, саҳролар, ўрмонлар ва ов учун мўлжалланган махсус ҳудудлар жуда ҳам кўп. Улар орқали эса туристик йўналишларнинг 100 дан ортиқ турларини ташкил этиши мумкин. Ҳозирда фақат республика ташкилотларининг ўзи махсус туристик йўналишларнинг 34 турини ташкил қилган. Рес-

публикада тоғлар бўйлаб саёҳат, туяларда, отларда саёҳат, балик ови, велоёўналишлар, экологик турлар каби махсус туристик йўналишлар ривожланмоқда. Ўзбекистон ҳудудида мазкур йўналишлар билан шуғулланувчи махсус фирмалар мавжуд. “Осиё-травел”, “Главохота” каби ташкилотлар шу қаторда туради. Республика бўйича энг кўп туристларни жалб қилаётган туристик йўналишларга қуйидагилар кириди: “Бойсун тоғлари ва ғорлари”, “Саричелак кўллари”, “Каклик ови”, “Парранда ови”, “Тоғ эчкиси ови” ва б. Мазкур турлар билан Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд ва Фарғонадаги вилоят туристик ташкилотлари ҳам шуғулланадилар¹.

Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, ўзига хос жўгрофий ва иклимий хусусиятларга эга. Мамлакат ҳудудида жуда кўп миллий боғлар ва қўриқхоналар бор. Фаол дам олиш, саргузаштлар ва саёҳатлар ишқибозлари учун бу ерда жуда кўп имкониятлар мавжуд. Орнитология, кум барханлари ва туяда сайр қилиш ишқибозлари учун бепаён қизилкум саҳроси бўйлаб туристик йўналишларни ташкил этиш мумкин. Тоғда сайр қилиш ва альпинизм ишқибозлари учун эса маҳобатли Тянь-Шань ва Ҳисор тизма тоғларига эътиборни жалб этса бўлади. Сувда дам олиш ишқибозларига Ўрта Осиёнинг Чатқол, Оқбулок, Оҳангарон, Зарафшон, Сирдарё ва Амударё каби ажойиб дарёлари бўйлаб йўналишлар таклиф қилинади.

Республикада меъморчилик ёдгорликларини томоша қилиш ва Ўрта Осиё халқларининг кўп асрлик тарихи билан танишишни ўз ичига олувчи аралаш йўналиш энг оммабоп йўналишлардан биридир. Бу эса Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимги шаҳарлар бўйлаб экскурсияларни ўз ичига олади. Йўналишнинг трек деб номланган қисми Ҳисор тоғларига беш кунлик сафарни назарда тутди. Бунда машҳур Амир Темур ғорига экскурсия уюштирилади, қадимги ҳайвонларнинг тошда қотиб қолган излари бориб кўрилади, Ҳисор тоғ тизмаларидан ўтилади ва Қизилкум саҳроси бўйлаб туяларда икки кунлик сафар уюштирилади. Бундан ташқари, уч, тўрт ва ҳатто беш йўналишдан иборат ҳар хил аралаш экологик турлар ташкил этиш имкониятлари ҳам жуда кўп. Ўзбекистоннинг ҳар хил табиий ва тарихий объектлари бир-бирига яқин жойлашгани бунга кенг имконият яратади.

¹ Мирзаев Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять. Ташкент: Шарқ, 2005. Б.130.

Ўзбекистонда Оксув ва Каравшин ҳудудлари, Туркистон тизма тоғлари, Саричелак кўли каби машҳур табиий ёдгорликларнинг жойлашганлиги ҳам махсус туристик йўналишларни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Кўпгина махсус турлар нархи чет мамлакатларидаги шундай турларнинг нархларидан бир неча баравар арзон. Шу сабабли ҳам улар кўпгина хорижий мутахассисларни ва бундай турларга қизиқувчиларни ўзига кўпроқ жалб қилмоқда. Баъзан Республика ичида бир хил турларга ҳар хил нархлар белгиланган бўлиб, бу эса махсус туристик йўналишлар билан шуғулланувчи туристик ташкилотлар турли идораларга бўйсунishi билан изоҳланади.

Республикага келувчи туристларни ҳисобга олиш фақат Тошкент аэропорти бўйича амалга оширилади. Бироқ, божхона ва чегара хизмати бошқа аэропортларда ҳам мавжуд. Улар бошқа давлатлардан чартерли рейсларни қабул қилади. Аммо консуллик хизмати низомига биноан чет эллик турист визага эга бўлган ҳолда чегарадан автобус, автомобиль ва темир йўл транспорти воситалари орқали ўтиши мумкин.

Туристлар ўтадиган асосий пунктларга қуйидагилар киради: Қирғизистондан Красногорск, Қозоғистондан Сариеғоч, Тожикистондан Панжикент, Туркменистондаги Тошовуз каби. Бундан ташқари, Ўзбекистонга чет эллик туристлар келиши мумкин бўлган автомобиль йўллари ҳам мавжуд. Қозоғистон, Россия, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан ҳар йили тахминан 5 млн.дан ортиқ норезидентлар ташриф буюрадилар.

Ўзбекистон Республикасининг чегараларидан ўтувчи автомобиль, авиа ва темир йўлларда йўловчи ташиш кўрсаткичларининг таҳлил натижаларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1 – жадвал

Кўшни мамлакатларга халқаро йўналишлар бўйлаб ташилган йўловчилар миқдори (мннг киши ҳисобида)

Жами	2002 йил	2005 йил
Автобусда йўловчи ташиш	8445	7998
Темир йўлда йўловчи ташиш	6454	4080
Ҳаво транспортида йўловчи ташиш	1797	1904
Бошқа транспортда йўловчи ташиш	84,0	13,0

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Статистика бошқармаси баҳолаган.

Қўшни мамлакатлардан барча йўналишлар бўйича келадиган норезидентлар тижоратчилар, қариндошлариникига келган меҳмонлар, қўшма корхоналарнинг ходимлари бўлиши мумкин. Йўловчи ташиш маълумотларида шахсий машинасида ташриф буюрувчилар ҳисобга олинмаган. Ваҳоланки, улар ташилган жами йўловчиларнинг камида 20%ни ташкил этади. Мамлакатлар бўйича норезидентларнинг таҳлилини, чет эллик туристларни ҳисобга қўшмаганда, қуйидагича баҳолаш мумкин: Қозоғистондан – 50-60%, Тожикистондан – 20-25%, Россиядан – 10-15%. Қозоғистондан келувчи норезидентлар улушининг катталиги Ўзбекистон ҳудудининг ўзига хос хусусиятлари ва жуда кўп йўллар Ватанимиз орқали ўтиши билан изоҳланади.

Туристлик йўналишларни ривожлантириш учун асосий омиллардан бири, бу – соҳа кадрлари, уларнинг билими ва тажриба салоҳияти билан ҳам боғлиқ. Ҳозирда Республикамизда туристик йўналишларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлса ҳам бу борада жуда кам йўналишлар ишлаб чиқилган. Бу йўналишлар асосан Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳарларга қаратилган. Лекин республикамизда туристларнинг келиши ва дам олишлари учун тарихий ва хушманзара жойлар жуда кўп. Фақат уларни қизиқувчиларга яқиндан таништириш мақсадида тегишли реклама-ахборотларни эълон қилиб бориш ҳамда йўналишлар тизими ва туристларни ўша жойларга жойлаштириш йўллари ишлаб чиқилиши керак.

Ҳозирги истиқлол ва миллий ўзликни англаш даврида ўзбек халқининг ўтмиш тарихини ўрганишга бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Кейинги йилларда Олий ўқув юртларида “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” бўйича маъруза, амалий машғулот ва мустақил ишларга ажратиладиган дарс соатларини кўпайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мазкур мавзудаги 3 ва 4 режаларни талабалар томонидан мустақил равишда тайёрлаш тавсия этилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Этнография фанининг татқиқот объектига нималар киради?
2. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида этнограф олимлар қандай фикрга эга?
3. Ўзбек этнографияси ривожига катта ҳисса қўшган қайси

Ўзбек олимларини биласиз?

4. Ўзбекларнинг моддий маданияти, урф-одати, анъаналари ҳамда турмуши ҳақида нима биласиз?

5. Этногенез нима? У қандай кечадиган жараён?

6. Этник тарих нима?

7. Ўзбеклар қачон халқ сифатида шаклланди?

8. Ўзбекларнинг миллат бўлиб шаклланиш жараёни ҳақида нима биласиз?

9. Туристик йўналишларнинг шаклланиш омиллари нима?

Таянч сўзлар изоҳи:

Этнография – халқшунослик фани.

Миллат – арабча: халқ– кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит ҳудудда яшаши, умумий маданият ва руҳият бирлиги асосида тарихан ташкил топган бирлиги.

2-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмнинг асосий маибаларидан - топонимика

РЕЖА:

1. Топонимика асосида ўлка тарихини ўрганиш.
2. Топонимик маълумотларни тўплаш усули.
3. Тошкент шаҳри топонимлари.
4. Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон топонимлари.

Калит сўзлар: *Жой номлари, микро ва макро топонимлар, топонимика тармоқлари, гидроним, димунитив, метафара, метонимия, мустақил (бир ўзақли) топонимлар, топонимистлар, этнотопоним, вилоятлар топонимлари.*

Топонимика асосида ўлка тарихини ўрганиш.

1917 йилга қадар топонимика мустақил фан сифатида ўрганилмай, унинг вазифасини тарихий география фани бажариб келди. *Топонимика* географик номлар, киши исмларини ўрганадиган фан сифатида майдонга келди. Топонимикани “замин тили”, яъни “ер тили” деб ҳам деб аташадилар. Топонимика атамаси латин тилидан олинган бўлиб, *топос* – жой, *онома* – ном, яъни жой номини

Ўрганадиган фан деган маънони билдиради. Таниқли рус олими Н.И.Надеждин бу фан тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштиришга ҳаракат қилиб, “Ер – бу топонимлар воситасида инсоният тарихи битилган китобдир”, – дейди. Топонимлар халқ тили ва тарихи маҳсули ҳисобланади.

Жуғрофий номлар топонимиканинг ўрганиш манбаи ҳисобланади. Топонимика 2 объектдан: микро ва макро топонимлардан иборат бўлиб, *микротопонимика* – фанда ўрганилиши жиҳатидан майда объектларни, *макротопонимика* эса, атоқли отлар, яъни йирик объектларнинг номларини татқиқ қилади.

Ҳозирга вақтда топонимика фақат йирик объектларнинг: тоғлар, ўрмонлар, водийлар, воҳалар, шаҳарларнинг номларинигина эмас, балки кичик объектларнинг – маҳаллалар, даралар, жарликлар, анҳорлар ва қўлларининг номларини ҳам ўргамоқда.

Антропоним сўзи – лотин тилидан олинган бўлиб, *антропо* – одам, *онома* – ном, киши исми, лақаби, фамилияси демакдир; *антропонимика* – киши исмларини ўрганадиган фан тармоғидир.

Гидроним юнонча: *гидро* – сув, *онима* – ном, сув объектларининг, масалан, канал, арик, анҳор, дарё, сой, жилға, ирмоқ, булоқ, қудук, денгиз, қўл ва қўлтиқ, бўғоз, шаршара кабиларнинг номларини ўрганади.

Диминутив – лотин тилидан олинган сўз бўлиб, кичрайтирилган шаклдан топоним яшаш демакдир. Ўзбекистонда – *ча* ва – *ак* баъзан – *ик* аффикслари диминутив шаклидаги топонимларни ясайди; бундай топонимлар отлардан (Хисорак, Хумдонак, Рудак), сифатлардан (Кўкча, Оқча, Қорача, Сарича), этнонимлардан (Дўрмонча, Найманча) ясалиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса (катта топонимга тақлид қилиб) ном қўйилганда ҳам диминутив шаклдан топонимлар ясалади, чунончи Бухороча, Самарқандак, Бағдодик, Регистонак ва бошқалар.

Метатеза – лотин тилидан *метатесис* – жой алмаштириш, сўздаги товушларнинг ўрин алмашиши (Бешоғоч – Бечогош, Сайрам – Сарём).

Метафора – юнонча: кўчириш, сўзининг кўчма маънода ишлатилиши. Масалан, (Туятош – каттақоя, Мингбулоқ – кўп булоқ), этак – дарёнинг, тоғнинг, сойнинг ёки одамнинг этаги, Бурун – одамники, қайиқники ва бошқалар.

Метанимия – юнонча: қайта ном қўйиш, топонимикада жой

номининг кўшни объект номига ўтиши. Масалан, дарё номининг шаҳар номига айланиши (Зарафшон дарёси – Зарафшон шаҳри, Чирчиқ дарёси – Чирчиқ шаҳри), дарё номининг тоғ номига кўчиши (Кўксув дарёси – Кўксув тизмаси, Вахш дарёси – Вахш тизмаси). Ўзбекистонда метаномия ҳодисаси жуда кенг тарқалган.

Микротопонимия – юнонча: *микро* – кичкина, *онима* – ном, кичик объектлар: булоқлар, қудуқлар, далалар, ўтлоқлар, жарлар, йўллар, кичик тепалар, кўчалар ва ҳатто атоқли отга эга бўлган айрим дарахтларнинг номлари; микротопонимия ва макротопонимия орасида муайян чегара йўқ, масалан, баъзи бир татқиқотчилар кўчаларни микротопонимлар десалар, бошқа бировлар макротопоним деб ҳисоблайдилар.

Урбанонимия сўзи ҳам лотин тилидан олинган бўлиб, *урбанус* – шаҳар, аҳоли пунктлари; хутор, овул, қишлоқ, шаҳарча, станция, шаҳарларнинг номларини ўргатадиган махсус фандир.

Ҳозирги вақтда топонимистлар жой номларини фақат этимология ва семантик жиҳатдангина эмас, балки сўз ясалиши жиҳатидан ҳам таҳлил қилмоқдалар. *Антропоним* – кишининг исми, фамилияси, лақаби (Маҳмуд Қошғарий, Мунис Хоразмий), *антропонимика* – киши исми, фамилияси, лақабини (масалан, Тошкентбой, Қўқонбой, Хўжакул), этнотопонимка эса қабила, уруғ – аймоқ миллат, халқ номига қўйилган номларни (Қозокбой, Қирғизбой, Ўзбекхон) ўрганадиган фан тармоқларидир. Сабур (Сабуров) – туркий “сабр”, арабча “собир” (чидамли) сўзларидан олинган. Полвонов – туркий тилларда “полвон”, форсча “Пахлавон” (ботир, қахрамон маъносида) сўзларидан олинган, кейинчалик русча *-ов* қўшимчаси қўшилиб, Полвонов фамилияси келиб чиққан.

Далварзин, Қўнғирот, Нукус, Митан ва ҳақозоларни истисно қилганда, барча топонимлар икки ва ундан ортиқ таркибий қисмдан (компонентдан) иборат. Бундай қараганда, ҳеч қандай қўшимчасиз фақат бир сўздан иборатдай туюладиган Жиззах, Қўқон, Ёзёвон, Ғалча каби топонимлар аслида икки компонентдан тузилган.

Бироқ Қарши (сарой, қаср), Ҳисор (кўрғон), Бухоро (Бихара-ибодатхона), Чим (кўрғон), Ён (бекат), Ёп (канал) каби номлар мустақил топонимлар шаклида учрайди. Баъзан эса Қум, зах, супа каби географик атамалар ҳам ҳеч қандай қўшимчасиз топонимлар ҳосил қилган. Бироқ ана шундай биргина географик атамадан тузилган номлар, кўпинча, шу топонимларнинг халқ оғзида қисқарти-

рилган шакли бўлиб чиқади. Масалан, Қумқишлоқ дейиш ўрнига Қум; Захарик дейиш ўрнига Зах; Супатена деб қўя қолишади. Бирок ҳеч қандай қўшимчасиз тол, Пидана (ялпиз), янтоқ, тулки каби номлар маъно жиҳатдан аслида бу ўсимлик ва ҳайвонларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги, кўпинча, тамомила бошқа сўзларнинг фонетик жиҳатдан ўзгариши натижасида шу шаклни олган бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин: топонимика *уч принципга асосланади*: а) топонимларнинг пайдо бўлиш тарихини ўрганиш; б) топонимларнинг географияга оид маълумотларини аниқлаш; в) асосий қидирилаётган топонимларнинг барча номдагиларини илмий асосда алоҳида-алоҳида ўрганиб, улардан хулоса чиқаришдир.

Географик номларни уларнинг келиб чиқиши ва тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни классификация қилиш нисбатан яқин вақтларда бошланган. Бу соҳада атоқли топонимист А.Х.Востоковнинг хизмати каттадир. У Россиядаги дарё номларини уларнинг охириги қўшимчаларига қараб гуруҳларга бўлади ва бу қўшимчалар ҳозир катта маънони англатмаса ҳам қадимги халқлар тилида маълум маънони билдирган бўлса керак, деган хулосага келади. А.Х.Востоков фикри XIX аср охири – XX аср бошларидаги баъзи бир топонимистларнинг асарларида ўз ривожини топди.

XX аср бошларида топонимик татқиқотлар анча кенг кулоч ёйди. Иккинчи жаҳон урушидаи олдинги даврда олимлардан А.И.Соболевский, Н.Я.Март, С.В.Веселовский, В.В.Бартольд, В.П.Семёнов – Тяньшанский, В.Г.Шастакович топонимика соҳасида, айниқса, самарали ишлар қилдилар.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимикасини ўрганиш соҳасида В.В.Бартольднинг хизматларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак. Урушдан кейинги йилларда топонимика ривожига катта бир ўсиш даври бўлди. Эндиликда топонимика соҳасида кўпгина олимлар жамоаси иш олиб бормоқдалар. Айниқса, кейинги даврларда Т.Нафасов “Қашқадарё топонимикаси”, И.Қодирова “Тошкент микротопонимикаси”, Э.Бегматов эса антропопонимика – киши номларини ўрганиш соҳасида илмий ишлар олиб бордилар.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон топонимларини ўрганиш узоқ тарихга эга. Ўзбекистон топонимикасини ўрганишда машҳур рус шарқшунос олимлари ҳамда тарихчилари: В.Л.Вяткин, Н.Ф.Ситяковский, Л.Н.Соболев, В.В.Бартольд, С.П.Толстов,

П.П.Иванов, М.Е.Массон, О.А.Сухарева ва бошқалар бу соҳада катта ишларни амалга оширдилар.

Республика жой номларининг келиб чиқиши тарихини ва миллат, қабила, элат, уруг-аймоқ номларининг келиб чиқиши тарихини ҳамда жуғрофияга оид атамаларини ўрганишда Я.Ғ.Ғуломов, А.Асқаров, Р.Н.Набиев, А.Р.Мухаммаджонов, Ф.Абдуллаев, С.Иброҳимов Ўзбекистонда биринчи топонимик картатека тузишда иштирок этган Х.Т.Зарифов, этнонимлар – Ў.Ғозилов, М.Шоабдурахмонов, Х.Доийёров, Р.Қўнғиров, А.Аширов; жуғрофтопонимистлардаи Х.Ҳасанов, С.Қораев кабиларининг ишлари диққатга сазовордир.

Топонимик маълумотларни тўплаш усули.

Топонимларни ўрганиш маълумот тўплашдан бошланади. Бу иш одатда Ўлкашунослик бўйича татқиқот олиб борилаётган кичикроқ ҳудуд – қишлоқ, овул, кейинчалик маъмурий туман ҳамда вилоят ва ўлка миқёсида амалга оширилади. Иш бошлаш олдидан тахминий иш режа ва дастур ишлаб чиқилиши зарур. Шу асосда тайёргарлик ишлари олиб борилади, сўнг дала татқиқот ишларига ўқувчи ва талабалар жалб этилади.

Ўлкашунослик билан шуғулланувчи ўқитувчилар топонимикага доир адабиётлар билан яхши танишиб чиқашлари зарур. Бу борада уларга куйидагиларни таклиф этиш мумкин: В.А.Никоновнинг “Введение в топонимику” ва “Карткий топонимический словарь” асарлари, Х.Ҳасановнинг “Ўрта Осиё жой номлари тарихидан”, Ходи Зарифнинг “Луғат ва термин тўпловчиларга ёрдам”, Е.М.Мирзаев ва В.Г.Мирзаеваларнинг “Словарь местных географических терминов” ва С.Қораевнинг “Географик иомлар маъносиин биласизми?”, “Ўзбекистон вилоятлари топонимлари” каби асарларидир.

Топонимлардан ном олган буюмлар, ўсимлик, ҳайвонлар шу қадар кўпки, баъзан ҳатто уларнинг этимологияси тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Кўқон арава, Бухоро қовуни, Чуст пичоғи каби сўзларда ўша жой номлари эсга келиши мумкин. Бироқ академия (Афина яқинидаги чангалзор), вулкан (Тиррен денгизидаги Вулкано ороли номидан), кофе (Африкадаги Каффа ўлкаси номидан), Олимпиада (Грециядаги энг баланд Олимп тоғи номидан), Роман (Рим шаҳри номидан олинган) каби сўзларнинг ҳам аслида топонимлар эканини кўпинча хаёлимизга келтирмаймиз.

Қитъалар ва денгизлар номларидан ҳосил бўлган топонимлар: Австралия – юнонча: жанубий куруқлик дегани, Европа – Оссурий тилида эреб – кун ботиш, қоронғулик, ғарб деган маъноларни билдиради. Осиё – русча Азия, Хитойча Ясия, японча Адзия дегани. Бу ном дастлаб Гомер достонларида тилга олинган. Э.а. V асрда Геродот Осиё деб ҳозирги Туркиянинг ғарбий қисмини тушунган. Хуллас, Осиё номи Ўрта денгизи соҳилларига хос атоқли отдир. Кейинчалик бу ном Шарқий ерларга ҳам ёйилиб, умумлашиб кетади ва аввалги Қуйи Осиё, Буюк Осиё номлари, XVIII-XIX асрларда Кичик Осиё, Ўрта Осиё, Марказий Осиё сингари айрим қисмларни англатувчи номлар пайдо бўлади. Осиё номининг маъноси турлича изоҳланган. Оссурия тилида Асу – кун чиқиш томон маъносини ҳам англатади. “Шарқ” маъносида ҳам қўлланилган.

Болқон – Европадаги ярим орол. Туркий тилларда Балхан – тоғ, тоғли ер, деган маънони англатади.

Австралия – немисча: Остеррейх: Ост – шарқ, рейх – ўлка, яъни шарқий ўлка дегани. Англия – Ғарбий Европадаги Буюк Британия давлатининг номи; V-VI асрларда континентал Европадан шу ерга сузиб ўтган *англ* қабилалари номидан олинган.

Ўсимлик ва ҳайвонлар номидан олинган топонимлар: Апельсин – голландча: *хитой олмаси* дегани. Ҳазорасп – минг от, Сариосиё – бош тегирмон дегани.

Озиқ-овқат номлари топонимлари: Лағмои – хитойча: *лаг* – узун, *ман* – хамир, “узун хамир” деган маъноларни билдиради. Бутерброд – немисча: *гўшт* ва *ёғ* деган маъноларни билдиради.

Ичимликлар номлари: Боржоми – минерал сув (Грузиядаги курорт шаҳрининг номи), Тошкент минерал суви (Тошкент шаҳрининг номидан олинган) ва ҳоказо.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ТОПОНИМЛАРИ

Тадқиқотчи олимлар, археологлар томонидан сунгги вақтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг ёши 2200 йилдан кам эмаслиги аниқланиб, халқаро ЮНЕСКО томонидан тасдиқланди. 2009 йилда эса шаҳарнинг 2200 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Шундай қилиб қадимий ва навқирон Тошкент шаҳри Чирчиқ дарёсининг соҳилида бундан 2200 йил аввал вужудга келган.

Тошкент – Республика пойтахти, саноати юксак ривожланган, фан ва маданияти илғор, жуда кўп халқаро учрашувлар, анжуман-

лар, фестиваллар ўтказиладиган, қулай минтақада жойлашган шаҳар. Шу туфайли ҳам уни *"Шарқ дарвозаси"*, *"Тинчлик элчиси"* каби номлар билан аташади. Шаҳар ранг-баранг ва кўплаб бетакрор меъморий қурилишларни ўзида жамлаганлиги туфайли уни *ноёб қурилишлар кўрғазмаси шаҳри* дейилиши ҳам асослидир.

Тошкент денгиз сатҳидан 440-480 метр баландликда жойлашган бўлиб, майдони 327,9 км.кв.ни ташкил этади. Аҳолиси эса 2352,9 миң киши (2014 йил, январь ойи маълумоти). Ундан Бўзсув, Солор, Анҳор, Қорасув, Кайковус, Бўржар, Оқтепа, Қорақамиш каби йирик каналлар ва жуда кўп кичик сув тармоқлари оқиб ўтади. Уларнинг жами узунлиги тахминан 1114 км.ни ташкил этади. Шаҳарда аҳолининг киши бошига тўғри келадиган яшиллик-кўкалам-зорларнинг ҳажми 30 кв.метрдан ортиқ. Дунё миқёсида олганда бундай кўрсаткич Тошкентни энг йирик пойтахт шаҳарлар қато-рида олдинги ўринларда туришини таъминлаган. Буларнинг бар-часи пойтахт шаҳримизни экологик мусоффолигига ҳамда табиий жиҳатдан гўзал кўринишли бўлишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиз кўча-куйлар сони жиҳатидан республикамиз шаҳарлари орасида биринчи ўринда туради. Унда 3 миңдан ортиқ катта-кичик кўчалар бор. Куйида Тошкент сўзи, шаҳар объектларнинг номлари (урбонимлар) ҳамда уларнинг келиб чиқиши тўғрисида сўз боради.

Тошкент топонимини "тош шаҳар" деб изоҳлайдилар. Шу сўзда маълум маънода шаҳар тарихи ҳам ўз аксини топган. Тошкентнинг жуда қадимий шаҳар эканлиги аниқ. Шаҳар ҳудудида тош асрига оид буюмлар топилган. Тошкентдаги қабристоилардан бирида топилган ҳафтжуш (бронза) кўзгулар, турли мамлакатларнинг тангалари ва топилган бошқа далилий ашёлар шаҳар тарихининг 2200 йилдан кам эмаслигидан дарак беради.

Тошкент шаҳри ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоннинг дастлабки асрларига тўғри келади. Чунончи, шаҳарнинг жуғрофик ўрнига оид маълумотлар юнон олими Клавдий Птолемейнинг "Географиядан қўлланма" асарида учрайди. Птолемей бу асарида Ер шарининг обод қисмини, яъни ойкуменани 26 харитада тасвирлаган. Шу хариталардан бирида Ўрта Осиё ва унинг атрофидаги ўлкалар кўрсатилган. Ана шу харитада Хитойга борадиган савдо йўли устида, Яксарт (яъни, Сирдарё) ҳавзасининг шарқида Терри

Лапидея деган жой кўрсатилган. Олимлар ана шу юнонча номни "Тошкўрғон" деб таржима қилиб, Тошкентга нисбат берганлар.

Тошкент шахрининг номи ёзма манбаларда Чоч, Чочистон, Шош, Шошкент шаклида учрайди. Чоч сўзи ҳам сўғд тилида "тош" демакдир. Шош эса Чоч номиининг арабча шаклидир. Чоч ёки Шош деганда Тошкент ҳамда унинг атрофлари тушуниланган. X асрда иомаълум муаллиф томонидан форс тилида ёзиб қолдирилган. "Худуд ул-олам" ("Олам чегаралари") асарида бундай дейилади: "Чоч катта вилоят, халқ жанговар, бой ва сахийдир. У ерда ўқ-ёй тайёрланади. Бинкат – Чочнинг пойтахти. Бу катта шаҳар, айна вақтда подшоҳнинг кароргоҳидир".

Арабиавис олимлардан Истахрий, Иби Ҳавқал, Муқаддасий ва бошқалар (IX-X асрлар) Шош вилояти ҳақида ёзганда унинг маркази Бинкат шахри деб кўрсатганлар. Бинкат ҳозирги Эскижўва ва Чорсу оралиғида бўлган. Бинкат номи форсча бўлиб, "кўримли шаҳар" демакдир (бии - кўриниш, кўзга ташланиш, кат – сўғдча "шаҳар, қишлоқ, манзилгоҳ" деган маъноларни билдирган).

Буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қонуни Масъудий" асарида "Бинкат – бу Шошнинг пойтахти, туркий тилда "Тошканд" юнончадан арабчага таржима қилинса – "Бурж ал-хижора" ("Тош минора") деб ёзган. Берунийнинг сўзларини бошқа олимлар ҳам тасдиқлаганлар. Масалан, буюк тилшунос Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девону луғотит турк" асарида "Таркан – Шошнинг номи, унинг асл номи Тошканд – тошдан қурилган шаҳар демакдир", деб ёзган. Демак, пойтахтимиз номининг "Тошкент" шакли биринчи бор Беруний ва Қошғарий асарларида учрайди ва шаҳар бошқа номлар билан ҳам аталган, ниҳоят ҳозирги номи ғолиб чиққан. Тошкент ҳақидаги озми-кўпми маълумотлар XIV-XIX асрларда Ўрта Осиёнинг сиёсий, ҳарбий ва маданий ҳаётдан баҳс этувчи бошқа асарларда ҳам қайд этилган.

Тошкент қадимдан турли хорижий босқинчилар тазийкига ва босқинчиларга дучор бўлган. VI асрда у турк хоқонлиги таркибида, VIII аср бошларида эса араблар таъсирига тушган. IX-X асрларда Сомонийлар давлати – X аср охиридан XIII аср бошларигача Қорахонийлар ва Қарохитойлар таркибида бўлган. XIII аср бошида Тошкентни Муҳаммад Хоразмшоҳ истило этган. Амир Темур ҳокимият тепасига келгач, Тошкент шаҳрида тикланиш ишлари

бошлади. XVI аср бошларида Шайбонийхон мўғулларни тор-мор этиб, Тошкентни идора қилишни ўз амакилари – Суюнчхон ва Кўчкикичхонларга топширади.

XVII аср ўрталарида Тошкент тўрт даҳа (Себзор, Кўкча, Бешёғоч, Шайхонтахур)га бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Шаҳарнинг девори узунлиги 14 км. бўлиб, 12 та дарвозага эга эди. Улар: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўқон, Қашғар, Қўймас кабилардир. XIX асрнинг 30-40 йиларида Тошкентда 40 га яқин қабристон, 150 масжид, 26 мадраса, 5000 га яқин дўкон, 200 дан зиёд маҳалла, 500 чамаси ҳовуз, 1500 бозор расталари, 200 га яқин мавзе (шаҳар четларидаги боғ-ҳовлили маҳаллалар) бўлган.

XIX аср иккинчи ярмида (1865) Тошкентни Россия қўшинлари босиб олган эди. 1917-1991 йилларда эса унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти собик иттифок таъсирида шаклланди. 1991 йили мустақиллик қарор топгач, Тошкент шаҳри ўзига хос кўрк ва нуфузга эга бўла бошлади. Қисқа йиллар ичида шаҳарда амалга оширилган турли соҳалардаги улкан ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари унинг мавқеи ва нуфузини дунё буйлаб кеиғ ёйилишига олиб келди.

Юқорида қайд этилганидек, 2007 йили Тошкент Ислон Конференцияси ташкилоти томонидан (ISESCO) *Ислон маданияти пойтахти* деб эълон қилинди. Унинг бугунги меъморий қиёфасида тарихийлик ва замонавийлик мужассам. Абадий навқирон шаҳар дея аталаётган шаҳримиз эндиликда дунёнинг бир қатор йирик пойтахт шаҳарлари сазовор бўлган *мегаполис* мақомига ҳам эга.

Шаҳарнинг қисқача топонимик лугати

Ҳадра – Тошкентдаги ҳозирги Ҳадра майдони бўлиб, Ҳадра – чегара, чекка деган маънони билдиради. *Бўржар* – илгари бу ерда бўри ёки чиябўри кўи бўлгани учун шу ном берилган. *Тахтапул* – бу сўз этимологияси тахта – ёғоч, пул – форс тилида кўприк, яъни тахтакўприк деган маънони билдиради. *Қўйлик* – Тошкент шаҳрини чегарасидаги жой. Профессор Х.Ҳасанов Қўйлиқни "қуйлик", "пастик" деб изоҳлайди.

Сағбон – Кўкча даҳаси маҳаллаларидан бири. Сағбон "ит боқар" сўзидан олинган дейилади. Кейнги вақтда Сағбон арабча

суқ – "бозор" ва форсча бон – "қаровчп", "боқувчи", яъни суқбон – "бозор қоровули" деб изоҳланмоқда.

Тошкент – ҳаммага тушунарлидек туйиладиган бу топонимни келиб чиқиши ҳамон узил-кесил ҳал қилинмаган. Тошкент воҳаси (демакки шаҳар) илк бор Чоч (Чочистон) шаклида Эрон шоҳи Шонур I нинг "Зардушт каъбаси" ёдгорлик битигида мнлод бошлариди тилга олинган; Хитой маибалариди Ши, Чже-ши, Та-шихан, Ўрта асрларнинг бошлариди Таркан, кейинроқ Бинкат, араб маибалариди Мадниат аш-Шош шаклларида қайд қилинган.

Тошкент сўзининг этимологияси ҳақида турли фикрлар баён этилган. Шулардан энг кўп тарқалганлари топонимнинг Тош (арабча: фижара, юнонча: петрос) сўзи билан алоқадорлигидир: Тошкент – тошқалъа демакдир. Птоломейнинг "География" китобида у Литифос питрос "Бурж ул-хижора" ("Тош қалъа") деб аталган (Беруний).

Қашғар – Шайхонтаҳур туманидаги маҳаллалардан бирининг номи. Бу ерда XIX аср биричи яримида Қашғардан келган қашғарликлар – уйғурлар яшаган.

Қорамурт (Қорамуртқопқа) – Шайхонтаҳур даҳаси мавзеларидан бирининг номи. Қорамурт ўзбек уруғларидан бирининг номи бўлиб, маъноси: "қора мўйловли" демакдир.

Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон топонимлари

Андижон вилояти топонимлари

Андижон вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган, бўлиб Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган. Унинг майдони 4,2 минг км. кв. бўлиб, аҳолиси эса 2805,5 миинг кишидан иборат.

Андижон вилояти майдони нисбатан кичик, лекин аҳолиси зич жойлашган. Унинг майдони Республика худудининг 1%ини эгалласа-да, бу ерда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 10% яшайди. Таркибида 14 туман (Андижон, Асака, Балиқчи, Булоқбоши, Бўз, Жалолқудук, Избоскан, Марҳамат, Олтинкўл, Пахтаобод, Улуғнор, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қўрғонтепа), 11 шаҳар (Андижон, Асака, Марҳамат, Пахтаобод, Охунбобоев, Пойтуғ, Хонобод, Хўжаобод, Шаҳрихон, Қорасув, Қўрғонтепа), 5 шаҳарча (Андижон, Бўз, Жанубий Оламушук, Куйгайёр, Полвонтош) бор. Маъмурий мар-

кази – Андижон шахри. Андижон – Тошкент шаҳарлари ўртасидаги масофа – 450 км.

Вилоят номларининг қисқача топонимик лугати

Андижон – шаҳар, Андижон вилояти маркази. X асрдан бошлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавкал, Муқаддасий асарларида ва бошқа манбаларда *Андиан*, *Андикон*, *Андугон* Заҳириддин Бобур асарларида *Андижон* деб ёзилган.

Туркларнинг афсонавий подшоси Афросиёб шаҳар қуриб, уни ўзининг қизи номи билан *Одинажон* деб атаган экан. Бошқа бир ривоятга кўра бир хон бу шаҳарда хотини қолиб кетганидан “Анда қолди жоним менинг” деганидан шаҳар шундай аталганмиш. Бошқа бировлар Андижон сўзини *олти жон* – “олти киши” дегани, деб изоҳлайдилар.

А.Муҳаммаджонов фикрича, Андижон топоними “анди” ва “гон, кон ёки жон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Анди – яқин; гои, кон ва жон сўзлари “сув”, “сой” маъноларини аниқлатган. Демак, Андижон топоними “сойга яқин”, “сойбўйи”, “сув ёқаси” маъносига ҳам эга.

Асака – шаҳар, Асака тумани маркази.

Тарихчи А.Муҳаммаджонов Асака аслида Асикал шаклида талаффуз этилиб, *ас* – туркий уруғ, кал – сув ёки сой демакдир, яъни Аслар сойи деган маънони аниқлатган дейди.

Жигачи – қишлоқ, Андижон тумани. Жига – саллага тақиладиган безак. Жигани аксарият хон ва хонзодалар таққанлар. Жигачи “жига ясовчи усталар яшайдиган қишлоқ”, – маъносини аниқлатади.

Зулфиқор – қишлоқ. Балиқчи тумани. Зулфиқор халифа Ҳазрати Алининг афсонавий қиличи номи. Зулфиқор деган исм ҳам бор. Қўқон яқинидаги Зулфиқор қишлоғи Қўқон хони Худоёрхон даврида Зулфиқор исмли кишининг чек ерида пайдо бўлган.

Мусулмонқуларик – Балиқчи туманида Қорадарёдаи чиқарилган арик. Арикни 1842-1852 йилларда Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқул қаздирган.

Сулдуз – қишлоқ, Андижон тумани. Сулдуз XIII-XIV асрларда Озарбойжон, Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳрда яшаган турклашган мўғул қабиласидир. Сулдуз уруғи 92 бовли ўзбек “қавмлари” таркибида қайд қилинган. Сулдуз мўғулча сулдес “байроқдорлар”

сўздан олинган: сулде “байроқ”, “с” – кўплик аффикси ҳисобланади.

Юзия – қишлоқ, Асака тумани. *Юзия* – “юз қабиласи вакиллари яшаган қишлоқ”.

Ўлмас – қишлоқ, Балиқчи, Избоскан туманлари. Қипчоқларнинг *ўлмас* деган уруғи бўлган.

Бухоро вилояти топонимлари

Бухоро вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Майдони жихатидан мамлакатдаги энг катта вилоятлардан ҳисобланиб, 40,3 минг км. кв.дан иборат. Аҳолиси 1756,4 минг киши. Ўзбекистоннинг марказий ва жануби-ғарбий қисмларида жойлашган. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Бухоро, Вобкеит, Жондор, Когон, Олот, Пешку, Ромитан, Шофиркон, Қоровулбозор, Қоракўл, Ғиждувон), 11 шаҳар (Бухоро, Вобкент, Газли, Галаосиё, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қоракўл, Қоравулбозор, Ғиждувон), 3 шаҳарча (Жондор, Зафаробод, Янгибозор). Маъмурий маркази – Бухоро шаҳри. Бу шаҳардан Тошкентгача бўлган масофа – 620 км.

Бухоро – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири, Бухоро номи илк бор юнон астраноми Клавдий Птоломейнинг “География” асарида (II аср) учрайди. Тожикистондаги Муғ тоғидан топилган сўғд ҳужжатларида (VIII аср бошларида) эса Пуҳар шаклида тилга олинган.

Ҳозирги Бухоро ўрнида ислом дини тарқалишидан бир неча аср олдин шаҳар бўлган. Шаҳар хитой манбаларида дастлаб V асрда *Нюми* шаклида тилга олинган (бу Бухоро номларидан бири Нумижкат шахрининг хитойча транскрипцияси). Кўпчилик олимлар, жумладан, академик В.В.Бартольд, немис олими В.Томашек Бухоро номи санскритча *вихара* сўздан келиб чиққан бўлиб, “Будда ибодатхонаси” демакдир деб ҳисоблаганлар. В.В.Бартольд Балхда ёки Самарқанддаги каби, Бухоронинг ёнгинасида ҳам Будда ибодатхонаси бўлган дейди. Бу олимлар Бухоро ана шу санскритча сўзнинг туркча-мўғулча шакли деб ҳисоблайдилар. Тарихчи Наршахий (X аср) Бухоронинг *Нумижкат* (Лумижкат), *Бумискат*, *Мадинат ус-суфрия* – “*Мис шаҳри*”, *Мадинат ут-тужжор* – “Савдогарлар шаҳри” деган номлари борлигини айтган; тарихчи давом этиб, “Бухоро деган ном у номларнинг ҳаммасидан машхурроқдир, Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга эмас

деган. Бир ҳадисда Бухоро номи *Фохира* бўлиб келган, чунки, «қиёмат куни Бухоро шаҳри ўзида шаҳидларнинг кўплиги билан фахр қилади» дейилган. Халқ орасида Бухоро боғлари кўплигидан *Богоро* деган маънони билдиради, деган ривоят ҳам бор. Тарихчи Ҳофиз Таниш (XVI аср) ёзишича, “Бухоро” сўзи – “бухор” сўзидан келиб чиққан бўлиб, оташпарастрлар тилида “илм макони” деган маънони билдиради.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Афшона – қишлоқ, Пешку тумани, Абу Али Ибн Синонинг туғилган жойи. Уструшона (Жиззах билан Ўратепа ўртасидаги тарихий вилоят) ҳокими афшии дейилган. Афшона афшин сўзининг кўплиги.

Наршах – қишлоқ, Вобкеит тумани. Бу жой Муқанна кўзгалони билан машхур: VIII асрнинг 70-йилларида оқ кийимлилар Муқанна раҳбарлигида қишлоқни мустаҳкам истехкомга айлантириб, арабларга қакшатқич зарба берадилар ва ниҳоят таслим бўладилар. Наршах қишлоғида машхур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий туғилган (X аср). Наршах қишлоғи Наржак деб ҳам аталган.

Овгир – канал, Жондор тумани. Форсча обгир “сув олинадиган жой”, “ҳовуз” маъноларига эга.

Регзор – қишлоқ, Бухоро тумани. Регзор – “қумлоқ”, “қумли ер” маъносига эга.

Тороб – қишлоқ, Жоидор тумани. Тарихий маибаларда Тороб қишлоғи Бухородан ҳам олдин пайдо бўлганлиги қайд қилинган. Қишлоқ дастлаб Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида тилга олинган. Бу қишлоқ 1238 йилда деҳқон ва хунармандларнинг мўғулларга ва маҳаллий мулкдорларга қарши кўтарган кўзгалони (Маҳмуд Торобий кўзгалони) билан машхур; Тороб – “дарё бўйи” демакдир.

Тоқисаррофон – Бухоро шаҳридаги бозор. Тоқ сўзи қадимий меъморлик терминларидан бўлиб, “равоқли бино” демакдир. Бухоро хонлигида усти ёпилган бозор *тоқ* дейилган. Масалаи, Тоқителпақфурушон – “телпақ сотувчилар бозори”, Тоқисаррофон ҳам ана шундай бозор (раста)лардан биридир (сарроф – “пул майдаловчи”).

Ғиждувон – шаҳар, Ғиждувон тумани маркази, Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да Муқанна (VIII аср) воқеаси муносабати билан

биринчи марта тилга олинган. Бошқа тарихий манбаларда *Ғуждувон* (Муқаддасий) шаклларида ҳам қайд қилинган. Халқ оғзида Ғиждувон Ғужи девон – “бир тўй дев” ёки Ғужи дехон – “бир тўп қишлоқ” демакдир, деган ривоят бор.

Читгарон – қишлоқ, Вобкент тумани. Читгарон – “читга гул босувчи усталар” демакдир.

Жиззах вилояти топонимлари

Жиззах вилояти 1973 йил 28 декабрда ташкил топган. Майдони 21,2 минг км. кв. Аҳолиси 1226,8 минг кишидан иборат. Республиканинг марказий қисмида жойлашган. Таркибида 12 қишлоқ тумани (Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Ғаллаорол, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш, Янгиобод); 7 шаҳар (Ғагарин, Даштобод, Дўстлик, Жиззах, Маржонбулоқ, Пахтакор, Ғаллаорол); 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Уснат, Учқулоқ, Янгиқишлоқ, Қўйтош) бор. Маъмурий маркази – Жиззах шаҳри. Бу шаҳардан Тошкентгача бўлган масофа – 205 км.

Ҳозирги Жиззах вилояти майдонининг кўп қисми милоддан аввалги бир неча асрдан тортиб илк ўрта асрларгача мавжуд бўлган *Уструшоно* (Истаравшан) тарихий ўлкасида бўлган; бу тоғли тарихий вилоят Жиззах шаҳри билан (баъзи маълумотларга кўра, Тожикистоннинг Панжикент шаҳри билан) ҳозирги Хўжаид шаҳри оралиғига тўғри келади. Уструшоно халқи жанговар, моҳир халқ бўлган, вилоятда меъморчилик ривожланган. Ўлкада *Дизак* (Жиззах), *Бунжикат* (Панжакент), *Нужкат*, *Зомин* каби йирик шаҳарлар бўлган. Македониялик Александр (Искандар Зулқарнайн)га қақшатқич зарба берган еттита мустаҳкам қалъанинг бири – *Газа* Уструшоно худудида жойлашган.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Абуз – қишлоқ, Ғаллаорол тумани. Қўнғирот қабиласи (узлар)нинг бир уруғи *абиз* (авиз) деб аталган.

Айдаркўл – кўл, Фориш тумани. Олдии шўрхоқ кейинроқ, Чордара сув омборининг суви ва суғоришдан чиққан оқава сувлар тўпланиб, катта кўл ҳосил бўлган. Маҳаллий аҳоли кўпинча тепасида тош уюмли дўнгликни ҳайдар кокилга ўхшатиб, *айдар* деб келади.

Арнасой – кўл, Арнасой тумани. Хоразмда *арна* катта канал, Жиззах вилоятида – жар маъносига эга.

Аччи – қишлоқ, Зомин тумани. Қишлоқ суви шўр бўлганидан шундай ном олган дейишади (шевдаларда *аччиқ* ўриига *аччи* дейишади).

Бахмал – қишлоқ, Бахмал тумани. Бахмал топоними бошқа ерларда ҳам бор. “Духоба” маъносидаги бахмал сўзига ҳеч алоқаси йўқ. Топонимист Т.Нафасов қовчинларнинг бир уруги *бахмал* (бакман) деб аталишини ёзади.

Газаикалон – Зомин туманидаги тоғ. *Газа* – “тоғ қирраси”, “тоғ тепаси”, *калон* – “катта” маъноларига эга.

Гумсой – Зомин туманидаги сойлик. Бу ўринда *гум* “чуқур, гиратрофи баланд” дегани. Ғаллаорол туманидаги Гумсой – “чуқур ўздан оқадиган сой” дегани.

Жиззах – шаҳар, Жиззах вилояти маркази. Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан. Биричи бор араб географлари Ибн Ҳавкал ва Муқаддасий асарларида *Дизак* шаклида тилга олинган: сўғдийча *диз* – “қалъа”, “истехком”, *-ак* кичрайтириш аффикси (ча).

Кўрпасой – Жиззах тумани. *Кўрпа* деган қишлоқлар бор. Туркман-ўзбекларнинг бир уруги *кўрпа* деб аталган; қорақалиоқларнинг қтай қабиласи таркибида ҳам *кўрпе* уруги бўлган; *кўрпа* қадимий турк тилида *кўзичоқ* деган сўздир.

Санзор – Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги водий ва дарё. Санзор “тошлок” дегани.

Навоий вилояти топонимлари

Навоий вилояти – ҳудудий жиҳатдан Ўзбекистоннинг энг катта вилояти – Республика майдонининг деярли ¼ қисмини эгаллайди. 1982 йил 20 апрелда ташкил этилган. Майдони 111,0 минг км. кв. Аҳолиси 901,1 миң киши. Таркибида 8 қишлоқ тумани (Кармана, Конимех, Навбахор, Нурота, Томди, Учқудук, Хатирчи, Қизилтепа), 6 шаҳар (Зарафшон, Кармана, Навоий, Нурота, Учқудук, Қизилтепа), 8 шаҳарча (Конимех, Лангар, Маликрабод, Мурунгов, Тинчлик, Шалқар, Янгирабод, Ғозғон) бор.

Маъмурий маркази – Навоий шаҳри. Навоий – Тошкент шаҳарлари орасидаги масофа – 510 км.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Навоий вилоят топонимлар сони жиҳатидан Республикада олдинги ўринларда туради. Вилоятдаги *аҳоли пунктлари* – шаҳар-шаҳарчалар, қишлоқ-овуллар сони қарийб 1500 тага етади.

Айрончи – қишлоқ, Кармана тумани. Найман қабиласи таркибида айрончи уруғи қайд қилинган. Кармана туманида *Айронни* қишлоғи ҳам бор. Айрончи, Айронни (Айронли) – “айрон уруғининг вакиллари яшайдиган қишлоқ”. Қўнғирот қабиласи таркибида ҳам *айрон* уруғи қайд қилинган.

Андоқ – қишлоқ, Хатирчи тумани. Дастлаб Ёкут Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон” асарида қайд қилинган. Қизилтепа туманида ҳам Андоқ қишлоғи бор. Зарафшон воҳасида *андоқ* – “қайир” (пойма) деган маънога эга (А.Р.Муҳаммаджонов).

Аристан – қишлоқ, Томди, Конимех туманлари. Қозоқча *аристан* – арслон, шер демакдир. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида арслон (туркий) ёки шер (форсча) ёйинки асад (арабча) бўлган эмас.

Варқ – қишлоқ, Кармана тумани. Варқ (варг) сўғдийча тўғон демакдир. Самарқанд ва Бухоро атрофларида тўғончиларни *варқбон* дейишган.

Зармитан – қишлоқ, Қизилтепа тумани. Шу туманда Зармитанча деган қишлоқ ҳам бор. Митан (митон) “манзил”, “истехком”, “қалъа” демакдир.

Кармана – шаҳар, Кармана тумани маркази. Ривоятларда келтирилишича, араблар Бухорога келганида Кармана атрофларини ерининг унумдорлиги, сувининг сифатига кўра “Арманистонга ўхшар экан, деганлари учун “Ки-Армания” деб ном олган эмиш. А.Муҳаммаджоновнинг фикрича, Кармана Ҳармана шаклида талаффуз этилган ва “Катта сарой” маъносини англатган.

Мурдаш – қишлоқ, Хатирчи тумани. Мурдашўй – “ғассол”, “ювғучи”, яъни “мурда ювғучи” демакдир.

Навоий – шаҳар, Навоий вилояти маркази. Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоий номи билан аталган.

Нурота – шаҳар, Нурота тумани маркази. Шу ердаги тоғ тизмаси ҳам шу ном билан аталган. Рус адабиётида Нурота номи мўғулча *нуру* – “тизма тоғ” ва туркийча *тоғ* сўзларидан олинган деган гаплар учрарди. Аслида Нурота мўғуллар келмасдан анча олдинок

Нур номи билан маълум бўлган. Тарихчи Наршахий Нур қишлоғи Бухоро шаҳри вужудга келмасдан олдин ҳам бор эди деб ёзган.

Ўтар – қишлоқ, Томди тумани. Ўтар (баъзан отар дейишади) қўй подаси, сурув (“ўт”, “яйлов” сўзидан) маъноларига эга.

Наманган вилояти топонимлари

Вилоят Республиканинг шарқий, Фарғона водийсининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, 1941 йил 11 мартда ташкил топган. Майдои 7,4 минг км. кв. Аҳолиси 2504,1 минг киши. Таркибида 11 қишлоқ тумани (Косонсой, Мингбулоқ, Чортоқ, Чуст, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Янгикўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулбод), 12 шаҳарча (Жомашўй, Иттифок, Навбахор, Олтинкон, Оқтош, Тошбулоқ, Уйчи, Уйғурсой, Чоркесар, Ўнхаёт, Халқабод, Янгикўрғон). Маъмурий маркази – Наманган шаҳри. Наманган - Тошкент шаҳарлари орасидаги масофа – 435 км.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Ахсикат – Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар, Наманган туманидаги Ахси қишлоғи ёнида бўлган.

Ўрта асрларга оид “Худуд ул-олам” асарида “Ахсикат – Фарғона пойтахти, амирлар ва вазирлар қароргоҳи” дейилган. Шаҳар XVI асрдан сўнг харобага айланган. Бу жой эса ҳозир эски Ахси деб аталади. Сўғдшуносларнинг фикрича, Ахсикат (Хшикат) “оқ шаҳар” демакдир.

Бўстон – қишлоқ, Косонсой, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Мингбулоқ туманлари. “Яшнаган боғ”, Боғ-роғ маъноларига эга. Дашти Қиңчоқ ўзбеклари ва қозоқлар таркибида ҳам бўстон уруғи бўлган.

Косонсой – қишлоқ, Косонсой тумани маркази. Илгарилари Косон деб аталган. Милоднинг бошларида Фарғонадаги Косон шаҳри, яъни Косонсой Фарғонанинг сиёсий маркази эди. VIII аср охири – IX аср бошларида Косон Фарғона подшоҳларининг пойтахти бўлган. Косон араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида қайд қилинган. Косон номи аслида кас (кат) “қишлоқ” сўзидан олинган.

Наманган – шаҳар, Наманган вилояти маркази. Биринчи марта “Бобуринома”да тилга олинган. Шаҳар номини Намаккон – “туз кони”, номийган – “азиз ва номдор шаҳар”, наманг – “маржон (кони)” деб изоҳлашган. Аслида “нав+ман+гон” сўзлари бирикмасидан юзага келган. Нав – “янги”, ман – “сарой” ва гон, кон, гон – “сув” ёки “сой” демакдир.

Профессор Х.Ҳасанов *гон* компонентини “дарё, сув” деб тахмин қилиб, Наманганни “шўрсув”, “минерал сув”, “мойли сув” каби маъноларга ҳам эғалиги ҳақида фикр билдирган.

Норинкана – қишлоқ, Учқўрғон тумани. Норин дарёси номи билан боғлиқ бўлса керак дейилади.

Норин топонимист Э.М.Мурзаев фикрича, “серкуёш, офтобрўй” деган маънони билдиради. Шу билан бирга *норин* деган этноним ҳам маълум: ўзбекларнинг лақай, юз қабилалари, шунингдек, Фарғона қипчоқлари таркибида норин уруғи қайд қилинган.

Поп – шаҳар, Поп тумани маркази. Дастлаб қадимги манбаларда боб шаклида тилга олинган. Кейинроқ эса поп деб айтила бошланган. *Боб* – арабча “дарвоза” дегани.

Чортоқ – шаҳар. Чортоқ тумани маркази; тоғ орасида бўлгани учун “чор атрофи тоғ” деб ном олган, деган фикр бор. Аслида чортоқ – чор (тўрт) ва тоқ (арк, гумбаз) сўзларидан таркиб топган бўлиб, “тўрт гўшали” деган маънони ҳам аниқлатади.

Самарқанд вилояти топонимлари

Самарқанд вилояти республиканинг марказий қисмида жойлашган бўлиб, 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Майдони 16,8 минг км. кв. Аҳолиси 3445,6 минг кишидан иборат. Таркибида 14 туман (Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлоқ, Ургут, Қўшрабат), 11 шаҳар (Самарқанд, Булунғур, Жомбой, Жума, Иштихон, Каттақўрғон, Миробод, Оқтош, Пайариқ, Челак, Ургут), 12 шаҳарча (Даҳбед, Зиёвуддин, Иигичка, Кимёгарлар, Лойиш, Митан, Мирбозор, Пайшанба, Сув ховузи, Фарҳод, Хишров, Чархин) бор.

Маъмурий маркази – Самарқанд шаҳри. Самарқанддан Тошкентгача бўлган масофа – 350 км.ни ташкил этади.

Самарқанд – Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири. Инсоният қадимги маданиятиниинг жаҳонга машҳур ўчоқлари – Бобил, Афина ва Рим каби кўп асрлик бой тарихга эга, Шарқнинг

энг кўхна шаҳарларидан бири бўлиб, жаҳон тамаддуни, Ғарбу Шарқни бирлаштириб турувчи Буюк ипак йўлининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган, Ўзбек давлатчилигининг шаклланишида ўзига хос пойдевор вазифасини ўтаган шаҳардир. Ўрта асрларда у “Замин сайқали”, “Мусулмон дунёсининг гавҳари”, “Фирдавсмонанд шаҳар” деб улуғланган.

1996 йил 18 октябрда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Самарқанд байроғига 1-рақамли “Амир Темури ордени”ни тақиб, бу кунни Самарқанд куни деб эълон қилдилар. Чуки Самарқанд мустақиллик йилларида 1-чи бўлиб орден олган шаҳардир.

2007 йили шаҳарнинг 2750 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Самарқанднинг тарихи жаҳон тарихининг таркибий қисми ҳисобланади. Ўтган 27,5 аср давомида шаҳар аҳолиси кўп ҳодиса-воқеаларни бошидан кечирди. Самарқанд Искандар Зулқарнайнинг сонсиз суворийларини кўрди, араблар босқинини бошидан кечирди, шаҳарни Чингизхоннинг ваҳший қўшинлари вайрон қилди. Самарқандни дунёнинг иойтахти қилмоқчи бўлган Амир Темури ўзининг кўпсоили лашкарларини шу шаҳарда тўплагаи.

Ҳозирги кунда эса шаҳар ўзининг қулай табиати, тарихий ёдгорликлари, меҳмондўст аҳолиси ҳамда ноз-неъматлари билан юртимиз кўрки бўлиб, дунё ардоғидадир.

Шаҳар номининг этимологияси тўла аниқланган эмас. Шаҳар Искандар Зулқарнайнинг ҳарбий юришлари муносабати билан Юнон солномаларида милoddан аввалги 329 йилда Мароканда номи билан тилга олинигаи. Турли даврлардаги тарихий маибаларда шаҳар номининг *Самариана*, *Сараманка*, *Саканна*, *Санманген*, *Самакиян*, *Сумрон*, *Шамиркент*, *Самаран*, *Симроят*, VIII аср бошларига оид сўғд ҳужжатларида *Смараканса*, венециялик сайёҳ Марко Полонинг “Китоби”да *Санмаркан* шаклида тилга олиниган. Санскритча *Samagya* – “йиғин”, “анжуман” сўзидан олинган, деб айтганлар. **Самария** – қадимги санскритча “чорраҳа”, “савдо йўллари кесишадиган жой”, “савдогарлар учрашадиган жой” деган маъноларни ҳам билдиради.

Самарқанд атамаси туркийда – “Семизкент”, яъни “бой шаҳар”, “катта шаҳар”, “обод шаҳар” маъноларини билдиради, деган фикрни Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Бобур асарларидагина эмас, балки тарихчи Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”сида, XV асрда Амир Темури саройига келган испан элчиси Руи Гонсалес

де Клавихонинг кундалик дафтарида ҳам қайд қилинган. Бироқ Семизкент шаҳарнинг асл номи эмас, балки сифатидир.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Арлот – қишлоқ, Иштихон тумани. Арлот – Чингизхон ўғли Угедейга тақдим этган 4 та мўғул қабиласидан биридир. Бу қабила Афғонистонинг шимолий қисмига ўрнашиб қолган. Мовароуннаҳрда Арлотлар кам бўлса ҳам нуфузли қабилалардан ҳисобланган. Арлот – қабиласи 92 ўзбек “қавмлари” орасида кўплаб тарихий манбаларда тилга олинган. Қабила оллот, олот, шаклларида ҳам талаффуз қилинган. Қорақўл туманидаги Олот қишлоғи ҳам ўша этнонимдан ном олган.

Афросиёб – Самарқанд шаҳрининг вайронаси. Илгарилари Ҳисори кўҳна, қўргони қадим деб аталар эди. XVII-XVIII асрлардан Тали Афросиёб (Афросиёб тепалиги) деб атала бошлади. Халқ уин Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида тасвирланган ва Рустамга қарши чиққан Турон шоҳи Афросиёб (Фрарасян, Фрасиаб), яни Алп Эртўнга номи инъикосидир дейди. Бироқ кўпгина олимлар тепаликнинг сўғдча номи Паршавап бўлган, тожикчада эса, Афросиёҳ-об, Қорасув, яъни “Сиёб устндаги жой” деб аталган ва кискариб Афросиёб, яъни “Сиёб бўйлари” бўлиб кетган дейишади.

Зарафшон – Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари худудидаги дарё. Тарихий манбаларда турли номлар билан аталган. Дастлаб “Авесто” ёдгорликларида Дайтия шаклида тилга олинган. Мутахассислар бу номни “хосиятли сув”, “муқаддас сув” деб изоҳлайдилар. Юнонлар Дайтия сўзини таржима қилиб Политимет – “кўп хосиятли сув”, “ўта муқаддас сув” деб атаганлар. Сўғд тилида дарёнинг Сўғд, Жом, Сомжан номлари ҳам маълум (жанжон сўғдча “кўл”, “сув манбаи”); паҳлавий Номик (“машхур”, “хосиятли”, “муқаддас”), форс тилидаги манбаларда Руди Мосаф, Руди Шарғ дейилган; арабча манбаларда Ҳарамком (арабча ҳарам – “муқаддас”) дейилган.

“Бобурнома”да Оби Кўҳак, кейинроқ Дарёи Кўҳак (Кўҳак – Самарқанд шаҳри яқинидаги Чўпонота тепалиги), XVIII асрдан *Зарафшон* деб аталган.

Дарёнинг ҳозирги номининг маъноси тўғрисида турли фикрлар бор. Баъзилар дарё тилла баравар оби ҳаёт келтиргани учун дарё

Зарафшон деб аталган дейдилар. Тадқиқотчи олим С.Қораевнинг фикрича Зарафшон – “зар сочувчи” дарё демакдир.

Иштихон – шаҳар, Иштихон тумани маркази. Х асрдаёқ каттагина шаҳар бўлган, араб жуғрофларидан Истахрий, Иби Ҳавқал, Муқаддасий асарларида, “Худуд ул-олам”да тилга олинган. Ривоятда айтилишича, Иштихондан Самарқандгача қувурда келтирилган қимизни хон татиб кўрган, “Ичди хон” деганидан иштихон бўлиб кетган эмиш. Тарихчи О.И.Смироваининг фикрича, Иштихон номи сўғдча “Саккиз ариқли”, “саккиз каналли” маъносини билдиради (Ишт-хашт – “саккиз”, хои-кан – “канал”).

Камонгарон – қишлоқ, Ургут тумани. “Камон усталари” демакдир.

Миёнкол – Зарафшоннинг икки тармоғи, яъни Оқдарё билан Қорадарё оралигидаги обод худуд. Араб географларидан Истахрий, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Баъзан Миёнколот деб ҳам аталган: миён – “ўрталик”, “оралиқ”, кол қадимий форс тилида “канал, дарё”, от – арабча кўплик аффикси, топонимияда эса шу жойнинг теварак-атрофини ҳам билдиради.

Даҳбед – Оқдарё туманидаги қишлоқ. Тожиқча даҳ – ўн, бед – тол, яъни ўн тол дегани.

Сўғд, Сўғдиёна – Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларини ўз ичига олган тарихий ўлка. Кўпгина тадқиқотчилар фикрича, “сўғд” сўзи умумэрон тилларига хос “сух” сўзидан олинган бўлиб “ялтирамоқ”, “ёнмоқ”, “нур сочмоқ” деганидир. О.И.Смирнованинг таъкидича, тожиқча “сўғуд” – “серсув обод жой” дегани.

Челак – Пайариқ туманидаги шаҳарча. Челакли уруғининг номидан олинган.

Сирдарё вилояти топонимлари

Сирдарё вилояти 1963 йил 16 февралда ташкил топган бўлиб, майдони 4,3 минг км. кв. Аҳолиси 763,8 минг кишидан иборат. Шимолдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Тошкент вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси ва ғарбдан Жиззах вилояти билан чегарадош. Таркибида 8 туман (Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё, Ховос), 5 шаҳар (Гулистон, Сирдарё, Ширин, Бахт, Янгиер), 6 шаҳарча (Боёвут, Дехқонобод, Дўстлик, Пахтаобод, Сайхун, Ховос) бор. Маркази – Гулистон шаҳри. Гулистондан Тошкентгача масофа – 120 км.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Боёвут – қишлоқ, Боёвут тумани. Боёвут – қадимги мўғул қабила-ларидан бири. Шунингдек, боёвут 92 ўзбек уруғларидан бири сифатида, чунончи, XVI асрдаёқ Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг “Мажму ат-таворих” асарида қайд қилинган. Юз қабила-сининг бир уруғи ҳам боёвут деб аталган. Боёвут мўғул тилида “бойлар” демакдир.

Малик – қишлоқ, Сирдарё тумани. Малик номи чўли малик – “бе-поён чўл”, “катта чўл”, “султон чўл” каби маъноларии англаган.

Сайхунобод – қишлоқ, Сайхунобод тумани маркази. Қишлоқ номи. Сирдарёнинг арабча номи Сайхун сўзидан олинган.

Тўқбой – қишлоқ, Ховос тумани. Тўқбой – Юз қабиласининг бир уруғи номи.

Усмонобод – қишлоқ, Боёвут тумани. Машхур давлат арбоби Усмои Юсупов (1900-1966) номига қўйилган қишлоқ. У.Юсупов шу тумандаги “Боёвут” хўжалигида бир неча йил директор бўлиб ишлаган.

Сурхондарё вилояти топонимлари

Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил топган бўлиб, майдони 20,1 км. кв. Аҳолиси 2308,3 минг кишидан иборат. Таркибида 14 қишлоқ тумани (Ангор, Бандихон, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сарносиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон), 8 шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сарносиё, Сарик, Элбаён бекати, Хуррият) бор. Маркази – Термиз шаҳри. Тошкентдан Термизгача бўлган масофа – 780 км.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Бахшитена – қишлоқ, Шўрчи тумани. Бахши сўзи санскритча – “Будда қаландари” демакдир. Бу сўз турли даврларда турли жой-ларда “мирзо, котиб, катта амалдор, нойиб, жарроҳ, нозир, овчи” маъноларини англаган. Ҳозирги ўзбек тилида бахши: 1) бадихағўй оқин; 2) эмчи, шаман, сеҳргар каби маъноларига англатади.

Бодава – қишлоқ, Денов тумани. Бодхаво – “сершамол хаво”, бадхаво – “хавоси ёмон”, “хавоси ёқимсиз” деганидир.

Бойбўри – кишлоқ, Сурхондарё тумани. “Алпомиш“ достони қаҳрамонларидан бири Бойбўри номи билан боғлиқ.

Денов – шаҳри, Денов тумани маркази. Дастан Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома“сида тилга олинган. Бобур замонида *Чағониён* деб ҳам аталган. Дехи нав – “яғи кишлоқ” дегани.

Обишир – кишлоқ, Шўрчи тумани. Форсча “сутга ўхшаган оқ рангли сув” маъносига. Сутлибулоқ, Сутбулоқ деган жойлар бор. Обшор эса – шаршара.

Сурхондарё – асли Сурхоб – “қизил сув“ бўлиб, кейинчалик ўзгариб кетган. Чунки дарёнинг бош томони (Денов шаҳрига) Қизилсув деб аталади. Дарё сурх уруги номи билан аталган бўлиши ҳам мумкин. Сурхондарё ўрта асрларда Чағонруд (кишлоқ), араб жуғрофлари асарларида Сағонруд (водий эса Чағониён – Сағониён) деб аталган.

Чағониён – Сурхондарё водийсининг ўрта асрлардаги номи. Дастан “Худуд ул-олам”да қайд қилинган. Араб жуғрофлари асарларида (XI-XII асрлар) Сағониён шаклида учрайди. Сурхондарё водийсининг бош шаҳри ҳам Чағониён (форсча манбаларда) деб аталган. Сағониён шаҳри ҳозирги Денов шаҳри яқинида бўлган.

Шеробод – шаҳар, Шеробод туман маркази (Шерободдарё Шеробод кишлоғи номи билан аталган). Шаҳар XVIII асрда Убайдуллахоннинг номи, кўнгирот уругидан бўлган Шерали томонидан қурилганлиги учун шундай аталган (В.В. Бартольд).

Тошкент вилояти топонимлари

Тошкент вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган бўлиб, Республиканинг шимолий-шарқда жойлашган. Шимол ва шимолий-ғарбдан Қозоғистон Республикаси, шимолий-шарқдан Қирғизистон Республикаси, Шарқдан Наманган вилояти, жанубдан Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарбдан Сирдарё вилояти билан чегарадош. Майдони 15,6 минг км. кв., аҳолиси эса 2725,9 минг кишидан иборат. Таркибида 15 туман (Бекобод, Бўка, Бўстонлик, Зангиота, Оққўрғон, Оҳангарон, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз, Юқори Чирчиқ, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ), 17 шаҳар, 18 шаҳарча бор.

Тошкент (Тошканд) деганда ҳозирги Ўзбекистон Республикасининг пойтахти ҳисобланган катта шаҳаргина эмас, балки шу

номдаги тарихий-маданий регион, улкан худуд, давлат ҳам тушунилган. Шу билан бирга шаҳар ҳамда теварак-атроф регион тарих давомида турлича номлар билан аталган. Тошкент воҳасининг энг қадимий номи Чоч (Чочистон) илк бор юқорида қайд этилганидй 263 йилда Эрон подшоси Шопурнинг “Зардушт Каъбаси” тошида қайд қилинган; айни вақтда Тошкент воҳасини ўраб турган тоғлар ҳам Чоч деб аталган (Чоч арабиванис манбаларда Шош шаклини олган). Шаҳар ва атроф-худуднинг Тошканд деб атала бошлаганига 10 асрдан ошди. Чоч милоднинг дастлабки асрларида Қанғ (Қангуй) давлати таркибига кирган, бир иеча аср давомида эса эфталийлар давлати таркибида бўлган, VI аср охирларида Турк хоқонлиги эфталларни тор-мор қилиб, Мовароуннаҳр билан бирга Чочни ҳам ўз тасарруфига олади.

Ёзма манбаларда Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақидаги маълумотлар икки минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади. Милоддан аввалги Шарқ манбаларида Тошкент воҳаси *Юни* деб аталган ва Қанғуй давлати таркибига киради деб ёзилган. Воҳанинг маркази ҳам Юни шаҳри деб номланган. Тошкент воҳасининг энг қадимги номи Чоч бўлган.

Тошкент ўлкаси Хитой маибаларида Ши – “тош” деб, араб манбаларида Шош деб транскрипция қилинган.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Ангрен – вилоят тасарруфидаги шаҳар. Ангрен бу Оҳангарон – “темирчилар” сўзининг бузилган шакли. Кўплар буни русча талаффуз оқибати дейишади.

Арашон – Оҳангарон дарёсининг ирмоғи. Гидроним санскритча *расаяна* сўзидан келиб чиққан бўлиб, “оби ҳаёт”, “худолар озиги” демакдир. Арашон шифобахш иссиқ сувли булоқлардан иборат.

Арғинчи – кишлок, Юқори Чирчиқ тумани, ўзбеклар, қозоқлар ва бошқа туркий халқлар таркибига кирган қабила – арғин. Арғинчи – “арғин қабиласи вакили”, “арғинлик” демакдир.

Бўка – шаҳар, Бўка тумани. Қадимги туркий тилида бўка – “пахлавон”, бўка деган уруғ ҳам бўлган, масалан, ўзбек қанғлиларнинг бўка – қанғли уруғи қайд қилинган.

Бўржар – Тошкентдан ўтган ариқ, Анҳор каналининг давоми. Илгари Чиябўри кўп бўлганидан Бўрижар деб аталган деган фикр бор.

Тумани: *Бурчмулла* – кишлок, Бўстонлик тумани. Бурж – истехком деворининг бурчаклари ёки бурчак оралиғидаги минора, академик А.Муҳаммаджоиов фикрича, мўла ҳам “минора” маъносини билдиради.

Келес – (Калас) – дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Қозоқ топонимисти Е.Қўйчибоев фикрича, келес – “тил сув”, “узуи сув” дегани.

Обираҳмат – кишлок, Бўстонлик тумани. Қишлоқ ёнида шифобахш булок бор. Обираҳмат “Раҳмат суви” демакдир.

Оҳангарон – дарё, Сирдарёнинг ўнг ирмоғи. Мўғуллар келмасидан илгариги манбаларда Илок дарёси деб аталган. Бу водийда қадимдан темирчилик ривожлангани учун дарё Оҳангарон – «Темирчилар» дея номланган.

Чотқол – дарё, Чорвоқ сув омбори қурилгунга қадар Чирчик дарёсининг бош ирмоқларида бири бўлган. Чатқол – нотекис ер, дара, кирғизча чотқол – “икки тоғ орасидаги дара сойлик” деганидир.

Янгийўл – шаҳар. Олдиинги номи Қовунчи; қовчий этноними қовунчи бўлиб кетган бўлиши мумкин.

Қанқа – Оққўрғон туманидаги кишлок. Миллоддан аввалги II асрдан милодий IV асргача Сирдарё бўйида мавжуд бўлган Қанғ (Қангуй) давлати бош шаҳри олинган. Яна Қанқа тена деган тепалик ҳам мавжуд.

Ғазалкент – шаҳар, Бўстонлик тумани маркази. Ҳ.Ҳасановнинг фикрича, Ғазалкент топоними ғизол – “оҳу” сўзидан келиб чиққан.

Фарғона вилояти топонимлари

Фарғона вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Мамлакатимизнинг шарқида, Фарғона водийсининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 6,7 минг км.кв., аҳолиси эса 3386,5 минг кишидан иборат. Таркибида 15 кишлок тумани (Бағдод, Бешариқ, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Олтиариқ, Охунбобоев, Риштон, Сўх, Тошлок, Учқўприк, Фарғона, Фурқат, Ўзбекистон, Кува), 9 шаҳар (Бешариқ, Марғилон, Риштон, Фарғона, Яйпан, Кува, Қувасой, Қўқон, Ҳамза), 10 шаҳарча (Бағдод, Данғара, Дўстлик, Ёзёвон, Муқимий, Олтиариқ, Тошлок, Чимён, Шўрсув, Янги Манғилон) бор. Маъмурий маркази – Фарғона шаҳри. Фарғон – Тошкент шаҳарлари оралиғи – 420 км.

Фаргона вилоятининг қисқача топонимик лугати

Акбаробод – қишлоқ, Кува тумани. Қўқон хони Худоёрхоннинг набираси Акбарали номи билан аталган.

Арзиқтепа – қишлоқ, Данғара тумани. Ганчга ўхшаш оқ тупроқ арзиқ дейлади. Арзиқ термини рус адабиётига ҳам кирган. Кўчманчилар таркибида ва манғит қабиласи таркибида арзуқ деган уруғ қайд қилинган.

Бачқир – қишлоқ, Учкўприк тумани. Маҳалий аҳоли орасида бостириб келган душмани "бос, қир" сўзларидан таркиб топган деган ривоят тарқалган. Асли этноним, ўзбек қипчоқларининг бошқир (бошқирт) деган уруғи бўлган.

Марғилон – шаҳар, дастлаб араб географларидан Муқаддасий асарида, сўнгра "Бобурнома"да Марғиёнон шаклида тилга олинган, Марғиёнон шакли ҳам учрайди. Самарқанд яқинида Марғилонтепа деган қишлоқ ва ариқ бўлган. Этимологияси аниқ маълум эмас. Ҳар ҳолда Марғ («ўтлоқ», «кўкаламзор») маъносини англатади.

Фарғона – қадимий номалардан бири. Фарғона номи дастлаб Муғ тоғидан топилган (VIII аср бошлари) сўғд ҳужжатларида, сўнгра Табарий тарихида (IX-X асрлар), Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида вилоят номи сифатида қайд қилинган.

Шаҳар 1887 йилда қурилган. 1907 йилгача *Янги Марғилон* (маҳаллий халқ орасида *Сим*) деб юритилган. 1907 йилдан 1924 йилгача Россия подшолиги бошқинчи генерали Скобелев номи билан (маҳаллий аҳоли талаффузида *Искобил*) аталган, 1924 йилдан – Фарғона. Баъзи ривоятларга кўра, Фарғонани Ануширвон (Нуширвон) обод қилган экан. У бу ерга ҳар бир жойдан биттадан қабил вакили олиб келган. Турли жойлардан келган кишилар иморатлар қуриб, экинлар эккан. Бу кишилар Азҳар хона – "ҳар хонадондан (келганлар)" деб ном олган. Шу сўзлардаи Фарғона номи келиб чиққан экан. Бу ривоят кўпгина тарихий ёдгорликларда келтирилган.

Сўғд ҳужжатларини тадқиқ қилган мутахассислар топонимнинг қадимий шакли Фар(а)ғона ёки Фарағона бўлганини аниқладилар ва юнон тарихчиси Геродот асарларида тилга олинган *парикания* халқи номи билан аталган деган фикрни ноўрин деб ҳисобладилар. Фарғона *паркана* ("атрофи берк водий") сўзидан ном олган дейиш ҳақиқатга яқиндир.

Кува – шаҳар. Даствлаб “Худуд ул-олам”да, сўнгра араб географларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқдасий асарларида *Куба* шаклида қайд қилинган. Ўрта асрларда *Кува* алоҳида вилоят пойтахти бўлган ва Фарғонада Ахсикатдан кейин иккинчи шаҳар ҳисобланган. “Бобурнома”да *Кубо* шаклида тилга олинган. Этимологияси аниқ эмас. Лекин *куба* (кува) деган этноним бўлган. Этнограф К.Ш.Шониёзов ўрта асрларда кипчоқлар тарқибда мустақил куба (кува) қабиласи бўлган дейди. Куба (кува) – умумтуркий этнонимдир.

Қўқон – қадимий шаҳар. Даствлаб “Худуд ул-олам”да (“Хўқанд-Хувоқанд – халқ эич яшайдиган шаҳарча”), сўнгра араб жуғрофларидан Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида Хўқанд (Хувоқанд) ва Хуқанд (Хувоқанд) шаклларида қайд қилинган, “Бобурнома”да Хўқон ўрчини (тумани) тилга олинган. Ҳозирги Қўқон шаҳри тарихий Хўқанд ўрнида XVIII аср бошларида ўзбекларнинг *минг* уруғи бошлиғи Шоҳруҳ томонидан барпо этилган. В.В.Бартолд шаҳар номининг адабий жиҳатдан тўғри шакли *Хўқанд* бўлиб, *Қўқон* жонли тилда талаффуз этилишидир, деб ҳисоблайди.

Хоразм вилояти топонимлари

Хоразм вилояти 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Мамлакатимизнинг шимолий-ғарбида жойлашган, қадимий суғориш маданиятига эга бўлган вилоят ҳисобланади. Майдони 6,1 минг км.кв. Аҳолиси 1684,1 минг кишидан иборат. Таркибида 10 қишлоқ тумани (Боғот, Гурлан, Урганч, Хива, Хонқа, Шовот, Янгиарик, Янгибозор, Қўшқўпир, Ҳазорасп), 3 шаҳар (Питнак, Урганч, Хива), 7 шаҳарча (Гурлан, Хонқа, Чалиш, Шовот, Янгибозор, Қўшқўпир, Ҳазорасп) бор. Маъмурий маркази – Урганч шаҳри. Урганчдан Тошкентгача масофа - 1120 км.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Амударё – Хоразм вилояти худуди бўйлаб утувчи ягона дарё. Юнон муаллифлари асарларида *Окс* (Оксос) деб ёзилган. Дарёнинг *Аранг*, *Раха*, *Ранха*, *Аранха* деган қадимий номлари ҳам бор. Маҳаллий аҳоли Ўқуз, араблар *Жайхун* деб атаган. Баъзи бировлар бу ном Тавротда ҳикоя қилинган *Гихон* дарёсига нисбат бериб қўйилган дейдилар. В.В.Бартолд эса араблар *Жайхун* ва *Саххун* номларини Шимолий Суриядаги *Жайхон* ва *Сайхон* дарёлари номи

билан аташган бўлса керак, дейди. Тарихчи Гардизий *Жайхун* ҳар қандай катта дарё учун турдош от деган эди. Ҳақиқатдан ҳам Зарафшон водийсида бир ариқ *Жайхун* деб аталган.

Амударёнинг қадимги эроний номи *Вахш* (Вахшоб) бўлган; дарёнинг йирик ирмоқларидан бири ҳозир ҳам *Вахш* деб аталади. Абу Райҳон Беруний Вахш хоразмликларда сув худоси иариси – малакнинг номи деб ёзган.

Амударёнинг ҳозирги номи ўрта асрларда (VI асрдан) *Омул* (Омуй, Омуйа) шаҳри номидан олинган дейишади; бу сўз орийлардан ҳам олдинги *амард* халқи номидан келиб чиққан бўлса керак, дейди В.В.Бартольд.

Олимлар *Окс* (баъзан *Акес*) Амударёнинг қадимий туркий номи Ўқуз сўзининг ўзгинаси эканлигини аниқладилар. Амударёнинг шохобчаларидан бири ҳозир ҳам *Ўқуз* деб аталади (ўқуз сўзининг асл маъноси “дарё” демакдир).

Ичан қалъа – Хива шаҳрининг қадимий марказий қисми; *Ичан қалъа* – “ички қалъа” дегани. *Дишан қалъа* эса XVII-XVIII асрларда Ичанқала атрофида бунёд этилган “ташқи шаҳар”дир. Хоразмдан бошқа ерларда шаҳарнинг ички қисми арабча *мадина* ёки *шаҳристон* ёнки *дарун* (“ички шаҳар”), ташқи қисми эса рабод, берун (“ташқи кўноқ”) деб аталиб келган.

Мўлтон – қишлоқ, Янгиариқ тумани. Ўрта Осиё лўлилари мўлтони ҳам дейилади. Мўлтон – Покистоннинг шимолий-ғарбий қисмидаги шаҳар, қадимда бу шаҳар Эрон билан Турон орасидаги Карвон йўли ёқасида бўлган ва лўлилар шу ердан Ўрта Осиёга ўтган. Мўлтон – “лўлиқишлоқ”.

Хонобод – Хоразм вилоятидаги канал. Канал Хоразм ҳукмдори Муҳаммад Аминхон (1846-1855 йиллар) даврида қурилган ва хон шарафига шундай деб аталган.

Хонқа – шаҳарча, Хонқа тумани маркази. *Хонқа, хонақоҳ* – “зикрхона” сўзидан олинган; Хонқа X асрда *Дархос* деб аталган. В.В.Бартольд *хонақоҳ* форсча *хона* сўзининг сўғдийлар тилида талаффуз қилинишидир деган.

Хоразм – Ўрта Осиёдаги энг қадимий номлардан бири. Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да *Хваиризам*, қадимги форс тили ёзувларида *Хуваразми*, милоддан аввалги VI асрда ижод қилган милетлик Гекатей асарида *Хорасмия* шаклида тилга олинган. Геродот бу маълумотларни янада тўлдирган. Хоразм арабийнавис

тадқиқотчиларнинг асарларида хоразмий тилида *Хваризм* шаклида қайд қилинган.

Хоразм сўзининг маъноси ҳақида бир қанча фикрлар бор. Ўрта аср араб географларидан Муқаддасий ва Ёқут Ҳамавий асарларида Хоразм сўзининг келиб чиқиши ҳақида бир ривоят келтирилган: подшо жаҳл билан ўз фуқароларидан бир қанчасини кимсасиз узок ўлкага бадарға қилишни буюради, лекин у ерда ўтин ва гўшт (яъни, Амударёда балиқ) кўп эди. Мусофирлар бу ўлкани обод қилдилар ва Хоразм деб атадилар (*хвар* – “гўшт”, *разм* – “ўтин”).

Сўғдшунос олим М.Н.Боголюбов фикрига кўра, Хоразм уч таркибий қисмдан иборат: *ху* – *вар* (вара) – *зим*. *Вар* (вара) қадимги хоразмий тилда “девор”, “марза”, “ғов”, “қалъа”, “қўра”, *ху* – “яхши”, бинобарин, Хоразм “яхши қўрालи ўлка”, “ажойиб қалъалари бор дийр”, деган маънони англатади.

“Хор” дегани қадимга сўғд тилида “куёш”, “азм” – “ўлка”, яъни Хоразм – куёшли ўлка деган маънони англатади. Хоразм Амударё билан Қорақум ўртасидаги гўзал бир воҳа бўлиб, бой тарих ва маданий меъросга эга.

Хива – вилоятдаги иккинчи марказий шаҳар. Хива хонлигининг пойтахти бўлган. Афсоналарнинг бирида айтилишича, Хивага Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом асос солган. Хива сўзи қудуқ деган маънони англатади. Хоразмда бу сўзни Хивак деб аташ ҳоллари ҳозирда ҳам учрайди. 1997 йил шаҳаринг 2500 йиллиги кенг миқёсда нишонланди. Тарихий обидаларга бой бўлган бу макон “*Очиқ осмон остидаги музей шаҳар*” сифатида халқаро миқёсда эътироф этилган.

Қатагон – Қўш кўпир туманидаги қишлоқнинг номи. Форсча йўқолган, қуриган, топиб бўлмайдиган, деган маъноларни билдиради.

Ҳазорасп – шаҳарча, Ҳазорасп тумани маркази. *Ҳазор* – форс-тожик тилида “минг”, *асп* – “от”, яъни минг от деганидир. Ҳазорасп Хоразмнинг жанубий чегара қалъаси бўлиб, ўтмишда унда мингта отлик жангчи сақланган. Душман ҳужум қилгудек бўлса, қалъа биринчи бўлиб зарбани ўзи қаршилаган.

Ҳазорасп ҳақидаги илк маълумотлар Истахрий, Ибн Ҳавқал, Ёқут Ҳамавий каби тадқиқотчиларнинг асарларида учрайди.

Қашқадарё вилояти топонимлари

Қашқадарё вилояти 1943 йил 20 январда ташкил топган бўлиб, майдони 28,6 минг км.кв., аҳолиси эса 2895,3 минг кишида иборат. Вилоят Республиканинг жанубий-шарқида, Қашқадарё ҳавзасида жойлашган, шарқдан Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмалари ўраб туради. Таркибида 13 қишлоқ тумани (Дехқонобод, Касби, Китоб, Косон, Миришкор, Муборак, Янги Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор), 12 шаҳар (Бешкент, Китоб, Косон, Муборак, Таллимаржон, Янги Нишон, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Қарши, Ғузор), 4 шаҳарча (Дехқонобод, Мироқи, Нуристон, Эски Яккабоғ,) бор. Маъмурий маркази – Қарши шаҳри. Қарши – Тошкент шаҳарлари орасидаги масофа – 560 км.

Қашқадарё воҳаси қадимий маданият марказларидан биридир. Илк ўрта асрларда Қашқадарё воҳасининг юқори қисми *Кеш*, қуйи қисми *Нахшаб* деб атала бошланди. Милоднинг VI-VII асрларида эски шаҳарлар таназзулга юз тутиб, янги шаҳарлар вужудга келади.

1220-1221 йилларда Қашқадарё воҳасидаги шаҳар ва қишлоқлар мўғуллар истилоси натижасида вайрон қилинди. 1318-1326 йилларда мўғул хонларидан Кепакхон курдирган сарой яқинида *Қарши* шаҳрига асос солинди. XIV-XV асрларда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврларида Шаҳрисабзда бир қанча монументал бинолар – сарой, масжидлар, мақбара ва бошқа иншоотлар барпо этилди.

Вилоятнинг қисқача топонимик лугати

Балхи – қишлоқ, Шаҳрисабз, Қарши туманлари. Ўзбекларнинг кенегас, қутчи, сарой қабилалари, туркманларнинг эрсари қабиласи таркибида *балхи* (балқи) уруғи қайд қилинган. Балхи – “балхлик”, “Балх шаҳридан келган” дегани.

Дешқон – қишлоқ, Шаҳрисабз тумани. Де + шайх – он – “шайхлар қишлоғи”, шайх: 1) мусулмон руҳонийлари вакили; 2) қабристон, зиёратгоҳ мутасаддиси.

Женов – қишлоқ, Касби тумани. Форсча жўй (ариқ, анҳор) ва нав (янги) сўзларидан таркиб топган.

Китоб – Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. Китоб номи тожик тилидан олинган “кифт” – елка, “об” – сув, яъни “елкадаги сув” деган маънони билдирувчи атамадир.

Кеш – Шаҳрисабз шаҳрининг олдинги номи. Дастлаб “Худуд ул – олам”да Кеш, араб жуғрофлари асарларида *Каш*, *Касс* шакл-

ларида тилга олинган. В.В.Бартольд шаҳар номининг *Кеш* тарзида талафуз қилиниши тўғри деб ҳисоблайди. Кеш касс, кат каби синонимик терминлардан иборат топонимлар бўлиб, “уй”, “қишлоқ”, “турар жой” маъноларини англатади.

Найистон – қишлоқ, Мирншкор тумани. Най “қамиш” маъносида. Найистон – “қамишзор”, “тўқай” деганидир.

Насаф – Қарши шаҳрининг ўрта асрлардаги номи. Дастлаб Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий асарларида тилга олинган. Дастлабки маҳаллий номи Нахшаб. Кейинчалик, XIII асрдан Насаф деб аталган. XIV асрдан Қарши деб атала бошланган.

Чалқа – қишлоқ, Деҳқонобод тумани. Шеваларда адирлардаги супадай текис майдон чалқа деб аталади.

Чироқчи – шаҳар, Чироқчи тумани маркази. Чироқчи қалъаси XV асрдан олдин, Убайдуллахон даврида ҳам бор эди. Азизавлиёларнинг мазорлаирда яшаб, чироқ кўйиб, мазорни супуриб-сидириб турадиган қоровул (шайх) чироқчи дейилган. Бошқа бир маълумотларга кўра, гилдан чироқ яшаш хунари билан шуғулланувчилар ҳомийси бўлган Чироқчи ота номи билан аталган.

Шаҳрисабз – шаҳар, Қашқадарё вилояти. Бу ном тангаларда XIV асрдан учрай бошлайди. Шаҳарнинг қадимий номи Кеш. XV-XVI асрлардаги тарихий манбаларда, чунончи, Хожа Аҳрорнинг вақф ҳужжатларида ва “Бобурнома”да Кеш ва Шаҳрисабз номлари ёнма-ён тилга олинган. Шаҳрисабз – “кўкаламзор шаҳар” дегани.

Қарши – шаҳар номи бўлиб, Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Шаҳар XIV асргача Нахшаб деб аталган. Араблар бу маҳаллий номни Насаф деб атаганлар. Чигатой наслдан бўлган Кепакхон (1309-1326) Қашқадарё водийсига ўрнашган эски Нахшабдан икки фарсах нарида ўзига сарой қурган. Сарой мўғул тилида Қарши деб аталади. Қарши “шоҳ қалъаси” деган маънони ҳам билдиради.

Қорақалпоғистон топонимлари

Қорақалпоғистон Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен Республика мақомини 1992 йил 9 январда олган. Майдони 166,6 минг км.кв. бўлиб, давлатимиз ҳудудининг 38%ни ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудининг шимолий-ғарбида, Амударёнинг қуйи қисмида, Орол денгизининг жанубий соҳилида жойлашган. Аҳолиси 1736,5 минг кишидан иборат. Унинг таркибида 14 туман,

12 шаҳар, 17 шаҳарча бор. Пойтахти – Нукус шаҳри. Нукус – Тошкент шаҳарлари орасидаги масофа – 1225 км.

Ягона дарёси – Амударё (қуйи оқими). Дарёнинг кенг делтасида тўқайзор кўп. Султон Увайс тоғлари эстагида Бадайтўқай Давлат кўриқхонаси жойлашган.

Қорақалпоғистоннинг қисқача топонимик лугати.

Аёзқала – Беруний тумани худудидаги археологик ёдгорлик. Милоддан аввалги IV-II асрларга оид учта қалъа харобасидан иборат. Бир неча туркий халқлар фольклорининг қахрамони *Аёз* номи билан аталган.

Аршан – овул, Кегейли, Чимбой туманлари. Қорақолпоқларнинг манғит қабиласи таркибида аршан уруғи бўлган.

Атававул – овул, Амударё тумани. Атав (атау) – “орол”.

Жеткиншек – овул, Тўрткўл тумани. Жеткиншек қорақолпоқ тилида “Ўсмир ёш авлод”, деган маънони билдиради.

Мўйноқ – шаҳар, Мўйноқ тумани маркази. Мўйноқ икки таркибий қисмдан иборат: мўйин – бўйин, -оқ кичрайтириш кўшимчаси. Мўйноқ – “кичик бўйин”, «бўйинча» ёки “ярим орол” деган маъноларга эга.

Нукус – шаҳар, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти (қорақолпоқчаси – *Нукис*). *Нукус*, *нўкис*, *некуз* деган уруғ бўлган. Ривоятга кўра, Нукус (нўкис) – сургун қилинган тўққизта қизнинг ўғилларидан тарқалган кишиларнинг авлоди бўлиб, “тўққиз киши” демақдир (тожикча *нўҳ* – тўққиз, *кас* – киши). Бу ривоят, холос. Топонимнинг этимологияси ҳамон номаълум.

Нукус уруғи Нукас (“янги қишлоқ”) деган маънони англатади деювчилар ҳам учрайди.

Орол денгизи – бу гидронимнинг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикрлар баён этилган. Хива хони, йирик тарихчи олим Абулғозий Баҳодирхон Амударё денгизига қуйиладиган жойни, делтани *Орол* деб атаган. Ана шу ерда ороллилар деган элат яшаган. Л.Берг ўзининг “Орол деигизи” асарида (1908) *Орол* ўша ерда яшаган халқ – *ороллилар* номидан келиб чиққан, деб ёзади ва Ричковнинг (1755) “Орол – кўлда орол кўп бўлганидан шундай

аталган”, деган фикрини ўртага ташлайди. Чиндан ҳам орол денгизда 300 дан ортиқ ороллар бўлган.

Султон Увайс – Амударёнинг ўнг соҳилидаги тоғлар. Ўрта Осиёда тасаввуф тарғиботига асос солувчилардан бири араб Увайс Қарний номи билан аталган (VII аср). Султон унвони унга кейинчалик Ўрта Осиё халқлари томонидан берилган. Тизманинг жануби-ғарбий ён бағрида Султон Увайсинг зиёратгоҳ афсонавий қабри бор.

Тайлақовул – овул, Чимбой тумани. Эндигина туғилган туя боласи, бир ёшгача *бўта* (бўталок), бир ёшдан ошса тойлоқ дейилади. *Тайлоқовул* – қорақолиоқларнинг *тайлақ* (тойлоқ) уруги номи билан аталган.

Тарли – Кегейли туманидаги қуруқ ўзаи. Қ.Абдумуратов бу топонимни “Тариқли, тариқпоя”, деб изоҳлаган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Топонимика тушунчаси ҳақида нима биласиз?
2. Микро ва макро топонимларнинг фарқи?
3. Топонимик маълумотлар қандай тўпланади?
4. Топонимиканинг ўлкашуносликдаги аҳамияти қандай?
5. Ўзбекистон вилоятлари, Тошкент ва Қорақалпоғистон топонимлари тўғрисида нима биласиз?

Таянч сўзлар изоҳи:

Топонимика – лотинча: *топос* – жой, *онима* – ном, умуман, жой номини ўрганувчи фан.

Антропонимика – лотинча: *антропо* – одам, *онима* – ном, киши исми, фамилияси, лақабини ўрганувчи фан тармоғи.

Вихара – санскритча: ибодатхона.

Ҳадра – чегара, чекка.

Қўйлик – наслик, қўйилик.

Тошкент – тош шаҳри ёки тош билан ўралган жой, деган маъноларни билдиради.

Ойконимлар – шаҳар, қишлоқларнинг номлари.

Чокардиза – қўшни қалъа ўрдаси.

3-мавзу: Ўзбекистон вилоятлариининг тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

РЕЖА:

1. Тошкент шаҳридаги тарихий-меъморчилик ёдгорликлар.
2. Ўзбекистон вилоятларидаги тарихий-меъморчилик ёдгорликлар.

Калит сўзлар: меъморчилик, тарихий ёдгорлик, маданий мерос, меъморий услуб, санъат, қадрият, мадраса, масжид, минора, устун, мақбара, девор, пештоқ, айвон, гумбаз, кошона, нақшиқ, ҳашам, равоқ, сардоба, ёдгорлик мажмуаси.

Ўзбекистон меъморчилиги халқ маданий меъросининг таркибий қисми бўлиб, нафақат халқимиз фаҳри ва ғурури балки, умумжаҳон маданий меъросида муҳим ўринни эгаллаши билан ажралиб туради.

Томчида қуёш акс этгани каби ҳар бир тарихий манба – у асар ёхуд тарихий иншоот бўладими, барибир, ўз даври тўғрисида бизнинг бугунги ва келгуси авлодларга сўзсиз ҳикоя қилувчи бетимсол ёдгорлик намуналаридир. Шу туфайли ҳам улар халқнинг бебаҳо маданий мероси, ўтмиш қадриятларимиз ҳисобланади. Уларда асрлар тажрибаси, ота-боболаримиз – донишу олимлар, санъат ва ижод аҳли, юксак маҳорат соиҳблари бўлган усталар ижодий меҳнатининг мужассам киёфаси, мазмун-моҳияти яққол тарзда акс этган. Юртимизнинг барча ҳудудларида жойлашган халқимиз маданий меросининг нодир намуналари, айниқса, Очиқ осмон остидаги музей шаҳар ҳисобланмиш Бухоро, Самарқанд, Хива каби шаҳарлардаги кўпгина тарихий-меъморчилик иншоотлари мамлакатимизда туризм дурдоналари ҳисобланади.

Бизнингча, ўлкамизда жойлашган тарихий-маданий ёдгорликлар ўзининг қуйидаги айрим хусусиятлари билан алоҳида эътиборлидир:

- *биринчидан*, меъморчилик иншоотлари – ҳудудда яшаган аجدод-ларимизнинг ақл-тафаккури, бунёдкорлик ғояси, юксак маҳорати, санъати, меъ-морий тажрибалари ҳамда ҳукмдорларнинг ўз даврида юритган маданий сиёсатидан далолат берувчи тарихий-ашёвий намуналар эканлиги;

- **иккичидан**, тарихий иншоотларнинг узоқ асрлар мобайнида шаклланиб бориши баробарида янгича қурилиш услуб ва кўри-нишлар билан тобора бойиганлиги;

- **учинчидан**, меъморчилик иншоотларининг (улар ҳоҳ катта ёки кичик ҳажмларда бўлсин) асл мазмун-моҳияти аввалам бор инсонларни эзгуликка, улар ўртасида улугвор кадриятларни қарор топтиришга қаратилганлиги;

- **тўртинчидан**, Ўлкадаги мавжуд тарихий-маданий ёдгорликлар мамлакатимизда ривожланиб бораётган ички туризм ва халқаро туризмнинг истиқболини белгилашда муҳим омил эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўлка тарихи ва туризмни ўрганишда тарихий-меъморий ёдгорликларнинг аҳамияти жуда катта. Меъморлик санъати ва у билан чамбарчас боғлиқ халқ амалий санъати, хусусан, ияққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик, кандакорлик каби соҳаларда халқимизнинг турли даврларда эришган ижод намуналарини ўрганиш йўлида аичагина самарали тадқиқотлар мавжуд. Улар билан яқиндан танишув кишилар учун, айниқса, талаба-ёшларда она-Ватанга бўлган муҳаббат, ўз аجدодларининг меҳнати жасорати билан ғурурланиш ҳиссини шакллантиради.

Ўтмишдан бизнинг ҳозирги давримизга қадар сақланиб келаётган “зиё”га қиёс этгулик кўплаб тарихий-меъморий ёдгорлик намуналари халқимз мероси - юртимизнинг кўрки бўлиб, давлатимиз салоҳиятида, тараққиётимз учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги барчамизга аён. Шу туйғайли ҳам халқимиз ардоғидаги ва дунё эътирофига сазовор бўлган бетакрор тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, осори-атиқаларимизни авайлаб асрашимиз лозим. Зеро улар бизнинг доимий равишда ўрганиб, тарғиб-ташвиқ этадиган моддий-маънавий мулкимиз ҳамдир.

Куйида айрим вилоятлар, шунингдек, шаҳарлардаги тарихий-меъморчилик ёдгорликларидан намуналарни келтириб ўтамыз.

Тошкент шаҳридаги тарихий-меъморчилик ёдгорликлар

Абулқосим мадрасаси – 1850 йили Абулқосим шайх қурдирган. Ҳовли атрофида миёнсарой, масжид ва мадраса, ҳужралар, тўрда “Мўйи Муборак” хонақоҳи жойлашган. Ҳозир у Ўзбекистон Миллий боғи ҳудуди таркибида.

Бароқхон мадрасаси – Зарқайнар кўчасида жойлашган ёдгорлик. Бароқхон мадрасаси комплексини 3-босқичини XVI аср ўрталарида Бароқхон қурдирган.

Жомеъ масжиди – Ҳозирги Уйғур кўчаси бўйида жойлашган бу ёдгорлик XV-XIX асрларда бунёд этилган. Масжидни дастлаб 1451 йилда Хожа Аҳроп Валий қурдирган.

Каффоли Шоший мақбараси – бу меъморий обида Зарқайнар кўчасида жойлашган бўлиб, Ҳазрати Имом (Хастимом) номи билан машҳур бўлган имом Абу Бакир Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Каффол аш-Шошийга атаб қурилган. Дастлабки мақбара сақланмаган. Каффол Шоший мақбараси меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан 1541-1542 йилларда қурилган. Мақбара 1960 йили таъмирланган. 2007 йилда эса қайтадан тўлиқ таъмир қилинди.

Шу атроф-худудда кўркам тарздаги янги Жомеъ масжиди ва минора ҳамда Ислом динига доир бўлган кўплаб китоб-қўлёзмаларни ўзида жамлаган кичик музей барпо этилди. Бу музей ўзида Ислом дунёсида муқаддас саналадиган Қуръони Каримнинг ноёб нусхаси – Усмон Мусҳафини сақлаётганлиги билан ҳам ғоятда эътиборли ҳисобланади.

Кўкалдош мадрасаси – Шаҳарнинг ҳозирги Чорсу майдонида жойлашган бўлиб, 1551-1575 йилларда давлат арбоби Кўкалдош томонидан қурдирилган.

Шайх Зайниддин бобо мақбараси – 1214 йили Шайх Зайниддинга атаб солинган ёдгорлик, унинг ёнида жойлашган чиллахона XII-XIII асрларга, мақбара ўрнида бўлган хонақоҳ XIV асрга оид.

Шайх Хованд Таҳур мақбараси – Навоий шоҳкўчасида жойлашган бўлиб, Шайх Умар Боғистонийнинг ўғли – Шайх Хованд Таҳурга атаб солинган. Мавжуд ёдгорлик XV асрга оид Кўҳна мақбара пойдевори устига XVIII-XIX асрларда қурилган.

Қалдирғочбий мақбараси – бу мақбара XV асрнинг I ярмида қурилган меъморчилик ёдгорлиги бўлиб, Шайх Хованди Таҳур мақбарасидан шимолроқда. Мақбарани ким қурганлиги ва унга ким дафн қилинганлиги номаълум. Ривоятга кўра, бу ерга Қалдирғочбий исмли нуфузли аён, бошқа бир ривоятда Қалдирғочбийи исмли қипчоқ маликаси дафн этилган. Мақбаранинг 12 қиррали ташқи гумбази 1970 йили таъмир қилинган.

Юнусхон мақбараси – Навоий шоҳ кўчасида жойлашган. Мақбара XV асрда яшаган Тошкент ҳокими Юнусхон (1416-

1487й.) хотираси учун ўғиллари томонидан 1487-1502 йилларда барпо этилган. Уни 1584 йилда Юнусхоннинг кенжа ўғли Аҳмад Олчахон таъмирдан чиқазган. 2008 йили эса Давлатимиз томонидан қайтадан таъмир этилди.

Андижон вилояти тарихий- меъморчилик ёдгорликлари

Гумбаз мадраса – маҳаллий бойлардан Абдулҳамидхожи буюртмасига биноан 1872 йили Андижонда қурилган. Икки қаватли хужралар, масжид ва дарсхоналардан ташкил топган. Ҳозир бош тарзидаги пештоқ гумбазли бино ва икки қаватли хужралар сақланган.

Отақўзи мадрасаси – XX асрнинг бошларига оид бу ёдгорлик Андижонда қурилган. У пештоқ гумбазли дарвозахона, масжид-айвон, икки қаватли хужралар ва минорадан иборат. 1971-1975 йилларда таъмирланиб, унга ўлкашунослнк музейи жойлаштирилган.

Жаҳонобод масжиди – 1912 йили маҳаллий бой Мадалибобо буюртмасига кўра Исабой хожи раҳбарлигида қурилган. Масжид 1989 йилда қайта таъмирланган.

Жомеъ масжиди – Андижонда XIX асрнинг охирларида қурилган. У мадраса, масжид, минорадан иборат бўлиб, минораннинг баландлиги – 32 метр. Бинога бешта дарвоза орқали кирилган.

Наманган вилояти тарихий- меъморчилик ёдгорликлари

Ғойибназар мадрасаси – XIX асрнинг охирларида Наманганда барпо этилган ёдгорлик. Мадрасанинг бош тарзи пештоқли, бурчакларига минора ишланган. Кейинчалик унга кўшимча ишлар бажарилган. Ҳозир эса унда маданият уйи жойлашган.

Лутфулло Мавлоно мажмуаси – XX асрнинг бошларида Наманганда барпо этилган. Бу ерда масжид, мадраса, минора, мақбара каби бинолар жойлашган. 13 метр баландликка эга минора ҳам бор. У феруза рангли кошин билан безатилган. Масжиднинг бир қисми (айвон) сақланиб қолган.

Сирли масжид – XIX асрга оид Наманганда жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва икки томонлама айвондан иборат. Ҳовлисида ҳовуз бор.

Чадоқ масжиди – XVIII асрга оид вилоятда жойлашган ёдгорлик. Хонақоҳ ва уч томони айвонли. Серҳашам безакланган.

Ота Валихонтўра масжиди – XX аср бошларида меъмор Мулла Қирғиз лойиҳаси ва раҳбарлигида Намангайда қурилган. Дарвозаси пештоқли. Асосий катта хона қобирғали Ўлкан гумбаз билан ёпилган.

Мавлонбува мақбараси – 1809 йили Намаганда қурилган. Шоир Мавлонбува қабридан жануброқда пештоқ-гумбазли зиёратхона бунёд қилинган. Пештоқнинг икки ёнида минора – бурж барпо этилган.

Хожя Амин мақбараси – XVIII асрга оид Намангандаги меъморий ёдгорлик. Пештоқ ва гумбазли, бир хонали мақбарадан иборат. Унда ўйма сополчаларнинг маҳорт билаи ишлатилиши ўзбек меъморчилик мактабида ўзига хос ёрқин саҳифа очган.

Фаргона вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Худоёрхон саройи – Қўқонда XIX асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Дастлаб хон қароргоҳи, кейинроқ сарой аҳли яшайдиган 100 га яқин хона, заллар ҳамда бир қанча ҳовли бунёд этилган. Ҳозиргача саройнинг шарқидаги дарвозахона, унинг икки ёнидаги хоналар сақланган.

Норбўтабий мадрасаси – XVIII асрда Қўқонда Норбўтабий ҳукмронлиги даврида қурилган. Бир қаватли чортоқ тархли, тўрт бурчагига миноралар ишлаingan. Пештоқнинг ўнг томонида гумбазли масжид қурилиб, серҳашам безатилган.

Миён Ҳазрат мадрасаси – XVIII асрга оид Қўқон ёдгорлиги бўлиб, кўп ҳовлили. Мадрасага пештоқ гумбазли дарвоза орқали кирилади. Кўп устуили масжид ҳам қурилган.

Камол Қози мадрасаси – XIX асрда Қўқонда қурилган. Пештоқли дарвозага эга. Ҳовли атрофида хужралар, масжид ва айвоии бор.

Саид Аҳмадхўжа мадрасаси – XIX аср охирларида Марғилонда қурилган бўлиб, ҳовлисида хужралар, айвонли масжид жойлашган.

Каптарли мажмуаси – XIX асрга оид Марғилон тарихий ёдгорлиги ҳисобланиб унда масжид, минора, мақбара ва унинг ҳовлиси, гумбазли дарвозахона ҳамда тўрт бўлакли каптархона мавжуд. Мажмуада Пир Сиддиқ мақбараси ҳам жойлашган.

Подшоҳ Пирим мажмуаси – XV-XX асрларга оид Фарғона ёдгорлиги. Афсонавий саркарда Шоҳ Жалил қабри устида қурилган мақбара деб тахмин қилинади. Унинг атрофидаги бошқа бинолар кейинчалик қурилган. Бу ерда дастлаб пештоқ ва гумбазли дар-

возахона, мақбара ва сағаналар, чортоқ минора, хужралар (XV-XVI асрларда) ҳамда кейинроқ масжид қурилган (XX аср).

Халфа Тилло мажмуаси – XX аср бошларига оид бўлиб, Қўқонда жойлашган. Бу ерда икки ҳовли, ҳовузли боғ, масжид ва Халфа Тилло даҳмаси мавжуд. Даҳма пештоқли, масжид серҳашам безакли қурилган.

Ғиштли масжид – XX аср бошларида Қўқонда пишиқ ғиштдан қурилган. Хонақоҳ ва айвондан ташкил топган. Айвони нақшинкор. Ҳозир бу ерда кутубхона жойлашган.

Модарихон мақбараси – 1825 йил Қўқонда қурилган. Модарихон (хон онаси) ҳазирасига хон авлодларига мансуб аёллар қўйилган. Ҳозир мақбаранинг пештоқ гумбазли хонаси, бурчагидаги икки минора сақланган.

Даҳмаи Шоҳон (Шоҳлар даҳмаси) – XIX асрга оид Қўқон ёдгорлигидир. Бу ерда Норбўтабий ва унинг авлодлари дафн этилган даҳма – сағаналар бор. Масжид айвонин нақшли.

Бухоро вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Абдулазизхон мадрасаси – 1652 йил қурилган бу мадраса бадий безакларга бой бўлиб, Ўрта Осиё меъморчилигида алоҳида ўрин эгаллайди.

Болоҳовуз масжиди – 1712 йил қурилган бўлиб, Бухоро арки қаршисида жойлашган. Шунингдек, бу ерда хужралар (XIX аср), айвон, минора (1911-1917 й.) ва ҳовуз барпо этилган.

Исмоил Сомоний мақбараси – IX-X асрларга оид Ўрта Осиё меъморчилигининг ажойиб ва бетакрор намунасидир. У 892-907 йилларда қурилган деб тахмин қилинади. Аниқ геометрик ўлчамлар ва деворнинг қалинлиги 1,8 метргача бўлганлиги туфайли бу ёдгорлик минг йилдан буёи яхши сақланиб турибди. Ривоятларга кўра мақбара Исмоил Сомоний томонидан отаси Аҳмад ибн Асад учун қурилган. Бу тарихий ёдгорлик халқаро ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Кўкалдош мадрасаси – 1578 йил қурилган бўлиб, Лабиховуз майдонида жойлашган. Ўрта Осиёдаги эиг катта мадрасалардан бири бўлиб, 160 хужраси бор. Бу ёдгорлик Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда қурилган.

Лабиховуз – XVII асрда қурилган бўлиб, узунлиги 42 метр, эни 36 метр, чуқурлиги 5 метр чамаси бўлган ҳовуздан иборат майдонча. У 1620 йил қазилган. Савдо майдонларидан бири бўлган.

Масжиди калон (катта масжид) – жума намози ўқиладиган бу масжид 1514 йилда қурилган бўлиб катталигига кўра Самарқанддаги Бибиҳоним масжидидан кейин иккинчи ўринда туради.

Масжиднинг умумий майдони бир гектар келади (127х78). Ҳовли галереяси 288 кубба билан қопланган, уларии 200 та устун кўтариб туради, 7 та эшиги бор. Бу иншоот ҳам ноёб меъморчилик ёдгорликларидан биридир.

Мағоки Аттор масжиди – XII-XVI асрлар давомида қурилиб таъмирланган бу иншоот шаҳар марказида жойланган бўлиб, илгариги атторлар растаси ўрнига қурилганлиги туфайли Мағоки Аттори деб аталган.

Мир Араб мадрасаси – 1530 йил қурилган бўлиб, шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Бу ерда яманлик Шайх Абдулла (Мир Араб) ва унинг қариндошлари дафн қилинган. Ёдгорлик шунинг учун ҳам Мир Араб деб номланади.

Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси – XIX аср охири – XX аср бошларида қурилган бўлиб, Амир Олимхоннинг саройидир. Шаҳардан 4 км. нарида жойлашган.

Тим ва тоқлар – XVI асрда қурилган бу иншоот Бухородаги энг йирик савдо марказларидан биридир. Шаҳардаги энг йирик иншоотларидан 4 таси: Токи заргарон, Токи телпак фурушон, Токи саррофон ва Абдуллахои тими сақланиб қолган.

Улуғбек мадрасаси – 1417 йил Мирзо Улуғбек томонидан қурдирилган. Улуғбек мадрасаси дарвозаси пештоқиға “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслиманинг бурчидир”, деган сўзлар ёзилган.

Чашмайи Айюб мазори – XII асрга оид бу ёдгорлик шаҳардаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида жойлашган. Қадимги ғарбий бино ёнига XIV асрда яна иккита бино қурилган. Бу бинони эшиги тепасида Амир Темурнинг ўзи қурдирганлиги ҳақидаги маълумот қайд этилган.

Чор Минор – уни халифа Ниёзқул мадрасаси деб ҳам аташади. У XIX аср бошларида(1807)ги мураккаб меъморчилик намунаси бўлиб, пешайвон туридаги масжид, бир қаватли мадраса, ҳовуз ва пештоқдан иборат. 4 та баланд мезанаси бор. Улар минорага ўхшайди, шунинг учун ҳам Чор Минор мадрасаси деб аталади.

Навоий вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Абдуллахон банди – вилоят худудидаги қадимги сув омбори ва тўғони. XVI асрнинг 80-йилларида Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II (1557-1598 йил) қурдирган. Эски Оқчоб қишлоғи яқинидаги *Бекларсой* дарасида жойлашган. Тўғоннинг узунлиги: асосида – 73 метр, юқорисида – 85 метр, баландлиги эса 14,5 метр. Тахминан 1,2 млн. кубометр сув тўпланган.

Қосим шайх хонақоҳи – XVI–XX асрларга оид ёдгорлик. Дастлаб дин арбоби Қосим шайх (1571 йил вафот этган) учун хонақоҳ қурилган. Шайх вафот этгач ён хонага қўмилган. Даҳма мармарли. Абдуллахон II XVI асрнинг 80-йилларида хонақоҳ қурдирган. 1910 йили атрофи девор билан ўралиб, қўшимча бинолар барпо этилган.

Работи Малик (Шоҳ работи) – Буюк Ипак йўлидаги энг қадимги ва улкан карвонсарой бўлиб, тахминан 1069-1079 йилларда қурилган. Бухоро – Самарканд йўлида, Навоий шаҳри яқинида жойлашган.

Хоразм вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Кўҳна Арк – Хивада жойлашган бу ёдгорликда Анушахоннинг ўғли Арангхон томонидан 1686-1688 йилларда Кўринишхона барпо этилган. Бинода қурилиш XIX асрда давом этган. Унда тўртта ховли бўлиб, мухташам қабуллар саройи, ҳарам, зарбхона, ёзги ва қишки масжидлар қурилган.

Ичан қалъа (ички қалъа) – асоси – милоддан аввалги V асрдан, юқори қисми милодий XVIII–XIX асрларни ўз ичига олган. Майдони 26 гектарга яқин. Атрофи девор билан ўралган бўлиб, унинг узунлиги 2,1 км. 4 та маҳобатли дарвозага эга. Қалъа деворининг баландлиги 7-8 м., қалинлиги 3-4 м. Тахминан ҳар ўттиз метр масофада катта айлана бурж-миноралар туртиб чиққан. Қалъада асрлар давомида қурилган ансамбллар бўлиб, саройлар, маъмурий ва турар жой бинолари, мадрасалар ва шу каби иншоотлар мавжуд. 1842 йили Дишан қалъа қурилиши якунлангач, ичкари қисмидаги қалъа “Ичан қалъа”, деб атала бошланган.

Дишан қалъа (Ташқи қалъа) – Хиванинг ташқи қисми бўлиб, 1842 йил Муҳаммад Ёқуб Меҳтар раҳбарлигида шаҳарнинг 6 км. узунликдаги атроф-қалъа девори қурилди. Шу пайтдан бу ҳудуд “Дишан қалъа” деб атала бошланди. Деворлари орасига буржлар ўр-

натилган ҳамда 10 та мустақкам дарвозаси бор. Шаҳарнинг асосий аҳолиси яшаган бу ерда Нуриллабой саройи ва кўпгина меъморий ёдгорликлар жойлашган.

Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва минора – Мадраса Ичан қалъада жойлашган бўлиб, 1852-1855 йилларда Муҳаммад Аминхон қурдирган. Мадраса ёнида Калта Минор жойлашган. Хон ўз режасига кўра Мадраса – минорани Хивадаги энг катта ва гўзал ансамбль қилишни мўлжаллаган эди. Бироқ хоннинг ўлими туфайли минора қурилиши яқунланмай қолган. Миноранинг асос диаметри 14,2 метр, баландлиги 26 метр. Муҳаммад Аминхон мадрасаси икки қаватли, бош тарзи беш гумбазли миёнсарой, масжид, дарсхона ва бошқа қўшимча хоналардан ташкил топган. Мадраса Хивадаги энг мухташам ва йирик билим даргоҳи ҳисобланади.

Аллоқулихон мадрасаси – Хивадаги меъморий ёдгорлик бўлиб, 1834-1835 йилларда 3 м. баландликдаги сунъий тепаликда қурилган. Мадраса қаршисидаги Хўжамбердибой мадрасасига ўхшаш ҳолида барпо этилган. Иншоотда 99 та икки қаватли қатор хужралар, кишки масжид ва дарсхона жойлашган. Яна иккита минора ҳам бор.

Амир Тўра мадрасаси – 1870 йили Муҳаммад Раҳимхон II нинг акаси Амир Тўра қурдирган бўлиб, Ичан қалъада жойлашган. Олд томони икки, қолган томонлари бир қаватли. Хужралардан ташқари иккита гумбазли хона ва ёзги масжид жойлашган.

Абдуллахон мадрасаси – Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси олдида жойлашган бу ёдгорлик 1855 йил Кутлуғмурод Иноқхоннинг ўғли Абдуллахонга атаб онаси қурдирган. Квадрат тарҳли, пештоқ орқали уч гумбазли миёнсаройдан ҳовлига ўтилади. Бу ерда хужралар, масжид жойлашган.

Исломуҳжа мадрасаси ва минораси – Хивада жойлашган бу ёдгорлик Исфандиёрхоннинг вазири ва қайнотаси Исломуҳжа томонидан XX аср бошларида (1908-1910 й.) қурдирилган. Мадраса бир қаватли, унда 42 та хужралар жойлашган. Бу ердаги масжиднинг гумбази маҳобатлидир. Мадраса билан ёнма-ён қурилган миноранинг баландлиги – 44 метр, асосининг диаметри – 10 метрга яқин. Минора ҳашаматли ва кўркем ишланган бўлиб, аслида Хиванинг рамзига айланиб қолган.

Нажмиддин Кубро мақбараси – XIV асрнинг 30-йилларида қурилган бўлиб, Туркменистон худудида жойлашган. Тасаввуфдаги кубровийлик оқимининг асосчиси, шоир, олим ва шайх Нажмиддин

Кубро номи билан боғлиқ. Мақбара Нажмиддин Кубро саганаси жойлашган катта хона, бир неча қабрлари бўлган кичик хона ва зиёратгоҳлардан иборат.

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хева яқинидаги ҳозирги Саёт қишлоғида туғилган. Унинг асл номи Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий бўлиб, Абулжаноб – унинг куняси, Нажмиддин – унвони, Кубро лақаби ҳисобланган. Нажмиддин – дин юлдузи демакдир, Кубро – буюк дегани.

Атоқли Озарбойжон адиби М.Охундов: “Ватанпарвар – ўз ватанини камолоти йўлида ўз ватанига муҳаббати туфайли эзгуликлари тугул, жонини ҳам аямайдиган, халқи ва ватани озодлиги, фаровонлиги учун ўзини қурбон қилувчи нисондир” деб ёзган эди. Шайх Нажмиддин Кубро жасорати бу фикрнинг ёрқин исботидир. Гап шундаки, мўғуллар Хоразм тупроғига бостириб кирганда, у муридларини туғилган юртлрига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудофаа қилишга отланди. Шогирдларининг бирга кетиш ҳақидаги таклифига жавобан: “Мен шу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рўхсат йўқ”, – дейди ва қўлига шамшир тутиб, қўйнига тош тўлдириб, ёв қаршисига чиқади. Уларга тош отади, бир нечасини иайза билан уриб йикитади. Душманлар унга қомондан ўқ узадилар. Ўқлардан бири шайхнинг кўкрагига санчиллади. Шаҳи бўлаётган пайтда у душман қўлидан байроқни тортиб олиб, шу даражада маҳкам сиқиб ушлаганки, ўн киши бўлиб ҳам унинг қўлидан байроқни олишолмагач, бармоқларини кесишга мажбур бўлишган. Шайхнинг бу жасорати ёвни ҳам ҳайратга солган. Мазкур воқеа, мана, неча асрларки, тилдан-тилга ўтиб, афсоиага, халқ учун ибрат манбаига айланди.

Самарқанд вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Бибихоним масжиди – Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг мумтоз намунаси, маҳобатли иишоот бўлиб, Амир Темурнинг фармони билан 1399-1404 йилларда қурилган. Халқ орасида Амир Темурнинг хотини Бибихоним (асли Сароймулкхоним) номи билан машҳур. У Ўрта Осиёдаги энг йирик жомеъ масжид бўлиб, ҳовлиси саҳни 63,8 x 76,0 м. Масжиднинг умумий саҳни эса 167x109 м. Бурчакларида баланд миноралар бўлган. Зилзилалар иншоотни емирган. Обидада сўнгги меъморчилик ютуқлари ҳамда нафис безак санъати усуллари кенг қўлланилган.

Амир Темур мақбараси – Гўри Амир номи билан аталувчи бу ноёб меъморчилик ёдгорлиги Самарқандда XV аср бошларида (1404 й.) Амир Темур фармони билан унинг 1403 йил фожиали ҳалок бўлган набираси Муҳаммад Султон хотирасига қурилган.

Мақбарага Амир Темур қабри, унинг икки ўғли (Шоҳруҳ ва Мироишоҳ), икки набираси (Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбек) ва бошқаларнинг қабрлари қўйилган. Мақбара ўзининг қурилиш ва ички декорацияси (безаклаиши) билан дунёдаги энг машхур меъморчилик дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Регистон ансамбли – XIV-XVII асрларда Самарқанднинг Регистон (“*Рез*” – форс-тожикча – қум, *Регистон* – қумли жой-майдон) майдонида қурилган меъморий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Унда Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари жойлашган.

Улуғбек мадрасаси – Мирзо Улуғбек томонидан 1417-1420 йилларда қурдирилган. Бино икки қаватли, тўрт бурчак бўлиб, саҳни – 81 х 56 м. 50 та ҳужраси бор. Ўрта Осиёдаги энг мукамал ва гўзал, йирик мадраса ҳисобланади.

Шердор мадрасаси – Самарқанд ҳокими Ялангтўшбий Баҳодир томонидан 1619-1636 йилларда қурдирилган. Ялангтўш Баҳодир 1578 йил 15 августда Нурота ҳокими оиласида туғилган бўлиб, Аштархонийлар давридаги ҳарбий-мулкдор зодагонларнинг йирик вакили бўлган.

Шердор мадрасаси Улуғбек мадрасаси рўпарасида бир ўқ чизиғида жойлашган бўлиб, у ҳам икки қаватли. Пештоқ узунлиги 12,5 м. икки ёнида эса 31 м.ли миноралар бор. Мадраса пештоқида Ялангтўш Баҳодирини улуғловчи шер тасвири битилган бўлиб, иншоот шу туфайли Шердор деб номланган.

Тиллақори мадрасаси – Ялангтўшбий Баҳодир томонидан 1641-1646 йиллари қурдирилган. Мадраса ва Жомеъ масжидга мўлжалланган бу обида регистон ансамблининг мутаносиб кўринишига эга бўлишини таъминлади. Ҳовлининг ғарбидаги масжид ўз вақтида зарҳал нақшлар билан безатилган (аслида кичик мадраса бўлган бу бино кейинроқ Тиллақори мадрасаси номини олган).

Рухобод мақбараси – XIV асрнинг 80-йиллари Самарқандда Шайх Бурхониддин Соғаржийга атаб қурилган иишоот. XIX асрда унинг олдига масжид, минора, дарвозахона барпо этилган. Ёдгорлик Гўри Амир мақбарасининг шимолий қисмида жойлашган.

Ишратхона – Самарқаддаги меъморий ёдгорлик бўлиб, у ҳақда ашарат хона (яъни, арабча ўнта хона) деган фикр ҳам бор. Бу мақбара 1464 йили Султон Абу Саиднинг хотини Ҳабиба Султонбека томонидан бевақт вафот этган қизи Соҳиб Давлатбека шарафига қурилган. Бино зилзиладан қаттиқ шикастланган. У Шарқ меъморчилигининг янги услуб намуналаридан бири ҳисобланади.

Шоҳизинда ансамбли – XI-XV (XX) асрлар давомида Самарқандда барпо этилган тарихий ёдгорликлар мажмуасидан иборат. Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралар, масжид, мадраса, хонақоҳ ва минора каби иншоотларни ўз ичига олган. Уларнинг энг қадимийси Қусам Ибн Аббос (Муҳаммад с.а.в. пайғамбарнинг амакиваччалари Аббоснинг ўғли, Самарқандга 676 йил Ислом динини тарғиботи учун араб истилочилари билан бирга келиб, шу ерда ўлдирилган ва дафн этилган) бўлиб халқ орасида Шоҳизинда (форс-тожикча “Тирик шоҳ”) номи билан машҳур. XI асрда Тамғоч Буграҳон мадрасаси қурилган. Қўпчилик қурилиш ишлари XIV-XV асрларда бажарилган бўлиб, бу ерда Туглу Текин мақбараси, Амир Темурнинг сиғлиси Ширибека оқа ва опаси Туркан оқа мақбаралари, шунингдек, лашкарбошилардан Амир Бурундук мақбараси бор. Ансамблда жойлашган 20 дан ортиқ иншоот халқ санъатининг ноёб дурдонаси сифатида давлат назоратига олинган. 2006 йили бу ерда Давлат томонидан қайта таъмирлаш ишлари якунланди.

Улуғбек расадхонаси – Мирзо Улуғбек фармони билан 1428-1429 йили Самарқанд шаҳрининг Қўҳак (Чўпонота) тепалигида бунёд этилган. У доира шаклда бўлиб, уч қаватли, баландлиги 30,4 м.дан иборат. 1908 йили археолог В.Вяткин хароба ҳолидаги расадхона қолдиғини тарихий ҳужжатлар асосида излаб топган.

Расадхона ўрта асрларда асбоб-ускунаси жиҳатидан ҳам беқиёс бўлган. Улуғбекнинг машҳур асари “Зижи Қўрогоний” шу ерда ёзилган. Расадхона Улуғбек ўлдирилгандан (1449 йил) кейин вайрон этилган. Ҳозиргача оз қисми сақланган.

Ҳазрати Хизр масжиди – XIX аср ўрталарида Афросиёбнинг жанубида қурилган бу иншоот афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Бино қадимий масжид пойдевори устунига барпо бўлган. Кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899 йил), дарвозахона (1919 йил) қурилган. Масжид 1913 йилда (уста Абдуқодир

Боқиев раҳбарлигида) ҳамда 2006 йилда давлатимиз томонидан қайта таъмирланди.

Маҳдуми Аъзам мажмуаси – Самарқанд шаҳрига яқин Оқдарё туманида жойлашган бўлиб, 1542 йил вафот этган Маҳдуми Аъзам қабри атрофида XVI-XIX асрларда барпо қилинган. Бу ерда масжид, дарвозахона, чиллахона ва хужралар, ғиштин минора, ҳовуз, шунингдек, Маҳдуми Аъзам ҳазираси (қабри) жойлашган. Самарқанд ҳокими бўлган Ялангтўшбий Баҳодир хонадони даҳмаси ҳам шу ерда жойлашган.

Самарқанд ҳақида бизгача жуда кўп *ривоят* ва *афсоналар* етиб келган бўлиб, уларда айтилишича: қадим замонларда Мовароуннахрнинг пайтахти Самарқанд бўлган экан. Айтншларига қараганда, унинг биринчи ҳукмдори Кайковус бўлган экан. Самарқанд шаҳрини Шамар (исмли) мўътабар амир қурганмиш ва у Туббаъ амирларидан бўлиб, Туркистонга келиб қолган. Шундан сўнг ул (шаҳар)ни “Шамар – канд” дейишган, яъни “Самар қишлоғи”. Бориб-бориб “Самарқанд” аталиб қолган. Баъзи тарихчиларни айтишича, Шамар – бу Баъриш Абу Карб иби Ифриқиш ибн Абраҳа бўлиб, узоқ Туркистон ўлкасини босиб олган туббаликлардан эди. Айтишларича, Самарқандга етиб келганда, қанчалик тирмашмасин, уни забт эта олмаган. Самарқанд ҳокимининг бир қизи бўлиб, ўша юртнинг ҳаммасига ҳукми ўтарди. Шамар уни турли ваъдалар қилиб алдади ва кўплаб совға-саломлар билан унинг ҳузурига элчи юбориб, шундай деди: “Сен деб бу ўлкага келдим. Мақсадим: юкларим, қимматбаҳо нарсаларим ва хазинамни шу ерда қолдириб, Чин (ўлка) га боришдир”.

Қиз унинг макридан ғафлатда қолиб, уларнинг юклари ва қимматбаҳо нарсаларини шаҳарга киритишга рухсат берди.

Шамар тўрт мингта сандиққа қуролланган аскарларни жойлаб шаҳарга жўнатди. Сандиқлар шаҳарга олиб кирилгач, уларга ярим кечада, кўғнироқ овозларини эшитган заҳоти сандиқлардан чиқиши келишилган эди. Белгиланган пайтда шаҳар ташқарисидан Шамарнинг лашкарлари дарвозаларга ҳужум қилди. Сандиқлардагилар қилич ялонғочлаб чиқдилар. (Шамар) ушбу ҳийла билан шаҳарни босиб олди ва хароб қилиб, (таг-туғи билан) қазиб ташлади. Шундан сўнг (халқ) “Шамар канд” (“Шамар қазиди”), – деган экан.

Иккинчи ривоят. “Масолик ал-мамолик” асарининг муаллифи (Ал-Истаҳрий) ўз китобида шундай ёзган: “Қунларнинг бирида

Самарқанд Сўғдига етиб борганимда бир ҳовлини кўрдим. Уининг эшиги деворларига миҳлаб қўйилган эди. Бунинг сабаби нимада, деб сўраганимда, улар: “Юз йилдирки бу эшик очиқ турибди, на кечаси, на куидузи бу эшикни ёпмаганлар”. Шундай ҳам бўлиб қолардики, юзта ёки ундан кўроқ отлиқ тўсатдан келиб қолишлари мумкин эди. Шундай пайтда ҳам уй эгасининг ташвишланишига ҳожат йўқ эди. (Чунки келадиган) одамлар ва уларнинг уловлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинган ва барча зарур ишлари учун мутасаддий тайинланган бўлган. Меҳмон кишидан хонадон соҳиби хурсанд бўлиб, чеҳраси очилиб кетаркан”.

Сурхондарё вилояти тарихий-меъморилик ёдгорликлари

Саид Оталиқ мадрасаси – Сурхондарё вилоятида жойлашган бу ёдгорлик XVI асрда Саид Оталиқ томонидан қурдирилган. Бош тарзи (қисми) пештоқли, икки қаватли, ҳужралари бор.

Султон Саодат мажмуаси – X-XVII асрлар давомида қурилган бўлиб, Термизлик сайидлар авлодлари дафн этилган мақбаралар мажмуасидан иборат. Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорликка 20 га яқин мақбара кирган.

Жарқўрғон минораси – XII аср бошида қурилган бу меъморий ёдгорлик вилоятнинг Жарқўрғон тумани, Минор қишлоғида жойлашган. 8 қиррали пойдевор устига ярим айлана шаклида 16 қиррала қилиб қурилган. Ҳозирги баландлиги 21,6 м., диаметри эса 5,4 м. Уни Сарахслик меъмор Али ибн Муҳаммад 1108-1109 йилларда қургани ёзиб қўйилган.

Ҳаким ат-Термизий мажмуаси – IX-XV асрларга оид бу тарихий ёдгорлик Термизда жойлашган бўлиб, мақбаралар, масжид (XI аср), хонақоҳ (XV аср) ва бошқа иишоотлардан иборат. Бу ерда буюк аллома, муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаким ат-Термизий мақбараси мавжуд.

Қирққиз қалъаси – IX-X асрларга оид Термизда жойлашган бу ёдгорлик илк ўрта асрлардаги бойларнинг шаҳар ташқарисидаги қўрғонсаройи бўлганлиги тахмин килинади. Хом ғиштдан тикланган бу иишоотнинг тўртбурчагида тўрт минора – буржлари бўлган. Бизга қадар талай вайрона ҳолида етиб келган.

Зул Кифл мақбараси – Термиз яқинида жойлашган бу ёдгорлик IX-X асрларга оиддир. Унда масжид, гўрхона ва уларга туташ икки хонали бино жойлашган.

Искандар кўприк – вилоятда жойлашган бу кўприк 1557-1598 йилларда қурилгани тахмин қилинади. Қадимги савдо йўли (Термиз – Чағонийён ва Ҳисор) Бандихонсой устига қурилган. Умумий узунлиги 70 м. дан ортиқ. Баландлиги сой тубидан тепасигача 12,1 м. Усти уч қисмдан иборат: йўловчи ва транспорт ўтадиган йўл, сув ўтиши учун нов қурилган.

Тошкент вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Анбарбиби мақбараси – Тошкент вилояти, Зангиота қабристонида жойлашган бўлиб, XIV аср охири – XV аср бошларида қурилган ноёб меъморчилик ёдгорлигидир. Ривоятларга қараганда Зангиотанинг хотини Анбарбиби (Қанбар она) қабри устига қурилган.

Зангиота мажмуаси – Тошкентдан 16 км. Жанубда бўлиб XIV аср охири – XX аср бошларигача қурилган ноёб мемориал ёдгорликдир. Сўфийлик тарғиботчиси шайх Ойхўжа ибн Тошхўжа (тахм. 1160-1165 – 1258 й.) шарафига шундай аталган. Бу мақбарани Амир Темур қурдирганлиги ҳақида ривоятлар бор.

Қашқадарё вилояти тарихий-меъморчилик ёдгорликлари

Оқсарой – Шаҳрисабзда, 1380-1404 йилларда Амир Темур қурдирган катта сарой, қароргоҳ. Оқсаройдан бизгача фақат улкан пештоқнинг икки чеккаси ва саройнинг ҳовли саҳни безакларидан бир қисмигина етиб келган. Тарихчиларнинг ёзишича, Оқсарой тураржой ва жамоат биноси – девонхона сифатида қурилиб, хоналар ташқи ҳовли атрофида жойлашган. Саройнинг фавворали ҳовузалари бўлган. Оқсарой деворларига қопланган сидирға қошинлар ва сиркор сополлар тиниқ бўёқлар (бинафша – кўкимтир, зумрад – яшил ранглар, тилла суви ва бошқалар)дан нафис нақшлар ишланиб жозибатор безатилган. Саройнинг пештоқтига “Кимки бизнинг кучқудратимизга шубҳа қилса, қурдирган биноларимизга боқсин” мисралари Соҳибқурон Амир Темур томонидан Оқсарой пештоқида битилган. Иншоотнинг маҳобатиغا Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз вақтида юқори баҳо берган. Ҳақиқатан Оқсарой Ўрта Осиё меъморлик санъатининг энг юксак ва улугвор намунасидир.

Дор ус-сиёдат(Сайидлар уйи) ва *Дор ут-тиловат*(Тиловат уйи) *мажмуаси* – Шаҳрисабзда жойлашган бўлиб, XIV-XV асрларда Амир Темур ўзи ва авлодлари учун қурдирган масжид, мад-

раса ва мақбаралар мажмуасидан иборат. Амир Темур ўзи учун ҳам мақбара курдиргани тўғрисида ривоят бор. Пештоқ гумбазли кенг хона, унинг ён томонидан масжид, гўрхоналар, зиёратхона бўлган.

Дор ут-тиловат ансамблининг иккичи қисми ҳисобланади. Бу ерда дастлаб Амир Темур отаси Тарағайнинг пири бўлган йирик дин арбоби Шамсиддин Кулолға атаб мақбара курдирган. 1374 йилда отасига атаб курдирган мақбарага хоки кўчирилган. Кўш услубда масжид бунёд этилган. Мирзо Улугбек отаси Шохрух номидан масжид (Кўк гумбаз, 1435-1436 йиллар) курдириб, Гумбази Сайидон мажмуасини шакллантирган.

Жаҳонгир мақбараси – Шаҳрисабзда 1379-1380 йилларда урганчлик меъморлар Хоразм аёнчалари услубида бунёд этган деб тахмин қилинади. Мақбара Дор ус-сиёдат ансамблининг бир қисми бўлиб, бу ерда Амир Темурнинг тўсатдан вафот этган 22 ёшли тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо ва иккинчи ўғли Умаршайх Мирзолар дафн этилган, дейишади. Мақбаранинг гумбази сакказ қиррали кулоҳий кубба шаклида, пойгумбази ҳам 16 қиррали, безакларда сирланган ғишт ва кошинлар ишлатилган.

Гумбази Сайидон (Сайидлар гумбази) – Шаҳрисабз, 1437-1438 йилларда барпо этилган мақбара. Чортоқ тарҳли, саккиз қиррали асос устида, баланд пойгумбаз ва гумбаз қурилиб кошин билан қопланган. Мақбара ичида Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Сайид ва Мағруфжон Абул Муоний ўғиллари дафн этилган.

Бекмир мадрасаси – Қарши, 1903 йили қурилган. Мадрасанинг бош тарзи жанубга қараган, пештоғининг икки ёнига гулдаста ишланган. Икки қаватли, ўйи қаватда дарсхона ва масжид, юқорисида хужралар жойлашган. Ҳовли атрофидаги хужралар олдида саккиз қиррали, безакдор равоқли.

Кўкгумбаз масжиди – Қарши, 1590-1991 йилларда намозгоҳ услубида қурилган чортоқ тарҳли, гумбазли бино. Олд томонидаги пештоқдан хонақоҳга кирилади. Ён хоналар балхи гумбаз билан, хонақоҳ кўшгумбаз билан ёпилган. Ташқи гумбази кўк кошин билан қопланган, ички гумбаз равоқли бағал устига ўриятилган. Безакларида яшил, феруза, оқ рангли кошин ва сирланган ғишт қўлланилган.

Лангар ота мажмуаси – Қашқадарё, XV-XVI асрларда қурилган масжид ва мақбаралардан иборат. Масжид чорси тарҳли, пешайвонли икки хонақоҳдан иборат. Хонақоҳлар кошин ва гирих

нақшлар билан серҳашам безатилган. Мақбара пештоқи – гумбазли, силлиқланган ғиштлар билан қопланган, “бандак” ва “мавж” услубида терилган. Гумбази ўзаро чораси кесишган тўрт равоққа таянган.

Хўжа Қурбон мадрасаси Қаршида, XVIII асрда қурилган. Мадраса мурабба тарҳли. Бош тарзи пештоқли, унда гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Кичик ҳовли атрофи ҳужралар билан ўралган. Дарсхона миёнсаройга туташ жойлашган.

Шамсиддин кулол мақбараси Шаҳрисабзда, Дор ут-тиловатда жойлашган. Бу ерда Амир Темурнинг пири Шайх Шамсиддин кулол дафн этилган (1370 й.). Мақбара бир хонали, гумбази сақлан-маган. Ичидаги сағана мрамар тошдан, ўйма нақш билан жозибадор безатилган.

Шермуҳаммад мадрасаси Қаршида, тахминан XVII-XVIII асрларда барпо этилган. Мадраса чорси тарҳли, бош тарзи беш хонадан иборат. Марказида миёнсарой, икки ёнида дарсхона жойлашган, бурчакларига гулдасталар ишланган. Гулдасталар тепаси фокуси. Миёнсарой орқали ҳовлига чиқилади. Ҳавли атрофи олди равоқли ҳужралар билан ўралган. Безагида ганж ўймакорлиги ва гириҳ нақшлар қўлланилган.

Қамаши сардобаси – сув сақланадиган ҳовуз. У Қашқадарё вилоятида, 1892 йилда қурилган. Бош тарзи пештоқли, гумбази ясси поғонали. Гумбазидаги дарчалар орқали ичига ёруғлик тушади. Ҳовузга нештоқдаги айланма зина орқали тушилади. 1913 йилда таъмирланган.

Мавзунн мустаҳкамлаш учун саволлар:


1. Ўзбекистон меъморчилиги қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
2. Юртимиздаги тарихий-меъморий ёдгорликларнинг халқаро миқёсда тутган нуфузи қандай?
3. Шаҳрисабздаги Оксарой меъморчилиги тўғрисида нима биласиз?
4. Бибихоним масжиди ёдгорлиги ҳақида нима биласиз?
5. Шоҳизинда меъморчилик мажмуаси ҳақида маълумот келтиринг.
6. Ичан қалъа меъморчилик мажмуаси тўғрисида қандай маълумотлар биласиз?
7. Дишан қалъа меъморчилик мажмуаси тўғрисида қандай маълумотлар биласиз?
8. Худоёрхон ўрдаси меъморчилик ёдгорлиги ҳақида сўзланг.




Барокхон мадрасаси (Тошкент)



Худоёрхон саройи (Кўкон)



Исмоил Сомоний макбараси (Бухоро)



Исломхўжа минораси (Хива)



Бухоро арки



“Ўзбекистон” меҳмонхонаси (Тошкент)



Мирзо Улуғбек мадрасаси (Самарканд)



Бухоро меъморчилиги (Арк юкорисидан кўриниши)



Шоҳизинда ансамбли (Самарқанд)



Кўкалдош мадрасаси (Тошкент)



Жарқўргон минораси (Сурхондарё)



“Ичан қалъа” (Хива)



Ўзбекистон Халқ амалий санъати музейи (Тошкент)



“Бунёдор” футбол стадиони



Тоғ туризми масканлари



Меъморий иишоотлар ташки безаги намуналари

Таянч сўзлар изоҳи:

Кошона – ҳашаматли кўркам бино; сарой, қаср, кўшк.

Кошии – бино безаги учун махсус пишитилган сиркор, мўрт сопол бўлаги.

Пештоқ – Мадраса, масжид каби ҳашаматли биноларнинг кириш қисмидаги усти баланд кўтарилган ровлоқли серҳашам қисми. Пештоқ деворли бинолар кўринишида катта ўрии эгаллайди, уларга маҳобат, гўзаллик бағишлайди.

Равоқ – Бинонинг ичи ёки олдидаги ярим доира қилиб ишланган қисмлари. Тепаси суйри, давра шаклида ясалган тоқча, йўлак, тахмон.

4-мавзу: Ўлка тарихи ва туризмини ўрганишда архивларнинг ўрни

РЕЖА:

1. Архивлар ҳақида умумий тушунча, уларнинг шаклланиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви.

Калит сўзлар:

Архив ҳужжатлари, архив жамғармаси (архив фондри), ҳужжатларнинг ягона сақланмаси, архив ишлари, кинофильм негативлари, фотосурат, хариталар, плакат, ҳужжатларни компьютерлаштириш, архив ишига доир қонунлар.

Архивлар ҳақида умумий тушунча, уларнинг шаклланиши

Архив сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, архивум – “ҳужжатлар сақланадиган жой” ёхуд ҳужжат асров, мустаҳкам уй, – деган маъноларни англатади. Архивларда ташкилот, муассаса, корхона, жамоа ва давлат хўжалиқларининг, айрим шахсларининг кўп йиллик фаолияти ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатлар сақланади. Ўлка тарихини ҳаққоний ўрганишда бу ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта. Архив ҳужжатларини қидириб топиш, улар устида ишлаш ва олинган маълумотларни ҳаётга тадбиқ этиш кишилардан катта масъулият талаб қилади.

Ҳозирги кунда тадқиқотчилар, олий ўқув юрklarининг профессор-ўқитувчилари зиммасидаги муҳим вазифалардан бири ана шу ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиб, таълим-тарбия жараён-

ларида кенг фойдаланиш ва ёшларни шу йўл билан ҳар томонлама билимли, баркамол шахс қилиб камол топишларини таъмин этишдир.

Архив материаллари мактаб ва олий ўқув юртларида ўлка тарихидан ўқилаётган маъруза ва амалий машғулотларда ёшларни ўтмишда кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнларнинг ҳаққоний ҳолати ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишида асосий омил бўлиб хизмат қилади ҳамда мактаб ўлкашунослик музейини ташкил қилишга ёрдам беради.

Ўлкамизда архивлар узоқ шаклланиш тарихига эга. Қадимги ўзбек давлатларида III-IV асрлардаёқ марказлашган ҳамда хусусий архивлар мавжуд бўлган. Масалан, Темурийлар давлатида (XIV-XV асрлар), кейинчалик эса Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида сарой архив-кутубхоналари фаолият кўрсатган.

Архив ҳужжатлари ёзма ва оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Оғзаки тарихий ҳужжатлар ҳар хил техника воситалари билан ёзиб ёки тасвирлаб олинади. Ҳужжатлар махсус жойларда, яъни архивларда соҳаларга ажратилиб хронологик саналарига, қиммати ва аҳамиятига қараб, тартибга солинган ҳолда сақланади. Бизгача Қўқон ва Хива хонликларидаги ва Бухоро амирлигининг Қушбеги архивлари етиб келган. 1876 йил А.Л.Троицкая Қўқон хонлиги архиви устида тадқиқот олиб борди ва “Каталог архива Кокандских ханов XIX веков” номи билан рисоласини ёзди.

Ўзбекистонда архившунослик ишлари фақат 1917 йилдан кейин ривожлана бошлади. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб архив ишларига катта эътибор берилди. Ҳужжатларни сақлаш ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш мақсадида Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 1 июнда “Архив ишини қайта куриш ва марказлаштириш ҳақида” деб иомланган декретига асосан Москвада Давлат архив фонди ташкил этилди. Шу декретга асосан тарқоқ архивлар марказлашди. 1918 йил архив иши бўйича “Ягона Давлат Архиви Жамғармаси” (ЯДАЖ) тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу қарорга асосан тарқоқ архивлар марказлашди.

1919 йил 15 ноябрда “Архив ишлари Марказий бошқармаси” (АИМБ) бошлиғи В.И.Кучербаев Москвадан Тошкентга келди. У архившунос Д.И.Ничкин билан ҳамкорликда Тошкентда архив ишларини тартибга солиш учун тадқиқот ишларини олиб борди.

Ҳозирги вақтда Давлат Архив Фонди (ДАФ) таркибига 1917

йилгача ва ундан кейинги даврлар бўйича барча ташкилотларнинг фаолияти, муассасалар ва айрим шахслар, шунингдек, тарихий ёзма ёдгорликлар, ҳуқуқ, санъат, адабиёт ва Ҳамдўстлик давлатлари халқларининг маиший, маънавий маданияти, кинофото ҳужжат фондлари, кинофильм негативлари, фотосуратлар, граммафон, патифон пластинкалари ва ёзиб олинган овоз материаллари, илмий-тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бошқа нарсалар: иллюстрациялар, кўлёзма негативлар, шунингдек, тарғибот ва ташвиқот мақсадида нашр қилинган плакатлар, варақалар, эълонлар, микрофото ҳужжатлари киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви

Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзРМДА) сақланаётган қимматбаҳо ҳужжатларнинг сони ва моҳияти жиҳатидан Ўрта Осиё давлатлари Марказий Давлат архивлари ичида энг йиригидир. Унда, асосан, XIX асрининг иккинчи ярмидан бошлаб, то ҳозирги вақтгача бўлган жуда кўп сонли ҳужжатлар сақланмоқда. Туркистон Генерал губернаторлигига қарашли, ҳозирги Ўзбекистон, Туркмаистон, Тожикистон, Қирғизистон ва қисман Қозоғистон давлатлари ҳудудларндаги вилоят, уезд, волост, муассаса ва корхона ҳамда ташкилотларнинг тарихий фаолиятига доир бўлган муҳим ҳужжатлар мана шу Марказий архивда сақланмоқда. Бу ердаги Туркистонда подшо ҳукуматининг олиб борган мустамлакачилик сиёсати, рус халқи билан Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек халқининг маданий алоқалари, чор буржуа аппарати ва баъзи ташкилотларнинг бекор қилиниши ҳақидаги хилма-хил ва бой материаллар ўлка тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Туркистон ўлкасидаги Чор ҳукуматининг маъмурий ташкилотлари фаолиятига доир ҳужжатлар тўлалигича сақланган. Бу ҳужжатларнинг кўпчилиги Чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига оид бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, чоризмнинг юргизган сиёсати, чоризм амалдорларининг ҳатти-ҳаракатлари, чоризмга қарши халқ ҳаракатлари, курғоқчилик, қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка қарши курашларга оиддир. Архив ҳужжатлари тартибли равишда сақланмоқда.

Ўрта Осиё хонликлари, диний бошқармалари фаолиятига доир ҳужжатлар деярли йўқ бўлиб кетган, айрим мавжуд мате-

риаллар эса Ўлкани подшо Россияси томонидан босиб олинди жараёнидаги ҳарбий тўқнашувлар даврида йўқ қилиб юборилган. Академик В.В.Бартольднинг сўзларига қараганда, босиб олинган жойларда хонликларнинг кутубхона ва архив ҳужжатларини сақлаб қолиш учун ҳеч қандай чора-тадбир кўрилмаган. Умуман, улар Ўрта Осиё халқларининг маданияти ва тарихий ёдгорликларини сақлаб қолишга етарли аҳамият беришмаган. Умуман, 1917 йилгача архив ишлари яхши йўлга қўйилмаган эди. Мавжуд ҳужжатлар эса Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг махсус бўлимларида сақланиб келди.

Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланаётган бу бебаҳо ҳужжатлар XIX асрнинг иккинчи ярмида то XX асрнинг бошларигача бўлган Ўрта Осиё, шу жумладан, ўлка халқлари тарихини ўрганишда катта манба бўлиб хизмат қилади. Архив ишлари, уни тартибга солиш ва ривожлантириш фақат XIX асрнинг 20-йилларидан кейингина тўлиқ амалга оширилади. Дастлабки кунлардан бошлаб архив ишларини тартибга солиш ва қайта куриш тадбирлари амалга оширилди. 1928 йил 1 июнда собиқ Совет ҳукуматининг “РСФСРда архив ишларини қайта куриш ва марказлаштириш тўғрисида” деб чиқарган Декрети асосида Туркистонда, сўнг Ўзбекистонда ҳам архив ишлари қайта кўриб чиқилди ва марказлаштирилди.

Давлат архиви бўлими 8 та шўба, 4 та бўлимдан иборат:

1. Маъмурий-дипломатик, юридик шўба.
2. Ҳарбий шўба.
3. Маориф ва иқтисодиёт шўбаси.
5. Тарихий-инқилобий шўба ва б.

Архивларда ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари 1, 10, 25, 75 йил ва бир умрлик қилиб белгиланган. 1920 йил мартда Фарғонада, июнда Самарқандда, 1921 йил Бухорода архив жамғармалари (АЖ) ташкил этилди. 1924 йил 28 декабрда махсус қарор билан Ўзбекистон ССР МИК ҳузурида Ўзбекистон ССР Архив Ишлари Марказий Бошқармаси (АИМБ) ташкил қилинди. Унда асосан Ўзбекистонда ташкил қилинган архивлар: Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларда вужудга келган архив жамғармалари Ўзбекистон Архив ишлари Марказий Бошқармасига топширилди.

1925 йил 25 июль қарори билан ЎзССР МИК ва ХКС (Халқ

комиссарлари совети)да “Марказий бошқарув” тўғрисида қарор қабул қилинди. 1931 йил 20 майда Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитасининг қарорига асосан Ўзбекистон Марказий Давлат архиви ташкил этилди. Ҳақиқатан ҳам XIX асрнинг 20-30 йилларига доир ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий архиви ишлари бошқармасининг ҳар хил шўбаларида сақланиб келинади.

Тарих ва маданият, юридик ва иқтисодий бўлимлардаги 122 та фонддаги 188 710 та иш бирлиги (ед. хр.) ёки ҳужжатлар 1926 йилга қадар архив ишлари бошқармасининг 3 та шўбасида сақланиб келди.

1924 йили Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари тугатилиб, уларнинг ўрнида Ўзбекистон ССР ташкил топгач, соҳа архивларидаги барча ҳужжатлар Ўзбекистон Марказий Давлат архивига топширилди ва архив фондлари шу ҳужжатлар ҳисобига бойиди. Шундан сўнг Республиканинг барча ташкилотларидаги ҳужжатлар мунтазам равишда Марказий архивга кела бошлади.

Марказий архив фондларидан жой олган бу ҳужжатлар фақат ўзбек халқининг тарихинигина эмас, балки туркман, тожик, қирғиз, қозоқ ва бошқа қардош халқлар тарихини ҳам чуқур ва ҳар томонлама ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Марказий Давлат архив фондларида ҳали тадқиқотчиларнинг қўли тегмаган, Туркистон халқларининг 1918-1920 йилларда олиб борган миллий-озодлик ва эрк учун курашлари тўғрисида, Туркистон Шўролар ҳукуматининг Туркистон мухториятини тан олмаганлиги, уни ағдариб ташлаб, йўқ қилганлиги, миллий истиклол учун кураш олиб борган Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарлар аҳолисининг Шўролар томонидан шафқатсизлик билан қирилганлиги, миллий сиёсатни амалга оширишда Шўролар ҳукуматининг йўл қўйган хатолари натижасида биргина Фарғона водийсида 180 дан ортиқ шаҳар-қишлоқларнинг шавқатсизлик билан йўқ қилиб юборилганлиги ҳақидаги муҳим ҳужжатлар мавжуд.

Ўзбекистон Марказий Давлат архиви Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчасидаги 4 қаватли ҳашаматли бинода жойлашган. Бу бино архив ҳужжатларини сақлашга мослаб қурилган. Ҳужжатлар сақланаётган хоналардан тортиб, то ўқув залигача замон талабига

жавоб берадиган қилиб жиҳозланган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Республика аҳамиятига молик 3 та Марказий Давлат Архиви, 11 та вилоят архиви ва жойларда уларниинг 40 дан ортиқ филиаллари бор.

Архив ҳужжатлари асосида жуда кўплаб илмий ишлар ҳимоя қилинган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти илмий ходимлари 4 жилдлик “Ўзбекистон халқлари тарихи”ни архив ҳужжатлари асосида тайёрлаганлар. Нашрдан чиққан кўпгина йирик илмий ишлар шу архив ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда майдонга келади. Ўтган даврда ўзбек халқи эришган ютуқ ва камчиликлар ҳақидаги маълумотларни олишда архив материалларидан жуда кўп фойдаланилди ва шу асосда йирик илмий тадқиқот ишлари юзага келди.

Ўзбекистон Республикасида жами 77 та давлат архивлари бўлиб, уларда 6 млн.га яқин ҳужжатлар, жумладан 360 мингдан ортиқ суратли ҳужжатлар, 14 мингга яқин овозли ҳужжатлар, 17,5 мингга яқин киноҳужжатлар сақланмоқда (1999 йилги маълумот).

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ва ўрганишга бўлган қизиқиш кундан кунга ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда педагогика олий ўқув юртлари, университетларнинг Тарих факультетларида “Тарихий ўлкашунослик”, “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанларининг ўқитилиши талабаларнинг архив ҳужжатларини ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтирди. Кўпгина талабалар ўзларининг курс иши, битирув малакавий иши ва магистрлик ишларини архив материаллари асосида ёзмоқдалар.

Архив ҳужжатларидан фойдаланишии осонлаштириш мақсадида “йўриқномалар” нашр қилинган, булар архивда сақланаётган ҳужжатли манбаларнинг маъно-мазмунини очиб беради, ҳужжатларни ўрганувчиларга қулайлик туғдиради.

Ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланган архившунослик ўлка тарихини, шу жумладан Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама ва чуқур ўрганишда талабаларга катта ёрдам беради. Шуни такидлаб ўтиш керакки, Республикаимизнинг ҳамма туманларида ва вилоятларида туман ва вилоят архивлари мавжуд. Туман архивлари ўз қўл остидаги барча муассаса ва ташкилотлардаги Давлат аҳамиятига эга бўлган ҳужжатларни йиғиб олади ва маълум муддатдан сўнг уларни вилоят давлат архивларига,

улар эса ўз соҳа ва тармоқлари бўйича Республика архивлари ёки бошқарма, ёки вазирликларга, улар ҳам ўз навбатида бир қанча муддат сақлаганларидан сўнг Марказий Давлат архивининг қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳужжатларни тайёрлаб, сўнг Марказий Давлат архивига топширади. Бундан ташқари, Тошкентда Республика партия ташкилотлари, яъни туман, вилоят, Республика партия ташкилотларининг ҳам махсус архивлари мавжуд. Бу архивларда бошланғич партия ташкилоти ҳужжатлари сақланади. Ушбу архивлардан ташқари фан соҳасининг бир неча тармоқларини ўз ичига олган архивлар ҳам бор.

Мустақиллик йилларидан бошлаб, Ўзбекистонда архив ишларини ривожлантириш борасида йирик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Архив иши тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. 2004 йил 30 апрелда эса ушбу қонунга ўзгартиришлар киритилди.

2009 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида” навбатдаги қонуни қабул қилинди. Бу қонун 6 боб, 36 моддадан иборат. Унда Ўзбекистонда архив иши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга доир масалалар акс этган бўлиб, архив ишларини замонавий тарзда ташкил этишни йўлга қўйиш, ҳужжатларни сақланиши ва улардан фойдаланишни янада самарали бўлишини таъминлашга муҳим эътибор қаратилган. Айниқса, ҳозирги вақтда архив ҳужжатларининг компьютерлаштирилиши, ахборот олиш имкониятини янада осонлашувига олиб келмоқда.

Архив ҳужжатлари ҳар бир дарснинг ғоявий, сиёсий томонларини далилий материаллар билан асослайди, унинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини оширади, ёш авлоднинг, аجدодларимиз меросини ўрганишга бўлган қизиқишини таъминлайди ва уларда ватанпарварлик туйғусини шаклланишига хизмат қилади.

Мавзуни мустақамлаш учун саволлар:

1. Архивлар ҳақида қандай тушунчага эгасиз ва уларнинг ўлкашуносликдаги аҳамияти қандай?
2. Ўзбекистон Марказий Давлат архиви қандай фондларга эга?
3. Мустақил Ўзбекистонда архив ишлари қандай йўлга қўйилган?

4. Архив ишларини ташкил этишга доир Ўзбекистонда қандай қонунлар қабул қилинган?

Тайич сўзлар изохи:

Фонд – архивларда маълум йўналишдаги ҳужжатлар сақланадиган жой, жамғарма.

ДАФ – Давлат Архив Фонди.

Архив – (ҳужжат асров) давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар сақланадиган муассаса.

5-мавзу: Ўлка тарихи ва туризмни ўрганишда музей экспонатлари ва ўлкашунослик тўғараклари

РЕЖА:

1. Тарихий ўлкашунослик ва туризм фанини ўрганишда музейларнинг аҳамияти. Музей турлари.
2. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи.
3. Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари музейлари.
4. Ўлкашунослик тўғараклари.

Калит сўзлар: *Музей турлари, маданият ва маърифат ўчоғи, илмий-маданий муассаса, экспозиция, экспонат, уй-музейлар, галереялар, ўлкашунослик музейи, санъат музейи, Амир Темур ва темурийлар тарихи музейи, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, очиқ осмон остидаги музей-шаҳар, музей-қўриқхона, мустақиллик йилларида музейлар.*

Тарихий ўлкашунослик ва туризм фанини ўрганишда музейларнинг аҳамияти. Музей турлари.

Ўзбекистонда мустақиллик йиллардан бошлаб музейларга давлат аҳамиятига эга бўлган маданият ва маърифат соҳаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, ривожланиши кенг йўлга қўйилди. Бу тўғрида Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсақ, у шу халқнинг фарзандлари, келажак авлод қалбида фахрифтихор туйғусини уйғота олиши керак"¹. 1998 йил 12 январда "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди². Унда музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шароитлар, чора-тадбирлар кўриш ҳақидаги масалалар қайд этилган. Республикамиз худудида уч турдаги музейлар мавжуд бўлиб, биринчи турдаги музейларга илмий-тадқиқот ва маданий-маърифий ишларни олиб борадиган музейлар киради. Иккинчи турдаги му-

¹ Мозийдан садо. 2004, 2-сон, 2-бет.

² Мустақиллик, изоҳли илмий-оммабол луғат. Тошкент: Шарк, 2006. 510-бет.

зейларга фақат бир соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишлар олиб борадиган, музей лабораторияларга эга бўлган махсус музейлар (масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги бактериология ва минералогия музейи) киради ва ниҳоят, учинчи турдаги музейларга фақат ўқув туридаги музейлар киради. Бу музейларнинг асосий мақсади ўқув жараёнини замон талаблари даражасида яхшилашдан иборат. Музей турлари кўп жihatдан унда сақланаётган коллекция жамғармаларининг тавсифига, улар фаолиятининг йўналишига боғлиқ. Шунингдек, турли фан соҳаларига тегишли бўлган музейлар ҳам бор. Бу музейлар орасида кўпроқ маълум бўлганлари асосан тегишли соҳа мутахассисликларига оид тармоқ музейлардир. Масалан, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Тасвирий санъат музейи, Алишер Навоий номли адабиёт музейи, Туркистон ҳарбий округи музейи, Термиз давлат археология музейи, Табиатшунослик музейларини айтиш мумкин. Археология ва этнография материаллари деярли ҳамма музейларда кенг кўламда ўз ўрнини топган. Аммо ҳарбий-тарихий, мемориал, минтақавий, санъатшунослик, техника музейларини кўпроқ ўша соҳа мутахассисларига мослиги билан чекланиб қолган. Ўқувчиларни уларни ўрганишга қизиқтириш давр талабидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз худудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, кишлок, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар мавжуд¹. Уладан 96 таси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли. Республикамиз бўйича 27 та тарихий, 28 та ўлкашунослик, 11 та бадиий, 8 та адабий, 14 та ёдгорлик, 1 та табиий-илмий, 7 та адабиёт, 3 та музей-қўриқхоналар фаолият кўсатади.

Республикаси Фанлар академияси тасарруфида эса 4 та музей бўлиб, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи шулар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг турли соҳаларга оид музейлари орасида учта йирик – Самарқанд, Бухоро ва Хива қўриқхона-музейи ҳамда учта йирик бадиий музейлар бор, улардан бири – **Ўзбекистон Давлат санъат музейи** (Тошкент шаҳри)да тасвирий санъат асарлари ва халқ амалий санъатини ажойиб намуналари жамланган бўлиб, чин-

¹ Ҳабибуллаев Н. Ўзбек музейларининг истикболи. Мозийдан садо. 1999. 1-2-сонлар, 2-бет.

дан ҳам Ўзбекистоннинг миллий хазинаси номини олган. Иккинчиси – **Ўзбекистон халқ амалий санъати музейи** (Тошкент шаҳри)да амалий санъатнинг асл дурдоналари йиғилган. Бу музей халқаро кўргазмаларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Учинчи бадий музей – **Г.И.Савицкий номидаги Давлат санъат музейи** (Нукус шаҳри)да рус ва ўзбек авангард тасвирий санъатининг кўплаб асарлари, Қорақашпоғистон халқ амалий санъатининг ноёб намуналари билан танишиш мумкин.

Музейлар кишиларга, айниқса ёшларимиз учун миллий ўзликни англашига, Ватан ва халқимиз тўғрисида, бугунги ҳаётимиз, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлар тўғрисида ҳаққоний тасаввурларни уйғотиш ишига хизмат қилади.

Музейларимиз тарихий ва маданий ёдгорликларни тадқиқ ва тарғиб қиладиган қутлуғ масканларга, буюк алломаларимиз – оқил ва фозил кишилар асарлари, нодир қўлёзмаларининг ҳамда халқ устали ясаган буюмлар сақланаётган хазиналарга айланган.

Сўнги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор қадимий шаҳарларнинг юбилей-тантаналари ўтказилди. ЮНЕСКО қарори билан Хива, Бухоро ва Термизнинг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз, Қаршининг 2700 йиллиги, Самарқанднинг 2750 йиллиги ва Ватанимиз пойтахти Тошкентнинг 2200 йиллигини ўтказилиши ушбу шаҳарлардаги тарихий обидаларни тиклаш, таъмир қилинишига, шуингдек, улардаги музейлар ишини тубдан яхшиланишига, коллекцияларни янги археологик топилмалар билан тўлдирилишига имкон берди. Улардан бири Термиз археология музейи бўлиб, 2001 йилнинг 24 октябрида ташкил этилди. Музей ўз фаолиятини 2002 йил 2 апрелидан бошлаган. Унинг фондларида вилоятнинг моддий ва маънавий маданиятига оид 27000 дан ортиқ ашёлар сақланади. Бу ерда йиғилган ва сақланаётган барча материаллар музейнинг илмий базасини ташкил этади ва унинг фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади. Мана шу каби манбалар асосида музейларда илмий тадқиқот ҳамда маданий-маърифий, таълим-тарбиявий ишларни олиб боради.

Мустақиллик шарофати билан Республикамиз Президенти И.А.Каримов ташаббуслари асосида мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилиди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан миллий мустақил-

лик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо қилган ўғлонларнинг қутлуғ хотирасига пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ташкил этилган “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи 2002 йил 1 августда очилди. Музей биносининг айнан шундай ўлчовдаги ёнмаёن қурилган II қисми эса 2008 йилда ўз фойлиятини бошлади.

Мустақиллик йилларида музей-қўриқхоналарга ҳам давлат томонидан эътибор кучайтирилди. Масалан, Самарқанд Давлат музей-қўриқхонаси ўзининг 100 йилдан зиёд давом этган фаолияти натижасида Республикамизнинг йирик музей-қўриқхонасига айланди. 1977 йилда у Халқаро Музейлар Кенгаши (ИКОМ)га аъзо бўлган. Музей-қўриқхона ходимлари Халқаро Музей Кенгаши дастури бўйича Франция, Германия, Ирландия, Россия, Украина, Латвия, Қозоғистон каби мамлакатларда бўлиб ўтган анжуманларда қатнашдилар. Ўз навбатида 1981 йил Халқаро музейлар Кенгашининг минтақавий анжумани қатнашчиларини қабул қилди.

Сўнгги йилларда ташкил этилган музейлардан бири – ислом дини тасаввуф оқими тарихи музейи бўлиб, у буюк ҳамюртларимиз, Ўрта Осиёдаги тасаввуф илмининг асосчиларидан бири Абдуҳолик Ғиждувонийнинг 900 йиллиги ва Баҳоуддин Нақшбандийнинг 685 йиллиги юбилейлари муносабати билан очилган. Ундаги экспозиция материаллари VII асрдан XXI аср бошларига қадар бўлган даврга оиддир. Экспозиция марказида “Қуръони карим”нинг қўлёзма нусхаларидан бири ва униинг атрофида “Ҳадис”лар жойлаштирилган.

Нуфузли музейлардан яна бири – Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг Геология музейи 1988 йили очилган. Музейда Ўзбекистон геология музейи бошқармаси томонидан тўплаианган коллекциялар ҳамда геология ташкилотлари, муассасалар, таниқли геолог олимлар томонидан 75 йил давомида тўпланган коллекциялар жамланган. Геология музейи қисқа вақт ичида Давлат геология қўмитасининг тадқиқот ишлари ҳамда Республикамизнинг турли ҳудудларида изланишлар олиб борадиган илмий-ўқув марказига айланди. Зеро, у геологик ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган турли ташкилот ва муассасаларнинг музейлари устидан услубий-бошқарув маркази вазифасини ҳам амалга оширади. Аҳоли кенг қатламлари, олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув – маърифий ишларнинг олиб борилишини ҳам геология музейи ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоб-

лайди. Музей экспозициялари ва сақлов хоналарида сақланаётган ашёлар сони 32 000 дан ортиқдир.

Музейлар фақатгина дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш ёхуд тадқиқот маскани бўлибгина қолмай, айти вақтда улар кишиларнинг дунёқарашларини кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейи

Таниқли олимлар ва жамоат арбоблари А.П.Федченко, В.Ф.Ошанин, Н.А.Маев ва бошқаларнинг ташаббуси билан давтавал 1876 йилда таъсис этилган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. У Ўрта Осиёда энг тўнғич музей ҳисобланади. Ўзининг 135 йилга яқин ўтган фаолияти даврида музей республиканинг энг йирик илмий-тадқиқот, маданий-оқартув даргоҳига айланди. Эндиликда у Ўзбекистон халқининг бекиёс маданий-маърифий бойлиги сақланаётган муборак хазина тимсолида ардоқлидир. Унинг фондида 250 мингдан ортиқ турли экспонатлар мавжуд бўлиб, айти вақтда улар жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ўтадиган кўргазмаларнинг кўрки ҳисобланади. Музейимизга юз минглаб чет эллик сайёҳ ва меҳмонлар ҳамда юртдошларимиз томоша қилиш учун ташриф буюрмоқдалар. Музей экспозициялари Бельгия, АҚШ ва Япония сингари чет эл мамлакатларида бир неча марта намоиш қилинган. Экспонатлар ранг-баранг бўлиб, энг қадимги даврлардан тортиб, ҳозирги вақтгача бўлган ёдгорлик намуналарини ўз ичига олган. Унинг биринчи бўлимида тош даври материаллари намоиш қилинади. Бу ерда шунингдек, кўчманчилик даври маданияти, Замонбобо манзилгоҳидаги одамларнинг деҳқончилик маданиятига доир мероси сайёҳ – кузатувчиларнинг эътиборини ўзига жалб этади.

Ҳозирги вақтда юртимизда турли соҳа музейлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар мобайнида музейлар халқимизнинг, айтиниқса ёшларнинг ҳақиқий маънавий-маданий масканига айланиб қолди. Пойтахтимизнинг “Мустақиллик майдони” ёнида жойлашган “Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси” ҳам шу фикрни тасдиқлайди. 2004 йили Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунида очилган Галерея залларида ХХ асрнинг бошларидан ҳозирга қадар яратилган Ўзбекистон тасвирий санъати асарларининг бой тўплами, Ўрта Осиёда зарб этилган ноёб тангалар коллекцияси ва бошқа экспонатлар намоиш этилмоқда.

Ҳозрги кунда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ранг-баранг музейлар қаторидан уй-музейлар ҳам жой олган бўлиб, уларнинг аксарият қисми мамлакатимиз пойтахти – Тошкент шаҳрида жойлашган, улар қуйидагилардир:

- Абдулла Қодирий уй-музейи;
- Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек уй-музейи;
- Ғафур Ғулом уй-музейи;
- Мухтор Ашрафий уй-музейи;
- Ўрол Тансиқбоев мемориал уй-музейи;
- Йўлдош Охунбобоев мемориал уй-музейи;
- Тамарахоним мемориал уй-музейи;
- Ҳабиб Абдуллаев уй-музейи;
- Юнус Ражабий уй-музейи ва бошқалар.

Мақтаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари музейлари

Музейлар воситасида Ватанимиз ўтмишининг унутилган бой саҳифаларини, ҳаққоний тарихимизни қайта тиклаш, ёшлар онгида миллий гурур, миллий онгни юксалтириш, уларни буюк аجدодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш зарур. Бу ишларни амалга оширишда юқорида қайд этилган музейлар, шунингдек, мақтаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ташкил этилган музейлар жуда катта аҳамиятга эга. Шу тариқа Олий таълим муассасаси, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ташкил этилган музейларнинг ёшлар тарбияси ва камолотида тутган ўрни беқиёс ҳисобланади.

Музей бўйлаб саёҳат ва ундаги экспонатларни кўриб-кузатиш, яқиндан танишиш инсон хотирасида узоқ сақланади. Чунки, ўқувчи у ерга боргач илгари ҳеч кузатмаган, балки фақат китобларда ўқиган ёки расминигина кўрган нарсаларнинг яққол ҳолатларини кўриб, бошқа дунёга тушиб қолгандай сезади ўзини. Бу ерда кўрган нарсалари, ким билан илк бор музейга борганлиги эса ҳеч қачон ёдидан чиқмайди. Зеро, кўз орқали кўриб-кузатиш орқали олинган ахборотлар инсон хотирасида мустаҳкам сақланишини мутахассислар алоҳида қайд этишган. Шу тариқа ёшларизни тарихий ёдгорликларни авайлаб сақлашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва мада-

ниятини янада ривожлаштириш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатиш зарур.

Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларининг музейлари ўқувчилар билан олиб бориладиган барча ўлкашунослик ишларининг маркази ҳисобланади. У, биринчидан, мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилашга, ўқувчиларда ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантиришга, уларни ватанпарварлик, бурчга садоқат, ўлка тарихига ҳурмат руҳида тарбиялашда катта ёрдам беради. Иккинчидан, ўлка тарихига оид ёзма ва моддий-маданий ёдгорликларнинг бир жойга тўпланиши ҳамда сақланиши давлат ва халқ музейлари жамланмаларининг бойиб боришига имкон яратади.

Таълим муассасасидаги ўлкашунослик музейи – тарихий-маданий материаллар тўпланиб, намойиш қилишга мўжалланган, экспонатларнинг асл нусхалари ёки кўчирмалари даврлар бўйича илмий тизимга солинган, муассаса жамоаси, ўқувчилар ҳамда ўша ҳудудда яшайдиган маҳаллий аҳолига мўжалланган илмий-маданий маскандир.

Шунинг учун ҳам ҳар бир таълим муассасаси ўзининг ўлкашунослик музейига эга бўлмоғи керак. Музей ташкил қилинишидан аввал ўқув муассасасининг педагогик кенгаши ва жамоат ташкилотлари томонидан пухта ишланган, педагогик кенгаш тарафидан тасдиқланган режага эга бўлмоқ лозим. Режада биринчи навбатда тузиладиган музейнинг йўналиши аниқлаб олиниши керак. Маълумки, музейнинг йўналиши муассасада ўқитилаётган фанларнинг ўзига хос хусусиятларини, музейнинг асосий жамланмасини, яъни ёзма ва моддий-маданий ёдгорликларнинг асл нусхаларини қидириб топиш имкониятларини, ўқув-тарбия ишларининг мақсад ва вазифаларини, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг истак ва манфаатларини, ниҳоят муассаса жойлашган қишлоқ, туман, вилоят – ўлканинг хусусият ҳамда имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шунга кўра ўқув муассаса музейи тарихий-инқилобий, ҳарбий-тарихий (жанговар), шон-шухрат, археология, этнография, мемориал, қишлоқ ёки шаҳар, ўқув муассаса тарихи йўналишида тузилиши мумкин. Мажмуа (комплекс) музей, яъни табиат, хўжалик ва тарих бўлимларидан иборат бўлган музей давлат ва ўлкашунослик музейлари бўлмаган қишлоқ ҳамда шаҳарча муассасаларида тузилади.

Давлат ёки маҳаллий ўлкашунослик музейлари мавжуд бўлган ерларда эса бошқа йўналишдаги ўлкашунослик музейлари (тари-

хий-инқилобий, ҳарбий-тарихий, археологик, мемориал, этнографик ва ҳоказо) тузилиши мумкин. Ўлкашунослик музейларининг бу йўналишдагиларини ташкил этганда шунга алоҳида этибор бериш керакки, улар бутун имконияти билан таълим-тарбиянинг мақсад ва мафаатларига тўла хизмат қилсин, туман, шаҳар ва ўлкадаги аҳолининг ўтмиши, ҳаёт тарзи, шунингдек бу ерда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатлар тарихини кўрсатиб бера олсин.

Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ташкил этилган музей экспонатлари билан танишиш ва уни ўрганишдан мақсад:

1. Ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан олган билимларини музейдаги асл нусха экспонат материаллари асосида аниқлаштириш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришдан иборат.

2. Ўқувчиларни музейдаги энг муҳим экспонатларнинг тарихи билан таништириш ва тушунтириш, орқали ўлка тарихини ўрганишнинг аҳамиятини очиб бериш.

3. Дарс мавзусини баён қилиш вақтида ўзбек халқининг ватанпарварлигини, халқлар дўстлиги ва қардошлигини асослаб берувчи далилий ҳужжатлар ва маданий ёдгорликларни кўрсатиб бериш.

Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежларида ўлкашунослик музейларини ташкил этиш. Таълим тизимида музейларни ташкил этишда қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилиши амалий натижалар бериши мумкин:

1. Ўқув-амалиёт дарсларини олиб бориш учун мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежининг моддий-техника базасини яратиш, уни бугунги кун талаблари асосида жиҳозлаш.

2. Мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари билан турли йўналишлардаги музейлар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, дарс жараёнини амалиёт билан боғлаш.

3. Таълим тизимидаги фаолиятни пойтахтимиз ва вилоятлар, айниқса, қишлоқлар билан мувофиқлаштириш ёки кадрларни вилоятларда ишлашга бўлган иштиёқини ошириш.

Мактаб музейи олдида жуда катта ва улкан вазифалар қўйилган бўлсада, у халқ ва давлат музейларидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, мактаб музейи ўқувчилар учун мўлжалланган. Иккинчидан, бу музей мактаб ўқитувчилари жамоаси ҳамда ёшлар ўлкашунослик тўғараги аъзолари томонидан йиғилган материаллар асосида ташкил этилади. Учинчидан, музейдан фақат юксак тарбиявий мақсаддагина эмас, балки таълим жа-

раёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Шу тариқа таълимнинг куйи бугинларида кичик музейларни ташкил этиш бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Ўлкашунослик тўғараклари. Таълим муассасаларида музей иши ўлкашунослик тўғараги ишлари билан бирга олиб борилади. Тўғаракларда куйидаги бўлимлар фаолият кўрсатиши мумкин:

Археология бўлими;

Нумизматика бўлими;

Маданий ёдгорликлар;

Ҳунармандчилик;

Шон-шухрат;

Қишлоқ хўжалиги;

Ўрта Осиёда тилшуносликнинг ривожланиши ва ҳоказо.

Тўғарак қошида юқоридаги бўлимларга асосланган ҳолда учрашувлар ўтказиб турилади. Масалан: “Авлодлар учрашуви”, “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув”, “Меҳнат фахрийлари билан учрашув” мавзуларида ва ҳоказо.

Таълим муассасасида ўлкашунослик тўғарагини ташкил этиш ўқувчиларнинг ўз ўлкасини чуқур ўрганишларига катта ёрдам беради. Ўлкашунослик тўғарагини ташкил этишдан олди ана шу муҳим ва мураккаб ишга раҳбарлик қила оладиган, ишини чин кўнгилдан севадиган ва бу соҳада етарли билим ва малакага эга бўлган мутахассисдан раҳбар танлаш ва уни мактаб ўқитувчилари Кенгашида тасдиқлаб олиш зарур.

Тарихий ўлкашунослик ва туризм фани уни куйидаги асосий манбаларини ўрганишдан бошланади. Қўлланмада баён қилингандек, даставвал ўлкашунослик ҳақида қисқача маълумот берилди: ўлкашуносликда археология, этнография, тоионимиканинг роли ва аҳамияти очиб берилди; ўлкашуносликнинг асосий манбаларидан архившунослик, музей экспонатлари ҳақида батафсил тушунча ҳосил қилинади.

Ўлкамиз тарихини чуқур билиш ва ўқув-тарбия ишларининг савиясини бугунги кун юксак талаблари даражасига кўтариш учун таълим муассасаларида ўлкашунослик музейларини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Таълим муассасаларда ўлкашунослик тўғараги ва музейларининг ташкил этилиши тарихий обидаларни сақлаш ва муҳофаза қилишда, асори-атиқа, муқаддас қадамжой-зиёратгоҳлар ва бошқа қадимий манзилгоҳларни қидириб топишда катта аҳамият

касб этади. Ўлка тарихига доир материаллардан ўқув жараёнида ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини янада чуқурроқ билиб олишларига ва мустақил ижод қилишларига имкон яратади, айтиш вақтда ўтмишни яхши билган ҳолда келгуси ҳаёт йўллари танлаб олишларига ҳам ёрдам беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, музей материаллари асосида ўлкамиз энг қадимги даврига оид ноёб ёдгорликларни, қадимги ва ўрта асрларга оид ашёвий материалларни, кейинги вақтларда, айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда эришилган ютуқлар ва улкан бунёдкорлик ишларини ўзида акс эттирувчи экспонатларни музейларда, шунингдек, махсус кўргазмаларда намойиш қилиб бориш кенг жамоатчиликни, шу жумладан, ўқувчи ва талабаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига хизмат қилади.

Тўғарак раҳбари:

а) таълим муассасасидаги тўғарак ишини такомиллаштирадн ва унга раҳбарлик қилади;

б) тўғарак ишида ўқувчиларни буюк аждодларимиз меросига чуқур хурмат билан ёндашишга, уларда миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳини шакллантиришга, дарсдан ташқари вақтдан унумли фойдаланишга масъулят билан ёндашади;

в) йўналиш бўйича тўғарак аъзолари (жамоа) билан индивидуал ва гуруҳий машғулотлар олиб боради;

г) тўғарак аъзоларини касбий маҳоратини мустаҳкамлаш ва билим даражасини юксалтиришга ҳаракат қилади;

д) услубий ишларда фаол иштирок этади. Ўқувчиларни тўғаракка жалб қилиш мақсадида саралаш ва жамлаш ишларини олиб боради. Тўғарак аъзолари (жамоа)ни турли мусобақа, кўргазма, концертлар ва бошқа оммавий тадбирларда фаол қатнашувини таъминлайди;

е) тўғарак аъзоларининг (жамоа) ўқув интизомига риоя этишини назорат қилади ва давоматини олиб боради;

ж) ота-оналар, ахборот-ресурс марказлари ходимлари, гуруҳ тарбиячилари ва ўқитувчилар билан ҳамкорлик қилади;

з) тўғарак иши фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф беради. Тўғарак иши фаолиятини акс эттирувчи бурчакни расмийлаштирадн ва уни реклама қилади;

и) тўғарак иши билан боғлиқ бўлган ҳисоботни тузади ва ҳужжатларни юритади.

Тўгарак раҳбари билиши лозим:

а) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларини, таълим тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатлари, дарсдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, ушбу йўналиш бўйича тўгарак ишалари дастурини, услубий тавсияномаларни, тўгаракда иш юритишнинг шакли ва услубларини, педагогика асослари, педагогик психология, ўсмирлар психологиясини;

б) ўқувчилар шахсини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ҳужжатларини, уларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини;

в) замонавий тарбия ва ўқитиш усуллари ва услубларини, турли маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказишни, маданият ва санъат, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ўзлаштирган бўлишлари лозим.

Ҳозирги вақтда Республикамизда 255 та ўқувчилар саройи ва уйлари, 133 та ёш техниклар маркази ва станциялари, 40 та ёш саёхатчи ва ўлкашунослар станциялари бор. (Ж.Ф.Йўлдошев. Ўзбекистон Республикаси таълим тарбия йўлида. Тошкент, 1994 й.)

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Музейлар хақидаги тушунчангиз?
2. Музейлар қандай турлари бор?
3. Мактаб музейлари қандай ташкил этилади?
4. Ўзбекистонда музейларининг шаклланиши тўғрисида қандай маълумотга эгасиз?
5. Ўлкашунослик тўгараклари қандай тузилади ва уларнинг вазифаси нималардан иборат?

Таянч сўзлар изоҳи:

Экспонат – музейларда кўргазмага қўйилган нарса, буюм.

Пейзаж – табиат манзаралари тасвири.

Экспозиция – кўргазма ёки кишиларнинг танишуви, кузатишига мулжалланган экспонатлар тизими.

ХУЛОСА

Бугунги воқелик, ҳаётининг тараққиёт оқими ўлкамизни, халқимиз тарихий-маданий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ўзбек халқининг тарихий тараққиёти масалаларининг мазмун-моҳиятини очишда, моддий, маънавий ва тарихий манбаларини ўрганишда Ўлкашуносликдаги археологиянинг роли, этнографиянинг аҳамияти, Топонимика – ўлка тарихини ўрганишнинг асосий манбаи, ўлка тарихини ўрганишда архив иши ва музей экспонатларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий ўлкашунослик ва туризмнинг асосий манбалари сифатида улар орқали ўлка билан ҳар томонлама яқиндан танишиб олишга эришилади. Яқин давр мобайнида ўзбек археологлари томонидан қатор илмий кашфиётлар амалга оширилди. Шулардан бири – Ўзбекистон ҳудудида энг қадимги ёзув нусхаларининг топилишидир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудини дуиё тамаддунининг илк ўчоқларидан бири эканлигини кўрсатувчи ўта муҳим ашёвий далиллардир. Зеро, жаҳон тарихидан бизга маълумки, юксак маънавият ва бой маданиятга эга бўлган ҳар бир халқнинг ўз ёзуви мавжуд бўлган.

Сўнги вақтда туризм иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида дунёнинг бир қатор мамлакатларида ривожланиши кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонда эса бу соҳани тараққий эттириш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, мамлакатимизда туризмни ҳар томонлама раванқ топиши учун етарли омиллар мавжуд. Булар эса куйидагилардир:

биринчидан, юртимизда кўпгина машҳур тарихий ёдгорликлар ва осори-атиқаларнинг мавжудлиги ва улар аксариятининг ЮНЕСКО рўйхатиغا киритилганлиги;

иккинчидан, юртимизда қулай табиий шароитнинг борлиги, ранг-баранг табиат, ўсимликлар дунёси, турли туман жонзодларнинг мавжудлиги, ҳамда иқлим минтақасининг ўзига хослиги иқлим минтақамизнинг ўзига хослиги;

учинчидан, азалий бой тарихга эга ҳамда умумбашарий қадриятларнинг вориси бўлган меҳмондўст халқимизнинг борлиги ва бошқалардир.

Тарихдан маълумки, дунё кезиб, юртимизда бўлган сайёҳ ва элчилар – Ёқут Ҳамавий, Ибн Батута, Гонсалес де Клавихо ҳамда ўлка бўйлаб кезган халқимиз машҳур сиймолари Маҳмуд Қошғарий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар кўрган-кечирганларини, яъни, мафтункор юрт ҳақидаги таассуротларини иштиёқ ва ҳаяжон билан ёзиб қолдирганлар.

Ҳақиқатан, кўҳна ва навқирон, ҳамиша жозибали бўлган она-юртимиз – Ўзбекистонни ҳар жиҳатдан яқиндан ўрганиш, яъни, сайр-саёҳатлар орқали кузатиш кишиларда нафақат ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради, айни вақтда уларинг жисмоний жиҳатдан саломатликларини мустаҳкамлашларида аҳамияти жуда юқоридир.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнаса, ички туризм орқали эса фуқароларни, шунингдек, ёшларимизни ўлка билан яқиндан танишуви асосида уларда Ватан ва халққа муҳаббат, ғурур ва ифтихор, юрт қадрига етиш туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Халқимиз келажаги ва унинг тараққиёт йўли ўтмиш билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ўзбек халқининг ўтмиши ва тарихий тажрибасини, унинг этник киефаси, хўжалик-маданий хусусиятлари, моддий ва маънавий, ижтимоий-сиёсий ва оилавий ҳаётини, бир сўз билан айтганда, жонажон ўлкамиз тарихини илмий жиҳатдан аниқ билмагунимизча ҳозирги тараққиёт йўлларимизни, унинг кейинги йўналишларини тўғри белгилаб олишимизни тасаввур этиб бўлмайди.

Бу борада йирик самараларга эришган ва ўз йўлини топиб, буюк истикбол сари дадил одимлаётган Ўзбекистонда барчамизга, шунингдек, ёшларимизга ўлкамизни, халқ ўтмиши ва бугунги ҳаётини яқиндан ўрганиб боришни давринг ўзи тақозо этмоқда.

**Фан юзасидаи талабаларнинг мустақил иш мавзуларини
қуйидагича тавсия этиш мумкин:**

№	Мустақил иш мавзулари	Изоҳ
1	Ўлкани ўрганишда Тарихий ўлкашунослик ва туризм фанининг ўрни.	
2	Ўлкашуносликда қадимги ёзма манбаларининг аҳамияти.	
3	Ўлкани ўрганишда маҳаллий тадқиқотчилик.	
4	Рус тадқиқотчилигининг ўлкани ўрганишдаги роли.	
5	Ўзбек халқининг этник шаклланиш жараёни.	
6	Ўзбек халқининг урф-одалари, анъана ва маросимлари.	
7	Мустақиллик даврида халқ қадриятларига эътиборнинг ортиши.	
8	Ўлка тарихини ўрганишда топонимика ва унинг аҳамияти.	
9	Ўзбекистонда туризм ва унинг ривожланиши.	
10	Туризмнинг турлари.	
11	Ўлкашунослик ва туризмда архив материаллари.	
12	Музей - тарих кўзгуси. Музейнинг ўлка тарихини ўрганишдаги аҳамияти.	
13	Мактабим музейи.	
14	Туманимиз музейи.	
15	Қишлоғим (туманим)даги мукаддас қадамжойлар.	
16	Топонимлар ва уларнинг турлари	
17	Ўзбекистон вилоятлари топонимлари	
18	Ўлкашунослик тўғрақлари	
19	Тошкент - 2200 ёшда	
20	Ўзбекистон ва халқаро туризм	

ТЕСТ САВОЛЛАРИДАН НАМУНАЛАР

1. Қарши шахрини қадимги номи қандай эди?

- А). Навкат
- Б). Исфижоб
- В). Рабинжон
- Д). Насаф

2. Қуйидаги қайси аллома фан тарихида қомусий олим сифатида ном олган?

- А). Аҳмад Фарғоний
- Б). Ал-Хоразмий
- В). Ал-Фаробий
- Д). Абу Райхон Беруний

3. Ўлкашуносликнинг турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А). Жамоат ўлкашунослиги, табиат ўлкашунослиги ва илмий ўлкашунослик

Б). Табиат ўлкашунослиги, давлат ўлкашунослиги ва жамоат ўлкашунослиги.

В). Илмий ёки давлат ўлкашунослиги, жамоат ўлкашунослиги, мактаб ўлкашунослиги, академии лицей ва касб-хунар коллежлари ўлкашунослиги.

Д). Барча жавоблар тўғри.

4. Туркистондаги зилзилаларини дастлаб қайси олимлар ўрганган?

- А). Г.Монов, С.Романовский
- Б). Г.Леонов, Б.Короленко
- В). А.Семёнов, А.Кун
- Д). Тўғри жавоб йўқ

5. В.Вяткин 1908-1909 йилларда Самарқандда қандай ёдгорлик қолдиқларини топиб ўрганди?

- А). “Фергантроп” одамани
- Б). “Калтаминор” маданиятини
- В). “Улуғбек” расадхонасини
- Д). Барча жавоблар тўғри

6. Антропонимика нимага ўрганади?

- А). Киши исми, лақаби, фамилиясини
- Б). Сув билан боғлиқ топонимларни
- В). Кичрайтирилган шаклда топоним ясашни
- Д). Кичик объектли топонимларни

7. Ўзбекистонда “Ўзбектуризм” миллий компанияси қачон ташкил топди?

- А). 1991 йил
- Б). 1992 йил
- В). 1993 йил
- Д). 1995 йил

8. Этнография фанига оид терминларни аниқлаи?

- А). Этнос, морфология, эра, халқ
- Б). Урбанизация, левират, сарорат, этнос
- В). Макротопонимика, микротопонимика
- Д). Рамазон, сунбула, мавсум

9. Ўзбекистонда “Туризм тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган?

- А). 1992 йил 10 ноябр
- Б). 1999 йил 20 август
- В). 1998 йил 15 апрел
- Д). 2004 йил 16 январ

10. Нумизматика фани нимага ўрганади?

- А). Шаҳар харобаларини
- Б). Тангаларнинг тарихини
- В). Инсоннинг келиб чиқишини
- Д). Сулола тарихини

11. Рус археолоғи В.Вяткин томонидан Улуғбек расадхонаси харобалари нечанчи йилда топилган?

- А). 1908 йилда
- Б). 1920 йилда
- В). 1930 йилда
- Д). 1875 йилда

12. Экотуризмнинг фаолияти нимадан иборат?

- А). Атроф - муҳит ва табиат билан танишув
- Б). Аҳолининг турмуши билан танишув
- В). Манбашунослик билан танишув
- Д). Тўғри жавоб йўқ

13. Тешиктош ғоридан топилган боланинг қиёфасини асл холига қайси олим тиклаган?

- А). А.Окладкинов
- Б). В.Ошанин
- В). Г.Герасимов
- Д). Н.Иванов

14. XIX аср бошларида Тошкент шаҳри неча даҳага бўлинган эди?

- А). 6 та
- Б). 5 та
- В). 4 та
- Д). 2 та

15. XIX асрнинг охирида Туркистонда қанча илмий жамиятлар бор эди?

- А). 10 га яқин
- Б). 15 га яқин
- В). 14 га яқин
- Г). 20 га яқин

16. Туркистон халқ кутубхонаси қачон очилди?

- А). 1860 йил
- Б). 1870 йил
- В). 1865 йил
- Д). 1850 йил

17. Туркистонда илк газета қачондан бошлаб чиқа бошлади?

- А). 1850 йил
- Б). 1870 йил
- В). 1830 йил
- Д). 1845 йил

18. 1895 йилда қайси олим Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасини декорация ва меморчилик нуқтаи назардан ўрганиб чиқди?

- А). Н.Веселовский
- Б). В.Вяткин
- В). В.Бартольд
- Д). А.Семёнов

19. Б.Федченко 1915 йилда эълон қилган “Туркистон ўсимликлари” деган асарида неча хил ўсимликларини таърифлаб берди?

- А). 5040 хил
- Б). 5030 хил
- В). 5650 хил
- Д). 5640 хил

20. Ёғоч, металл, спол каби буюмларнинг сиртидаги ёзувларини ўрганувчилар қандай аталади?

- А) Нумизматлар
- Б) Сфрагистлар
- В) Геральдистлар
- Д) Эпиграфистлар

21. “Ҳиндистон” асари кимнинг қаламига маъсуб?

- А). Абу Райҳон Беруний
- Б). Мирзо Улуғбек
- В). Наршахий
- Д). Хондамир

22. “Бибиҳоним” масжиди қайси шаҳарда жойлашган?

- А). Бухорода
- Б). Наманганда
- В). Самарқандда
- Д). Қўқонда

23. Қуйидагилардан қайси бири маънавий маданиятга кирмайди?

- А). Қоятош суратлари
- Б). Қоятош ёзувлари
- В). Меҳнат куроллари
- Д). Оғзаки дostonлар

24. Самарқанддаги Пойирасад тепалигида расадхона қурдирган буюк бобоколониини номини топинг?

- А). Мирзо Улуғбек
- Б). Амир Темур
- В). Мирзо Бобур
- Д). Ҳусайн Бойқаро

25. 1881 йилда Туркистоннинг биринчи геологик харитаси кимлар томонидан тузилган?

- А). И.Мушкетов ва Г.Романовский

- Б). В. Греков ва В. Бартольд
- В). В. Вяткин ва И. Мушкетов
- Д). А. Якубовский ва С. Толстов

26. 1915 йил эълон қилинган “Туркистон ўсимликлари” номли асар кимнинг қаламига мансуб?

- А). Б. Федченко
- Б). В. Бартольд
- В). В. Греков
- Д). А. Якубовский

27. Мирзо Улуғбекининг фармониغا кўра 1417-1420 йилларда қайси шаҳарда мадраса бунёд этилди?

- А). Бухорода
- Б). Самарқандда
- В). Шаҳрисабзда
- Д). Каттақўрғонда

28. “Тахтапул” сўзининг форсча топонимик маъноси?

- А). Ёғочли уй
- Б). Ёғоч кўприк
- В). Тахта банд
- Д). Тахта йул

29. 15 мингдан ортиқ танга-пуллардан коллекция тўплаган хаваскор ўлкашунос ким?

- А). Яҳё Ғуломов
- Б). Акромполвон Асқаров
- В). Мирзо Бухорий
- Д). М.Б. Қосимов

30. “Апелсин” сўзининг топонимик маъноси нима?

- А). Узун хамир
- Б). Ёғли ион
- В). Хитой олмаси
- Д). Ширин чой

31. “Тарихий йилномалар” асарининг муаллифи?

- А). Страбон
- Б). Сима - Цянь
- В). Чжан Цянь
- Д). Геродот

32. "Ўзбектуризм" миллий компанияси муассислигида нашр этиладиган журналнинг номини аниқлаиғ.

- А). "Турист"
- Б). "Буюк ипак йўли"
- В). "Саёҳатчи"
- Д). "Туризм Ўзбекистана"

34. 2006 йили Ўзбекистонда қанча меҳмонхона фаолият кўрсатди?

- А). 96 та
- Б). 20 та
- В). 168 та
- Д). 252 та

35. 1992 йил Ўзбекистонда бўлган хорижлик сайёҳларнинг сони қанча эди?

- А). 60 миғ
- Б). 70 миғ
- В). 80 миғ
- Д). 85 миғ

36. Ўлкашуносликнинг асосий манбалари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А). Археология, этнография
- Б). Археология, этнография, социология
- В). Топонимика, археология, тарих, архившунослик
- Д). Археология, этнография, топонимика, архившунослик, музей экспонатлари

37. "Бухоро тарихи" асарининг муаллифи ким ?

- А). Чжан Цзян
- Б). М.Қошғарий
- В). А.Беруний
- Д). М.Наршахий.

38. "Туркистон мўғуллар босқини даврида" асарининг муаллифи ким?

- А). В.Бартольд
- Б). А.Якубовский
- В). С.Толстов
- Д). А.Беруний

39. Фарғона вилоятида этнографик тадқиқотлар олиб борган қайси олим "Жаҳонгир тўра" лақабига эга бўлган?

- А). С.Толстов
- Б). А.Якубовский
- В). В.Бартольд
- Д). В.Наливкин

40. XIX асрда 32 та ўзбек қабилалари ҳақида маълумот қолдирган олим ким ?

- А). А.Вамбери
- Б). В.Григорьев
- В). С.Толстов
- Д). В.Вяткин

41. "Тошкент" номи илк мартаба қайси олимларнинг асарларида тилга олинган?

- А). Юсуф Хос Ҳожиб, А.Навоий
- Б). А.Беруний, М.Хоразмий
- В). Наршахий, Сайфи Саройи
- Д). А.Беруний, М.Қошғарий

42. "Ҳадра" сўзининг маъносини топинг.

- А). Кўча
- Б). Оила
- В). Қавм
- Д). Чегара

МУҲИМ ТАРИХИЙ САНАЛАР ХРОНОЛОГИЯСИ

Илк палеолит даври	милоддан аввалги 1 млн. - 100 минг йилликлар (дунё тарихида 2,5 – 3 млн. йиллар олдин бошланган).
Ўрта палеолит	мил. ав.100 – 40 минг йилликлар.
Сўнги палеолит	мил. ав.40 -12 мииг йилликлар
Мезолит даври (ўрта тош)	мил. ав.12 -7 минг йилликлар
Неолит даври (янги тош даври)	мил. ав.6 – 4 минг йилликлар
Энеолит даври (мис-тош даври)	мил. ав. 4 – 3 минг йилликлар
Бронза даври	мил. ав.3 -2 минг йилликлар
Темир қуrollарининг ёйилиши	мил. ав. IX-VII асрлар
Неандерталь қиёфали одамининг тарқалиши	мил. ав. 100 – 40 минг йилликлар
Замонавий қиёфали одамининг пайдо бўлиши	мил. ав. 40 - 30 минг йилликлар
Ерга эгалик қилиш	милодий V асрдан то XIX асргача

Она уруғи(матрнархат)нинг бошланиши	тахминан 35 минг йил олдин.
Тасвирий санъатнинг ривожлана бошлаши	мил. ав. 35 – 12 минг йиллик
Ибтидоий динлар-снғнишларнинг шаклланиши	мил.ав.40 – 12 минг йиллик
Кулолчиликнинг ривожлана бошлаши	мил. ав. 6 минг йиллик
Пахса бинокорлигиинг пайдо бўлиши	мил.ав. 6-5 минг йиллик
Мисинг кашф этилиши	мил. ав. 4 – 3 минг йиллик
Кўп хонали уйларнинг қурилиши	мил. ав. 4 - 3 минг йиллик
Жойтун маданияти	мил.ав. 6 – 5 минг.й.
Калтаминор маданияти	мил.ав. 5 – 4 минг.й.
Ҳисор маданияти	мил.ав. 5 – 4 минг.й.
Намозгоҳ – Анов маданияти	мил.ав. 4 – 2 минг.й.
Замонбобо маданияти	мил.ав. 3 – 2 минг.й.
Саразм маданияти	мил.ав. 3 – 2 минг.й.
Тозабоғёб маданияти	мил.ав. 2 минг йиллик.
Сополли – Жарқўтон ёдгорлик манзилгоҳлари.	мил. ав. 2 минг йиллик.

ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ТЎПЛАШ УСУЛЛАРИ

Этнографик дала тадқиқотларини олиб бориш кишидан ахборотларни савол-жавоб йўли билан ёзма равишда ёки магнитофон орқали тўплаш, маълум маросим, маиший турмуш ходисаларини, оила-никоҳ муносабатлари, маданий ҳаётга оид воқеаларни кузатиш, уларда бевосита иштирок этиш ва жиддий ўрганиш (ёзиш, чизиш, расмга олиш, видео тасвирига тушириш) каби вазифаларни бажариш ва дала дафтарини тўғри юритиш талаб этилади.

Маънавий маданиятни тадқиқ қилишда (айниқса, айрим урф-одатларни, маросимлар, ибодат, халқ ижоди, ўйин, ашула ва ҳоказоларни) кино аппарати, фотоаппаратлар, магнитофон лентасига ёзиб олиш каби техника восита ва усулларида кенг фойдаланилади.

Этнографик дала ишлари пайтида этносларнинг маиший турмуши ва маънавий ҳаётига оид барча буюм-анжомлар жиддий ўрганилибгина қолмай, уларнинг энг ноёблари музей экспонатлари сифатида йиғиб олинади. Тўпланган дала маълумотларининг ҳаққонийлигини билиш учун улар камида икки – уч марта бошқа манбалар орқали қиёсий усул асосида чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Дала тадқиқотларида қуйидаги усуллар қўлланилади: *сўраш* – махсус танлаб олинган ёки шу этник гуруҳга мансуб ахборотчилар билан ишлаш; *тажриба* – этнографнинг экспедиция пайтида маълум ижтимоий оилавий маросимда иштирок этиши; *кузатиш* – маданият ва турмушнинг ўзига хос ҳамма этник мажмуини диққат билан ўрганиб, қайд этиб бориш.

Дала тадқиқотлари натижасида моддий ва маънавий манбалар ўрганилади. Моддий манбаларга – ёдгорлик намуналари, меҳнат куруллари, манзил ва маконлар, турар жойлар, таомлар, асбоб-анжомлар, кийим-кечаклар ва шу кабилар киради. Фото ва кино аппаратлари орқали халқнинг маънавий маданияти, анъана, урф-одатлари, маросимлари, эътиқоди, халқ оғзаки ижоди намуналари қайд этилади. Халқ амалий санъати буюмлари тўпланиб, илмий жиҳатдан қайта ишланади ва музейларга этнографик коллекция сифатида топширилади.

Этнографик маълумотларни йиғишни тартибсиз ҳолатда олиб бормаслик керак. Энг аввало маҳаллий аҳолидан соҳага доир дол-

зарб масалаларни сўраб билаоладиган ахборотчиларни танлаб олиш лозим. Бунинг учун маҳаллий ҳокимиятга, жамоат ташкилотлари, ўқитувчилар ва бошқа зиёлиларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Ахборотчи билан суҳбат бошлашдан олдин экспедиция аъзоси унга ўз мақсади ва вазифасини аниқ тушунтириши шарт. Суҳбат зўрма-зўракилик, сунъийлик, ёки кетма-кет сўроққа айланмаслиги лозим. Суҳбат пайтида экспедиция аъзоси тушган саволлардан фойдаланиши, саволларда кетма-кетликка қатъий риюя этиб, белгиланган мавзудан бошқасига ўтмаслиги керак. Берилган саволларга аниқ жавоб олишда бир ахборотчидан олинган материалларни бошқаларники билан солиштириб кўриш жуда муҳимдир.

Экспедиция аъзоси дала ишларида буюм-анжомларни рўйхатга олади, расмга туширади ва тасвирини чизади, лозим бўлса, магнитофон лентасига, видео тасвирга ёзиб ҳам олади.

Саёҳат вақтида экспедиция қатнашчисининг дала дафтари ёки кундалик дафтар юритиши жуда муҳимдир. Дафтарнинг биринчи саҳифасида ўрганилаётган мавзу, қатнашчининг фамилияси ва исми, экспедиция ўтказилаётган вақт аниқ кўрсатилади.

Этиограф дафтар саҳифаларини тартиб рақами билан белгилаб чиқади ва охирида умумий саҳифалар сонини жамлаб ёзади. Саҳифанинг бир томонига ёзиш, бир томонининг эса очик қолиши тавсия этилади. Чунки буш саҳифага янги қўшимча маълумотлар қайд этилади. Агар бошқа ахборотчи билан суҳбат бошланса янги саҳифа очилиб, маълумотлар ёзилади. Маълумотларни дафтарга чиройли ва ўқимишли қилиб ёзиш керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, суҳбат даврида махсус ён дафтарчага белгилар билан қисқартириб ёзиб, сўнгра эса алоҳида тугилган дафтарга кенгайтириб, кўчириб ёзиш мумкин.

Дафтардаги ҳар қандай маълумотни аниқлаш ва тўлдириш шу дафтарнинг эгаси бўлган экспедиция қатнашчиси томонидан амалга оширилади. Бу маълумотларни бошқа киши тўғриласа ёки қўшса дала ҳужжатларини олиб бориш бузилади. Дафтар саҳифаларидан йиртиб олиш ҳам қатъий таъқиқланади.

Суҳбат бошланиши олдидан экспедиция аъзоси дастлаб қуйидаги маълумотларни қайд этиши керак:

1. Ёзув жойини (вилоят, туман, жамоа ва давлат хўжаликлари, қишлоқ, корхона ёки муассаса);

2. Ахборот берган киши тўғрисида тўлиқ маълумотни (фамилияси, исми, шарифи, миллати, ёши, уруғи, касби);

3. Ашёвий осори-атика каби нарсаларни рўйхатга олганда эгаси ҳақида, маросимларни қайд этганда эса, уларни ўтказиш қоидалари тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ ёзилади;

4. Ёзув олиб борган кишининг тўлиқ фамилияси, исми, шарифи, вақти (кун, ой, йил) қайд этилади.

Экспедиция тугагач, саёҳатчи ёки этиограф томонидаи дала маълумотлари қайта ишланиб, текширилиб, архивга топширилади.

ШАРҚОНА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Кўпчилик кишилар грамм, килограмм, пуд, центнер, тонна сингари оғирлик, миллиметр, сантиметр, метр, километр каби масофа, тийн, сўмга ўхшаш баҳо ўлчовларини жуда яхши билмаслиги мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шарқона ўлчов бирликлари ҳақидаги маълумотлар, асосан, туристик саёҳат – тадқиқотлар натижасида йиғилган. Бу ўлчов бирликларининг аксарияти Туркистон чоризм мустамлакасига айлантирилгач, кундалик турмушда кенг қўлланила бошланган эди, сўнг аста-секин минг йиллар ишлатилиб келинган ўлчовлар, замон талаби билан истеъмолдан тушиб қолди.

Ўзбек халқида қадимдан “Етти ўлчаб бир кес”, “Бирники мингга, мингники туманга”, “Боғни боқсанг боғ бўлур, ботмон-ботмон ёғ бўлур”, “Бир мири – хамён, ўн мири – зиён” каби жуда кўплаб ҳикматли иборалар кенг тарқалган. Шунингдек, кўпгина тарихий, бадий ва бошқа ёзма манбаларни ўқисангиз ҳам ўтмишда қўлланилган турли шарқона ўлчовларга кўзингиз тушади. Бу каби ўлчов турлардан аждоқларимизнинг турмуш тарзи, меҳнат ва хўжалик фаолиятида кенг фойдаланилган.

Турли тарихий манбаларда учраб турадиган бундай шарқона ўлчовлар ҳаёт ва турмуш чиғиригидан ўтиб, асрлар оша яшаб келмоқда ёки кўплари унутилган ёки истеъмолдан чиққан, баъзилари эса фақат кексалар хотирасида қолган, холос.

Ҳозирги вояга етаётган ёш авлод, энг аввало, ўзининг ўтмиш тарихини чуқур билмоғи лозим. Шарқона ўлчовлар ҳам шу ўлка тарихининг ажралмас ва муштарак бир қисми ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг истиқлоли туфайли миллий ўзликни англашга йўл очилди, унутилаётган кадриятларимиз тиклана бошлади, фуқароларимизнинг ўлка тарихига қизиқишлари эса янада кучаймоқда.

Энди эса ўтмишда кенг қўлланилган, ҳозирда эса камдан-кам учрайдиган шарқона ўлчов бирликларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Шарқона ўлчовларни қуйидаги уч турга бўлиш мумкин: оғирлик, масофа ва баҳо ўлчовлари.

1. Оғирлик ўлчовлари

Ботмон (манн) – оғирлик ўлчов бирлигидир. У икки турга бўлинган:

1. Катта ботмон 171, 99 кг. га тенг бўлган.

2. Кичик ботмон 20,6 кг.га тенг бўлган.

Лекин турли жойларда ботмон миқдори турлича ўзгариб борган. Хоразмда (XIX аср) 16 – 20 кг.дан 40, 95 кг.гача, Бухоро ва Самарқандда 8 пуд (131, 163, 800 кг.), Фарғона водийсида 8 – 10 пуд, Тошкентда 10,5 пуд (171, 99 кг.) бўлган.

Дахсар – Ботмоннинг тўртдан бир қисми, баъзан 32 кг.

Дирхам – 2, 975 грамм ёки 0, 531 грамм

Донак – 0,495 грамм ёки 0, 531 грамм

Жариб – икки турга бўлинган. Оғирлик ва юза ўлчов бирлиги сифатида ишлатилган. Ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан Мовароуннаҳрда қўлланилган оғирлик ўлчови сифатида дастлаб (VII – IX асрларда) 22, 825 кг. ни, юза ўлчови сифатида кичик жариб 1592 кв.м. ни, катта жариб 5837 кв.м ни англаган. Туркистон хукукий ҳужжатларида жариб билан таноб бир хил юза ўлчовини англаган. “Темур тузуклари”да бир жариб 598 кв. га тенг дейилган. Ҳозир Эронда бир жариб бир гектарга тенг бирликда қўлланилади.

Закоат – кишлок хўжалиги, савдо ва хунармандчиликдан тушадиган йиллик даромаддан қирқдан бир миқдорда олинадиган солиқ тури.

Манн – 680 граммли оғирлик ўлчови.

Минн – уч килограмлик юк.

Мисқол – 4,1-4,4 грамм. Марказий Осиёда XIV-XIX асрларда 4,5 граммлик кумуш танга. Бухорода 4,8-5,2 грамм, Самарқандда 4,6 грамм, Фарғона водийсида 4,53-4,55 грамм бўлган. Чорак мисқол (бир грамм), ним мисқол (2 грамм) атторлик ва заргарлик ўлчови бўлган. Бир мисқол қадокнинг 1/84 қисмига ҳам тенг бўлган.

Осор – 17 грамм.

Пайса – Фарғона водийсида 26,6 грамм, Тошкентда 32,2 грамм, баъзи туманларда 50 граммдан зиёд бўлган оғирлик ўлчови. Бухоро амирлигида иш ҳайвонлари бошидан олинадиган қўш пулидан ташқари ҳар бир от ва эшак бошидан 8–12 пуд буғдой қийматидан олинадиган солиқ.

Уқя – 33,4 грамм.

Қадок – 400 граммдан зиёд.

Қийрат – мисқолнинг 1/24 қисми ёки, 0,195 ёки 0,236 грамм.

Хобба – 0,059 ёки 0, 6071 грамм.

2. Масофа ўлчовлари:

Андоза – ўлчов, қолип, нусха.

Арса – майдон, сахна.

Аршин – 65,2 см. дан 112 см. гача бўлган узунлик ўлчови. Бир ўқ отим ер – 110 – 125 м. Бир ўқ чоптирим ер – 215 м.

Ботмон – ер ўлчови. Бир ботмон оғирликдаги буғдой ёки арпа сепилиши мумкин бўлган ер бир ботмон ҳисобланган. Тахминан бир гектар ерга тенг бўлган сатҳ ўлчов бирлиги.

Газ – Мовароуннаҳрда ўрта асрларда ўртача етти мушт энига (таёқни ушлагандаги тутамга) тенг бўлган. Аксарият ҳолларда ўрта бўйли кишининг бармоғи учидан бурнигача (ярим қулоч) ёки бир қўлининг учидан иккинчи қўлининг қўлтиғигача бир газ ҳисобланган. Бир газ Амир Темур даврида 70 см. га тенг бўлган. XIX асрга келиб бир газ Фарғона водийсида 83-85 см, Тошкентда 89 см. Бухорода эса 106,68 см. га тенг бўлган. Кўп жойларда газ 1 метрдан узун, аниқроғи 106 см га тенг бўлган.

Гази ҳошими – 16,5 см.

Икки манзил – отлик киши бир кунда босиб ўтиши мумкин бўлган масофа, тахминан 50 км.

Йироч – бир тош йўл – 7-12 км.

Мил – илмий адабиётда мил (миля) икки хилда учрайди. Жугрофий мил – 7240 м., Араб мили бундан бир оз фарқ қилган. Марказий Осиёда мил қадимдан маълум бўлган. Бир мил Шарқда тахминан 2 км. га тенг бўлган.

Таноб – узунлиги тахминан 60 газ (39,9 м.) бўлган ва сатҳга 60х60, яъни 3600 кв. газга тенг бўлган ер майдони, 17-18 сотих, баъзи жойларда 0,5 гектар.

Темир газ – 58, 187 см.

Тош – Мовароуннаҳрда ўрта асрларда 8,5-9,5 чақиримга тенг ёки 7-8 км.

Тутам мушт – 8 см.

Фарсах ёки Фарсанг – Туркистонда 9-12 қадам ёки тахминан 7 – 8 чақиримга тенг масофа ўлчови, базан 8,5-9,5 км.

Чақирим – овоз етадиган масофа – 853 м.

Қари – 55 см.

Қарич – 20 см.

3. Баҳо ўлчовлари

Бир танга – Бухоро амирлигида 15 тийинга, Қўқон хонлигида 20 тийинга тенг бўлган кумуш пул.

Дахяк – солиқ пули, барча даромаднинг ўндан бир қисми.

Динор – Олтин, кумуш танга, чақа пул; 4,235 грамм оғирликдаги олтин танга. XIV асрда Мовароуннаҳрда бир динор икки мисқол кумуш тангага тенг бўлган.

Дирҳам – ўрта асрлардаги араб кумуш тангаси: 3,435 грамм оғирликдаги олтин танга. XIV асрда Мовароуннаҳрда учдан бир мисқол оғирликдаги кумуш танга.

Кафсан ёки Панж сира – Бухоро амирлигида хирождан ташқари амалдорлар фойдасига ҳар ботмон буғдойдан бир пуд миқдорда олинадиган солиқ.

Лак – юз минг (кўпинча кишиларга нисбатан айтилган).

Мири – беш тийинлик чақа.

Об пули ёки Сув пули – ҳар бир деҳқон сувдан фойдаланганлиги учун йилига бир тангадан то уч тангагача солиқ тўлаган.

Осиё пули ёки Тегримон пули – Бухоро амирлигида ҳар бир қўл тегирмонига йилига 20 тангадан 100 тангагача (3 сўмдан 15 сўмгача) солинадиган солиқ.

Пақир – икки тийин.

Таноб пули – ўзбек хонликларида ҳар бир таноб беда учун йилига 40 танга (6 сўм) миқдорда олинадига солиқ, боғ солиғи.

Туман – ўн минг (кўпинча кишиларга нисбатан айтилади).

Ушр – Туркистонда қишлоқ хўжалигининг муҳим солиқ турларидан бири, ҳар қандай даромаддан ўндан бир қисми ҳажмида олинган. Бухоро амирлигида ушр дахяк деб юритилган.

Хас пули – XX аср бошларида Бухоро амирлигида яйловлардан фойдаланиш учун чорвадорлардан олинадиган солиқ тури.

Хирож – даромад солиғи, ҳосилнинг учдан бир қисмидан олинган.

Қўш пули – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ҳар жуфт иш ҳайвони ҳисобидан олинадиган солиқ.

Хазор – минг. Хоразм вилоятидаги Хазорасп туман номининг (топоними) ҳам “минг от” деган маънони беради. Асп – “от” дегани.

Шунингдек, халқимиз кулоч, қадам, сиқим, кўз билан чамалаш каби ўлчовларни ҳам кундалик турмушда азалдан қўллаб келмоқда.

Туркистон чоризм мустамлакасига айлантирилгандан сўнг пуд аршин билан бирга вершок, десятина, саржин каби ўлчов бирликлари ҳам амалда кенг қўлланила бошланган.

Пул муомаласига оид ўлчовлар ҳам турли жойда турлича хил бўлган. Масалан, 1878 йилда Шарқий Туркистонда кумуш пуллар қуйидаги беш хил номда чнқарилган:

1. Ярим мисқол – 1,80 грамм.
2. Бир мисқол – 3,60 грамм.
3. Икки мисқол – 7,20 грамм.
4. Уч мисқол – 10,80 грамм.
5. Беш мисқол – 18 грамм.

Бу пулларнинг номлари ва қиммати ҳам ҳар хил бўлган. Олтиндаи зарб этилган пул – тилла, кумушдан ясалган пул – танга, мисдан ясалган пул эса ямок – ёки чака пул деб юритилган. Бу пулларнинг вазни оғирлиги қуйидагича бўлган:

Тилла пулнинг оғирлиги – 3,6 грамм;

Кумуш танганинг оғирлиги – 1,8 грамм;

Мис пулнинг оғирлиги – 3,6 грамм.

Хуллас, шарқона ўлчов турлари шу қадар кўп ва ранг-баранг бўлиб, манбалар асосида чуқур этнографик изланиш – илмий тадқиқотларни олиб бориш тақозо қилинади. Биз юқорида қайд этган ўлчов бирликлари ёки уларнинг ҳар бирига тааллуқли бўлган ўлчам-миқдор даражалар анча баҳс ва мунозараларни туғдириши табиий. Чунки, баъзи ўлчовлар (масалан, ботмон, мисқол) Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида турлича миқдорда қўлланилган, тарихий ва бадий адабиётларда ҳам ҳар хил талқин этилган.

Шундай бўлсада, эътироф этиш керакки, шарқона ўлчовлар ва уларнинг қўлланилиши ҳақидаги маълумотларни ўрганиш ўлка тарихи ва туризмни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1998.
4. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: 1992.
5. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 .
10. Ўзбекистонда туризм ривожланишнинг 2005 йилгача бўлган давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 15.04.1999 йилдаги ПФ-№2286 Фармони // Халқ сўзи. 1999 йил 16 апрель.
11. Каримов И. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.
12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон, 2008.

II. Илмий ва методик адабиётлар

13. Абдулахатов Н., Эшонбобоев О. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. Фарғона, 2007.
14. Абулғозий. Шажараи турк. Т., 1992.
15. Алимов И., Эргашев Ф., Бўтаев А. Архившунослик. Т., 1997.
16. Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи. Т., 2007
17. Алимова Д.А., Буряков Ю., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи. Т.: ART FLEX, 2009.
18. Амир Темури Жаҳон тарихида. Т.: Шарқ, 2001.
19. Асқаров А. Ўзбекистон тарихи. Т.: Ўқитувчи, 1994.
20. Асқаров А. Сапаллитепа. Т.: Фан, 1973.
21. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Т.: Университет, 2007.
22. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т., 1994.
23. Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. Т.: Иби Сино, 2002.
24. Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология. Т., 2008.
25. Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. Т.: Маънавият, 1998.
26. Бердимуродов А. Гўри Амир макбараси. Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашр., 1996.
27. Бобобеков Ҳ.Н. ва б., Ўзбекистон тарихи. Т., 1994.
28. Бобур Заҳириддин Муҳаммад, Бобурнома, Т.: Ўқитувчи, 2008.
29. Бухорий Садриддин Салим. Табаррук зиёратгоҳлар. Т.: Ёзувчи, 1993.
30. Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбааларида Марказий Осиё. Т.: Ўзбекистон, 1997.
31. Дўсимов Ў. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. Т., 1996.
32. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. Т.: Ўқитувчи, 2003.
33. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: Ўқитувчи, 1994.
34. Жалолиддин Мангуберди. Т.: Шарқ, 1999.
35. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Т.: Қомус, 1996.
36. Зоҳидов П.Ш. Меъмор санъати. Т.: Ғафур Ғулом., 1978.
37. Иномов И. Ўзбекистоннинг янги шаҳарлари. Т.: Меҳнат, 1991.
38. Исломов Ў., Мирсоатова С. Ўзбекистон ибтидоий археологиясини ўрганишда академик Яхё Ғуломовнинг роли. Т., 2009.

39. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. Т.: Фан ва технология, 2004.
40. Кабиров Ж., Сағдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т., 1990.
41. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т., 2004.
42. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топоимлари. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.
43. Матюшин Г. Историческое краеведение. М., 1987.
44. Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т.: Адолат, 2004.
45. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. Т., 1994.
46. Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. Т.: Ўқитувчи, 1996.
47. Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати (Ўзбекистоннинг жанубий туманлари). Т.: Ўқитувчи, 1988.
48. Охунов Н. Жой номлари таъбири. Т.: Ўзбекистон, 1994.
49. Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Т.: Энциклопедия, 1996.
50. Пугаченкова Г.А., Ремнелъ Л.И. Очерки искусства Средней Азии. М., Искусства, 1982.
51. Раҳимов Ж. Ўзбекистон тарихини ўрганганда архив манбаларидан фойдаланиш. Т.: 1995.
52. Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т.: Университет, 2004.
53. Сағдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. Т.: 1996.
54. Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар (1-қисм). Т.: Ўқитувчи, 1993.
55. Сурхондарё. Альбом. Т.: Қомус, 1996.
56. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: Энциклопедия, 2001.
57. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-3 қисмлар. Т.: Шарқ, 2000.
58. Ўзбекистон гуллаган диёр. Т., “Маънавият”, 2010.
59. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Жилд 12. Т., “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” 2006.
60. Ўлжаева Ш. Музейшунослик. Т.: Университет, 2002.
61. Чориев З., Шайдуллаев Ш., Аннаев Т. Ўзбекистон худудида ёзувинг пайдо бўлиши. Т.: 2007.
62. Хива минг гумбаз шаҳри. Т.: Шарқ, 1997.
63. Шаҳрисабз минг йиллар мероси. Т.: Шарқ, 2002.

III. Интернет сайтлари

64. www.peugeotufa.ru <<http://www.peugeotufa.ru>> – цены услуг
65. www.bashepro.ru – выставки, конференции.
66. www.stat.uz – демографик маълумотлар.
67. www.interunion.ru <<http://www.interunion.ru>> – туристические ассоциации.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. Тарихий ўлкашунослик ва туризмнинг ривожланиши, асосий манбалари ва ёзувлар тарихи	
1-мавзу: “Тарихий ўлкашунослик ва туризм” фанининг предмети, ривожланиш боскичлари	9
2-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмнинг асосий манбалари. Археолог ва ўлкашунослар фаолияти	25
3-мавзу: Мамлакатимизда ўлка тарихининг ўрганилиши	46
4-мавзу: Ёзувлар тарихи	62
II боб. Ўзбекистонда туризмнинг ривожланиши	
1-мавзу: Туризмнинг шаклланиш омиллари ва манбалари	71
2-мавзу: Ўзбекистон ва халқаро туризм	86
III боб. Тарихий ўлкашунослик ва туризм тараққиётида этнография, топонимика, архивлар ва музейшуносликнинг роли	
1-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмда этнографиянинг аҳамияти...	108
2-мавзу: Ўлкашунослик ва туризмнинг асосий манбаларидан бири – топономика - 129	
3-мавзу: Ўзбекистон вилоятларининг тарихий-меъморчилик ёдгор- ликлари	162
4-мавзу: Ўлка тарихи ва туризмни ўганишда архивларнинг ўрни	179
5-мавзу: Ўлка тарихи ва туризмни ўганишда музей экспонатлари ва ўлкашунослик тўғараклари	187
ХУЛОСА	198
<i>Илова</i>	201
<i>Адабиётлар рўйхати</i>	218

26.89

X-98

Хўжамов, Мамаражаб.

Тарихий ўлкашунослик ва туризм: бакалавр таълим йўналиши: 5111600-Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими / М.Хўжамов, М.Лафасов, Р.Мулладжанова; масъул муҳаррир Э.Қосимов; ЎзР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2014. – 224+8 б.

И. Лафасов, М. П. Мулладжанова, Р.

УДК: 94(575.1)
ББК 26.89+65.433

ISBN 978-9943-398-53-5

Қўлланмани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган, қўмаклашганларнинг барчасига, шунингдек, Ўзбектуризм Миллий компаниясига, ҳамда тадқиқотчи олим-педагог Суюн Қораевага муаллифлар ўзларининг самимий миннатдочиликларини изҳор этадилар.

Илмий-адабий нашир

Наширёт мухарири: Файзи Шохисмоил
Мусаххиха: Камола Болтабоева
Техник мухарири: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамияти
наширётти

Наширёт лицензияси А1 № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 21.05.2014
Босишга рухсат этилди 12.06.2014
Қоғоз бичими 60x84 ¹/₃₂. Оффсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-наширёт тобоғи 11,0.
Шартли босма тобоғи 14,5. Адади 150.
Баҳоси келишилган нархда

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.